



ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ  
ТАРИХИДАН: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ ТАРИХИДАН: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ



ISBN 978-9943-4395-9-7



9 789943 439597

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ  
ПРОФЕССОР РОЗИЯ МУКМИНОВА НОМИДАГИ  
РЕСПУБЛИКА ТАРИХЧИЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЧИЛИК  
ХИЗМАТИ ТАРИХИДАН:  
ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ**

*Республика илмий-амалий конференция  
материаллари тўплами*

«Адабиёт учкунлари»

Тошкент-2016

УДК: 738 (072)

ББК: 37.246

Ушбу тўпламга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Тарих институтида бажарилаётган И1-ФА-Г003 ИЗ-2015-0907175446 «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Тарих институти илмий кенгашининг 2016 йил 15 сентябрдаги 12-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррирлар:**

т.ф.д. А.М.Отахўжаев

т.ф.н. Н.Ў.Хидирова

**Таҳрир хайъати ва нашрга тайёрловчилар:** т.ф.д., проф. Г.А.Агзамова, т.ф.н. Ҳ.М.Мамадалиев, т.ф.н. Н.А.Аллаева, т.ф.н. Ш.Ю.Маҳмудов, М.Б.Шамсиев, Н.Н.Гулбоев.

ISBN 978-9943-4395-9-7

© «Adabiyot uchqunlari», 2016 йил.

**Сўз боши**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўтмиш тарихимизни тиклаш, уни ҳар томонлама чуқур ва атрофлича ўрганишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Бугунги кунга келиб, ўзбек давлатчилиги тарихининг кўплаб соҳаларида чуқур тадқиқотлар амалга оширилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Тарих институтида бажарилаётган «Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар» мавзусидаги инновацион лойиҳасини ана шундай тадқиқотлар сирасига киритиш мумкин.

Бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистон ўзининг нафақат ички, балки ташқи сиёсати билан ҳам бошқа давлатларга ўрнатилган даражадаги ишларни амалга оширмоқда. Бунда ташқи алоқаларнинг муҳим тамойиллари, жумладан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш каби жиҳатлар асос қилиб олинган<sup>1</sup>. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстона алоқаларини кенгайтириб, мустақамлаб борар экан, халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлди, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёда ўзига хос «ўзбек дипломатия»сини шакллантиришга хизмат қилди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 25 йил давомида олиб бораётган ташқи сиёсатида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Тошкент. 1997. 296-297-бетлар.

эришилган улкан ютуқлар нафақат умумбашарий тамойиллар, балки Ўзбекистон давлатчилигининг кўп асрлик тарихий тажрибасига таянишнинг маҳсулидир. Шу жиҳатдан, ўз ҳаётини Марказий Осиёнинг ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишлаган йирик олима, профессор Розия Мукминова хотирасига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий Республика тарихчилар илмий конференцияси материаллари бу борадаги билимларимизни ва тасавурларимизни бойитишга ёрдам беради. Ушбу тўпламда Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихи, унинг муҳим босқичлари ва тартиб-қоидаларини ҳамда ўрта асрларда ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг кўшни мамлакатлар билан олиб борган ўзаро дипломатик муносабатларига доир тадқиқотларни ўз ичига олган илмий мақолалар жамланган. Унда асосий эътибор «элчилик хизмати», яъни хорижий элчиларни кутиб олиш ва қабул қилиш маросимлари ҳамда турли дипломатик этикет, шунингдек, элчиларни тайёрлаш, уларга қўйилган талаблар, элчининг шахси ва маҳорати каби масалаларни бирламчи манбалар асосида очиб беришга қаратилган.

## ҚАДИМГИ ХОРАЗМДА ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Р.Матниёзов

Қадимда бугунги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган илк давлатлар ўз давлатчилик асосига, маъмурий тузилиши ва бошқарув услубига эга бўлган. Марказий Осиёдаги ана шундай илк давлатлардан бири қадимги Хоразм давлати эди. Бу борада Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «...Хоразмнинг шонли тарихи бизда ўтмиш меросимиз билан ҳақли равишда фахрланиш туйғусини уйғотади. Чунки Хоразм тарихи ўзбек давлатчилиги тарихининг узвий қисмидир, унинг қудрати ва қадимийлиги тимсолидир»<sup>1</sup>.

Хоразм номи илк маротаба зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестода келтирилган. Авестонинг Меҳр-яшт қисмида атрофи баланд тоғлар билан ўралган Ориёнвейж ўлкаси, унинг серсув дала ва ўтлоқлари, тубсиз кўл ва тошқин дарёлари тасвирланади. Авестонинг Яшт X, 13-14 бандларида Суғд, Марв ва Хоразм воҳалари дарё бўйида жойлашгани, мазкур воҳаларнинг мард ва жасур жангчилари борлиги таъкидланади. Хоразм номи Авесто китобида хвайри-зём шаклида келган<sup>2</sup>.

Хоразм ва хоразмийлар ҳақидаги маълумотлар милoddан олдинги VI асрларга доир тош китобаларда ҳам келтирилган. Эроннинг Кирмон шахри яқинидаги Бехустун, шунингдек Истахр шахри ёнидаги Нақши Рустам қоятошларига Доро I (521-486) қадимги форс миҳхати билан (аккад, элам ва қад. форс

<sup>1</sup> Каримов И.А. Метин ироджали инсонлар юртига эҳтиром (Хоразм вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ, 1999 йил 24 декабрь). Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: 2000. 243-бет.

<sup>2</sup> Соколова В.С. Авеста (Опыт морфологической транскрипции и перевод). – СПб., 2005. – С. 227-228.

тилларида) ёздирган матнларда Хоразм аҳмонийларга тобе ўлка сифатида тилга олинади<sup>1</sup>.

Антик давр юнон ва латин тилларида ёзилган манбаларда ҳам қадимги хоразмийлар ҳақида маълумотлар бор. Милоддан аввалги VI-V асрларда яшаган юнон тарихчиси ва географи Милетлик Гекатей ўзининг «Генеология» асарида массагетлар маликаси Тўмарис ҳамда Эрон шоҳи Кир ўртасида бўлиб ўтган жанг тафсилотини келтиради. Юнон тарихчиси Геродот (милоддан аввалги V аср) «Тарих» китобида хоразмийларни аҳмонийлар давридан аввал гирканлар, парфияликлар, дранглар ва таманайларнинг ҳудудлари билан туташган кенг ўлкада яшагани тўғрисида хабар беради. Геродотга кўра, Хоразм аҳмонийларга парфиён, суғд ва арийлар билан бирга 300 талант ўлпон тўлаган. Булар биргаликда аҳмонийларга тобе бўлган 16-сатрапликни ташкил қилган<sup>2</sup>. Геродот Осиёда ҳамма томони тоғлар билан ўралган ва бу тоғларнинг орасидан ўтувчи 5 та довонга эга водий борлигини, бу водий қачонлардир хоразмийларга тегишли бўлганлигини ёзиб қолдирган<sup>3</sup>. Муаллифнинг сўзларига қараганда, ўша водий хоразмийлар, гирканлар, парфиёнлар, саранг ва фаманейларнинг ерларига чегарадош бўлиб, ундан Акес номли катта дарё оқиб ўтар экан. Ушбу дарё 5 та ирмоққа ажралиб, ҳар бир ирмоқ битта довон орқали водийга кирар ва юқорида номлари зикр қилинган халқлар ушбу ирмоқлар орқали ўз ерларини суғорар эканлар. Лекин, мазкур халқлар форслар исканжаси натижасида қийин аҳволга тушиб қоладилар. Форслар шоҳи ҳар бир довондаги ирмоққа тўғон қуришга буйруқ беради. Натижада, ушбу дарё ирмоқларидан ўз ерларини

<sup>1</sup> Биринчи устун. 12-13 қатор. Қаранг: Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н. э.). – М., 1963. – С. 262.

<sup>2</sup> Геродот. История в девяти томах. III. – М., 1999. – С. 93.

<sup>3</sup> Геродот III. – С. 117.

суғоришда фойдаланадиган қабилалар, сувсизликдан қийнала бошлайдилар. Сувсизлик ва қурғоқчиликдан қийналган қабилаларнинг вакиллари ўз рафиқалари билан Форсга бориб, шоҳ саройи олдида қаттиқ овозда нола қиладилар. Шундан сўнг, форсларнинг шоҳи тўғонни очишга буйруқ беради. Геродот, форсларнинг шоҳи бунинг эвазига юқоридаги қабилалардан каттагина маблағ (ўлпон) ҳам олишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Яна бир юнон тарихчиси Страбон ўзининг «География» асарида хоразмийларнинг массагетларга мансуб эканлигини айтиб, уларнинг урф-одати ва тили ҳақида маълумот беради. Милоддан аввалги 545 ва 539 йиллар оралиғида Эрон шоҳи Кир Хоразмни Дрангиана, Маргиёна, Суғдиёна, Бактрия, Арея, Гедросия, хаумаварг скифлари, Саттагидия, Арахосия ва Гандхора билан бир вақтда ўзига бўйсундиради.<sup>2</sup> Лекин, милоддан олдинги 530 йили Эрон шоҳи Кир Амударёнинг шарқий томонида массагетлар билан бўлган жангда халок бўлади. Манбаларга кўра, унинг 200000 минг кишилик қўшини ҳам халок бўлган.<sup>3</sup> Бу воқеа асосида Тўмарис ҳақидаги афсона юзага келган. Юқоридагилардан ва айрим тадқиқотчиларнинг фикридан<sup>4</sup> маълум бўладики, қадимги Хоразм-Аҳмонийлар давлатидан ҳам олдинроқ давлат сифатида шаклланган.

Эроннинг Персеполь шаҳри яқинидаги Нақши Рустам қоятош рельефида Марказий Осиёлик халқлари вакилларининг тасвири бизга Эрон ва Турон ўртасидаги элчилик хизмати бўйича илк тасаввурларни беради. Жумладан, хоразмий, парфиёний ва суғд элчиларининг кийимлари ва қуроллари анча қизиқиш уйғо-

<sup>1</sup> Геродот III. – С. 118.

<sup>2</sup> Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н. э.). – М., 1963. – С. 106.

<sup>3</sup> Ўша асар. – С. 115.

<sup>4</sup> История иранского государства и культуры. – М., 1971. – С. 16; Иванов В.А. «Широкий арийский Простор» и «Бактро-Согдийский Дом» // Central Asian Studies. Volume 8. 2003. – P. 83.

тади. Ўлпон тўлашга келган хоразмий вакил-элчилар Персеполдаги қоятош рельефда 17-ўринда қилич, билакузук ва отлар билан тасвирланган.<sup>1</sup>

Милодий II асрда яшаган македониялик ёзувчи Полиеннинг «Стратегмалар» асарида Эрон шоҳи Доронинг саклар устига юриши воқеалари акс этган бўлиб, бу ўз навбатида «Широк» афсонасининг пайдо бўлишига олиб келган эди. Милоддан олдинги ва кейинги даврларда яшаб ўтган Ксенофонт, Полибий каби юнон ва Курций Руф, Арриан сингари рим тарихчиларининг асарлари асосан Эрон шоҳи Кир ва македониялик Искандарнинг юришлари ҳақида бўлиб, уларда қадимги Хоразм давлатидаги элчилик хизмати ҳақида ҳам муҳим маълумотлар акс этган.

Арриан маълумотларига кўра, милоддан аввалги 328 йили македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга юриши чоғида хоразмийлар шоҳи (Χώρα ζμίων βαζιλευς) Фарасман (Φαρα ζμάνης) 1500 кишилиқ отлиқ қўшини билан Александрнинг қароргоҳи жойлашган Бактра шахрига келган ва у билан иттифоқчилик битими тузган. Фарасман Александрга қолган Шимолий Қора денгиз сохилларига, у ердан Колхидага биргаликда ҳарбий юриш уюштириш таклифи қабул қилинмаган бўлсада<sup>2</sup>, икки ўртада ўзаро «дўстлик» ва ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида иттифоқ тузилган. Ушбу эллинистик ҳуқуқий қоида кейинчалик Рим халқаро ҳуқуқи томонидан ўзлаштирилган. Юстиннинг маълумоти бўйича, Александр шарқдаги шоҳларни уларнинг ўрнига қараб ё иттифоқ тузарди, ёки уларни тахтдан олиб бошқасини шоҳ этиб тайинларди<sup>3</sup>. Александр Бактрияга ҳоким қилиб тайинланган форс Артабазни Фарасманга топширади ва ўзи Ҳиндистонга юриш қилмоқчи эканлигини айтади. Рим тарихчиси Флавий Арриан (тахм. 95-175 йиллар ўртаси)

<sup>1</sup> Дандамаев А.М., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М., 1980. – С. 195.

<sup>2</sup> Арриан Квинт Эппий Флавий. Поход Александра. Книга. IV. 15, 4.

<sup>3</sup> Юстин, Эпитома сочинения Помпея Трога. Книга XI. 10, 7.

нинг бизгача македониялик Александрга бағишланган VII китобдан иборат «Александрнинг юриши» номли асари етиб келган. Ушбу муаллифнинг юқоридаги маълумоти кўплаб китоблар, энциклопедия ва маълумотномаларга, хусусан ўқув дарсликларига киритилган. Аммо, македониялик Александрнинг Хоразм шоҳи элчилари билан учрашуви тўлиқ ўрганилган эмас. Бизга бу борада қўшимча маълумот берувчи манба қадимги Рим тарихчиси ва нотиғи Квинт Курций Руф (I-II асрлар)нинг «Александр Македонский тарихи» асари ҳисобланади.

Курций Руфга кўра, Александр Мароқанд шахрида бир гуруҳ элчиларни қабул қилади. Жумладан, скифлар 20 кишидан иборат элчилар гуруҳини юборадилар<sup>1</sup>. Скифлар ва македонлар ўртасида кичик жанг бўлиб ўтгач, саклар ҳам Александрга содиқлик билдириб элчи юборадилар<sup>2</sup>. Александр сакларнинг элчиларини муносиб кутиб олади ва саклардан бўлган асирларни озод қилишга фармон беради. Александр сугдларни иккинчи маротаба бўйсундиргач, Мароқанд шахрига қайтиб келади. Шу ерда унинг буйруғи билан Босфор скифлари юртига элчи бўлиб кетган Берда скифларнинг элчилари билан келиб қолади. Шу орада қўшни массагет ва даҳлар<sup>3</sup> билан бирлашган хоразмийларнинг ҳукмдори Фратафарннинг элчилари ҳам ўз содиқлигини билдириб ташриф буюришади. Скифларнинг элчилари Александрга ўз шоҳларининг қизини хотинликка олишни таклиф қиладилар. Элчилар, агарда Александр бундай қариндошлиқ риштасини ўзига лойиқ деб билмаса, унда зодагон македониялик амалдорлардан бирини скиф халқининг аслзода аёлларидан бирига уйланишига изн беришини сўрайдилар. Скиф элчилари, шунда уларнинг шоҳи Александрнинг

<sup>1</sup> Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. Книга VII. глава 8. 1993. – С. 159.

<sup>2</sup> Квинт Курций Руф. – С. 162.

<sup>3</sup> Каспий денгизининг шарқида яшовчи эроний тилли кўчманчи қабила. См. Квинт Курций Руф. – С. 254.

хузурига келишини айтадилар. Александр скиф ва хоразмий элчиларининг ҳар иккаласини ҳам эҳтиром билан тинглайди<sup>1</sup>.

Суғдлар ҳокими Спитамен хоинлик натижасида ўлдирилгач, даҳлар Александрга ўзлари таслим бўладилар. Александр вилоятлардаги ноибларини уларнинг ўз қўл остидагиларга нисбатан очкўзлик ва кибр натижасида кўрсатган жабри учун жазолайди. Шундай қилиб Александр Гирканияни, шунингдек, мордларни<sup>2</sup> тапурлар<sup>3</sup> билан биргаликда Хоразм шоҳи Фратафарнга топширади. Александр бу борада Фратафарнга мактуб битиб Парфия ҳокими Фрадатни соқчилар кўриқчилигида жўнатишни сўрайди. Унинг ўрнига ҳам Фратаферн ўтиради<sup>4</sup>. Фрадат бироз вақт ўтгач, Александр тахтига кўз олайтираяпти деган айб билан қатл қилинади<sup>5</sup>. Кейинчалик Александрнинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришида скиф, даҳ<sup>6</sup>, бақтрия, суғд<sup>7</sup> аскарлари ҳам қатнашадилар. Александр скиф, суғд ва бақтрияликларни ўзининг собиқ душманлари деб атайди<sup>8</sup>. Ҳиндистонда очлик ва оғир аҳволга тушиб қолган, мусибат ва уятдан эзилган Александр парфиёнийларнинг сатрапи Фратафарнга туя карвонида қуруқ озиқ - овқат жўнатишни сўраб ўз одамларини жўнатади<sup>9</sup>. Фратафарн ва бошқалар ёрдамида Кедросия худудида очлик чекинади<sup>10</sup>.

<sup>1</sup> Квинт Курций Руф. – С. 167.

<sup>2</sup> Мидия ва гирканида яшовчи жанговар тоғлик қабила. См. Квинт Курций Руф. – С. 250.).

<sup>3</sup> Гиркания ва Атропатен (ҳоз. Эрон Озарбайжони)да яшовчи қабила. См. Квинт Курций Руф. – С. 259.

<sup>4</sup> Квинт Курций Руф. – С. 174-175.

<sup>5</sup> Ўша асар. – С. 228.

<sup>6</sup> Ўша асар. – С. 197.

<sup>7</sup> Ўша асар. – С. 204-205.

<sup>8</sup> Ўша асар. – С. 205.

<sup>9</sup> Ўша асар. – С. 224.

<sup>10</sup> Аррианга кўра (VI. 27.3), Гиркания ва Парфиянинг сатрапи Фратафарнинг

Кўринадики, Курций Руфнинг фикрича, хоразмийлар шоҳининг номи Фратафарн экан. Фратафарн, Аррианга кўра бир ўринда, парфиён, гиркан ва тапурлардан иборат суворийларни Дорога ёрдам бериш учун олиб келади<sup>1</sup>. Арриан яна бир ўринда Фарисманни (Фарасман деб ўқилсин) Парфия ва Гирканиaning сатрапи Фратафарннинг ўгли сифатида кайд қилади<sup>2</sup>.

Мазкур чалкашликлар оқибатида, айрим мақола ва монографияларда Фарасман ва Фратафарнни бошқа-бошқа одам сифатида ёки Фарасман билан Фратафарннинг иккаласини бир одам деб ҳисоблаш ҳолати кузатилмоқда. Бизнингча, хоразмийлар шоҳи Фарасман Парфия ва Гирканиaning собиқ сатрапи Фратафарннинг ўгли бўлиши мумкин. Бу борада тарихчи мутахассислар махсус излашлар олиб борадилар, деб ишонамиз.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Александр Эронни ишғол қилиб, Марказий Осиёга ҳарбий юриши давомида маҳаллий халқлар томонидан қаттиқ қаршиликка учраган. Бақтрия ва Суғдиёнада олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида кўп талофат кўрган Александр сак, даҳ ва скиф қабилалари билан яқин алоқада бўлган Хоразм давлати билан ҳарбий иттифоқ тузишга мажбур бўлади. Мазкур келишувга кўра, аҳмонийларнинг Парфия, Гиркания сингари собиқ сатрапликлари Хоразм давлатига қўшиб юборилади.

Шунингдек, даҳлар, морд ва тапурлар ҳам Хоразм ҳукмронлиги остига ўтадилар. Назаримизда, Хоразм шоҳи келишувга мувофиқ, ўз зиммасига Александрнинг Ҳиндистонга юриши давомида жанговар скиф, сак ва амазонкалар ҳужумини қайтариш вазифасини олган бўлиши мумкин.

Ўзи озиқ овқат ортилган туя карвонини жўнатган. Арриан Квинт Эппий Флавий. – С. 269. Яна қаранг: Диодор (105. 7.). – С. 338.

<sup>1</sup> Арриан Квинт Эппий Флавий. Китоб III, 8-боб, 4.

<sup>2</sup> Ўша асар. Китоб VI, 27-боб, 3.

**Резюме.** В данной статье на основе материалов исторических источников анализируются некоторые детали дипломатических связей и союзнчества царя Хорезма Фарасмана (IV в. до н.э.) с Александром Македонским в 328 г. до н.э.

**Summary.** Based on materials of historical sources the article is analyzed some details of diplomatic relations and the alliance of the king of Khorezm Farasman with Alexander the Great in 328 BC.

## АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

т.ф.д. А.М.Отахўжаев

Ўзбекистон давлатчилиги тарихида илк ўрта асрларни ўрганиш ўзига хос тадқиқотни талаб этади. Мазкур даврни ўрганишда ёзма манбалар ва археологик материаллардаги маълумотларни қиёсий таҳлил этиш орқали кўрилаётган муаммога аниқликлар киритиш имконияти мавжуд.

Дипломатик институтлар ва муносабатлар тарихи илк ўрта асрлар даври учун ҳудудий жиҳатдан Марказий Осиёнинг барча минтақаларини қамраб олади. Шу боис масаланинг нафақат умумий сиёсий тарихини, балки географик яхлитлигини ҳам назарда тутиб тарихий воқеаларни ёритиш зарур бўлади. Бу эса манбаларни таҳлил этишда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг геосиёсий ўрнига баҳо бериш, минтақадаги интеграцион жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишни тақазо этади.

Мил.авв. IV аср – милодий VIII аср биринчи ярмини қамраб олган дипломатик институтлар ва муносабатлар муаммосини ёритувчи манбаларни шартли равишда иккита даврга: 1) антик даврга оид манбалар; 2) илк ўрта асрлар даврига оид манбаларга бўлиш мумкин.

Бу манбалар тил жиҳатидан: қадимги юнон, хитой, суғдий, қадимги туркий, араб ва форс тилларидаги манбаларга бўлинади.

Хусусан, антик давр (мил.авв. IV аср - милодий IV аср) дипломатик муносабатлари муаммоларини очиқ берувчи манбаларни археологик материаллар ва ёзма манбаларга ажратиш мумкин.

Антик даврда Марказий Осиё минтақасида кечган мураккаб сиёсий жараёнлар натижасида шаклланиш босқичига кира бошлаган дипломатик муносабатлар давлатчилик эволюциясида ўзига хос дебоча ҳисобланади. Зеро, ўзбек давлатчилиги шаклланишининг дастлабки босқичида дипломатик алоқалар бир қадар соддароқ кўриниш касб этган. Бу ўша даврга хос жиҳатлар, яъни минтақада кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий жараёнлар билан узвий боғлиқ эди. Қолаверса, манбалар таҳлилига кўра, тарихи, тақдири, маданияти, дини ва урф-одатлари яқин бўлган Марказий Осиё халқлари – ўтроқ ва кўчманчи маданият вакилларининг ички – ўзаро ва ташқи – хориж билан ўрнатган муносабатларида қатъий тамойилга амал қилган, яъни улар бир ҳудудда тинч-тотув, бир-бирларининг ҳаётига даҳл қилмай яшаб келганлар ва душманга қарши курашда ҳамжиҳат бўлганлар.

Манбаларда келтирилган маълумотлар таҳлили халқлар ва давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар, минтақавий ҳамда умумжаҳон аҳамиятини касб этганлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Хусусан, антик давр муаррих, географ ва адиблари ўрганилаётган масалага оид бир қатор маълумотлар қолдиришган.

Манбаларга кўра, минтақада яшаган турли қабила ва элатлар ўзаро ҳамда қўшнилар билан муносабатларда ички ва ташқи вазиятга ниҳоятда эътибор билан баҳо беришган. Элчилар ким билан қай йўсинда музокара олиб боришни ҳам яхши билишган. Шу боис, уруғ ёки қабила ичидан иқтидорли ва би-

<sup>1</sup> История государственности Узбекистана: В 3-х томах. Том. I / Авт.: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимova и др. – Ташкент. 2009. – С. 425.



лимли шахслар музокаралар ўтказиш учун дипломат сифатида танланган. Улар нафақат нуфузли тоифа вакиллари, балки билимли ва сўзамол нотиклар бўлишган. Чунки ҳали ёзув маданияти кириб келмаган ҳудудларда оғзаки нутқ маданиятига катта эътибор қаратилган. Антик муаллифлардан бири Квант Курций Руф ўзининг «Александр Македонский тарихи» аса-рида скифлар, яъни сакларнинг нутқи «қатъий ва жозибадор бўлган»лигини алоҳида таъкидлаган<sup>1</sup>. Унга кўра, Александр ҳузурига ташриф буюрган 20 нафар скиф (сак) элчилиги вакиллари довурак ва кўркмас, чуқур мулоҳазали донишманд бошқарган. Александр олдига келган элчилар бошлигини скиф оксоқоллардан бири ёки қабила сардорларининг маслаҳатчиларидан бири эди, дейиш ҳам мумкин. Элчилар бошлиғи минтақада бўлаётган вазиятдан тўла бохабар бўлган. Ҳатто Александрни ўйлаб иш қилишга ундаган. Ўз навбатида Александр ҳам скифлар билан эҳтиёткор муносабатда бўлиб, уларнинг кучига тўғри баҳо берган. Яъни Квинт Курций Руфга кўра, Александр скифлар билан мулойим гаплашиб, улар ҳузурига ўзининг яқин кишиси Пендани элчи қилиб юборган<sup>2</sup>. Бу скиф дипломатиясининг ютуғи эди.

Бу каби маълумотлар Аррианнинг «Александрнинг юришлари» аса-рида<sup>3</sup> ҳам учрайди. Арриан маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Александр ўз элчиларини дўстлик алоқаларини боғлаш учун эмас, кўпроқ жосуслик мақсадида юборган кўринади. Чунки элчилар келтирган ҳар бир маълумот кейинги юришлар учун замин яратган. Арриан Александр Мароканд-далигида унинг олдига келган элчиларни эслатади. Улар орасида Александрнинг ўзи скифлар ҳузурига юборган элчилари

<sup>1</sup> Квинт Курций Руф. История Александра Македонского // Перевод под ред. В.С. Соколова. – М., 1963. – С. 282.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 273, 284.

<sup>3</sup> Арриан. Поход Александра / Перевод а древнегреческого М.Е. Сергиенко. – М.-Л., 1962. – С. 33.

ҳам бўлган. Икки элчилик орасида скифларнинг сардори вафот этиб, ўрнига унинг укаси сардор бўлган ва у Александр билан муро-са қилиш учун совғалар юборган. Ҳатто у ўз кизини Александрга узатишга розилик билдирган. Бу тадбир учун скиф подшосининг ўзи ташриф буюриши мумкинлигини ҳам айтган. Аммо Александр скифларнинг бу таклифини рад қилган<sup>1</sup>. Манба дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашда ўзаро никоҳ масаласи ҳақида муҳим маълумот беради.

Аррианга кўра, мил.авв. 329-328 йилларда Александр Марокандда Хоразм подшоси Фратафарн (Фарасман унинг ўғли бўлган деб таҳмин қилинади) элчилигидаги беш минг отликдан иборат гуруҳни қабул қилган<sup>2</sup>. Хоразм подшоси унга бўйсунушни эмас, балки иттифоқчи бўлишни таклиф қилган. Фратафарн билан Александр ўзаро яхши муносабатларни сақлаб қолган.

Мил. авв. II–III асрлардан тарих саҳна-сига Кушон ва Қанғ каби давлатлар чиқди. Уларнинг дипломатияси элчин даври алоқаларининг давоми эди. Аммо эндиликда Ўрта Осиё давлатлари ўзга халқларга тобе сифатида эмас, балки ўз юртларининг эгалари сифатида дипломатик алоқаларга киришганлар. Антик даврдаги соддалик, қайсарлик ўрнини, мулоҳазакорлик, эҳтиёткорлик, тадбиркорлик хислатлари эгаллади. Бу давр дипломатлари ўз ўтмишдошларидан билим ва савия борасида анча илгариланган. Бунга Буюк ипак йўли бўйлаб олиб борилган фаолият ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Дипломатия соҳасига савдогарлар, тадбиркорлар ва руҳонийлар тортилган. Бу даврда халқ дипломатиясидан давлатлараро дипломатияга ўтилди. Дипломатик институтларнинг шаклланишига эҳтиёж кучайди. Қолаверса, Буюк ипак йўли Рим, Парфия, Кушон, Қанғ ва Хан давлатлари ўртасида сиёсий ва иқтисодий манфаатлар кураши майдонига айланган эди.

Хитой манбалари ҳам масалага оид қизиқарли маълумотлар

<sup>1</sup> История государственности Узбекистана: В 3-х томах. Том I. – С. 429-430;

<sup>2</sup> Ўша асар. Том I. – С. 131. Манба: Арриан. Поход Александра. – С. 147.

Хитой манбалари ҳам масалага оид қизиқарли маълумотлар қолдирган. Хан империяси даврида (мил.авв. 206-233 йиллар) Хитойдан Ўрта Осиёга биринчи бўлиб келган элчи Чжанг Чян (мил.авв. 114 й. вафот этган) бўлган. Умуман олганда, Хитой маъмурлари бундай элчиларга элчилик вазифасини бажариб бўлгач, «буованг-хуо» («узокни кўрувчи – билимдон тўра») унвонини беришган.

Эфталийлар давридаги (420-579 йиллар) дипломатик муносабатлар ва институтлар масаласи византий ва хитой манбаларида ўз аксини топган. VI аср Византия тарихчиси Прокопийга кўра, оқ хуннлар, хитой манбаларига кўра, улуғ явчил (хунн)лар, V аср арман тарихчиларига кўра ҳайталлар кушонлардан фаркланмаган. Эфталийлар Хоразм, Суғд, Бактрия, Чоч, Фарғонани ўз тасарруфига олиб, минтакани Сосонийлар тажовузидан ҳимоя қилган. 516 йилда эфталийлар ўз элчиларини Чанжан (Янцзи)га, Лоян сулоласи (502-557) хузурига юбориб, Хитой давлати билан дўстона алоқа ўрнатган. Аммо Турк хоқонлигининг пайдо бўлиши улар сиёсатига жиддий таъсир этган.

Бу даврда Шимолий Вэй сулоласи (385-534) ҳукмдорларининг Ўрта Осиёга кизиқиши ортган. VI асрга оид «Вэй шу», «Тунгдян» ва VII асрга оид «Бэйши» солномаларида айнан ўша даврда Хитойнинг Чоч – Чжэшэ (Чиачиат)<sup>1</sup>, Фарғона давлати – Дай-юан билан алоқалари ўз аксини топган<sup>2</sup>.

Умуман, антик ва эфталийлар даври дипломатиясидан ташқари Хитой манбаларида Ўрта Осиё билан алоқаларнинг Турк хоқонлиги, араб истилоси даври ҳақида ҳам маълумотлар учратамиз. Тахминан 990-1007 йилларда ёзилган «Тайпинг хуанюй жи» («Тинчлик ўрнатилган замин баёни») манбасида ҳам

<sup>1</sup> Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // O'zbekiston tarixi. – 2005. – № 2. – С. 3-18.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений. О народах, обшивших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Т. II. 1950. – С. 260, 321-322; Ходжаев А. Фарғона Хитой манбаларида (кадимий ва илк ўрта аср ёзма ёдгорликларидан таржималар). – Тошкент. 2013. 108-109, 124-бетлар.

га янги маълумотлар ҳам киритилган. Унда келтирилишича, элчиларнинг айримлари «буованг-ху» (билимдон ҳокимлар) унвонида бўлиб, бир йилда 5-6 ва баъзан 10 мартагача элчиликка юборилган. Масофага қараб улар бир неча йилдан 8-9 йилгача сафарда бўлишган<sup>1</sup>. Бу каби ҳолатларда элчилар тақдири мураккаб кечган.

Ўша даврлардаги ўзаро келишувга кўра, Хэси йўлаги, тарихчи Ли Мин-вэй фикрича: «ўзига хос мустақил ёки ярим мустақил, барқарор ҳудуд», деб эълон қилинган ва урушлардан ҳоли этилган минтақа сифатида эътироф этилган<sup>2</sup>. Савдогар ва элчилар ҳавфсизлиги кучли ҳарбийлашган гуруҳ – чокларлар томонидан ҳимоя қилинган.

Хитой манбалари Турк хоқонлари ва ўлкалар ҳокимликлари ўртасида қардошлик алоқалари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. «Бей ши» ва «Суй шу» сономаларига кўра, Суғд ҳукмдори Ши-фу-бига (VI аср сўнги чораги) Тарду хоқон (576-603) ўз кизини узатган. «Тан шу»да келтирилишича, Суғд ихшиди Кюе-му-чжи (600-620) Тўн ябғу-хоқоннинг қизига уйланган. Кейинчалик Қора Чўрин Турк ҳам ўз кизини Кан (Самарқанд) ҳокимига турмушга берган эди<sup>3</sup>.

Яна «Бэй шу» маълумотлари хитой сайёҳи Хой Чао ва тарихчиси Сон Юн маълумотлари билан мос келиб, улар Тоҳаристон маҳаллий тегинларининг икки сулоласи – буддавийликка ҳамда дев, париларга эътикод қилгани хусусида маълумот беради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ходжаев А. Фарғона Хитой манбаларида. 127, 143-146-бетлар.

<sup>2</sup> Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. Новосибирск. 1989. – С. 36; Шавкунов Э.В. Согдийско-иранские элементы в культуре бохайцев и чжурженей // Проблемы древней истории Сибири. – Новосибирск. 1985. – С. 76-80.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 271, 311; Chavannes E. Documents sur les Tou-kieu (Turks) occidentaux // Сб. Тр. Орхонской эксп. Вып. 6. – СПб. 1903. – С. 24, 133.

<sup>4</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // Вестник

Турк хоқонлиги, Византия ва Эрон муносабатлари, Византия императори Ираклийнинг Андрей исмли элчисининг Тун ябғу-хоқон хузурига ташрифи «Агван тарихи» асарида келтирилган. 626 йилда Ираклий ва Тун ябғу-хоқон Тбилиси яқинида ўзаро учрашишган. Бу ҳақда Никифор ва Феофан қайдларида ҳам маълумотлар бор. Император ябғуни куёв қилишини ва ўз қизини унга узатишни таклиф қилган. Қизини келин қилиниши шартлашилган<sup>1</sup>.

Мусулмон манбаларида ҳам никоҳдан дипломатик восита сифатида фойдаланиш жараёни келтирилган. Жумладан, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарига кўра, сўнгги бухорхудо-лардан бири Туғшода ислом динини қабул қилиш билан бирга, ўғлига Қутайба номини берган, қизини эса Хуросон ноибни Наср ибн Сайёрга узатган<sup>2</sup>.

Хитой манбаларида Ўрта Осиё (Бактрия ва Парфия)да буддизмнинг тарқалиши ва дипломатик миссияларида роҳибларнинг ўрни масаласида ҳам маълумотлар бор<sup>3</sup>. Роҳиблар турли мақсадларда Ўрта Осиёга ташриф буюришган ва ўлка ҳақида маълумотлар қолдиришган.

Ўрта Осиё – Хитой муносабатлари «Тан шу»да бир қадар муфассал берилган. 618-626 ва 627 йиллардаги Уструшона, Бухоро ва Суғднинг биргаликдаги Хитойга элчилиги, 660 йилда Чағониён, 675 йилдаги Фарғона элчилар гуруҳининг Хитойга

древней истории. № 2. 1952. – С. 190.

<sup>1</sup> Бобоёров Ф. Тун ябғу-хоқон (рисола). – Тошкент. 2011. 16-19 бетлар.

<sup>2</sup> Наршахий Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. А.Расулов тарж. – Тошкент. 1966. 93-бет; Кадырова Т. Из истории крестьянских движений Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. – Тошкент. 1965. – С. 41.

<sup>3</sup> Литвинский Б.А. Буддизм // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Этнос, язык, религия. – М., 1992. – С. 442-443; Chavannes E. Voyage de Song Jun dans l' Udyana et le Gandhara (518-522) // BEFEO. – 1903. – P. 379-471; Ходжаев А. Китайский историк о Средней Азии // Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. – Тошкент. 1993. – С.165.

боргани келтирилган. Тан сулоласи даврида (618-907), хусусан, 627-647 йилларда Ўрта Осиё, жумладан Суғд конфедерациясидан Хитойга 9 та элчилик миссияси юборилган<sup>1</sup>.

«Шин Тангшу»да эса, 656 йилдаги Фарғона ҳукмдори Эбуочжи Тан сулоласи ҳукмдори Гаозунг хузурига элчилиги баён этилган. Шунингдек, Фарғона дудуси (тутуғи) Аляосан ҳам ҳар йили Хитойга ўз элчиларини юбориб турганлиги келтирилади. Томонларнинг ўзаро «ташриф совғалари» (хитойча чаогунг) – муносабатларни белгилашда муҳим ўрин тутган<sup>2</sup>. Қолаверса, Хитой билан дипломатик алоқаларда Ўрта Осиё мулклари яқдил позицияда бўлган.

Хитой манбаларидан бири «Тундьян»да эса Чоч давлатининг Суй сулоласи (581-618) билан дипломатик алоқаси тилга олинган<sup>3</sup>.

Манбаларда 624, 724, 726, 727, 744, 750-йиллардаги элчилик миссиялари ҳақида гап боради<sup>4</sup>. Бундан ташқари, санъат намоёндаларининг дипломатик миссиялардаги иштироки ҳам зикр этилган. Хитойга Бухоро мусиқа асбобларининг ўнга яқин тури, VII асрда Ўрта Осиё кўғирчоқ театри Хитойга кириб борган<sup>5</sup>.

Савдогарлар ва улар билан йўлга чиққан дипломатларнинг ўз манзилларига бехатар етиб олишлари чокарлар зиммасида эди. Ҳар бир мулкнинг ҳарбий саркардалари кўл остида

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 138, 260, 321-322; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. – Новосибирск, 1989. – С. 83; Кляшторный С.Г. Согдийцы в Центральной Азии (по руническим текстам) // Эпиграфика Востока. Вып. XIV. 1961. – С. 29-31.

<sup>2</sup> Ходжаев А. Фарғона Хитой манбаларида. 114-121 бетлар.

<sup>3</sup> Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников ... – С. 3-18.

<sup>4</sup> Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М., 1981. – С. 109.

<sup>5</sup> Schafer E.N. The golden peaches of Samarkand. A study of T'ang exotics. Berkley and Los Angeles. 1963. – P. 55-56; Ртвеладзе Э.В. Самарканд на Великом Шелковом пути // Самарканд шахрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Тошкент-Самарканд. 2007. – С. 110-111.

жанговар ҳаракатга лаёқатли чокарлари бўлган. Бир қатор хитой манбаларида келтирилишича, 759 йилнинг 12-ойида Хитой императори Су-цзун ўзининг Ли Хэ саройида чокарлар учун зиёфат уюштириб, ҳар бир чокарга 30 бўлакдан ипак мато – хизмат ҳақи берган<sup>1</sup>.

Хитойдан топилган археологик материаллар ҳам дипломатик институтлар ва муносабатлар масаласида муҳим ўрин тутди. Шулардан бири 2000 йилда Қадимги Хитой пойтахти Чанъан яқинидаги Тунчжоу туманидан топилган Аньцзя саркофаги ҳисобланади. Саркофаг 11 та мовий тошлавҳлардан иборат тўртбурчак оёкли ётоқ кўринишида ясалган. Ҳар бир тошлавҳ ўйма нақшлар ва расмлар билан безатилган. Унда сугдий савдогарлар ҳаётининг барча қирралари: савдо; қушлар ови, чавондозлик; базмлар ва байрамларни ўтказиш ҳамда энг қизиқарлиси Турк хоқони қароргоҳига борган Аньцзя шарафига ўтказилган қабул маросими ва диний тадбирлар тасвирланган<sup>2</sup>.

Илк ўрта асрлар дипломатик муносабатларини ёритишда Суғд ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган материаллар ва ёзма маълумотлар муҳим ўрин тутди. Шулардан бири, 1913 йилда В.Л. Вяткин томонидан очилган Афросиёб деворий суратлари ҳисобланади. Дипломатик муносабатлар ва институтлар мавзусини очишда мазкур археологик объектнинг аҳамияти бекиёсдир.

Афросиёб деворий суратлари пойтахт Самарқандда ҳукмронлик қилган Суғд ихшиди Авархуман (Вархуман) (650/655-675) саройидаги воқеалардан маълумот беради. Хусусан, ҳукмдор – ихшид Авархуман тахти кўйилган залдаги манзараларнинг умумий композициясида дипломатик муносабатлар ва маиший ҳаёт акс этган. Тасвирларда ҳукмдор тахти-

<sup>1</sup> Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 48-49.

<sup>2</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // Известия НАН РК. Средневековая археология. Серия общественных наук. №1. 2009. – С. 113-114.

ҳаёт акс этган. Тасвирларда ҳукмдор тахтининг икки томонидаги девор бўйлаб супалар жойлаштирилиб, бу супалар тантанали қабул маросимларида сарой аъёнлари ва ташриф буюрган меҳмонлар, жумладан элчилар ўтиришига мўлжалланган. Л.И. Альбаумнинг фикрича, ғарбий деворда Суғд ихшиди Вархуман (Авархуман)нинг чет эллик элчиларни қабул қилиши акс этган<sup>1</sup>. Тасвирлардаги диний ибодат А.М. Беленицкий ва Б.И. Маршаклар талқинича, аксарият ҳолларда чет эллик меҳмонлар, элчилар иштирокида ўтказилган<sup>2</sup>. Тасвирларда турли совға-саломлар кўтариб келаётган элчилар кўзга ташланади. Айрим элчиларнинг қиёфасини англаш мумкин. Пешоналаридаги шойи тасмалар лавозим ва унвонларидан дарак берувчи кокилдор жангчилар маҳаллий турк амалдорлари ҳисобланишган.<sup>3</sup> Афросиёб сарой деворнинг жанубий томонидаги суратларда, Вархуман (Авархуман) ҳузурига Чағонийн ҳукмдори Туронтош номидан келган элчи – дапирпат (мирзо) Букарзатнинг ташрифи<sup>4</sup> акс этган. Бу элчилар ўзлари билан совға сифатида Суғдга туяқуш олиб келишган<sup>5</sup>. Унинг номаси элчи чопони этагидаги 16 қаторли ёзувда акс этган. Бундан ташқари тасвирда, Хитой ва Чочдан келган элчиларни ҳам кузатиш мумкин<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Альбаум Л.И. Новые раскопки Афрасияба // Страны и народы Востока. Вып.Х. М., 1971. – С. 83-89; Гюль Э.В. Турк-суғд маданий муштараклик самараси масаласига доир // San'at. 1999. – № 3. 8-9-бетлар.

<sup>2</sup> Беленицкий А.М., Маршак Б.И. Черты мировоззрения согдийцев VII-VIII вв. в искусстве Пенджикента // История и культура народов Средней Азии. – М., 1976. – С. 85.

<sup>3</sup> Chavannes Ed. Documents sur les Tou-kiue (turcs) occidentaux. – P. 194; Мокрын В.П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VI-VIII вв. Из истории дореволюционного Киргизстана. – Фрунзе. 1965. – С. 159.

<sup>4</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент. 1975. – С. 55; Его же: Росписи Афрасиаба. Иллюстрации. – Ташкент. 1976. – табл. X. Западная стена. Деталь 1:

<sup>5</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений. Т. II. – С. 321; Бобоёров Ф. Тохаристон ябғулари тарихига доир (VII-VIII асрлар) // O'zbekiston tarixi. №3. 2003. 11-бет.

<sup>6</sup> Альбаум Л.И. Новые раскопки Афрасияба. – С. 88-89.

сарик кийимли эркакнинг икки қўлида олтин рангли бананларни кўтариб, хона тўри томон келаётгани тасвирланган. Улар эҳтимол Узоқ Шарқдан – Хитой ёки Кореядан келган элчилар бўлиши тахмин қилинади.

Бу каби манзараларни Панч хукмдорининг Панжикентдаги саройи тасвирларида<sup>1</sup>, Кушония ҳокими саройида ҳам кузатиш мумкин. Кушония саройидаги деворий тасвирда: шимолида – Хитой императорлари, шарқида – ҳинд брахманлари ва турк хоқонлари, ғарбида – форс шоҳлари ва Рим императорлари акс эттирилган бўлиб, бундай манзара бирорта бошқа жойда учрамайди<sup>2</sup>. Бу эса Кушониянинг Суғд ихшидлари қароргоҳи бўлганини исботлайди. Чунки тасвирларда Суғднинг ўз кўшнилари ва савдо шериклари билан муносабатлари акс этган. Бу Самарқанд Афросиёбидаги «элчиларни кутиш маросими»ни эслатади.

Умуман олганда, Афросиёб, Панжикент ва Кушониядаги деворий суратларда акс этган манзаралар орқали илк ўрта асрларда Суғднинг ички ва ташқи дипломатик алоқаларининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган дипломатик институтларга оид маълумотларни олиш мумкин.

Дипломатик муносабатлар масаласини суғдий тилли ёзма ёдгорликлар бир қадар тўлдиради. Улардан бири, Муғ архиви ҳужжатлар туркуми<sup>3</sup> ва 719 йилда Суғд ихшиди Ғурак, Бухоро хукмдори Туғшода ибн Будун ва Кумед (Қоратегин) ҳокими Нурайанларнинг Хитой императори Сюан-цзун / Ли Луи-цзи (712-756))дан араб истилочиларга қарши курашда ёрдам сўрагани баён этилган мактубларидир. Мактублар «еттинчи Кай-юань

<sup>1</sup> Marshak B.I., Raspopova V.I. Les nomads et la Sogdiane. Nomades et sédentaires en Asie Centrale // *Apport de l'archéologie et de l'ethnologie*. Н.-Р. Franctort. ed. – Paris. 1990. – P. 178-185.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана / Соч. Т.II (I). – М., 1963. – С. 191.

<sup>3</sup> Согдийские документы с горы Муғ. Вып. II: Юридические документы и письма / Чтен. пер.и коммен. В.А.Лившица. – М., 1962. (кейинчалик СДГМ. II).

йили (719 йил)нинг иккинчи ойида» ёзилган<sup>1</sup>. Мазкур мактублар орасида Ғурак ва Бидуннинг номалари матни келтирилган. Бу мактублар ихшид ва бухорхудоётнинг ўша йилларда ҳам ўз мавқеида турганидан далолат беради.

Суғдий тилли манбаларда 712-713 йилларда араб истилосига қарши Турк хоқонлиги, Суғд, Чоч ва Фарғона коалицияси тузилгани ўз тасдиғини топади<sup>2</sup>. Бу тафсилотлар Муғ архивининг А-14 ҳужжатида<sup>3</sup> акс этган. Унда томонларнинг душманга қарши ҳаракати акс этган.

Ҳижрий 96 (714/715) йилда Қутайба Фарғонада ўлдирилгач, юқорида айтганимиздек, Хитой императорига маҳаллий хукмдорлар мактублар йўллаган. Бу мактублар гарчи суғдий тилда ёзилган бўлса-да, хитой манбаларида унинг хитой тилли таржимаси сақланган. Бу Э. Шаван томонидан ўрганилган ва нашр этилган<sup>4</sup>. Бироқ, Хитой императори Ўрта Осиёга амалий ёрдам беришга ва араблар билан юзма-юз келишга ботина олмади. Қолаверса, Муғ архивининг А-9 ҳужжатидаги чин (сун) атамаси Хитойга эмас, балки кўпроқ шарқий туркларга нисбатан қўлланилган дейиш асосли. А-9, В-17 ва В-18 ҳужжатлари – мактублардаги<sup>5</sup> чин (сун) атамаси, «чин (сун)дан келган чопар» жумласи ҳам аслида Шарқий Турк хоқонлиги вакилига нисбатан қўлланилган.

Хусусан, В-17 ҳужжатида кўра, Фарғона хукмдорининг ҳарбий лашкарбошиси (с'укн) Суғдга келган. Аммо Деваштич бу лашкарбошига нимагадир шубҳа билан қараган. Ҳужжатдаги Деваштичга ёрдамга келган хун – тwn (турк ёки туркаш) ва чин – сун (шарқий турк) ҳарбий отрядлари VIII аср бошларидаги ҳарбий-сиёсий аҳволни ойдинлаштиради.

<sup>1</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – С. 204-205.

<sup>2</sup> История Самарканда. Том первый. – Тошкент. 1980. – С. 80.

<sup>3</sup> СДГМ II. – С. 77-91; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 228-236.

<sup>4</sup> Chavannes E. Documents sur les T'ou-kiue (Turcs) occidentaux. – С. 204-205.

<sup>5</sup> СДГМ II. – С. 91-104; 115-126.

В-17 ва В-18 ҳужжатларида Панч ҳокими Деваштич ва Хохсар ҳокими Афарун муносабатлари ёрқин акс эттирилган<sup>1</sup>. Бу икки шахс 722 йилдаги Кум жангида ёнма-ён туриб арабларга қарши курашган.

720-722 йиллар сиёсий воқеалари Муғ архиви 1.1 ҳужжати – Кеш ва Насаф юришларидаги қўмондонлардан бири Абдурахмон ибн Субҳ ал-Харақонийнинг Деваштичга мактубида акс этган. Ҳужжатга кўра, Деваштич вакиллари Нижитак ва вағнпат Кўрчи Саид Харашийдан Субҳга мактуб келтиришган. Чунки Субҳ ҳижрий 102 (720/721) йилларда Сугдда фаолият юритиб, Харашийнинг Деваштич фаолиятини назорат қилиб турувчи вакили бўлган. Мактублар Гурак ёки бошқа аскилараб кучларидан сир тутилган. Қолаверса, Гурак ва Деваштич ўртасидаги зиддиятда Харашийнинг ҳам қўли бўлган<sup>2</sup>.

Араб ва форс тилли манбалар истило даврида ўзаро ва ташқи алоқалари янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Бу даврни дипломатияси уруш ҳолати дипломатияси бўлиб, асосий эътибори билан шартномалар, битимлар, келишувлар, мактублар орқали ифодаланган. Бу давр элчилари, чопарлари ёки ҳарбий вакиллари зиммасига катта масъулият юкланган. Улар ўз жонларини таҳликага қўйиб дипломатик миссияни бажаришган.

Араб ва форс тилли манбалар: Табарийнинг «Тарихи Табарий», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Балазурийнинг «Китаб футух ал-булдон» («Ўлкаларнинг фатҳ этилиш китоби») каби асарларда баён этилган тарихий воқеалар орасида дипломатик алоқаларга оид бир қатор маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан,

<sup>1</sup> СДГМ II. – С. 115-116; 123-126.

<sup>2</sup> История ат-Табари. Пер. с арабского В.Н.Беляева с доп. О.Г.Большакова, А.Б.Халидова. – Ташкент. 1987. – С. 185; Балазури. Завоевание Хорасана. Извлечение из сочинения «Футух ал-Булдон» / Пер.с арабского коммен. и указа. Г.Гаюбова. – Душанбе. 1987. – С. 27-28. Лившиц В.А. Правители Панча (сегодняшцы и турки) // Народы Азии и Африки. №4. М., 1979. – С. 62; СДГМ II. – С. 110. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – С. 240-241.

Бухоро маликаси Қабаж Хотун турк ҳоқони ва Сугд подшосидан ёрдам сўраб одам юборган<sup>1</sup>. Гарчи ёрдам келса-да, жангда араб қўшинлари қўли баланд келган. Дипломатия чораси сифатида малика Убайдуллоҳ ибн Зиёдга ўлпон тўлаб, икки минг бухоролик (Наршахийда тўрт мингта)<sup>2</sup> камондозни асир қилиб берган. Бу каби шартномалар Бухоро маликаси ва Саид ибн Усмон билан ҳам тузилган. Ўртадаги сулҳга кўра, аслзодалардан иборат элликта ўспирин арабларга гаровга берилган (Наршахийда 80та) ҳамда 300 минг дирҳам ўлпон ҳам тўланган. Саид ибн Усмон 676 йилда Самарқандда ҳам ўттиз минг асир ва элликта аслзодани гаровга олиш тўғрисида битим имзолаган<sup>3</sup>. Кабаж хотун ва самарқандликларнинг араб ноиблари билан тузган шартномалари, фақат истилочилар манфаатига хизмат қилган. Аммо бу битим шартлари доим ҳам бажарилмаган.

Хуросон ноиблари ва Сугд ихшиди Тархун ўртасидаги дипломатик муносабатлар ҳам жиддий таҳлилни талаб этади. Тархун Хуросон ноиб Абдуллоҳ ибн Хазим (683/684-691/692)га исёнкор ўғли Мусо исёнини бостиришда ёрдам берган<sup>4</sup>. Табарий Мусонинг ҳаракатларини тафсилот қилар экан, бир воқеага урғу беради. Мусо Термизни эгаллагач, бу ердаги турк қўшинлари билан тўқнашади. У ўз элчиси орқали турк ҳукмдорига заҳар, ёғоч ўқ ва мушк анбар юборади<sup>5</sup>. Бундай буюмларда дипломатик мазмун ифодаланган: заҳар – урушиш адолатдан эмаслигини, ёғоч ўқ – урушнинг муқаррарлигини, мушк-анбар – тинчликни ифодалаган.

<sup>1</sup> История ат-Табари. – С.40-44; Наршахий. Бухоро тарихи. 115-бет; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Тошкент. 1990. 9-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. 115-бет. Бизнингча, Табарий келтирган маълумотлари асосли.

<sup>3</sup> Наршахий. Бухоро тарихи.122–123-бетлар; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. 14-15-бетлар.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. К истории арабских завоеваний в Средней Азии / Соч. – М., 1964. – Т. II (2). – С. 242.

<sup>5</sup> История ат-Табари. – С. 99-102.

Қутайба даврида араб кўшинлари ҳарбий ва дипломатик устунликка эришган. Чағониён подшоси Тиш, хижрий 87 (705/706) йилда Бадғис ҳокими Низак Тархон, Пойкент ҳокимлари Қутайба билан сулҳ тузишган<sup>1</sup>. Аммо араблар ҳийла билан ҳам ўз дипломатиясини амалга оширган. Хусусан, Тархун шундай ҳийлага учиб, Қутайба билан битим имзолаган<sup>2</sup>, бу араб истилочилари дипломатиясининг қай даражада иш берганлигини кўрсатади. Айни пайтда аввалига Қутайбага иттифокчи бўлганлар кейинчалик унга қарши ўзаро курашишган. Бунда маҳаллий дипломатия иш берган. Жумладан, Бадғис ҳокими Низак Тархон Балх испехбоди, Марверруд ҳукмдори Базам, Талликон шоҳи Сехрик, Фарёб ҳукмдори Турсул, Жузжон шоҳи Жузжонийларга мактуб йўллаб, уларни Қутайбага бўйсунмасликка чақирган. Бу алоқалар яхши самара бермаган. Қутайба исёнкорларни бостирган. Суғд маъмурияти ва Оқсоқоллар Кенгаши Тархунни эса хиёнатда айблаган<sup>3</sup>. Оқсоқоллар Кенгаши Тархуннинг укаси Ғуракни ихшид қилиб тайинлаган.

Ғурак эса Қутайбага қарши курашда Чоч (Шош) ҳукмдори, Фарғона ихшиди ва Турк ҳоконни билан боғланган.

Айни пайтда, бу тафсилотлар Ўрта Осиё мулклари, Турк ҳоконлиги ва Хитойнинг ўзаро дипломатик алоқалари ҳали мавжуд бўлганидан ва элчилар юбориш имконияти сақланганлигидан далолат беради. Қолаверса, ҳам Туғшоданинг, ҳам Ғуракнинг мактублари дипломатик ёзишма сифатида ҳам аҳамият касб этиб, унда дипломатик этикет меъёрлари акс этган. Юборилган ва қабул қилинадиган совга-саломларнинг нима-лиги аниқ кўрсатилган.

<sup>1</sup> История ат-Табари. – С. 113-117; Наршахий. Бухоро тарихи. 120-бет.

<sup>2</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. 122-123-бетлар; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. 14-15-бетлар.

<sup>3</sup> История ат-Табари. – С. 124–125, 132. Frye R.N. Tarxun – Turxun and Central Asian history // Harvard Journal of Asiatic Studies. Cambridge. Vol. XIV. 1951. – P. 125-127.

Араблар Самарқандни қамал қилгач, Ғурак ва Қутайба ўртасида 712 йили «Самарқанд шартномаси» имзоланган<sup>1</sup>.

Табарий Иштихон ҳокими Корзанч гуруҳининг Хужанддаги қисмати ҳақида ва Фарғона подшоси Алутарнинг сугдийларга муносабати, Хараший кўшинининг ёвузлиги хусусида ҳам маълумотлар қолдирган<sup>2</sup>. Араб кўшини ва Корзанч ўртасидаги битим, араблар томонидан бузилгани дипломатик муносабатларда устувор томоннинг ҳар қандай келишувни инкор этиши кузатилади. Бундай мураккаб шароитда нафақат душман билан, балки ўзаро дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш ҳам осон кечмаган.

Маҳаллий ҳокимлар гарчи араблар билан катта ўлпонлар эвазига сулҳ тузган бўлсалар-да, имкон туғилиши билан бу нотенг шартномаларни бузиб, арабларга қарши ҳаракат бошлашган. Қутайбанинг ўлимидан кейин эса бу шартномаларнинг тақдири ҳам номаълум қолган.

Туркаш ҳокони Сулукхон дипломатияси ҳақида араб тилли манбалар айрим маълумотларни келтиради. У бир вақтнинг ўзида ҳам Хитой, ҳам араблар билан музокара олиб боришга мажбур бўлган. Чунки Сулукхон учун икки фронтда кураш олиб бориш қийин эди. Шу мақсадда 717 йилда у Тан давлати пойтахти Чанъанга дипломатик ташриф буюрган. У ерда учта ўта хавфли бўлган ҳукмдор билан никоҳ битимини тузган. Биринчидан, у Ашина уруғидан бўлган ғарбий турк ҳокони авлодининг кизига уйланган; иккинчидан, Сулукхон иккинчи хотини сифатида Қалағон ўрнига Шарқий Турк ҳокони бўлган Элтариш – Билга ҳоконнинг қизини танлаган; учинчидан Тибет подшосининг қизини ҳам у ўзига учинчи

<sup>1</sup> История ат-Табари. – С. 141–142; Kurat A. N. Kuteybe bin Muslim'in Hvarizm ve Semerkend'i zebti // Ankara Universitesi Dil va Tarih-Cografiya dergisi. Cilt. VI. №4. – S. 348-430; Смирнова О.И. Из истории арабских завоеваний в Средней Азии (договор арабского полководца Кутейбы с царем Согда Гуреком, заключенный в 712 г.) // Советское востоковедение. № 2. 1957. – С. 119-134.

<sup>2</sup> История ат-Табари. – С. 184-185

хотин қилиб олган. Ўз ўғлини эса Билга хоқоннинг қизига уйлантирган<sup>1</sup>.

Сулуқхоннинг Шарқдаги дипломатик ютуғи, унга Ғарбий саҳнада фаол ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш имконини берган.

Сулуқхон билан араб халифаси Хишом (105/125-724-743) Ўрта Осиё масаласида дипломатик алоқа ўрнатган. Бунинг учун у туркашларни исломга ўтказиш самара беради деган қарорга келган. Йакутнинг «Мужам ал-булдон» асарида X аср муаллифи Ибн ал-Фақиҳ ҳикояси асосида араблар элчисининг Сулуқхон хузурига ташрифи ҳикоя қилинган<sup>2</sup>. Маълумотларга кўра, шимолдаги туркий элатлар исломни қабул қилишда ўз имкониятлари даражасида ёндашганлиги, бу масалада шошмаганликлари кузатилади.

Араб истилоси даврида Ўрта Осиё мулклари ўзларининг Шарқ билан алоқаларини тиклашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Хитой манбаларига кўра, 750 йилда Турғар Хитойга ўз элчиларини юборган<sup>3</sup>.

Араб халифалиги Уйғур хоқонлиги билан ҳам боғланишга ҳаракат қилган. Аббосийлар халифаси Абулаббос Абдулло (750-754) 750 йилда ўз элчиси Тамим бинни Баҳр ал-Муттавийни Бағдоддан Урхун дарёси бўйидаги Уйғур хоқонлиги қароргоҳига, яъни Тангрида бўлмиш Эл Этмиш Билга Баёнчўр (747-758) хузурига юборгани элчи эсталикларидан: «Барсхондан то Урхунга қадар турк ҳукмдорига тобелар ҳаракат қилади», деб баён қилган. Аммо уйғурлар ҳам исломни қабул қилишга шошмаган<sup>4</sup>.

Умуман олганда, антик ва илк ўрта асрлар даврида Ўзбекистон давлатчилиги тизимида дипломатик алоқалар ва диплома-

<sup>1</sup> Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь город. – С. 109.

<sup>2</sup> Кляшторный С.Г., Савинов Д.Г. Степные империи Евразии. – СПб., 2005. – С.106.

<sup>3</sup> Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – С. 277.

<sup>4</sup> Тургун Алмас. Уйғуры. Часть I. – Алма-Ата. 1994. – С.20.

тик институтларни шакллантириш муаммосини ёритишда юнон, византий, суғдий, хитой, араб, форс манбалари муҳим материаллар бера олади. Уларнинг таҳлилига кўра, ўзбек дипломатияси илдизлари бир неча асрларга бориб тақалади. Асрлар давомида дипломатия мактаби шаклланиб борган. Бу эса Ўзбекистон давлатчилиги тарихида янги бир босқични вужудга келтирган. Кейинги дипломатик муносабатлар ва институтлар такомилу учун хизмат қилган.

**Резюме.** В статье на основе материалов греческих, византийских, согдийских, китайских, арабских и персидских источников прослежены основные моменты первого этапа процесса формирования дипломатических отношений и институтов, занимавших особое место в системе государственности Узбекистана в античный период и раннем средневековье начиная с IV в. до нашей эры до VII-VIII вв. нашей эры.

**Summary.** In the article are analyzed main aspects of the first step of the formation of diplomatic affairs and institutions took an important place in the system of the statehood of Uzbekistan in Antique and Early medieval periods in part since the 4th century BC till the 7th-8th centuries AD on the base of data of Greek, Byzantine, Sogdian, Chinese, Arabic and Persian written sources.



## СУҒДДА ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

т.ф.н. Б.С.Ғойибов

Илк ўрта асрлар Суғдда элчилик муносабатлари, уларнинг асослари минтақадаги дипломатик муносабатлар тарихини, Суғднинг халқаро алоқалар тизимидаги ўрнини тадқиқ этишда муҳим саналиб, тадқиқотчилар назаридан бирмунча четда қолиб келмоқда. Муаммо доирасида манбалар жуда кам бўлишига қарамай ёзма ёдгорликлар ва деворий суратларда баъзи маълумотлар сақланиб қолган.

Илк ўрта асрлар, айниқса, араблар босқини арафасида Суғд сиёсий ҳаётида дипломатик муносабатлар ички ва ташқи сиёсий ҳаётнинг ҳал этувчи омили ҳисобланиб, бу ўз навбатида мавжуд бўлишнинг бош мезони саналганлигини назардан четда қолдирмаслик лозим.

Суғдда илк ўрта асрларда элчилик муносабатлари билан боғлиқ маълумотларни Афросиёб деворий суратларидаги «Қабул маросими» ва Муғ тоғи суғдий ҳужжатларида келтирилган расмий мурожаатлар ҳамда бошқа қайдлар орқали билиш мумкин.

1965 йилнинг баҳорида Афросиёб харобалари деворларига расмлар солинган яна олти иморат очилган. Улардан бирининг Жанубий деворида тик турган икки эркакнинг тасвири чизилган. Улардан бири кизил чакмонда, орқасига ўтирилган. Иккинчиси эса оқ чакмон кийган бўлиб, чакмоннинг очиқ жойида суғдий ёзув бор<sup>1</sup>. Ёзув деярли тўлиқ сақланган. Махсус котиб томонидан

<sup>1</sup> Лившиц В.А. Надписи на фресках из Афрасиаба / Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии. – Л., 1965; Livsic V. The Sogdian Wall Inscriptions on the Site of Afrasiab // Royal Nauruz in Samarkand Proceedings of the Conference Held in Venice on the Pre-Islamic Paintings at Afrasiab. Rivista Degli Studi Orientali, Nuova Serie Vol. LXXVIII, Supple mento N. 1 (2004). Ed. M. Comparetti, E. de la Vaissiere. – Pisa-Roma: 2006. – P. 62.

ёзилган ўзига хос бу ишонч ёрлиғи 16 сатр келадиган вертикал мантдан иборат. Матн В.А. Лившиц томонидан ўқилган.

Деворий суратлардаги лавҳаларда Суғдда элчилик муносабатлари тарихи ва элчилик меъёрларининг бир қатор жиҳатлари кўзга ташланади.

Деворий суратларда келтирилган элчилик лавҳаси Суғднинг ташқи муносабатлари борасида муҳим тарихий манба ҳисобланади. Мазкур лавҳа орқали бошқа ҳужжатларда исмлари қайд этилмаган шахслар фаолияти кўзга ташланади.

Масалан, милодий VII аср ўрталарида Самарқандга элчи юборган Чағониён (Тохаристон конфедерациясининг ҳукмдорликларидан бири) ҳукмдорининг исми twg'ntš (Туронтош) шаклида Афросиёб (Самарқанд) деворий расмларидаги битиклар орқали маълум бўлади<sup>1</sup>. В.А. Лившиц Туронтош исмини эроний асосда Battle-ax of Tūrānians – «Туронликларнинг жанговор болгаси» тарзида изоҳлайди<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, бу даврда Чағониённи туркий сулола бошқарган бўлиб, бу хитой ва араб манбалари ҳамда нумизматик материаллар орқали ўз тасдиғига эга. Сюан Цзан маълумотига кўра, 644 йилда Чағониён ҳукмдори туркий эди<sup>3</sup>. Ат-Табарий асарида қайд этилишича, 710 йилларда Чағониённи шад унвонли туркий ҳукмдор бошқарган. Ат-Табарий асарининг русча нашрида бу унвон аш-Шаъз тарзида берилган бўлиб, изоҳда Тохаристоннинг туркий ҳукмдорларидан бирининг исми ёки унвони эканлиги айтилган<sup>4</sup>. Бундан ташқари, Х. Гибб ҳам унинг шад унвонли туркий ҳукмдор булганлигини таъкидлайди<sup>5</sup>.

Ёки деворий суратлардаги суғдий ёзувда исми Pūkar (ёки Pūgar)-zādag (Пукарзода/Пугарзода) шаклида келтирилган

<sup>1</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент. 1975. – С. 55.

<sup>2</sup> Livsic V. The Sogdian Wall Inscriptions on the Site of Afrasiab. ... – P. 63-64.

<sup>3</sup> Shaban M.A. Khurasan at the Time of Arab Conguest // Iran and Islam. In memory of the Late Vladimir Minorsky. – Edinburg: 1971. – P. 485.

<sup>4</sup> История ат-Табари / Перевод с арабского В. Беляева. – Ташкент: 1987. – С. 124, 400.

<sup>5</sup> Gibb H. A. Orta Asya'da Arap Fütuhâtı. Çev. M. Hakki. – İstanbul: 1930. – S. 10.

Чағониён элчилари бошлиғи–канцелярия (девонхона) бошлиғи – біріграт (вазир) сифатида қайд этилган элчи исмларининг айни манба орқали маълум бўлиши муҳимдир<sup>1</sup>. Суғдий ҳужжатларда ҳам девонхона бошлиғи айни шу номда келтирилган бўлиб, унинг сарой девонхонасида муҳим вазифани бажарганлиги ҳужжат матнидан билинади.

Шу ўринда мазкур сўзга изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Муғ тоғи Б-17 суғдий ҳужжатида учрайдиган др'угрт – «дапирпат» ибораси таржима қилинганда «бош котиб, девонхона бошлиғи» деган маънони англатади<sup>2</sup>. Бу сўз икки қисмдан иборат: дапир – «ёзмоқ, ёзиш», пат – «бошлиқ», яъни «котибларнинг бошлиғи» деган маънони англатади. А-5 рақамли ҳужжатда бу лавозим эгасига тўланган иш ҳақи тўғрисида маълумот берилган<sup>3</sup>. Дапирпат – «бош котиб» бўлиш баробарида саройда ҳужжат тузиш, уларни тартибга солиш билан шуғулланган. Суғднинг барча ҳудудида суғдий ёзувнинг давлат ишида етакчи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, дапирпат лавозимидаги амалдор барча ҳукмдорликларда давлат хизматчиси ёки элчи (чопар) сифатида фаолият кўрсатган.

Дапирпатлар нафақат ҳужжат тузиш, балки элчи вазифасини бажарганлиги ҳамда ҳужжатларни сақлаганликлари Афросиёб деворий суратларидан ҳам маълум. Улар тузилган ҳужжатлар асл нусхасини сақловчи – депозитария вазифасини бажарган.

Дарвоқе Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг А-9, В-18, Б-11, В-7, А-19, Б-13 рақамлисида 'z-unt – «азғант» шаклида атама учраб, улар «элчи», «чопар» шаклида талқин этилган<sup>4</sup>. В-17 рақамли ҳужжатда «чопарлар» атамасини ифодалаш учун

<sup>1</sup> Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – С. 312.

<sup>2</sup> Согдийские документы с горы Муғ. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. – М.: ИВЛ, 1962. (Кейинги ўринларда СДГМ II). – С. 176.

<sup>3</sup> Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент. 1992. 25-55-бетлар.

<sup>4</sup> СДГМ II. – С. 196.

'zγ'nt сўзига t кўплик кўшимчаси қўшиб ишлатилган<sup>1</sup>. Чекка ҳудудлардаги аҳвол ҳақида марказга керакли маълумотларни етказишда чопарлар маъсулиятли вазифаларни бажарган, давлат аҳамиятига молик кишилар бўлишган. Улар баъзида чопар бўлиш билан бирга элчилик вазифасини ҳам бажарганлар.

Давлатлар ўртасидаги расмий муносабатларда элчилар гуруҳи уларга хизмат кўрсатувчилар кузатувида борганликлари элчилик муносабатларидаги умумқабул қилинган меъёрлардан бири бўлган. Элчи ва унга ҳамроҳлик қилган элчилик вакилларининг кийиниши, уларнинг келтирган совғалари меҳмон ва мезбон давлат ўртасидаги муносабатларнинг аҳамиятлилик даражасини белгиловчи омиллардан ҳисобланган. Элчиларга хизмат кўрсатувчилар орасида дипломатик корпус вакиллари билан бирга ҳатто рассомлар ҳам бўлганлиги диққатга сазовор<sup>2</sup>.

Деворий суратларда нафақат Чағониён элчиси, балки Хитой (ёки 7, 8, 9, 10, 11 фигуралардаги Шарқий Туркистон элчилиги), Чоч, Корея каби давлатлардан келган элчилар ҳам тасвирланган. Бундан ташқари, Ғарбий деворда яна иккита элчилик гуруҳи (21, 22, 23 фигуралар) тасвирланган бўлиб, уларни Вархуман хизматкорлари ва таржимонлар кутиб олиш билан банд. Аммо суратлар тўлиқ сақланиб қолмаганлиги боис, уларнинг қайси давлат вакили эканлигини аниқлаб бўлмайди<sup>3</sup>. Аммо шу нарса аёнки, ғарбий деворда акс эттирилган лавҳада Вархуманнинг ташки муносабатлардаги ўзига хос дипломатияси ва шимолий деворда иттифоқчилик муносабатлари яққол кўринади. Деворий суратларнинг катта қисмига араблар босқини жараёнида жиддий зарар етказилган.

Энди марказий элчилик лавҳаларига тўлталсак. Оқ от минган шоҳ тантанали юриш маросимининг марказида турибди, олдинда фил устида эса малика ўтирибди. Сарой аёнлари ора-

<sup>1</sup> Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика. – С. 128.

<sup>2</sup> Хидоятлов А. Основы дипломатии. – Ташкент. 2002. – С. 89.

<sup>3</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – С. 73.

сида рассомлар, котиблар (уларнинг камарига ичида қалам-дони бўлган ғилофлар осиглиқ турибди), олимлар, ёзувчилар бор. Улар гилам устида ўтириб, қизгин суҳбатлашмоқдалар, ўтирганлардан бирининг кўлида китоб<sup>1</sup>. Суратдаги элчини кутиб олиш жараёнида кўзга ташланадиган муҳим лавҳалардан бири гиламлар ва уларнинг атрофига тўшалган кўрпачалар бўлиб, уларни шарқона меҳмондорчилик анъаналарининг ноёб кўриниши деб баҳолаш мумкин.

Деворий суратлардаги туркий юз тузилишдаги ҳарбий чокарлар Турк хоқонлигининг Суғддаги назоратчилари сифатида элчилик муносабатлари жараёни хавфсизлигига жавобгар бўлишган<sup>2</sup>. Улар Вархуман саройининг мулозимлари бўлиб, элчиларни қабул қилиш маросимининг эгалари сифатида тасвирланган<sup>3</sup>.

Деворий суратларда эътиборга молик жиҳатлардан яна бири бу элчиларнинг соч турмаклари бўлиб, уларнинг соч турмакларига қараб қайси этнос ёки қайси мамлакат вакили эканликларини билиш мумкин.

Бу ҳолат ёзма манбаларда ҳам қисман ўз аксини топган. VI аср охирида турклар Турфонни эгаллаганларидан сўнг, маҳаллий халқ туркий урф-одатларни қабул қилган. 612 йилга келиб Турфон ҳукмдори туркларнинг одатларини ўзгартириш тўғрисида фармон беради (афтидан мазкур ҳолат хоқонлик таъсирининг пасайганидан бўлса керак). Ҳукмдорнинг бу борадаги фармонида қуйидагилар келтирилади: «...Илгари биз сочларимизни ёйиб юрар эдик... Энди менинг фуқароларим аввалги каби кокилларни ёйиб юришла-

<sup>1</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – С. 19.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 30.

<sup>3</sup> Аржанцева И.А. Новые хозяева Азии // Материалы международной конференции, посвященной 100-летию со дня рождения С.П.Тольстова. – Нукус, 2007. – С. 64; Vaissière de la Ё. Samarcande et Samarra. Elites d'Asie centrale dans l'empire Abbaside. – Paris. 2007. – P. 104-105.

ри лозим»<sup>1</sup>. Деворий суратларда ҳам хитойлик элчиларнинг сочларида буни кузатиш мумкин.

Афросиёб деворий суратлардаги соч турмаклари хусусида археологик материаллар ва эпиграфик манбаларда ҳам маълумотлар мавжуд. Соч ўриш ёки елкагача соч қўйиш қадимги туркий этнос вакилларига хос одат бўлиб, бу Марказий Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган исломдан олдинги тош ҳайкал (балбал)лар ҳамда Суғд, Чоч ва Фарғона ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангаларда, Панжикент, Тавка-қалъа (Сурхондарё) сарой деворий суратларида, Шимоли-шарқий Хитойдан топилган хоқонлик амалдорларига оид қабртош (бўртма тасвир)ларда ўз ифодасини топган. Турк хоқонлари ўзига бўйсунувчи вассал ҳукмдорлардан ҳам ушбу одатга амал қилишларини талаб қилишган. Бу уларнинг хоқонликка тобелигининг бир ифодаси бўлиши мумкин. Йилномаларда Самарқанд ҳукмдорининг сочини ўриши, оддий халқнинг эса сочларини қиртишлаб олдириб юришлари таъкидланиши бу фикрга асос беради<sup>2</sup>. Мазкур ҳолат Афросиёб деворий суратларида келтирилган Самарқанд ҳукмдори ва бошқа мулозимлар тасвирий лавҳаларида ўз аксини топганлиги орқали янада ойдинлашади.

Ҳар бир элчининг мезбон ҳукмдорга совғалар олиб келиши элчилик муносабатларидаги муҳим анъаналардан саналиб, Афросиёб деворий суратларида ҳам мазкур ҳолатни кузатиш мумкин. Деворий суратларда тасвирланган элчилар Самарқанд подшосига совғалар, жумладан, чиройли қушлар, қимматбаҳо буюмлар олиб бормоқда. Ғарбий деворнинг бир қисмида Самарқанд подшоси ёки Суғднинг асосий худосига совғалар топшириш лавҳаси тасвирланган. Саройга келган Чағониён элчилари совғаларни тақдим этиб, «ишонч ёрлиғи»ни тошти-

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.-Л., 1950. Том II. – С. 254.

<sup>2</sup> Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд. 1-китоб. – Тошкент. 2014. 30-бет.

раяпти. Самарканд подшосининг аёнлари элчилик аъзоларига ҳамроҳ бўлмоқда<sup>1</sup>. Мазкур тасвирий лавҳалар деворнинг пастки қисмига чизилган бўлиб, деворнинг тепа қисмидаги лавҳалар сакланиб қолмаган. Деворнинг тепа қисмида Самарканд ҳукмдорлари сизинган илоҳлар тасвирланган бўлиши мумкин. Рассомнинг мазкур лавҳаларни деворнинг бир қисмига тасвирлаши элчиларнинг Самарканд илоҳларига совғалар олиб келганликлари тўғрисидаги тахминни илгари суришга сабаб бўлади.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, Суғддаги мазкур элчилик муносабатларидаги анъаналар орадан бир неча юз йил ўтиб араб халифалари саройида ҳам қўлланилган. Масалан, асли Аббосий халифалар хизматида бўлиб, кейинчалик 323/935 йилда Миср ноибни этиб тайинланган суғдлик Муҳаммад ибн Туғж ўз саройида Марказий Осиёда мавжуд бўлган элчилик анъаналарини давом эттирган<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозимки, рассом Чағониён элчилигини бошқа элчилик миссияларига нисбатан алоҳида эътибор берган ҳолда тасвирлаган ҳамда уларнинг барча хусусиятларини акс эттиришга ҳаракат қилган.

Деворий суратларда оёқлари туяқушники каби узун ғозларнинг тасвирини кўриш мумкин. иккинчи ғоз тасвирида «Унаш уруғидан ҳукмдор Вархуманга тўртта ғоз» маъносидаги жумла жой олган<sup>3</sup>. Яъни, Чағониён ҳукмдори Суғд ихшиди Вархуманга атаб тулпор, ғозлар совға қилган. Элчилик муносабатларидан маълумки, совғалар рўйхати, ҳукмдор номига жўнатилган хат билан бирга жўнатилган. Афросиёб деворий суратларида ҳам мазкур совғалар рўйхати деворга чизилган

<sup>1</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – С. 73.

<sup>2</sup> Хилал ас-Саби. Установления и обычаи двора халифов (Русум дар ал-халифа) / перевод с арабского, предисловие и примечания И.Б. Михайловой // Памятники письменности Востока. LXVII. – М., 1983. – С. 90.

<sup>3</sup> Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья... – С. 323.

ҳолда кўрсатилган. Суғдшунос В.А. Лившиц уларни *such* – ғоз, *pākrte* – қумуш, *mūh* – қуш деб талқин этади<sup>1</sup>.

Совга сифатида нафақат хайвон ёки буюмлар жўнатилган, балки одамлар ҳам тортиқ этилган. Масалан, Чағониёндан юборилган совғалардан бири ҳукмдорнинг қизи бўлганлиги ва унинг Вархуманга қаллиқ сифатида жўнатилганлиги тахмин қилинади<sup>2</sup>. Гап шундаки, Афросиёб деворий суратларнинг илк тадқиқотчиси В.А. Шишкин мазкур лавҳани тўй маросими ва ҳукмдорга совға қилинаётган қизни келин деб, ғозларни оққуш деб талқин этишга ҳаракат қилган<sup>3</sup>.

Ўз навбатида Суғд ҳукмдорлари ҳам элчи жўнатганларида қимматбаҳо совғалар тортиқ қилишган. Масалан, 719 йилда Хитойга элчи жўнатган Ғуракнинг турли хил совғалар қаторида индиго деб номланган бўёқни жўнатганлиги алоҳида қайд этилади<sup>4</sup>. Мазкур элчилик мактубида ҳам совғаларга алоҳида урғу берилган. Манбада бу ҳақда қуйидагича келтирилади:

*«...Ҳозир сизга совга сифатида мукамал бир от, битта Эрон туяси ва иккита хачирни юбормоқдаман. Агар зоти олийлари мени ҳадяларга мушарраф қилишни истасалар, уларни менга келтириб берадиган элчимга берсинлар. [Йўлда] талон-тароғ қилинмаслигини умид қиламан»<sup>5</sup>.*

Совғалар масаласи айна шу йили Бухоро ҳукмдорининг Хитой императорига юборган мактубида ҳам алоҳида эслатилади. Манбадаги жумла қуйидагича:

*«...Императорликнинг илтимосига мос бир қиммат кўрсатишларини талаб қиламан. Ҳозир совга*

<sup>1</sup> Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – С. 323.

<sup>2</sup> Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – С. 55.

<sup>3</sup> Шишкин В.А. Афрасиаб – сокровищница древней культуры. – Ташкент. 1966. – С. 16, 18.

<sup>4</sup> Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда. – М., 1981. – С. 280.

<sup>5</sup> Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд. 1-китоб. 47-бет.

сифатида иккита Эрон хачири, битта жилвакор Фулин (Византия) гилами, ўн беш кило Ю-кин мушки ва юз кин (60 кг) табиий шаъмни юбормоқдаман. Ушбу ҳадяларнинг изидан зоти олийларидан менинг шахсимга учинчи даражадан бир унвон бағишлашингизни илтимос қиламан. Шунингдек, рафиқам қиролича хонимга иккита чоби (?) гилами билан бирга бир дона безакдор гилам юбормоқда. ...»<sup>1</sup>.

Суғддан Хитойга элчилар жўнатилганлиги тўғрисида хитой йилномаларида бир неча қайдлар учрайди. Масалан, Да-йе хукмронлиги даврида Кабудонда (Суғднинг шимоли-шарқий хукмдорлиги) ишлаб чиқилган маҳаллий совғаларнинг Хитойга жўнатилганлиги<sup>2</sup>, Тянь-бао хукмронлигининг биринчи баҳорида, Иштихон хукмдори (?) Гэло-пуло (Қора бўғра) маҳаллий буюмлардан ҳадя қилиш учун элчи юборганлигини<sup>3</sup> бунга мисол қилиш мумкин. Қимматбаҳо совғалар уни жўнатган хукмдорларнинг халқаро нуфузунини кўз-кўз қилган.

Ўрта Осиёдан элчилик таркибида Хитойга энг кўп ташриф буюрганлар мусиқачилар ва раққослар бўлган. Масалан, «Тан шу» йилномасида Суғднинг маркази бўлган Самарқанд аҳолисининг ўйин-кулгунини хуш кўришлари келтирилади. Худди шу манбада Хитойнинг бой хонадонларида Суғддан борган машшоқлар ва раққосалар доимий равишда хизматда бўлганликлари айтиб ўтилган<sup>4</sup>. Бундан ташқари Ўрта Осиё халқларининг мусиқаси арабларни ҳам ҳайратда қолдирган. Халифа Волид II Хуросон ноибидан (бу даврда ноиб Наср ибн-Саййор бўлган) Хуросондан зиёфат учун машшоқларни юборишни сўраган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд. 1-китоб. 48-бет.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание. ... II. – С. 271-276.

<sup>3</sup> Ўша асар. – С. 311-318.

<sup>4</sup> Ўша асар. – С. 311.

<sup>5</sup> История ат-Табари. ... – С. 278.

Кўриниб турибдики, элчилик муносабатларида совғалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар давлатлар ўртасидаги сиёсий масалаларни ҳал этишда ҳам муҳим бўлган. Масалан, суратларда келтирилган Суғд хукмдори Вархуманга Чағониён хукмдорининг ўз қизини тортиқ этиши бу куда-андачилик муносабатларини йўлга қўйишга ва шу йўл билан иттифоқчиликка киришишга ишорат беради. Бу эса ўз навбатида мазкур давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар тўғрисида тасаввурларни янада ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Элчилик муносабатларида диний анъаналар ўзига хос ўринга эга бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, Самарқанддаги подшо Вархуманнинг қароргоҳида ибодатхона бўлиб, бу ерга йилнинг олтинчи ойида қурбонлик келтирилган. Бошқа жойларнинг ҳокимлари қурбонликда қатнашиш мақсадида бу ерга келишган. Ана шу маълумотга асосланиб, Чағониён элчилари ўз тўхфалари билан худди шундай тантанага келишган деб тахмин қилиш мумкин. Бу ерга келган элчилар «Самарқанд худоларидан яхши хабардор эканликлари», бинобарин, расм-русмлари ва Самарқанд хукмдорига эҳтиром билдириш одатини ҳам билганликлари ёрликда кўрсатилади. Чағониён аҳолисининг будда динига эътиқод қилганлигига қарамай<sup>1</sup> элчиларнинг «Самарқанд илоҳларига» алоҳида ҳурмат билдириши<sup>2</sup> Суғд ташқи алоқалари тарихини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эга.

Элчилик муносабатларида диний масалаларнинг муҳим эканлиги Суғдни бир муддат бошқарган Панч хукмдори Деваштичнинг Амир ал-Жарроҳга йўллаган мактубида ҳам кўзга ташланади. Унда Деваштичнинг ноибга мурожаати қуйидагича: «Муқаддас ва раҳмдил Аллоҳ номи билан Абдуллоҳ ўғли амир ал-Жарроҳга, унинг мавлоси Деваштичдан. Сенга

<sup>1</sup> Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Тошкент. 2010. 18-бет.

<sup>2</sup> Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – С. 314.

тинчлик ва Аллоҳнинг раҳми бўлсин. Аллоҳ сени ёрлақасин, ундан бошқа илоҳ йўқ. ...»<sup>1</sup>. Деваштичнинг ислом динида эканлигига ишора бериши орқали ноибнинг мавлоси эканлигини кўрсатиш асносида мурожаат этиши ўз мақсадига эришиш учун амалга оширган дипломатияси бўлган.

Диннинг элчилик муносабатларидаги ўрнининг муҳимлиги тўғрисида яна бир мисол. 568 йилда Византия ҳукмдори Юстин II элчиси Земарх ва турк ҳокони элчиси суғдий Маниахнинг ҳокон Истеми ҳузурига киришларидан олдин шарққа қараб чўккалаб ўтиришлари, сўнгра бўри калласи тасвири туширилган байроққа таъзим қилиб, ёниб турган гулханни айланган ҳолда покланиб ҳокон ҳузурига кирганликлари манбаларда алоҳида қайд этилади<sup>2</sup>. Ушбу ўринда элчилар бўри калласи туширилган байроққа таъзим қилиш орқали ҳукмдорнинг динига нисбатан ҳурмат кўрсатганлиги диққатга сазовор. Элчилик муносабатларидаги ўзаро ҳурмат Византия империяси ва Турк ҳоконлиги ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига сабаб бўлган эди. Зеро элчилик муносабатларидаги меъёрларни бузганлиги ва шартларни бажармаганлиги учун ҳам Сосонийлар ҳамда Турк ҳокони давлатлари ўртасида душманлик келиб чиққанлигини таъкидлаш жоиз.

Хуллас, Суғд ўзининг географик жойлашувига кўра стратегик муҳим минтақада жойлашган бўлиб, суғдийлар савдо йўллари орқали қитъалараро савдо ва сиёсий муносабатларда воситачилик қилишган. Ушбу минтақада бир қанча моҳир савдогарлар, элчилар етишиб чиққан бўлиб, улар халқаро муносабатларнинг мустаҳкамланишида хизмат қилишган. Буни суғдий Маниах бошчилигидаги элчилик мисолида кузатиш мумкин.

<sup>1</sup> Крачковская В.И. и акад. Крачковский И.Ю. Древнейший Арабский документ из Средней Азии / СС. – Л., 1934. – С. 53-54.

<sup>2</sup> Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. 48-бет.

Суғд ҳукмдорлари саройида элчи унвони таъсис этилган бўлиб, мазкур амалдор нафақат элчи ёки чопар балки девонхона бошлиғи вазифасини бажариб, ҳукмдорнинг ёрдамчиси ҳисобланган. Уларнинг фаолияти ҳукмдор томонидан назорат қилиниб, буни суғдий манбаларда дапирпатга тўланган маош ҳақидаги маълумот тасдиқлайди.

Суғддаги элчилик муносабатларида диний анъаналарнинг муҳим ўринга эга эканлиги деворий суратлардан маълум бўлади. Суғдийлар тарихий жараёнларга нисбатан диний мазмундаги лавҳаларни кўпроқ акс эттиришган. Яқин келажакдаги воқеаларни кам тасвирлашган. Афросиёб деворий суратларидаги элчилик маросими буюртмачи ва рассом ҳаёти билан боғлиқ воқеалар бўлганлиги учун мазкур тарихий жараён деворга чизилган.

Афросиёб деворий суратларидаги элчилик маросими манзараси Суғдда ушбу даврда дипломатик муносабатларда ўзига хос меъёрлар шакллланганлигидан далолат бериб, ушбу анъаналар кейинги даврдаги элчилик муносабатларидаги «дипломатик протокол»ларнинг шаклланишига замин яратган

Бир сўз билан айтганда, илк ўрта асрларда Суғдда мавжуд бўлган элчилик муносабатлари қадим анъаналарга эга бўлиб, элчилар фаолияти мамлакат равнақи учун хизмат қилган. Афросиёб деворий суратларида келтирилган Самарқанд ҳукмдори саройига Чоч (Тошкент), Чағониён (Тохаристон), Тан (Хитой), Когурё (Корея), Шарқий Туркистондан келган элчиликлар илк ўрта асрлардаёқ Суғднинг халқаро дипломатик муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлганлигини кўрсатади. Буни деворий суратлардаги Суғд ҳукмдори Вархуманнинг дипломатияси ва иттифоқчилиги акс эттирилган деворий лавҳа кўриниши тасдиқлайди.

**Резюме.** Посольские связи Согда в раннем средневековье имели древние традиции и деятельность послов служила на благо государства. Послы Чача (Ташкента), Чаганиана (Тохаристана), Танской империи (Китая), государства Когурё (Ко-

реи), Восточного Туркестана были изображены с правителем Согда Вархуманом на настенных росписях Афрасиаба и они свидетельствуют о том, что Согд занимал важное место в дипломатических отношениях государств раннего средневековья.

**Summary.** Embassy missions of Sogd had ancient traditions and the activities of ambassadors served for the prosperity of the state. Ambassadors of Chach (Tashkent region), Chaganian (Tokharistan), the Tan Empire (China), the state of Kogurio (Korea) and Eastern Turkistan described on mural paintings of Afrasiab. They show that the state of Sogd took an important place in diplomatic interrelations of the states of Early Medieval period and its ruler Varkhuman was skilful diplomat and trusted ally.

## ТУРК ХОҚОНЛИГИ ВА ХИТОЙНИНГ СУЙ СУЛОЛАСИ МУНОСАБАТЛАРИ

М.М.Хатамова

Илк ўрта асрларда жаҳондаги халқаро муносабатлар Византия, Сосонийлар Эрони, Турк хоқонлиги ва Хитой сулолалари билан боғлиқликда кечган. Хитой, Эрон ва Византия империялари доимо Турк хоқонлиги билан муносабатларда зиддиятга бормасликка интилганлар. Бунга сабаб, ўзининг бошқа рақиб давлатига қарши курашда улар хоқонликнинг ҳарбий кучига таянганлар. Шунинг учун ҳам, кўпинча у ёки бу давлатнинг аралашуви ёки фитнаси туфайли хоқонлик билан ушбу давлатлардан бирининг ўртасидаги муносабатлар бузилиб турган.

Бу давлатларнинг бутун ташқи сиёсати, стратегияси ва дипломатияси халқаро савдо йўлини ўз назоратига олишга қаратилган эди. Шунингдек, ушбу давлатларнинг ҳар бири халқаро майдонда ўзига хос нуфузга ва дипломатия усулларига эга эди, дейиш

мумкин. Айниқса, бунда Хитой сулолалари билан турк хоқонлари олиб борган муносабатлар алоҳида аҳамиятга эга.

Буюк Турк хоқонлиги ўзининг салкам икки асрлик ҳукмронлиги давомида Хитойнинг Фарбий Вэй (535-557), Шимолий Ци (550-577), Шимолий Чжоу (557-581), Суй (581-618) ва Тан (618-907) сулолалари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни олиб борган. Хитой сулолалари четдан қараганда хоқонликдан заифроқ бўлиб кўринса-да, амалда ўзининг нозик ва моҳирона дипломатияси билан хоқонликдаги ички ва ташқи вазиятни кўп ҳолларда ўзгартириб туришга эришган. Қуйида хоқонликнинг фақат Суй сулоласи билан муносабатларига кенгроқ тўхталмоқчимиз.

Қадимги Хитой ўзининг деярли икки минг йиллик тарихи давомида узоқ ва яқин кўшнилар билан ташқи алоқаларда муайян бир қонун-қоидалар ишлаб чиққан. Жумладан, Хан сулоласи (мил. олд. 206 - мил. 220 йй.) давридаёқ «варварларни варварлар кўли билан йўқотиш»<sup>1</sup> мақсадида<sup>2</sup> махсус стратегия яратилган эди. Улардан биринчиси, кўчманчи жамиятни ичдан заифлаштириб, сўнг уни йўқ қилиш бўлса, иккинчиси, уларни ўз қабиладошлари ёрдамида тор-мор этишга қаратилган эди.

Учинчи турк хоқони Муқан Енисейдаги қирғизларни, шарқда кидан, татаби (кумохи) ва шивэй қабилаларини босиб олиб, хитой муаррихларининг сўзи билан айтганда, «чегарадаги (Буюк Хитой деворидан шимолдаги – М.Х.) барча давлатларни ўзига бўйсундириб», Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда туркларнинг узил-кесил ҳукмронлигини ўрнатади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Варварлар – қадимги хитойликлар кўшни қабила ва халқларга нисбатан «варварлар» (ху) атамасини қўллашган.

<sup>2</sup> Степугина Т.В. Древний Китай // Межгосударственные отношения и дипломатия на Древнем Востоке. – М., 1987. – С. 269.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 1. – М.-Л., 1950. – С. 229.

Бу вақтга келиб Шимолий Хитойдаги давлатларда ҳам ўзгаришлар юз бериб, Шарқий Вэй давлати ўрнига Шимолий Ци давлати (550-577), Ғарбий Вэй давлати ўрнига эса Шимолий Чжоу (557-581) давлати вужудга келади<sup>1</sup>. Ҳар иккала давлат ҳам бир-бири билан тинимсиз жанг олиб борар эди. Қадимги турклар Ғарбий Вэй давлати билан иттифоқчи бўлганлигидан унинг ўрнига келган янги сулола – Шимолий Чжоу давлати билан ҳам яхши муносабатни сақлаб қолган эди. Аниқроғи, иккала янги давлат ўртасидаги тўхтовсиз урушларда турклар ҳал қилувчи ролни бажарар эди. Буни яхши тушунган ҳар иккала давлат сиёсатчилари ҳам 561 йили Муқан хоқонга қуда бўлиш таклифи билан элчи жўнатадилар. Шимолий Чжоу давлатининг дипломатик маҳорати ва ҳар йили 100 минг тўп ипак мато билан иттифоқчилик ўлпонини тўлаб туриши эвазига турклар у билан икки марта – 563 ва 564 йиллар Шимолий Ци давлатига қарши қўшин тортади. Лекин катта муваффақият қозонолмайдилар<sup>2</sup>.

572 йили Муқан хоқон вафот этгач, укаси Таспар хоқон (хит. Тапар, Тобо; 572-581) тахтни эгаллайди. Муқан хоқон давридан бошлаб кучайган турклар янги хоқон даврига келиб янада қудратлироқ давлатга айланади. Ҳар икки Шимолий Хитой давлатлари ўз хазиналарини бўшатиб бўлса-да, Таспар хоқонга катта миқдорда ўлпон тўлашга мажбур эдилар. Таспар хоқоннинг ўз яқинларига «жанубдаги икки ўғлим<sup>3</sup> вафодорлик қилиб турса, қашшоқликдан қўрқмасак ҳам бўлади» деганлигининг ўзиёқ, бу пайтга келиб ташқи сиёсатда туркларнинг қанчалик кучайганлигини билдиради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т. 1. – С. 207, 231.

<sup>2</sup> Ўша асар. Т.1. – С. 232-233.

<sup>3</sup> Бу ерда Хитойдаги Шимолий Ци (550-577) ва Шимолий Чжоу (557-581) сулолалари тўғрисида гап кетиб, Таспар хоқон уларни ўз таъсир доирасига олган эди.

<sup>4</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. – С. 233.

Бу даврда Шимолий Ци давлати миссионерлари Таспар хоқонни буддавийлик динига эътиқод қилдиришга эришадилар ва улар ўртасидаги иттифоқ янада мустаҳкамланади. Лекин Шимолий Чжоу давлати 576 йили Шимолий Ци давлатини эгаллайди, сулоланинг сўнгги вакили Гао Шао-и эса туркларнинг хузурига қочиб келади. Хоқон уни Ци давлатининг императори деб тан олади<sup>1</sup>.

Бу орада турклар билан Шимолий Чжоу давлати ўртасидаги муносабатлар ҳам бузилади. Шимолий Чжоу давлатида Гуаньлун гуруҳи<sup>2</sup> раҳбари Ян Цзянь туркларнинг кучайиб, ўзларининг кучсизланишларига йўл қўймаслик учун туркларга ипак билан ўлпон тўламасликни уқтириб, императорга ўз таъсирини ўтказмоқда эди<sup>3</sup>.

Айни пайтда Таспар хоқон ҳам Ци давлатини босиб олган Чжоу давлатининг кучайиб кетишига йўл қўймаслик учун Ци давлати тарафини олади. Турклар Таспар хоқон бошчилигида 578 йили Хитойга бостириб кириб, Чжоу қўшинларининг барчасини кириб ташлашга муваффақ бўлади<sup>4</sup>. Шу йилнинг кишида улар яна Хитойга юриш қилиб, унга катта талофат етказадилар. 579 йили эса Таспар хоқон тинчлик сулҳи ва қариндошлик ришталарини боғлашни сўраб элчи жўнатади. Император ниқоҳга рози бўлади-ю, лекин Гао Шао-ини топшириш талабини қўяди. Бунга кўнмаган хоқон яна Хитойга қарши юриш қилади. 580 йили яна элчи жўнатиб, малика сўраттиради. Император ҳам

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 234; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М., 1967. – С. 33.

<sup>2</sup> Гуаньлун гуруҳи – Тоба-Вэй давлати инқирози даврида қўшгина хитойлик бой оилалар Шэнсига, Юйвын Тайнинг олдига қочиб бориб, у ерда Гуаньчжун ва Лунси вилоятларига асос соладилар. Улар ўзаро бирлашиб, япаш жойларининг номларидан Гуань (чжун) ва Лу (си) – Гуаньлун гуруҳига асос соладилар. Улар Хитойдаги бегона сяньби қабилалар сулоласини батамом тугатиш учун ҳаракат қилганлар (Гумилев Л.Н. Древние тюрки ... – С. 51).

<sup>3</sup> Гумилев Л.Н. Древние тюрки ... – С. 52.

<sup>4</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 234.



Ўз элчисини хоқонни Гао Шао-ини топширишга кўндириш учун жўнатади. Устамон Хитой элчиси қимматбаҳо совға-саломлар билан хоқонни бунга кўндиради ва Шимолий Ци давлати тахтига даъвогар Гао Шао-и пойтахт Чаньанга олиб кетилади. Кўп ўтмай у ўша жойда тутқунликда вафот этади<sup>1</sup>. Шундай қилиб, Шимолий Чжоу сулоласи ўз рақиби – Шимолий Ци давлатини тор-мор этиб, Шимолий Хитойда ягона ҳукмрон давлатга айланади.

572-581 йиллар Турк хоқонлигида ҳам Таспар хоқон ҳокимияти ўзининг энг юқори чўққисига чиққан давр эди. Лекин 581 йил ҳар иккала давлатнинг сиёсий ҳаётида туб бурилиш ясайдиган йил сифатида тарихда қолди. Худди шу йили Шимолий Чжоу давлатида Гуаньлун гуруҳи бошчилигида халқ кўзғолони кўтарилиб, сўнгги Чжоу императори ва унинг барча уруғ-аймоқлари кириб ташланади. Гуаньлун гуруҳи раҳбари Ян Цзян ўзини император деб эълон қилиб, Хитойдаги янги сулола – Суй империясига асос солади. Айнан шу йили Таспар хоқон ҳам вафот этади. Тахтга ворис сифатида кўрсатилган Муқан хоқоннинг ўғли Тўраман (хит. Далобян) қолиб, Қора Иссиқ хоқоннинг ўғли Ишбара (хит. Шабوليو; 581-587) тахтни эгаллайди. Хитой йилномаларида ушбу хоқонга «жасур, халқ ишончини қозонган ва уни ўз орқасидан эргаштира оладиган» деб таъриф берилади.

Суй сулоласининг илк императори Вын-ди ва собиқ Шимолий Чжоу давлатини қайта тиклаш учун ҳаракат қилаётган Ишбара хоқон муносабатлари биринчи яхши бўлмаган. Хоқон тез-тез Хитойга ҳужум уюштириб, Суй қўшинини тор-мор этиб турар эди. 581-588 йилларда Хитойни бирлаштириб, ўзининг ягона ҳокимиятини ўрнатишга эришган Суй сулоласи эндиликда асосий эътиборини туркларга қаратади. Суй ҳукумати Турк хоқонлигидек қудратли салтанат билан минтақада якка ҳукмронлик учун курашиш осон бўлмаслигини яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам улар хоқонликни заифлаштириб, сўнгга уни мустақил халқаро субъект сифатида тугатиш

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т.1. – С. 234.

учун бир қанча амалий чора-тадбирларни кўради. Анъанавий конфуцийлик мафқурасига асосланган ўрта асрлар Хитой ташқи сиёсати туркларга нисбатан яширин ва очик-ойдин дипломатик усуллардан фойдаланади<sup>1</sup>. Жумладан, Суй императори хоқонликни парчалаш ниятида Ғарбий қанот ябғуси Тардуга элчи юбориб, уни турк хоқони сифатида тан олишини билдиради. Нағижанда Тарду тахтга ўтириш тартибига амал қилмаган Ишбара хоқон ҳокимиятини тан олмаслигини эълон қилади.

583 йили Суй императори туркларга қарши уруш бошлайди. Бу жангда Ишбара хоқоннинг қўшини мағлубиятга учрайди. Айнан шу пайтда «давлатда очарчилик бўлиб, нон ўрнига суякни толқон қилиб истеъмол қилар, касаллик тарқалиб, жуда кўп одам қирилиб кетган эди»<sup>2</sup>.

Қолаверса, Хитойнинг аралашуви билан хоқонликда ҳукмрон сулола ўртасида келишмовчиликлар юз бериб, ўзаро бирлик йўқолган эди. Аниқроғи, Ишбарага қарши ғарбда Тарду хоқон ва Тўраман бошчилигида коалиция вужудга келади. Бундай зиддиятли вазиятда Суй империясининг қайси бири билан иттифоқчи бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири қудачиликни таклиф қилиб Суй давлатига элчи юборар, император эса уларнинг барчасига рад жавобини берар эди. Бироқ Ишбара хоқоннинг рафиқаси малика Цянгин Шимолий Чжоу маликаси бўлганидан, у императордан хоқонни ўғил сифатида қабул қилишини сўраб мурожаат этади.

Дарвоқе, деярли барча чорвадор сиёсий уюшмалар айнан сиёсий жиҳатдан кучайган пайтда Хитойга элчи юбориб, им-

<sup>1</sup> Малаевкин А.Г. Тактика Танского государства в борьбе за гегемонию в восточной части Центральной Азии // Дальний Восток и соседние территории в средние века. Новосибирск, 1980. – С. 103-125; Кроль Ю.Л. Китайцы и «варвары» в системе конфуцианских представлений о Вселенной (II в. до н.э. – II в. н.э.) // Народы Азии и Африки. – М., 1978. – №6. – С. 45-57; Степугина Т.В. Древний Китай ... – С. 263-265.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 236.

ператор саройи маликаларидан келин сўраганликлари маълум. Хитой эса ушбу қабилалар ва сиёсий уюшмалардан қайси бири кучлироқ ёки манфаатлироқ бўлса, уларга ўзининг «сарой кизлари»<sup>1</sup>ни келин сифатида жўнатган. Шу ўринда Хитой императорлари дашт давлатларининг сиёсий кучига қараб, уларга ўз кизлари ёки «сарой кизлари»дан бирортасини узатганлигини айтиб ўтиш керак.

584 йили Ишбара хоқон императорга элчи орқали куйидаги мазмунда хат жўнатади:

*«Тангри томонидан юборилган (сўзма-сўз. Осмонда тузилган) Буюк турк, Тангри (Осмон)нинг Ердаги доно ва муқаддас ўғли ёки Қутлуғ шад Баҳодир Ишбара хоқон Суй хонадонининг буюк императорига нома йўллайди. Бу ерда бўлган Суй Пин-хо орқали етказилган хабарлар менга маълум. Хукмдор рафиқамнинг отаси, демакки, менинг ҳам отам. Мен унинг қизини турмуш ўртоғиман, демакки, унга ўғил ҳамдирман. Бу иккала томонлар, гарчи ҳар хил бўлсалар-да, лекин ички тўйғу ва адолат томонлама бир бутунликни ташкил этади. Эндиликда агарда эскидан бўлиб келаётган қариндошлик алоқаларини икки баравар йўлга қўйсак, унда ўғиллар ва неваралар ҳамда ўн минглаб бўғимлар кетма-кетлиги кесилимайди. Буюк Тангри гувоҳ бўлсин, ҳеч қачон қарши бормаيمان. Худди унинг шойи матоси меники бўлганидек, менинг салтанатимдаги барча қуй ва*

<sup>1</sup> Сарой кизлари - қадимги Хитой анъанасига кўра, ҳар йили мамлакат бўйлаб яхши тарбияланган, ақлли, кўркем кизларнинг кўриги ўтказилиб, юқори баҳоланганлари саройга олинган ва қўшни давлатлар хукмдорларига императорнинг кизи сифатида турмушга узатилган. Улар узатилаётган пайда хизматчилари қаторида турли касб-корга эга хитойликлар ҳам бирга қўшиб юборилган. Баъзан бундай хизматчиларнинг сони юзга яқин бўлган. Келин килиб юборилган киз ва унинг ёнидагилари борган жойида Хитой учун махсус жосуслик вазифасини бажаришиб, тахт даъвогарлари орасига нифоқ солиб, давлатнинг бирлигига зарар етказишган.

*отларим ҳам хукмдорнинг чорвасидир. Бу ерда ўзаро ҳар-хиллик йўқ»<sup>1</sup>.*

Ушбу нома мазмунини таҳлил қилар эканмиз, унинг бошланишидаги жумлаларга эътибор қаратиш керак. Биламизки, Марказий Осиёда чорвадорлар томонидан қурилган бир қатор давлатлар каби Турк хоқонлигида ҳам ҳокимиятнинг илоҳийлигига ишониш мумкин. Турк хоқонларининг дунё хукмдори эканлигига бўлган ишонч айниқса, бошқа давлатлар хукмдорларига юборилган номаларнинг формулярида янада аниқроқ кўзга ташланади. Буни юқорида Ишбара хоқон Суй императорига ёзган номада «Тангри томонидан юборилган (сўзма-сўз. Осмонда тузилган) Буюк турк, Тангри (Осмон)нинг Ердаги доно ва муқаддас ўғли» тарзидаги жумлалар билан бошлаганида кўриш мумкин. Шу сабабли бўлса керак, Ишбара хоқон билан алоқадор ҳолда хитойча маълумотларда *шень тьян-ци* (хит. sheng tian zi) унвони учрайди ва у «тангридек» мазмунидаги туркча иборанинг айнан таржимасидир<sup>2</sup>.

Суй императори Вин-ди Ишбара хоқоннинг таклифига рози бўлади ва шу сабабли, «одатий элчиликдан ташқари, эскидан бўлиб келаётган қариндошлик бўйича энди атайин олий мартабали амалдор Юй Кинцзэни у ерда қизини кўриш, яна Шаболио (Ишбара)ни кўриш учун» жўнатади<sup>3</sup>.

Бундан хабар топган Ишбара хоқон ўз қўшинини сафга торттиради ва қимматбаҳо буюмларини чиқариб қўяди<sup>4</sup>. Бу ҳолатни қадимги турклар ва умуман дашт салтанатлари учун хос бўлган анъана дейиш мумкин<sup>5</sup>. Чунки Византия тарихчи-

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 237.

<sup>2</sup> Rybatzki V. Titles of Turk and Uigur Rulers in Old Turkic Inscriptions // CAJ. Wiesbaden. Vol. 44. 2000. – P. 226.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 237.

<sup>4</sup> Ўша асар. – С. 237.

<sup>5</sup> Мокрый В.П. Дипломатическая практика в Западно-тюркском каганате // Страницы истории и материальной культуры Киргизстана.

си Менандрнинг ёзишича, элчи Земархни Истеми ябғу ўзининг тилла суви югуртирилган устунли, кенг ва ҳашаматли чодирисида, оёқлари товус шаклида безатилган олтин тахтада керилиб ўтирганча қабул қилган. Ғарбий турклар ҳукмдорининг бойлиги ва ҳашамати қаршисида қойил қолган Земарх ҳукмдор ўтови қаршисида олтин ва кумуш анжомлар, ичимликлар билан тўлдирилган идишлар ортилган аравалар териб қўйилганини тасвирлаган<sup>1</sup>. Қолаверса, Ибн ал-Фақиҳ ал-Ҳамадонийнинг «Ахбор ал-булдон» (X аср) асарида халифа Ҳишам ибн Абдулмалик (724-743) «турклар ҳукмдорига» элчи юборганида ҳокон унга ўз қўшинини намойиш қилган ва 10 дона байроқ (туғ)ни бирма-бир силкитганида ҳар бир байроқ остида 10 минг нафардан аскар тўпланиб, 100 минглик қўшин йиғилгани ҳақида қайдлар бор<sup>2</sup>. Бошқа давлатлар элчилари олдида ўз қўшинларини саф торттириш билан турк ҳукмдорлари ўзларининг ҳарбий куч-қудратларини намойиш этишган. Шунингдек, олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан ишланган шоҳона буюмлар ва анжомлар «кўргазмаси» ҳам чет элликларда ҳоконликнинг бойлиги ва ўзига тўқлиги тўғрисида тасаввур уйғотиши учун хизмат қилган. Демак, қўшин ва шоҳона буюмлар кўргазмасини уюштириш аслида туркларнинг ўзига хос дипломатик усулларидан бири саналган экан.

Ишбара ҳокон касаллиги туфайли ўрнидан тура олмаслиги учун узр сўраб, элчи Юй Кинцзэни ўтирган ҳолда қабул қилади. Шунингдек, ҳокон катта амакисидан бошқа ҳеч кимнинг олдида таъзим қилмаслигини ҳам қўшимча қилиб қўяди. Аммо бунга жавобан Юй Кинцзэ ҳоконга назокат билан танбех беради. Малика Цянгин эса Юй Кинцзэга қўли билан ҳокон

– Фрунзе., 1975. – С. 110-123.

<sup>1</sup> Менандр. Продолжение истории Агафьевой // Византийские истории. Пер. с греч. С. Дестуниса. СПб., 1861. – С. 375.

<sup>2</sup> Асадов Ф.М. Арабские источники о тюрках в раннее средневековье. – Баку, 1993. – С. 44.

табиатига кўра бўри, шунинг учун баҳслашиш ва урушишни жуда яхши кўради деб айтади (ишора қилади). Чансун Шен номли хитойлик амалдор ҳоконни кўндиришга ҳаракат қилади. Шундан сўнг Ишбара кулимсираб, ўрнидан туради ва эгилиб таъзим қилганча, тиз чўкиб давлат муҳри босилган ёрлиқни олади ва бошига теккизади (қўяди). Бироқ кутилмаганда катта саросима бошланади ва унинг итоаткорлари тўдалашиб хўнграб йиғлаб юборишади<sup>1</sup>.

Демак, бундан турк ҳоконлари ўз юртига келган элчиларни ўрнидан турмасдан қаршилагани тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бу ҳам қабул маросимининг ўзига хос томони саналиб, шу орқали чамаси бошқа давлатлар олдида ўз мақомининг юқорилигини кўрсатишган бўлсалар керак. Чунки ўз амакисидан бошқага таъзим қилмайдиган ҳокон Суй элчиси қаршисида эгилгач, турк амалдорлари бирданига саросимага тушиб қолишгани ҳар ҳолда бу удумнинг умумҳоконликда урф бўлмаганлигини кўрсатади.

Юй Кин-цзэ ҳоконга вассал бўлишни таклиф этганида, яқинларининг вассал биздаги қулга ўхшаш, деган изоҳидан сўнг, Суй императорига қул бўлиш мен учун шараф, деб жавоб беради. Аслида ғарбда Гарду ҳокон, шарқда эса киданлар хавф солиб турган бундай қалтис пайтда ҳоконнинг бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди. Суй императори рақибларини мағлуб этишда Ишбара ҳоконга кўрсатган ҳарбий ёрдами эвазига улар орасидаги муносабатлар энди бошқача тус олади. Яъни, олдин ҳар икки давлат ҳам мустақил субъект сифатида тан олинган бўлиб, қадимги Хитойнинг халқаро муносабатлардаги асосий иккита йўналишларидан бири, яъни ди го – «тенг давлатлар» концепциясига асосланган эди. Бироқ императорнинг янги буйруғига кўра, хитойлар ва турклар «энди ҳукмдор ва вассал»га айланадилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 237.

<sup>2</sup> Уша асар. Т.1. – С. 238.

587 йили Ишбара хоқон вафот этгач, укаси Чўр хоқон (хит. Чулохоу шеху хан; 587-588) тахтга чиқади. Янги хоқон ҳам акаси каби довюрак ва ақлли эди. Тез орада ғарбга юриш қилиб, Тўраманни асирга олади ва унинг тақдирини Суй императорининг хоҳиши билан ҳал қилади. Бу эса Турк хоқонлигининг бу пайтга келиб деярли Суй давлати вассалига айланиб қолганлигини билдирар эди. Тахтга ўтирганига бир йил ўтиб, яна ғарбга қўшин тортган Чўр хоқон ўқдан яраланиб, вафот этади. Тахтга Ишбаранинг ўғли Тўнга Турон (хит. Тунло Дулан; 588-600) ўтиради.

Ишбара хоқоннинг ўғиллари Тўнга Турон ва Тули хоқон (хит. Кижин, Кимин; 608-609 йили вафот этган)лар ўртасида Суй сулоласининг аралашуви билан низо чиқади. Суй сулоласининг ёрдамига эришиш учун Тули хоқон Суй маликасига уйланади. 600 йили Тўнга Турон ўз яқинлари томонидан ўлдирилгач, тахтни Тарду хоқон эгаллайди. Суй ҳукумати хоқонликда ўзининг ягона ҳокимиятини ўрнатган Тарду хоқоннинг кучайиб кетишидан қўриқиб, энди унинг ўзига қарши қўшин жўнатади. Тардунинг ўғли Хэулифу ва Тули хоқон бошчилигидаги Хитой қўшинлари ўртасидаги жангда Тули хоқоннинг қўли баланд келади. Бир қанча муваффақиятсизликлардан сўнг, Тарду хоқон Тогон давлатига қочиб кетиб, у ерда бедарак йўқолади. Ҳокимиятни Тули хоқон эгаллаб, Суй сулоласининг кўгирчок ҳукмдори сифатида хоқонликни бошқаради. Жумладан, Тули хоқон суй императорига «хитойларга ўхшаб кийинишни, хитой урф-одатларини қабул қилиш» таклифини билдирган. Бунга жавобан император «урф-одатларни ўзгартиришнинг ҳожати йўқ, ўйлаб иш кўр, халқингга яхши бўлсин» мазмунида жавоб берган<sup>1</sup>.

Қадимги туркларнинг тасаввурича, Хитой ўзининг ҳийласи ва маккорлиги, қолаверса, дабдабали совға-саломлари билан узоқ ва яқиндаги халқларни ўзига яқинлаштирар эди<sup>2</sup>. Хитой

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 244.

<sup>2</sup> Камалов А.К. Тюрки и иранцы в Танской империи (618-907 гг.): Дис... док. ист.

мафқураси ва у юритган сиёсат қадимги турклар учун хавф солишини хоқонлар яхши тушунишган. Шунинг учун, Кул Тегин битиктошида «Табғач (Хитой) халқи сўзи ширин, дебоси (ипак кийимлик ва кийим) нафис экан. Ширин сўзи, дебоси билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан», «(Уларнинг) ширин сўзига, нафис дебосига (ипак кийимлигига) алданиб, кўп [эй] турк халқи, ўлдинг» каби жумлалар битилган<sup>1</sup>.

609 йил Тули хоқон вафотидан сўнг, ўрнига ўғли Шиби хоқон (609-619) тахтга ўтирди. У отасидан фарқли ўлароқ, Хитойга қарши бир неча марта фаол урушлар олиб боради. Хатто, 615 йилда Суй императорини Яйминда қуршаб ҳам олади. Бу даврга келиб, Суй сулоласида ҳам ўзаро келишмовчиликлар авж олиб, фукаролар уруши (613-618) бошланган эди. Хитой йилномачилари хоқонликни «миллионлаб қўшинга эга, қадимда ҳам ҳеч қачон шимолий кўчманчилар бунчалик кучаймаган эди» деб ёзадилар<sup>2</sup>.

Шу сабабли, Шиби хоқоннинг элчилари ҳар сафар Суй императори саройига келганида ўзларини такаббуруна тутар эдилар. Хатто, 618 йили хоқоннинг Қутлуг тегин (хит. Гудулу дэлэ) номли элчиси император Ву-дэ саройининг тахт турувчи хонасида меҳмон қилинган, у мусиқа садолари остида император тахти ёнига ўтқизилган<sup>3</sup>.

Ўзаро урушлар оқибатида Суй сулоласи ўрнига ҳокимиятга Тан сулоласи (618-907) келади. Шиби, Чўр ва Эл хоқонлар Суй сулоласини қайта тиклаш учун кўп уринадилар. Хатто, Чўр хоқон Суй сулоласининг сўнгги вакили бўлган Ян Чжен-даони ҳукмдор (хит. ван) деб эълон қилиб, сулолани бир муддат қайта тиклашга ҳам эришади. Хоқоннинг яқинлари янги Тан сулоласи

наук. – Алматы, «ИВРК». 2008. – С. 216.

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ғ. Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент. 1982. 89-90-бетлар.

<sup>2</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 245.

<sup>3</sup> Уша асар. – С. 245-246.

билан бу хилда сиёсат юритмаслиги ҳақида маслаҳат берганида, у шундай жавоб беради: «Менинг ота-боболарим ҳокимиятни қўлдан чиқарганида, Суй сулоласининг ёрдами билан қайта тиклаган эдилар. Буни эсдан чиқариш яхши эмас. Мен шундай қарорга келдим». Аммо шундан кўп ўтмай, хоқон захарлаб ўлдирилади<sup>1</sup>.

Суй императорлари порахўрлик, фитна каби усулларни ишга солиб, қадимги туркларнинг ўзаро ички низоларидан ҳам фойдаланганлар<sup>2</sup>. Шунини ҳам алоҳида қайд этиш керакки, императорлар хоқонларни ўзларига оғдириш ниятида саҳийлик билан совға-саломлар жўнатардилар<sup>3</sup>. Бу каби усуллар тез орада ўзининг ижобий натижаларини бермай қолмаган, албатта. Бир сўз билан айтганда, Суй салтанати империявий мафкура билан чамбарчас боғланган ва етарлича яхши ишлаб чиқилган ташқи сиёсий доктринага эга эди.

Турк хоқонлиги ташқи сиёсатда асосан ҳарбий кучга таянар, қўшни давлатлар ва бўйсундирилган халқлар билан муносабатларда уларга уддабуронлик етишмаслиги туфайли дипломатияга кам мурожаат этардилар<sup>4</sup>. Шунинг учун ҳам дипломатия масаласида хоқонлар тажрибали, узокни кўра биладиган ва уддабурон суғдликларнинг ёрдамидан фойдаланардилар. Турк хоқонлиги тарихига оид қатор асарларда ушбу масалага йўл-йўлакай тўхтаб кетилган бўлиб<sup>5</sup>, асосан туркларнинг ҳарбий экспансиялари, суғдликларнинг дипломатик миссиялари, у ёки бу давлат билан бўлган гоҳ зиддиятли, гоҳ юмшоқ муносабатлар хусусида айтиб ўтилган, холос.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т.1. – С. 246-247.

<sup>2</sup> Думан Л.И. Внешнеполитические связи Китая с Сюнну в I – III вв. // Китай и соседи в древности и средневековье. М., 1970. – С. 37.

<sup>3</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. – С. 244.

<sup>4</sup> Джуманалиев Т. Эволюция политической власти... – С. 33-34.

<sup>5</sup> Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1967; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964. – С. 102-103.

Хуллас, Турк хоқонлиги дипломатик муносабатларининг катта бир қисмини Хитойнинг Суй ва Тан сулолалари билан олиб борган алоқалар ташкил қилади. Чунончи, Турк хоқонлиги ва Суй сулоласи ўртасидаги қарийб 40 йилга яқин давом этган ўзаро муносабатлар давлатларнинг ҳарбий ва сиёсий куч-қудратига қараб ўзгариб турган. Қолаверса, кучлар нисбати хоқонларнинг шахсига ҳам боғлиқ бўлган. Умуман, турк хоқонлари Суй сулоласи саройига турли йилларда ҳаммаси бўлиб 370 та элчилик жўнатган<sup>1</sup>. Қадимги турклар Хитой билан тинчлик алоқаларини ўрнатиш ва чегара ҳудудларда савдо айирбошлашни йўлга қўйишга ҳаракат қилганлар. Бунинг учун улар баъзан муро-са, баъзан таҳдид ёки талаб йўллари билан бирини тутганлар. Бироқ Хитой сулолалари буни ҳар доим ҳам бирдек тушунмас, қадимги туркларга табиатан жанговар ва шафқатсиз деб қарар эдилар.

Умуман, ҳар иккала салтанатининг халқаро муносабатлардан кўзлаган ўзига хос мақсадлари бўлиб, бунга етишиш учун улар турли усуллардан фойдаланишган. Шундай экан, ҳар бир Хитой сулоласининг хоқонлик билан алоқаларини алоҳида алоҳида ўрганиш кўпгина масалаларга ойдинлик киритади. Бунинг учун эса биринчи навбатда хитойшуносларнинг махсус изланишлари талаб этилади.

**Резюме.** Автор статьи пытался изложить динамику взаимоотношений между Тюркским каганатом и государством китайской династии Суй в течении около 40 лет, которая менялась в соответствии с изменением военного и политического положения обоих государств, а также в результате личной позиции каганов. В этих делах суйские императоры придерживались специальной стратегии, выработанной в период правления династии Хань, правившей до них, а тюркские каганы вели дело основываясь на степные традиции своих предков.

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах ... Т. 1. – С. 241.

**Summary.** The author tried to explain the dynamics of the relationship between the Turkic khaganate and the state of the Chinese Sui Dynasty during the 40 years which changed in accordance with the military and political situation in both countries, also as a result of personal positions of khagans. In these cases, the Sui emperors held a special strategy, developed during the reign of the Han dynasty, which ruled before them, and the Turkic khagans led relations on the steppe traditions of their ancestors.

## ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТЎХОРИСТОН ЯБЎУЛИГИ ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДАГИ ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ф.Дж.Джуманиязова

Маълумки, илк ўрта асрларда Амударёнинг юкори оқимида Тўхористон ябғулиги (тахминан 620-750) фаолият кўрсатган эди. Жумладан, хитой йилномаларида Ту-хо-ло (Тўхористон) давлати 27 та майда хукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи Хо (Қундуз)да бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб шеҳу (туркийча ябғу) унволи хукмдорга бўйсунганлиги айтилган<sup>1</sup>. Бир асрдан зиёд хукм сурган ушбу

<sup>1</sup> Дарвоқе, Балх, Термиз, Чағониён, Хутгал, Кумед, Воҳон, Шугнон, Қубодиён, Вахш, Шуман, Ахарун, Каррон, Руб, Самингон, Шубургон, Узгон, 1 арчистон, Бадғис каби ярим мустақил хукмдорликлардан ташкил топган Тўхористонни туркий ябғулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этилади. Қаранг: «История» ат-Табари. Избранные отрывки / Пер.с араб. В.И.Беляева. Дополнения к переводу О.И.Большакова и А.Б.Халидова. Ташкент. 1987. – С. 124. Тахминан 590-йиллар атрофида Тўхористон бошқарувида Тарду хоқон (576-603) тегин унволи ўғлини юборган бўлса, 620-йилларда Тун ябғу-хоқон ўз ўғли Тарду шадни жўнатади. 620-йиллардан то 750-йилларга қадар Тўхористонни бошқарган сулола вакиллари Тарду шад (620-630), Тегин-шад (630-645), Ишбара ябғу (645-650), Ашина Учжебо (653-660), Гунн Ишбара ябғу (660-700), Надунили (700-720), Қутлуг Тун Тарду (720-730), Сулаймон Қора (Шилимань Гяло; 750) каби аксарияти туркий исм ва унволарга эга бўлиб, улар Ябғулар сулоласи номи остида қарийб 130 йил хукм суришади. қаранг: Harmatta J., Litvinsky V.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule// History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. – Paris. 1996. – P. 373; Ekrem E. Hsyan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi.

ябғуликнинг дипломатик фаолияти асосан хитой манбаларидаги маълумотлар орқали бизгача етиб келган. Бу хусусда маълумотлар кам. Шунга қарамай улар Тўхористон ябғулигининг нафақат ташқи дипломатик сиёсати, балки минтақадаги ижтимоий-сиёсий мавқеи ва ҳарбий қудрати ақс этган тарихий манзарани тиклашда қатта ёрдам кўрсатади. Тўхористон ябғулигининг қатта империялардан асосан Хитой, қисман Тибет билан дипломатик фаолият олиб борганлигини биламиз, холос. Биз қуйида ябғуликнинг Хитой билан олиб борган элчилик алоқалари хусусида тўхталмоқчимиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Тўхористон Хитой билан элчилик муносабатларини ўрганишдан қандай мақсадни кўзлаган? VIII асрдан бошлаб Тўхористондан Хитойга юборилган элчиликлар шу даврда Марказий Осиёда арабларга қарши тура оладиган йирик сиёсий қуч йўқлиги сабабли Хитойдан ҳарбий мадад олишга мажбур бўлганлигини кўрсатади. Тўхористон – Хитой муносабатлари тарихини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқич – ябғулик ташкил топганидан, яъни VII асрнинг биринчи чорагидан то VIII асрнинг биринчи чорагига қадар бўлган давр Хитой билан алоқалар ўзаро ҳадялар алмашиш тарзида бўлган, холос. Том маънодаги сиёсий аҳамиятга эга бўлган дипломатик алоқалар эса иккинчи босқичда VIII асрнинг биринчи чорагидан бошланади. Маълумки, бу даврда Тўхористон ябғулиги мураккаб сиёсий вазият, яъни иккита йирик сиёсий қуч – Араб халифалиги ва Тибет империясининг ҳарбий ҳужумлари остида қолган эди. Ябғулар араблар ва тибетликларга қарши курашиш мақсадида ҳарбий ёрдам излаб Хитойга элчи жўнатган. Шуниси эътиборга моликки, ҳар иккала босқичда ҳам Хитой ушбу дипломатик муносабатларни ўз «ташқи сиёсий доктринаси»га кўра «Осмон ўғлига тобелик изҳори» сифатида қабул қилган. Бу ҳақда хитойшунос А.Хўжаевнинг монографиясида ҳам шундай жумлалар мавжуд: «...бизгача етиб келган хитой

Sosyal Bilimler Enstitüsü. Ankara. 2003. – S. 138-139; Бобоёров Ғ. Турк хоқонлиги даврида Тоҳаристон // Мозийдан садо. 2002. – № 4. 10-11-бетлар.

манбалари, айниқса сулолалар тарихи ва сарой тарихчилари томонидан битилган асарларда Хитойнинг қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлари ўзига хос тарзда таърифланган. Масалан, ҳукмдорлар ихтиёри билан сарой солномачилари томонидан битилган тарихларда императорлар «Тангри ўғли» (Тянзи) деб қайд этилиб, уларнинг фаолияти «қонуният» (дао), ахлоқ ва одамийлик (дэ), «ғамхўрлик ва ҳиммат кўрсатиш», «Тангри амри» (тянминг) каби тушунчаларга асосланган ҳолда баён қилинган. Бу тушунчалар Хитойнинг ўзга мамлакатлар ўртасидаги муносабатларини белгилашнинг асосий мезони бўлган. Чунончи, уларга кўра, Хитой ҳукмдорлари Тангрининг ер юзидаги ўғилларидир; улар Осмон остидаги барча мамлакат ва халқларга нисбатан эгадорлик ҳукукига эгадир; уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари Тангрининг буйруқларидир; ўзга мамлакатларнинг Хитойга юборган совғалари Тангри ўғилларига билдирган итоаткорлик белгисидир; бу совғалар эвазига Хитой ҳукмдорлари томонидан берилган нарсалар уларнинг ўзга давлат ва халқларга нисбатан кўрсатган ҳиммати ва ғамхўрлигидан далолатдир»<sup>1</sup>.

Илк Тўхористон — Хитой элчилик муносабатларининг бошланиши «Таншу»даги маълумотга кўра, Тўхористон ўлкасининг У-дэ (618-626) ва Чжэнь-гуань (627-649) эраси даврида Хитойга икки марта элчи жўнатган даврга тўғри келади<sup>2</sup>. Бошқа бир хитойча энциклопедик асар «Тунг-дянь»да Тан сулоласи ташкил топган санада (618) Тўхористон

<sup>1</sup> Багафсил караш учун. Ходжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар). — Тошкент. 2015. 5-бет; Ўша муаллиф. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). — Тошкент. 2013. 6-бет.

<sup>2</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre Batı Türkleri. Çeviri M. Koç. Selenge Yayınları. — İstanbul. 2007. — S. 211.

мамлақати аллақачон туркларга тобе эканлиги<sup>1</sup> ҳақидаги маълумотга асослансак, мазкур элчиликларни Тўхористон ябғулигининг Хитой билан илк дипломатик фаолиятининг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Кейинги элчиликлар ҳақида маълумотлар хитойча «Це-фу-юань-гуй» («Император кутубхонасининг бошланғич тошбақаси») номли тарихий энциклопедияда ҳам эслатилади, унга кўра тўққизинчи Чжэнь-гуань йилининг (635) бешинчи ойида бир Тўхористон элчиси хитой саройига ташриф буюрган эди<sup>2</sup>. Шунингдек, ушбу асарда яна ўн тўққизинчи Чжэнь-гуань йилининг (645) биринчи ойида Шаболо исмли (Ишбара ябғу (645-650) Тўхористон ябғусининг Хўтан (Yu-ti'en), Тунго (T'ung-o)<sup>3</sup> ва Самарқанд (Kang) каби давлатлар билан қаторда Хитой саройига тортиқлар билан элчи жўнатгани айтилади<sup>4</sup>. Кейинги ўзаро алмашилган элчилик алоқалари ривожда қизиқ бир маълумотни учратиш мумкин. Унга кўра биринчи Юн-хуэй йилида (650) тўхористонликлар Хитой саройига «етти қадам баландликдаги кора рангли, оёқлари туя оёғига ўхшаган, қанотларини очиб юрувчи, бир кунда уч юз ли (Тан даврида 1 ли тахминан 1 км.га тенг бўлган) йўл юрадиган ва темир юта оладиган катта кушлар ҳадя қилдилар. Халқ орасида (Хитой халқи) улар «куш-туялар» деб аталди»<sup>5</sup>. Э. Шефер фикрича, Хитойга ташқаридан келтирилган ҳеч бир жонзот Тўхористон туякушлардек хитойликларни

<sup>1</sup> Ekrem E. Hsyan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... — S. 139.

<sup>2</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... — S. 211.

<sup>3</sup> Э.Шаванн фикрича, бу ерда келтирилган Тунго номи Фарбий туркларнинг бир ҳоконига тегишли бўлса керак. Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... — S. 211.

<sup>4</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... — S. 211.

<sup>5</sup> Ўша асар. — S. 211; Малаевкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. Новосибирск. Наука. Сиб.отд-ние. 1989. — С.69; Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. Фан доктори ОАК низоми Эскиси 2013. М., 1981. — С. 144; Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент. 1975. — С.56.

хайратлантормаган эди<sup>1</sup>. Тўхористон туякушларининг Хитойда кадр-қиммати шу даражада юксак бўлганки, ҳатто Тан императори Гао-цзун ўзининг аждоди Тай-цзунга атаб унинг мозор-қўрғонида ушбу кушлардан бирини қурбонлик келтирган эди<sup>2</sup>. Хуллас, туякушлар Тўхористоннинг нафақат Хитой, балки бошқа қўшни давлатларга жўнатган тортиқлари орасида асосий ўринни эгаллаган. Масалан, бу фикрнинг тасдиғи сифатида Самарқанддан топилган машҳур Афросиёб деворий суратларининг жанубий деворида тасвирланган Чағониён (шу даврда Чағониён Тўхористон конфедерацияси таркибида эди) элчиси дапирпатнинг Самарқанд ҳукмдорига ҳадя сифатида келтирган тўртта оқ рангли туякушни мисол қилиб келтириш мумкин<sup>3</sup>.

Юкорида таъкидланганидек, Тўхористон ябғулари Хитой саройига ўз элчиларини жўната бошлагач, «Осмон ўғиллари» бу ҳолатни итоаткорлик белгиси деб тушуниб, саройда туриб барча Ғарбий ўлкалар қатори Тўхористон «тақдирини ҳал қила бошлаган». Дастлабки Тўхористон ябғулари (Тарду шад (620-630), Тегин-шад (630-645), Ишбара ябғу (645-650) лар Тан империяси «ҳомийлиги»дан мустасно шахслар эди. Аммо, VII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан вазият бошқа томонга ўзгаради. Хитой йилномаларида Тўхористон ябғулари «Осмон ўғиллари»нинг таъсири остидаги ҳукмдорлар, унинг ҳудуди эса вассал ўлка сифатида келтирила бошлайди. Масалан, Сянь-цин замонаси даврида (656-661) А'хуан шаҳри (Тўхористон ябғулигининг пойтахти бўлган Кундуз)да Юэчжи тутук (дуду) бошқаруви тасис этилиб, унинг ҳукмдори Ашина (Ашина Учжебо (653-660) Ябғу этиб тайинлангани айтилади<sup>4</sup>. Гўёки Тўхористонда яшаётган қабилалар орасида 24 округ

<sup>1</sup> Шефер Э. Золотые персики Самарқанда... – С. 144.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 144.

<sup>3</sup> Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба... – С. 56.

<sup>4</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 211-212.

ташкил этилиб, уларнинг бошқаруви тутуклар ихтиёрига топширилган<sup>1</sup>. Аммо мазкур ҳолат ўша даврдаги тарихий воқелик билан мос келмайди. Яъни, ушбу бўлиниш ва унвонлар бериш тартиби Тўхористон билан дипломатик муносабатлар ўрнатилгач, Хитой саройидаги амалдорларнинг саройдан чиқмасдан туриб, девонхонада ўйлаб топган «уйдирмалари» бўлган, холос. А.Г.Малявкин фикрича, «Синь Таншу»да келтирилган мазкур тутук бошқарувлари ва округлар амалда мавжуд бўлмасдан, империянинг олий девонларида «яратилган»<sup>2</sup>. Шунингдек, Ашина Учжебонинг икки йилдан кейин ўз тобелигини билдириш учун Хитой саройига ўғлини жўнатганлиги ҳақида маълумот бор<sup>3</sup>. Афтидан, Ашинанинг ўғли гаров сифатида жўнатилган бўлса керак. Шу билан бирга ҳадя сифатида ақиқ тошидан ишланган ва кўп миқдордаги шамлар билан безатилган 3 чи (1 чи 1 қадамга тенг) баландликдаги чирокни бериб юборган<sup>4</sup>.

670-692 йилларда Тарим ҳавзасига тибетликлар бостириб киргач, Тўхористон ябғуларининг, аниқроғи Ишбара ябғунинг (Гунн Ишбара ябғу (660-700) назарда тутиляпти) Хитой билан дипломатик муносабатлари бир муддат тўхтагандек бўлиб кўринади. Муносабатларнинг тўхташи 705 йилгача давом этади ва кейинги Тўхористон ябғуси На-ду-ни-ли даврида келиб (700-720) навбатдаги элчилик Хитой императори саройига жўнатилади<sup>5</sup>. Манбаларда айтилишича, биринчи Шен-лунг йи-лида (705) у ўз укаси Ашина Дэле Пуло (Ашина Тегин Бўғра) орқали Хитойга тобелигини изҳор қилади, қайтаётганда Ашина Дэле Пуло (Ашина Тегин Бўғра) Хитой саройдан кузатув-

<sup>1</sup> Малявкин А.Г. Танские хроники... – С. 75.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С.6.

<sup>3</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 212.

<sup>4</sup> Ўша асар. – S. 212; Малявкин А.Г. Танские хроники... – С. 69.

<sup>5</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 212; Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara ... – P. 372.



чилар билан бирга қайтариб юборилади<sup>1</sup>. Ашина Дэле Пуло (Ашина Тегин Бўгра) шахси билан боғлиқ хитой манбаларида яна бир муҳим аҳамиятга эга маълумот учрайди. Унга кўра, Тўхористон ябғусининг иниси бўлган бу шахс 718/719 йилда Хитой императорига тақдим қилган мурожаатномасида ўз оғасига Темир дарвозадан (Бойсун) Ҳиндистонгача бўлган ҳудудлардаги 212 та катта-кичик ҳокимлик бўйсунинини айтган: «Тўхористон ябғуси [акамнинг] амри остида турли давлатлар, хусусан волий ва волийлардан ташкил топган икки юз ўн икки раислик бир мажлис бор. Си-юй (Зобулистон) ҳукмдори икки юз минг суворий ва аскарларга саркардалиқ қилади... Бобомдан ва отамдан то ҳозирги ҳукмдорларга қадар [бутун] [Тўхористон ҳукмдорлари] бу фарқли ўлкаларнинг ҳукмдорлари эдилар»<sup>2</sup>. Бу матн нафақат Тўхористон – Хитой муносабатлари, балки VIII аср бошларида Тўхористон ябғулигининг сиёсий ва ҳарбий қудратини кўрсатишда ҳам аҳамиятлидир.

«Це-фу-юань-гуй»да яна бир муҳим элчилик ҳақида шундай маълумот келтирилади: «Еттинчи Кайюань йилининг (719) олтинчи ойида Таши (араблар), Тухоло (Тўхористон) давлати ва Жанубий Ҳиндистон ҳукмдорликлари Хитойга тобелигини билдириш ва хирож тўлаш мақсадида элчилар жўнатади. Тухоло (Тўхористон) Шеханна (Чағониён) ҳукмдори Тише (Тиш) астрономия фани билимдони саналган Та-му-ше<sup>3</sup> исмли бир кишини ҳузурига келишини илтимос қилди. Бу одам ғоят даражада билимдон бўлиб, у жавоб беролмайдиган савол йўқ эди. Ҳукмдор императорга ҳурматини изҳор этган ҳолда Та-му-шени унинг ҳузурига жўнатиб, шахсан ўзининг ва қўл остидагиларнинг нима қилишларини, нималар

<sup>1</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S.212; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. V-XI асрлар. – Тошкент. 2014. 46-бет.

<sup>2</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 259.

<sup>3</sup> Француз хитойшуноси Э. Шаванн фикрича, бу шахс моний динига мансуб олим бўлган.

ўйлаётганларини сўрашини, барча диний таълимотлар билан боғлиқ маълумотларни билишни исташини билдирди. Император бу кишининг ҳақиқатдан гапирилгандек бўлиши ё бўлмаслигини билмоқчи эди. Ҳукмдор императорга Та-му-ше билан кўришиш ва диний амалларни бажариш учун бир саждагоҳ қуришини илтимос қилди»<sup>4</sup>. Тухоло (Тўхористон) Шеханна (Чағониён) ҳукмдори Ти-ше (Тиш)нинг Хитойга Та-му-шени юборишдан мақсади аслида моний динини у ерда ёйишдан иборат бўлган<sup>5</sup>. Шу билан бирга, биринчи Кайюань (713-741) йилида Хитойга Тўхористондан турли элчиликлар жўнатилгани маълум. Шунингдек, «Це-фу-юань-гуй»да ўн еттинчи Кайюань йилининг (729) биринчи ойида бир нома билан Тўхористон ябғуси Ку-ту-лу (Кутлуғ) Та-ту (тарду) га Тўхористон ябғуси ва эфталийларнинг ҳукмдори унвони берилди, деган маълумот бор<sup>3</sup>. Яна ушбу манбада ўн саккизинчи Кайюань йилининг (730) беш ёки олтинчи ойида Нан-чи (Нан-то) исмли тўхористонлик бир одамнинг Хитой саройига элчи бўлиб келганлиги айтилади. Шунингдек, йигирма олтинчи Кайюань йилида (738) Тўхористон давлати уч марта юксак давлат арбоби И-нан-чу тархон Ло-ти-ченни ҳадялар билан хитой саройига жўнатган. Манбаларда бошқа Тўхористон элчиларининг 720, 724, 726, 735, 744, 745, 749, 753 ва 759 йилларда Хитой саройига келгани, энг сўнгги санада келган элчининг исми Ву-ли-то бўлгани ҳақида маълумотлар учрайди<sup>4</sup>. Хусусан, Тяньбао йили (742-755)да Тўхористондан Хитойга отлар, хачирлар, 200 турдаги дорилар, хушбўй ҳидли ёғоч, турли кирмизи тошлар жўнатилган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 213.

<sup>2</sup> Ekrem E. Hsyan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 139.

<sup>3</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 213; Ekrem E. Hsyan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 139; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия... 46-бет.

<sup>4</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 213.

<sup>5</sup> Ekrem E. Hsyan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 139.

Баъзан Хитой билан Тўхористон муносабатлари ҳарбий ёрдам кўрсатиш сифатида намоён бўлган. Масалан, «Тан-шу»да «Кейинроқ Киеше (Кашмир)да яшайдиган Ху (Ғарбий ўлкалардаги ўтроқ халқлардан бири) тубо (тибет)ликларни Тухоло (Тўхористон)га хужум қилишга гиж-гижлади. Бунинг оқибатида ябғу Шэлиман Гэло Анси (Куча) кўшинининг унга ёрдамга юборилишини илтимос қилди. Император душманни мағлуб қилишлари учун унга жангчилар жўнатди»<sup>1</sup>.

Бу хусусда ўн бешинчи Кайюань йили, яъни 727 йилда бир Тўхористон ябғусининг императорга жўнатган мактуби «Це-фу-юань-гуй»да келтирилган. Унинг мазмуни шундай эди:

*«Бандангиз, шу онда фарзанд севгисидан маҳрум бўлганлиги сабабли шахсан ўзини айбдор сезмоқда. Падари бузрукворим ҳатти-ҳаракатлари туфайли Та-ши (араблар) тарафидан қамоққа олинган эди... Осмон императоридан «агар Та-ши (араблар) сизни чиқиштирмасдан, зарар етказса, сизга ўз ёрдамимни жўнатаман», деган ёзувли бир буйруқ олган эдим. Шу онда араблар менинг гарданимга оғир бир солиқ юкладилар. Агар император жаноблари мени қутқармасалар, қўлингиз ўзича қутула олмас ва давлатим барбод бўлажак. Гарчи ҳаддим сизмасада, император жанобларининг менга ҳиммат кўрсатиб, қутулишим учун озгина ёрдам кўрсатишига интиқман».*

Император жанобларининг Тургаш хоқонига жавоби:

*«Узоқ Ғарбнинг ишларини сизга ҳавола қиламан. Арабларни даф қилмоқ учун тезда кўшинларингизни жўнатасиз» дея амр берганини эшитдим. Бу агар ҳақиқатан тўғри бўлса, император жанобларининг менинг ташвишим билан*

<sup>1</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 213; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия... 46-бет.

*алоқали бир қарорга келишига умидворман. Араблар гарданимга оғир тўловларни юклаганлиги учун сизга ҳадя қиладиган қимматли бир совға тополмадим, ишончим комилки, император жаноблари мени тушунар. Қўлимдан келадиган бир хизмат ва ғарбий ўлкалардан эҳтиёжингиз бўлган бир нарса бўлса, билдиришингизни ҳоҳлайман»<sup>1</sup>.*

Яна шунингдек, ушбу манбада «Киен-юань даври (758-759) бошларида Тухоло (Тўхористон) ва бошқа тўққиз Ғарб хукмдорлиги исёнкорларни жазолаш учун Осмон ўғли (Хитой императори)га кўшинлар жўнатишди. Император фармон чиқариб ушбу жангчиларнинг Шофанг кўшинига бириктирилишини буюрди»<sup>2</sup>. Демак, юқоридаги маълумот Тўхористоннинг нафақат Хитойдан ҳарбий мадад олгани, балки кези келганда Хитойга кўшин жўнатиш орқали қўзғолонни бостиришда ёрдам берганлигини кўрсатади. Шу ўринда дипломатик алоқалардан икки томон ҳам манфаатдор бўлганини яққол кўриш мумкин.

Сўнгги Тўхористон Ябғулари хитой манбаларида фақат Тан императори ҳузурига ўз элчилик миссияларини 729 йилда Куту-лу Тун Та-ту (Кутлуг Тун Тарду; 720-730)нинг арабларга қарши, ушбу воқеадан 20 йил кейинроқ эса Ши-ли-ман-ге-ло (Сулаймон Қора; тахминан 750 йилдан кейин) тибетликларга қарши ёрдам сўрагани ва ёрдам олгани, шунингдек, 758 йилда Тан императори ҳузурига Ву-ли-тонинг шахсан ўзи келгани ва исёнчи Ан-Лушанга қарши курашда иштирок этганлиги ҳақида эслатилади<sup>3</sup>.

«Тан-шу»да шунингдек, Тўхористон ябғуларидан ташқари унинг таркибига кирган воҳа хукмдорларининг ҳам Хи-

<sup>1</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 213, 265-266; Ekrem E. Hsyan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 139.

<sup>2</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 213; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия... 46-бет.

<sup>3</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 213.

тойга элчилар жўнатганлиги айтилади. Масалан, Хутгал хукмдори сифатида гйелифа (элтабар) эса 730-йилларда Хитойга элчи юборгани қайд этилади<sup>1</sup>. 747 йилда эса Та-ман (Термиз) мамлакати хукмдори кўшни мамлакатлар хукмдорлари билан биргаликда Тан императорини зиёрат қилиш учун саройга ташриф буюради<sup>2</sup>. Кумед ҳам 642 йилда Тан сулоласига элчи жўнатган. Кайюань даврининг (713-741) ўрталарида Тан сулоласига раққоса ҳадя қилгани ҳам айтилади. Хукмдор доимо арабларга оғир тўлов тўлашга мажбур қилинганлиги сабабли унга Хитойдан ёрдам беришларини сўраган. Фақат Тан сулоласи императори тасалли бериш билангина чекланган. Тянь-бао (742-755) хукмдор Арслон эркин Тан сулоласига от ҳадя қилади. Кумед вилояти араблар ҳужумларига дучор бўлгач, 719 йилда Кумед хукмдори Нараяна Тан сулоласидан ёрдам истаб мактуб жўнатади<sup>3</sup>. Унинг қисқача мазмуни куйидагилардан иборат:

*«Бобом, отам, амаким ва акаларим соф юрак билан бу буюк ўлкага (Тан сулоласига) содиқ бўлганлар. Шу онда арабларнинг ҳужуми остида қолдик ва Тўхористон, Бухоро, Шош ва Фарғона мамлакатлари араблар ҳокимияти остига ўтди. Ўлкадаги қимматбаҳо буюмлар ва халқимнинг мулклари араблар томонидан ўлпон сифатида тортиб олинди. Катта умид билан сизнинг бу иш билан шугулланишингизни ҳохлаймиз. Шу онда мени солиқдан озод қилсангиз мен катта ўлканинг гарб эшигини чексизликка тенглигини кўраман ва сажда қилиш билан биргаликда орзуларимни билдираман»<sup>4</sup>.*

<sup>1</sup> Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.- Л., Том II. 1950. – С. 324-326.

<sup>2</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 141.

<sup>3</sup> Chavannes E. Çin kaynaklarına göre... – S. 262.

<sup>4</sup> Ўша асар. – S. 262-263.

Тўхористон ябғуларининг келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб бўлганлиги сабабли улар элчилик алоқаларида қадимги турк давлатчилиқ анъаналарига амал қилганини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳолатнинг яққол мисоли Турк хоқонлиги каби Хитойга юборган элчилик ҳайъатлари бошида олий бошқарувда турган хонадоннинг кичик вакилларини «тегин» унвонли шаҳзодаларни кўйганлигида кўриш мумкин. Шунингдек, Турк хоқонлиги каби тархон унвонли амалдорларни ҳам Хитой саройига жўнатганлигини кўришимиз мумкин. Демак, тархонлар дипломатик аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳам бажарган ва халқаро алоқаларда элчи сифатида иштирок этган<sup>1</sup>. Айниқса, VIII асрнинг биринчи чорагида Тўхористондаги хукмдорликлардан Хитойга юборилган ўнлаб элчиларнинг ушбу унвон билан тилга олинishi бу фикрни тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрлардаги Тўхористон – Хитой муносабатлари чуқур ва ҳар томонлама тадқиқотни талаб қилади. Албатта, кичик бир мақола кўринишидаги тадқиқот доирасида бу масалани ёритиш қийин. Кўриш мумкинки, Хитой Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Тўхористон ябғулиги билан дипломатик алоқалар ўрнатишдан манфаатдор бўлган. Тўхористон ябғулиги ҳам ташқи душманга қарши курашда Хитойдан ёрдам олишга мажбур бўлган. Аслида, ўзаро алоқаларнинг иккинчи босқичида хитой манбаларида тасвирланган «ожиз ва кўмакка муҳтож» Тўхористон ябғулари шу даврда Марказий Осиёда араб босқинига қарши курашган асосий куч бўлганлигини ҳам унутмаслик керак.

**Резюме.** В данной статье на основании сведениям китайских источников были рассмотрены военно-политические связи между Тохаристанским ябгуйством и Китаем. Эти связи нашли свое отражение в деятельности нескольких посольств, отправленных правителями Тохаристана ко двору императора Китая.

<sup>1</sup> Кубатин А.В. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Тошкент. 2016. – С. 120.

**Summary.** In this article the author is discussed some details of ambassadorial relations between the Yabghu state of Tokharistan and China in early middle ages based on materials of Chinese sources. These relations have found a reflection in the activity of several embassies, which were sent by rulers of Tokharistan to the court of the Chinese emperor.

## АБУ БАКР МУҲАММАД АЛ-ҚАФФОЛ АШ-ШОШИЙ-НИНГ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

т.ф.н. Н.А.Муҳамедов

Ислом оламида Имом Бухорий (810-870), Имом Термизий (824-892), Имом Мотуридий (870-944) каби «имом» даражасига эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Қаффол аш-Шоший (903-976) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари «Ҳазрати Имом» (ёки Ҳастимом) деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми – Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаффол аш-Шоший бўлиб, араб муаллифлари унинг исмига ал-Кабир (катта, улуғ) сўзини қўшиб ёзганлар.

Аллома ўз замонасининг имоми (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим саналган ва унинг номи ҳаётлик чоғларидаёқ Мағрибу Машрикқа ёйилган<sup>1</sup>. Ал-Қаффол аш-Шоший диний ва дунёвий илмларни мукамал эгаллаши билан бирга моҳир ҳунарманд ҳам бўлган. У қулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис ал-Қаффол (қулфчи, қулфсоз) деган ном билан эъзозланган. Ёқут Ҳамавийнинг хабар беришича, ал-Қаффол аш-Шоший митти қулф ва вазни бир доник ўлчов бирлигига тенг келадиган калит ясаб, кишиларни ҳайратга солган<sup>2</sup>.

Араб муаррихи Шамсуддин аз-Заҳабий (1274-1348)нинг таъкидлашича, ал-Қаффол аш-Шоший луғат, усул илмлари билимдони ва фикҳ имоми сифатида нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон олими деб ҳам эътироф этилган<sup>3</sup>.

Абу Бакр ал-Қаффол аш-Шошийнинг илмий-маънавий мероси, ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб қизикарли маълумотлар ўрта

<sup>1</sup> Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб. – Байрут. 1980-82. X-жилд. 211-бет.

<sup>2</sup> Муъжам албулдон. – Байрут: Дор алфикр. V-жилд. 116-бет.

<sup>3</sup> Шамсуддин аз-Заҳабий. Сийар аълом аннубало. Байрут: Муассасат аррисола. XVI-жилд. 283-бет.

аср араб муаллифларининг асарларида келтирилади. Ана шундай маълумотлардан бири унинг дипломатик муносабатлардаги иштирокидир. Биз ушбу мақолада шошлик алломанинг топқирлиги, сўзамоллиги ва уни дипломатик муносабатларга кўрсатган таъсири ҳақида сўз юритамиз.

Ал-Қафғол аш-Шошийнинг дипломатик муносабатлардаги иштироки ҳақида дастлаб араб муаррихи Тожуддин Абу Наср Абдулвахҳоб ас-Субкий (ваф. 1370) ўзининг «Табақот аш-шофиъия ал-кубро» асарида имкон қадар тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қилади. Тожуддин Абу Наср Абдулвахҳоб ас-Субкийнинг маълумотлари кейинчалик ўзбек олимлари, жумладан Нодирхон ибн Алоуддин, Абдусодиқ Ирисов, Баҳриддин Манноновларни<sup>14</sup> ҳам эътиборини тортади. Шундай бўлсада, ал-Қафғол аш-Шошийнинг дипломатик фаолияти ҳозиргача кенг илмий доирада тадқиқотларга жалб қилинмаяпти. Ушбу маълумотлар дипломатия тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Қафғол Шоший ислом дунёсининг турли ўлкаларга илм-маърифат излаб, сафар қилган. Ўз навбатида у ҳажга Маккага борган ва қайтаётганида Бағдодда бирмунча вақт истиқомат қилиб, ўз билимларини янада оширишга ҳаракат қилган У ўша ердаги йирик олимлар билан илмий мулоқотлар олиб борган. Бир сафар Қафғол аш-Шоший Бағдодда тўхтаганида ноҳуш воқеа устидан чиқиб қолади. Бу эса ҳижрий сананинг тўртинчи асрига тўғри келиб, Византия императорининг қўмондони Тағфур аббосийлар халифалигига тегишли Шомнинг шимолий қисми ва Антокияни босиб олиб, халифалик пойтахтига ҳам хавф солаётган эди.

<sup>14</sup> Қаранг: Нодирхон ибн Алоуддин. Абу Бакр Қафғол Шоший ва унинг фаолияти // Совет шарқи мусулмонлари. 1971. № 3-4. 9-11-бетлар; Ирисов А. Қафғол аш-Шоший // Маънавият юлдузлари. — Тошкент. 2001. 84-86-бетлар; Маннонов Б. Қафғол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи. 2004. № 4. 25-34-бетлар.

Тадқиқотчи Б. Манноновнинг ёзишича, IV асрда Рим империясининг иккига бўлиниб кетиши оқибатида унинг шарқий қисмида қарор топган мустақил Византия империяси X асрга келиб, ўз сарҳадларини қайта тиклаш йўлида катта муваффақиятларга эришади. Натижада унинг таъсир доираси нафақат Болқон ярим ороли балки, Шарқий Европанинг маълум қисми, Қора денгиз қирғоқлари, Кавказнинг гарбий қисми, Кичик Осиёнинг шарқигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Бундай вазият Араб халифалигига ҳам хавф солади. Константинопол Араб халифалиги тасарруфига ўтган сарҳадларни қайтадан забт этиш, иложи борича уни маҳв қилиш режаларини амалга оширишга киришади. Шу мақсадда олиб борилган жангларда Византия кўшинлари бир неча бор ғалабага эришадилар. Бу ҳолат Византия империясининг Бағдод халифалигига ультиматум кўринишидаги мактублар юборишида ҳам намоён бўлади. Хусусан, шундай мактублардан бири Тағфур томонидан Бағдоддаги Араб халифасига юборилган<sup>1</sup>.

Мактуб шеърий услубда битилган бўлиб, ўша даврда Византия ва Араб халифалигида шеърият санъат даражасига кўтарилган. Давлатлар ўртасидаги дипломатик ёзишмаларда маҳорат билан ёзилган шеърлар ва қасидалардан ҳам фойдаланилган. Бу ҳолат давлат ҳукмдорларини билим доирасини, ҳозиржавоблигини, ўзига хос маданиятини ва сўзамоллигини ҳам ифода этган. Одатда Византия ҳукмдорлари мактубни баландпарвоз чиқишини таъминлаш мақсадида унга араб тилида ёзилган шеърларни ҳам илова қилган. биз тадқиқ қилаётган мактубда Византия императори Араб халифалигига дўқ ва пўписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Араб халифаси эгаллаб турган ўлкаларни тинчлик билан, осонликча уларга қайтариб беришни талаб қилади.

«Ҳошимийлар хонадонидан бўлмиш ҳукмрон халифага» дея аталган шеърий мактуб:

<sup>1</sup> Маннонов Б. Қафғол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи. 2004. № 4. 28-29-бетлар.

*«Биз шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашқ ўлкаси эса ота-боболаримиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз. Миср-ни ҳам қилчимиз тиги билан эгаллаймиз. Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуросон, Қуддус, Шарқу Фарб ҳаммасини эгаллаймиз»,*

деган мазмундаги дўк-пўписалардан иборат эди. Худди мана шу воқеалар бўлган кезде Қафғол аш-Шоший Бағдод шаҳрида бўлади. У халифаликда иқтидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина қонуншунос, забардаст шоир сифатида танилган эди<sup>1</sup>.

Мумтоз араб тилининг балоғати ва фасоҳатида битилган ушбу шеърий мактубнинг бир неча мисралари марҳум шарқшунос олим Нодирхон ибн Алоуддин томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Қуйида ундан иқтибос келтирамиз:

*«Дамашқдур ота-бобомиз юрти,  
Унинг заминига мен соҳиб ўзим.  
Мисрни фатҳ этгум шамширим билан,  
Чексиз саҳроларда қулар юлдузим.  
Ундан сўнг Маккага қараб йўл олсам,  
Тундек босиб борар ботир қўшим.  
Қуддусга йўл олиб толмасман йўлда,  
У ерда тиклағум муқаддас устун...»<sup>2</sup>.*

Ўша вақтда Бағдодда кўзга кўринган олим ва шоирлар кўп бўлса ҳам, ҳеч ким Тағфурнинг бу таҳдид хатига жавоб ёзишга ботина олмайди. Халифа ушбу хатга жавоб ёзишни Имом Қафғол аш-Шошийга топширади. У душман хатига жавобан шундай оташин мисраларни битган:

*«Қудратла қувдик биз сизни Рум сари,  
Туяқуш мисоли қочдингиз нари.  
Қочдингиз қонталаш кирти сингари,*

<sup>1</sup> Ирисов А. Қафғол аш-Шоший. 2001. 85-86-бетлар.

<sup>2</sup> Нодирхон ибн Алоуддин. Абу Бакр Қафғол Шоший ва унинг фаолияти // Совет шарқи мусулмонлари. Тошкент. 1971. № 3-4. 9-11-бетлар.

*Бизларни Муҳаммад бошлар илгари!  
Пайгамбар ҳурмати, қирмадик сизни,  
Бизларда бор эди шиддат ва қудрат.  
Шом ерин фатҳ этдик бўлиб зарурат,  
Мисрни, Қайравон ва Андалусни ҳам.  
Бошингиз мажақлаб, зўр келдик ҳар вақт,  
Байтлаҳм, хароба шаҳарлар қатор.  
Искандарияда бўлди зафар ёр,  
Қуддус, Урушшолимда галабамиз бор!  
Сизларни енголдик биз мардонавор,  
Илм ва ирфонимиз қадимдин машхур  
Сизлар ҳар сифат тубан бир махлуқ.  
Беъмаза шеърингиз бўлмагай манзур,  
Бизнинг ашъоримиз дурдона мақбул.  
Билгувчи одамга бағишлар ҳузур...».*

Шубҳасиз, Тағфур таҳдид хати орқали мусулмонларнинг ўша вақтдаги маънавий савиясини ҳам билмоқчи бўлган. Имом Қафғол аш-Шошийнинг шеърий мактуби эса унга муносиб жавоб бўлиб, сезиларли зарба бўлиб тушган. Ҳаттоки, Византиялик адиблар ҳам: «Мусулмонларнинг шундай шоирлари борлигини билмас эканмиз», деб тан олишганини эътиборли ҳодиса сифатида эътироф этиш мумкин. Бу эътироф Қафғол аш-Шошийнинг юртдоши шоир Абдумалик ибн Муҳаммад аш-Шоший<sup>1</sup> томонидан ҳикоя қилинган. Хусусан рус олими С.Прозоров бу борада шундай маълумот беради: «Византия императори Никифор Фоки (963-969) номидан мусулмонларга юборилган ҳақоратли шеърий мактубга Қафғол аш-Шошийнинг қасидаси юксак даражада ёзилгани византиялик адиблар томони-

<sup>1</sup> Абдумалик ибн Муҳаммад Шоший шоир бўлиб, X асрда тошкентлик машхур олим ва шоир Қафғол аш-Шоший билан биргаликда Тошкентдан ислом мамлакатларига сафар қилган // Қаранг: Носиров А. Тошканд олимлари ва шоирларига оид материаллар. Тошкентдаги Шарқ қўлёзмалари маркази. Қўлёзмалар фонди, № 13408, 620-саҳифа.

дан эътироф этилган. Кейинчалик асирга тушиб қолган Абдулмалик ибн Муҳаммад Шоший Константинополда бунинг бевосита гувоҳи бўлган»<sup>1</sup>.

Қафтол аш-Шошийнинг ушбу дипломатик фаолиятига рус шарқшуносларидан бири Нил Ликошин<sup>2</sup> (1860-1922) ҳам юксак баҳо берган эди. У 1918 йилда Тошкентда ташкил этилган Туркистон халқ (мусулмон) университети очилишида аввало Қафтол аш-Шоший номини эҳтиром билан тилга олади ва уни биринчи устоз сифатида университет жамоасига таништиради: «Бугун Европа фани Эски Тошкентда гражданлик ҳуқуқига эга бўлган қувончли бир кунда, Тошкент мусулмонларининг маърифати йўлида жонбозлик кўрсатган фидойи, камтар шахснинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Мен шаҳарнинг Себзор қисмида шу номдаги қабристонга дафн этилган Имом Муҳаммад Қафтол аш-Шоший ёки Ҳазрат Имомни эсладим. Бу шахс билан тошкентлик мусулмонлар фахрланиши керак ва бугун ўзларининг биринчи устозини яхши сўзлар билан хотирлашлари лозим»<sup>3</sup>.

Н.Ликошиннинг фикрларига кўра, халифа билан уруш олиб бораётган турк султони (Византия императори – Н.М.) унга шарт қўйган экан: катта миқдордаги товон (контрибуция) тўлаб бериши ёки у билан уруш олиб бориш. Агар бу шартларга рози бўлмаса, унга юборилган мактубни ўқиб, жавоб юбориши керак эди. Дастлабки икки шартни бажариб бўлмасди. Чунки ўша пайтда Бағдод халифаси кўп миқдордаги пул ва катта қўшинга эга эмасди. Хатга эса жавоб бериш осон кўринарди. Лекин хат

<sup>1</sup> Прозоров С. ал-Қафтал // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. – М., Вып. 2. 2000. – С. 46.

<sup>2</sup> Ликошин Нил Сергеевич – асли ҳарбий бўлиб, Туркистон губернаторлиги маъмурияти тизимида бир қанча масъул лавозимларда ишлаган. 1917 йил январда истеъфога чиқиб, 1918-1920 йилларда Тошкентдаги Туркистон халқ дорилфунунида турк тиллари ва этнографияси бўйича дарс берган. У ўлкашуносликка оид 800 га яқин асарлар ёзиб, Тошкент ҳақида муҳим этнографик маълумотларга эга бўлган.

<sup>3</sup> Лыкошин Н. Помяните первоучителя // Народный университет. 1918. № 9. – С. 1.

бағдодлик уламоларнинг бирортаси ҳам ўқий олмайдиган, ҳеч кимга маълум бўлмаган тилда ёзилган эди<sup>14</sup>. Худди шу пайтда Қафтол аш-Шоший Бағдоддаги карвонсаройлардан бирида тўхтаганини ва у кўпгина тилларни яхши билишини халифага етказишади. Шундан сўнг, Қафтол аш-Шоший бу ультиматум шеърий мактубга жавоб ёзади. Шошлик аллома бу хизмати эвазига Бағдодда сақланаётган кўхна Мусҳафи Усмон Қуръонини сўрайди. Ноилож аҳволда қолган халифа бунга рози бўлади. Рус шарқшуноси Қафтол аш-Шоший Қуръоннинг бу нодир нусхасини Тошкентга қандай олиб келганини батафсил ёзган. Энди бу масала алоҳида тадқиқот мавзуси ҳисобланади.

Муҳими, Қафтол аш-Шошийнинг Византия ҳукмдорига ёзган жавоб раддияси Араб халифалиги бошига тушган хавф-хатарни бартараф этилишига сабабчи бўлган. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўша пайтда Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда қанчадан-қанча машҳур ва забардаст шоирлар бўлишига қарамасдан Халифа Мутиъиллоҳ (946-974) томонидан Византия ҳукмдорига раддия ёзишдек ўта муҳим вазифани Қафтол аш-Шошийга топширилиши унинг қанчалик юксак истеъдод соҳиби, айти пайтда, кучли дипломат эканлигини кўрсатади.

**Резюме.** В мире Ислама наряду с такими имамами, как аль-Бухари, ат-Тирмизи, аль-Матуриди, а также другими многочисленными учёными, которые удостоились почетного звания «имам» особое место занимает также имам Абу Бакр Каффаль Шаши (903-976). В данной статье упоминаются некоторые события в дипломатической деятельности Каффалья Шаши. В частности, подробно описывается история с письмом византийского императора. По преданию, Каффаль Шаши удивил византийцев своим изысканным прозаичным ответом на письмо византийского императора.

<sup>1</sup> Лыкошин Н. Помяните первоучителя. – С. 1.

**Summary.** In the world of Islam, along with Imam al-Bukhari, al-Tirmidhi, al-Maturidi and other scientists who were awarded the title of «Imam» occupies a special place Imam Abu Bakr Qaffal Shashi (903-976). This article is referred to the diplomatic activity of Qaffal Shashi. In particular, details of the story with the letter of the Byzantine emperor were enlightened in it. According to the legend, Qaffal Shashi astonished the Byzantines with his prosaic skills showed in the letter of response to the emperor of the Byzantine Empire.

## ИБН ФАЗЛОН БОШЧИЛИГИДАГИ АРАБ ЭЛЧИЛИГИНИНГ МОВАРОУННАХРГА САФАРИ

Н.К.Ибрагимова

Мовароуннахр кўхна маданият ўчоғи сифатида доимо дунёнинг йирик ҳукмдорлари эътиборида бўлган. Хусусан, VII-VIII асрларда ушбу ҳудудларга келган араб истилочилари давлат раҳбарларининг зарур пайтларда мустақиллик учун курашувчанлиги, ҳушмуомалалиги, меҳмондўстлиги ва бошқа хислатларига таҳсин билдирганлар.

Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Марв каби шаҳарлар илмфан ва маданият марказлари сифатида ривожланган. Марказий Осиёда IX-XIII асрларга келиб, Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар каби сулолалар томонидан нисбатан мустақил давлатлар ташкил топди. Бу давлатлар халқаро майдонда ҳам ўз мавқеи ва нуфузга эга бўлди. Аҳмад ибн Наср (864-904), Исмоил Сомоний (907-943), Алптакин, Махмуд Ғазнавий (998-1030), Тўғрулбек Султон Санжар (1038-1062), Отсиз (1127-1156), Такаш (1172-1200) сингари тадбиркор ва узокни кўра оладиган давлат арбоблари даврида Марказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда, жумладан давлат ҳокимияти мустаҳкамланди, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик вужудга келди.

Тарихчи Абу Мансур ас-Самъоний (1113-1167)нинг<sup>1</sup> Бухорога берган қуйидаги таърифини бутун Ўрта Осиё давлатларининг IX-XIII асрлардаги аҳволига тегишли деб баҳолаш мумкин: «Бухоро шон-шуҳрат макони, салтанат қаъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ҳамда ўз даврининг фозиллари битилган (жой) эди». Бу ерда ҳукмдорларнинг аксарияти ўз саройларида олим, шоир ва уста санъаткорлар, турли фан соҳаларга бағишланган кимматбаҳо китобларни тўплашга одатландилар. Улар саройга жалб этилган олим ва шоирлар, кутубхоналардаги нодир қўлёзма асарлари билан мағрурланардилар<sup>2</sup>.

Бугунги кунда Мовароуннахрнинг ижтимоий аҳволи, ички ва ташқи сиёсати ҳақида ноёб маълумотларни берувчи қатор тарихий манбалар тадқиқотчиларнинг диққат марказидадир. Шундай манбалардан бири сифатида Аббосийлар халифаси ал-Муқтадир (908-932) элчихонаси котиби томонидан ёзилган «Рисола»ни кўрсатиш мумкин<sup>3</sup>. Асар аслида араб сайёҳи ва котиби Ибн Фазлоннинг<sup>4</sup> халифа томонидан 921-

<sup>1</sup> Абу Саъид Абдулқарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Ғамимий ас-Самъоний ал-Марвазий, Мовароуннахрнинг атоқли қомусий олимларидан. Милодий 1113 йилда Марвда туғилган. Бухоро, Самарқанд, Найсобур, Куфа, Бағдод, Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Дамашқ каби шаҳарларда бўлиб, етти минг устоздан сабоқ олган. Кўплаб ҳадис ривоят қилган. Элликдан зиёд асар ёзгани маълум. Унинг айниқса саккиз жилдли «Ал-Ансоб» (Насабнома) асари машҳур бўлиб, унда минглаб муҳаддис, муаррих, валий ва олимлар ҳақида маълумотлар бор. Ҳадис, тарих, тишунослик, насабшунослик илмларида пешқадам бўлган олимга «Тож ул-Ислом» унвони берилган. Милодий 1167 йилда Марвда вафот этган.

<sup>2</sup> Эргашев Қ, Ҳамидов Х. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент. 2015. 148-бет; Муртазаева. Р.Х. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент. 2003. 390-бет.

<sup>3</sup> Рисоланинг бир нусхаси Эроннинг Машҳад шаҳрида жойлашган имом Али ибн Ризо мақбараси кутубхонасида № 2-рақам остида сақланади.

<sup>4</sup> Аҳмад ибн Фазлон ибн ал-Аббос ибн Рашид ибн Ҳаммод – Аббосий халифаси ал-Муқтадирнинг Муҳаммад ибн Сулаймон исмли қўмондони қўли остидаги бош котиб-хизматчи бўлган. Волга Булғориясига уюштирилган элчилик сафарига котиб сифатида бириктирилган.



922 йилларда Волга бўйидаги Булғор хонлигига жўнатилган элчилар делегациясининг сафар «кундалиги»ни ёритишга бағишланган. Сафар йўналишига кўра, ушбу элчилик Рай, Нишопур орқали Бухорога, Амударёга орқали Хоразмнинг пойтахти Котга ўтиши ва ундан сўнг Волга Булғорияси ҳамда Хазар хоқонлигига етиб бориши лозим бўлган<sup>1</sup>. Араб элчиси Ибн Фазлоннинг мазкур маълумоти тарихни кетма-кетликда ёритувчи асар сифатида эмас, балки Аббосийлар халифасининг Волга Булғорияси ва Хазар хоқонлиги, шунингдек, сафар йўналиши бўйича бошқа мамлакатлар билан элчилик муносабатлари ҳақида маълумот берувчи муҳим ва ноёб асар сифатида эътироф этилиши лозим. Мазкур мақолада Ибн Фазлоннинг Марказий Осиё, жумладан Бухоро ва Хоразмга қилган элчилик сафари ва мамлакатлар ҳақидаги фикрлари тадқиқ этилган.

Мазкур асардаги Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг элчилик тарихига оид маълумотларнинг аҳамияти шундаки, элчилик делегацияси юртимизнинг ўша даврдаги йирик шаҳарлари Бухоро ва Хоразмда кўп вақт тўхтаб турганлар. Муаллиф ўша даврда араб элчиларини кутиб олиш тартиблари, маросимлари, уларга кўрсатилган дипломатик этикет ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

Ушбу элчилик таркибида Ибн Фазлон, Нодир ал-Хурабийнинг вакили Сусан ар-Расси, турклардан Такин ат-Туркий, славян миллатига мансуб Барис (Барса) ас-Сақлабийлар бор эди. Улар дастлаб Жайхун (Амударё) дарёсидан кечиб, Бойканд орқали Бухорога кириб келадилар. Бу даврда Бухоро шахри Сомонийлар вакили Наср ибн Аҳмад (907-943)<sup>2</sup> ҳукмронлиги остида эди. Наср ибн Аҳмад элчиларга катта эҳтиром кўрсатиш ва уларнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун махсус шахсларни тайинлаган.

<sup>1</sup> Путешествие Ибн Фадлана на Волгу. Перевод и комментарии под ред. И.Ю. Крачковского. – М., 1939. – С. 56.

<sup>2</sup> Босворд К.Э. Мусулмон сулолалари. – Тошкент. 2007. 128-бет.

Сомонийлар даврида бошқарув Бухоро Регистони атрофида жойлашган 10 та расмий девон (вазирликлар) орқали амалга оширилган. Девони вазир (ёки хожайи калон) барча маъмурий, сиёсий ва хўжалик муассасаларини назорат қилган. Сомонийлар давридаги бошқарувнинг 10 та девонларидан ташқи сиёсатни тартибга солувчи ва муҳимлиги жиҳатидан 3-ўринда турувчи махсус девон «Девони амид» ҳам бўлган. Бу девон элчилик ва бошқа муҳим давлат ишларини бошқарган. У «Девони расойил» ва «Девони иншо» ҳам дейилган. Шунингдек, мазкур девонда давлат аҳамиятига молик бўлган барча расмий ҳужжатлар тайёрлаган ва дипломатик тадбирларни ўтказиш, амалга ошириш каби муҳим вазифалар ҳам улар зиммасига юклатилган<sup>1</sup>.

Ибн Фазлон ўз асарида уларга масъул этилган ваколатли шахс сифатида Хуросоннинг Шайх ул-амиди<sup>2</sup> ал-Жайхонийни зикр этади. Тадқиқотчи И.Ю.Крачковскийнинг фикрига кўра, бу шахс Сомонийларнинг машҳур географ олими ва вазири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Жайхонийдир<sup>3</sup>. Хожи Халифанинг<sup>4</sup> маълумотига кўра, у ўз ваколати доирасида ташриф буюрган элчилар ва сайёҳлар билан суҳбатлашишни яхши кўрган ҳамда тўплаган маълумотларини ўз асарида қайд қилиб борган.

Шайх ул-амид Наср ибн Аҳмад хузурида элчиларни қабул қилиш маросимини ташкил қиладди. Маросим амирнинг кириш сўзи билан бошланиб, у халифа ал-Муқтадирнинг аҳволини сўрайди. Сўнг халифанинг мактуби топширилиб, йиғилганларга унинг мазмуни таништирилган. Элчилар келтирган мактублар учта бўлиб, улар

<sup>1</sup> Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. – М., 1973. – С.28.

<sup>2</sup> Шайх ул амид – бу элчилик қабули билан шуғулланувчи « Девони амид» вакили ҳисобланади.

<sup>3</sup> Путешествие Ибн Фадлана на Волгу. Перевод и комментарии под ред. И.Ю. Крачковского. – М., 1939. – С.89.

<sup>4</sup> V.Minorsky. Hudud al-'Alam. The regions of the world. –With the Preface of V.V.Barthold. – London: 1939. – P. 510.

мазмунан ҳар хил бўлсада, элчилик миссиясининг мақсадларини ўзида ифода этган эди. Хусусан биринчи мактуб: Артахушмасин<sup>1</sup> қишлоғини Ибн ал-Фуратнинг<sup>2</sup> бошқарувчиси ал-Фазл ибн Мусо ан-Насранийдан олиб Аҳмад ибн Мусо ал-Хоразмийга топшириш;

Иккинчи мактуб: элчилар ва халифа мактубини Хоразмшоҳга омонликда етказиш;

Учинчи мактуб: Боб ат-Турқдан<sup>3</sup> элчиларни бешикаст ўтказиб юбориш ҳақида эди<sup>4</sup>.

Мактуб Ибн Фазлон томонидан ўқиб эшиттирилгандан сўнг, амир розилигини билдириб, барча зарурий чора-тадбирларни кўришга буюрди. Воқеалар ривожига кўра, бу ерда халифа ўз элчиларини сафар йўналиши бўйича хавфсизлик чораларини кўрган ва мазкур вазифалар учун масъул шахсларни тайинлаган. Умумий ҳисобда халифа элчилари Бухорода 28 кун бўлиб, қиш фаслининг кириб келиши билан Хоразм томонга йўл олганлар.

<sup>1</sup> Манбада мазкур географик жой турлича аталган: Артахушмитан, Роҳушамитан ёки Хушмитан. Бу жой – матнда «қишлоқ» деб зикр этилган бўлсада, географик жиҳатдан Хоразмдан уч кунлик узоқликда жойлашган гавжум, бой ва ўзининг аҳолисига эга бўлган катта шаҳардир.

<sup>2</sup> Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Мусо ибн ал-Ҳасан ибн ал-Фурат – 908-924 йиллар мобайнида халифа ал-Муқтадирнинг уч маротаба вазири бўлган. Тарихий воқеликка кўра, 921 йилда халифа билан муносабатлари бузилиб, мол-мулки мусодара бўлгани кўриниб турибди. Жорий йилнинг август ойларида унинг ўғли ал-Мухассий отасининг авфига эришади ва Хоразм юртидаги мулкларини қайтариб олади.

<sup>3</sup> Боб уг-турк - араб-форс манбаларида замжон ҳам деб ҳам келтирилади. Уларнинг наздида бу Турклар дарвозаси бўлиб, бу Хоразм юртида қарвон работларидан бошланади.

<sup>4</sup> Ибн ал-Фақих, Ибн Дулаф ва Ибн Фазлон ҳикояларини жамланган Машҳад қўлёзмаси Эроннинг Машҳад шаҳрида жойлашган имом Али ибн Ризо мақбараси кутубхонасининг 3-бўлим, «Ахбор ал-булдан» номи остидаги 17-қисм, № 2-рақам остида сақланади. Олим Крачковский Россия Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар бўлимида сақланаётган № Ф-Б. 202 рақами остидаги нусхасини тадқиқ қилган. Бу каби нусха дунё бўйича Берлин Давлат университететида № 48-рақам остида ҳам бор.

Мазкур элчилик сафари нафақат дипломатик ва диний моҳияти, балки сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам аҳамиятли бўлган. Сафар йўналишида жойлашган мамлакатлар, уларнинг иқтисодий аҳволи, савдо-сотик ва бозорларини ўрганиш жараёнида Ибн Фазлон Бухоронинг «ғитриф»<sup>1</sup> деб аталган танга пуллари ҳақида маълумот бериб, унинг қийматини дирҳам ва динар мисолида қиёсий таҳлил этади.

Ўз даврининг таниқли тарихчиларидан бири Наршахий мазкур элчилик сафари ҳақида маълумот бермаган бўлсада, аммо Наср ибн Аҳмадни «Амир Саид» номи билан атаб, унинг адолатли, фазилатли ва жуда кўп хайрли ишларга бошчилик қилганлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Ҳудди шу зайлда «Ал-комил фит-тарих» («Мукаммал тарих») асари муаллифи Ибн ал-Асир ҳам халифа Муқтадир элчиларининг Бухоро ва Хоразмдаги сафарлари ҳақида маълумот бермаган<sup>3</sup>.

Навбатдаги элчилик сафари Хоразмга қаратилган эди. Қиш фаслининг изғирин кунлари ҳали бошланмагани сабабли Хоразмга дарё орқали бориш кўп ҳам қийинчалик туғдирмаган. Элчилар Хоразмга борганда, у ерда Қиётда Африғийлардан Муҳаммад ибн Ирок Хоразмшоҳ ҳукмронлик қилар эди.

Хоразмда ҳам элчиларни қабул қилиш маросими барчадипломатик этикетларга амал қилган ҳолда ташкил этилган. Хоразмшоҳ элчиларни уч кун давомида меҳмон қилиб, уларни кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаган. Хоразмшоҳ элчиларнинг қабул маросимида сафар мақсадлари, миссиялари ва бошқа ташкилий

<sup>1</sup> Ғитриф - ўзбек тарихий манбаларда ғитрифий тангалар деб юритилади. Ғитрифий ва муҳаммадий тангалар маҳаллий аҳамият касб этган. Ғитрифий қумуш тангалари, асосан, Бухоро доирасида муомалада бўлган. Ўлка савдогарлари шу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан минтақа аҳли эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилганлар.

<sup>2</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Тарихи Бухара. История Бухары / Перевод, комментарии и примечания Ш.К.Камолиддина. Археолого-топографический комментарий Е.Г.Некрасовой. – Ташкент. 2011. – С. 86-87.

<sup>3</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фит-тарих. Полный свод истории. – Ташкент, 2006. – С.560.

масалалар юзасидан музокаралар олиб бориб, ўз фикр мулоҳазалари билан ўртоқлашган. Айниқса, элчиларнинг турклар юртига бўладиган сафарлари давомида хавфсизлик чораларини кучайтиришни тавсия қилади. Унинг тахминига кўра, бу Такин ат-Туркий томонидан уюштирилган сиёсий хийладир. Сабаби Хоразмшоҳ Турклар хукмдори Такинни яхши танигани, аввали уларда темирчи бўлиб ишлаганлигини айтиб, унинг бошқа дин вакиллари юртларидаги темир савдосига оид тегишли сабоқларни олганини кўшимча қилади. Айнан у (Такин) славян қиролига халифага кўмак мазмунида мактуб жўнатишни ва Нодир ал-Хурабийни воситачи қилишни тавсия қилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, бундай мақсад билан Хуросон амирига ҳам муурожаат этиши мумкинлигини мантиқан исботлашга ҳаракат қилади.

Хоразмшоҳ Такин ат-Туркий томонидан уюштирилган сиёсий хийлани фош этиш учун яна бир бор халифа билан боғланишни таклиф этади. Лекин элчилик сафарни тўхтатмайди, улар махсус ёрлик асосида миссия билан йўлга чиқиб бўлганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Юқорида келтирилганидек, элчилик сафаридан иқтисодий манфаат ҳам кўзда тутилган. Ибн Фазлон Хоразмшоҳ билан элчилар ўртасидаги суҳбатга оид воқеаларни келтира туриб, Хоразм тангаларини дирҳами «тозижа» деб номланишини ва қиймати миқдорида савдо қилинадиган маҳсулотлар ҳақида маълумот беради.

Хоразмшоҳ қистовларига қарамасдан, элчилар Хоразмдан Журжон томон йўл оладилар. Улар Ардаку (айрим манбалардан ал-Кардалия) деган жой орқали Журжонга ўтиб анча вақт ўша ерда қоладилар. Сафар 922 йилда Хазар хоқонлигига қилинган ташрифдан сўнг якунланди.

Ибн Фазлон ташриф буюрган мамлакатларини географик

<sup>1</sup> Путешествие Ибн Фадлана на Волгу. Перевод и комментарии под ред. И.Ю. Крачковского. – М., 1939. – С.57; Ўзбек дипломатия тарихидан / М.М.Хайруллаев тахрири остида. – Тошкент. 2003. 40-41-бетлар.

тузилиши ва аҳолиси, уларнинг демографик жойлашувини ҳам тавсифлаб ўтган. Шунингдек, у хоразмликларга алоҳида урғу бериб, уларнинг фитрати, табиати ва муносабатлари бошқаларга нисбатан қатъийроқ эканлигини таъкидлайди.

Ибн Фазлоннинг мазкур элчилик сафарига бағишланган хотираларини ноёб маълумотлар сирасига киритиш мумкин. Чунки Араб халифалигининг X аср Марказий Осиё давлатлари ва Волга Булғорияси ҳудудига уюштирилган элчилик сафари ҳақидаги маълумотлар бошқа тарихий асарда учрамайди. Ушбу маълумотлар кўп асрлик маданият ўчоғи бўлган кўҳна Мовароуннаҳрнинг йирик марказларида қадимдан элчиларга эҳтиром кўрсатилганлигини ва бу заминда дипломатик муносабатлар ривожланганидан дарак беради.

**Резюме.** Данная статья посвящена раскрытию некоторых деталей посольской миссии арабской делегации, посетившей Хорезм и Бухару по их пути в Волжскую Булгарию, которые изложены в отчете Ибна Фадлана, участвовавшего в составе данного посольства в 921-922 гг. Также в ней даётся краткая информация об общем социальном и финансовом положении государств региона в тот период.

**Summary.** This article is devoted to historical events about the embassy mission of the Arabic delegation to Volgean Bulgaria passed through Bukhara and Khorezm in 921-922, described in the record of the Arabian traveler and caliph's secretary Ibn Fadlan. Also this article gives brief information on the social and financial situations of the region at that period.

## IX – XII АСРЛАРДА ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

т.ф.н. Ҳ.М.Мамадалиев

Сомонийлар давлатининг (819-999) ташқи сиёсати Аббосийлар (750-1258) давлатида мавжуд бўлган халқаро алоқаларни ташкил этиш анъаналари асосида қурилган ва халифаларнинг розилиги орқали амалга оширилган. Сомонийлардан кейин тарих саҳнасига чиққан Қорахонийлар (840-1212), Ғазнавийлар (961-1186), Салжуқийлар (1036-1157) ва Хоразмшоҳлар (1097-1231) давлатларида ҳам ушбу ҳолат сақланиб қолган. Халифалик таркибига кирган ўлкаларнинг чегараси умумий бўлган. Бағдоддан Мовароуннаҳрга жўнатилган Аббосийлар давлатининг вакиллари махсус рухсатсиз худди бир давлатнинг фуқаросидек Ўрта Осиё худудига бемалол кира олганлар. Шунингдек, Ўрта Осиё ҳукмдорлари халифалик марказига Рус, Волга Булғорияси, Хитой ва бошқа мамлакатлардан кетаётган элчилик миссияларини қабул қилиш, уларга илтифот кўрсатишлари лозим бўлган ва дипломатик муносабатларда Аббосий ҳукмдорларининг турли топшириқларини бажарганлар ёки дипломатик фаолиятларини улар билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб борганлар.

Тадқиқ этилаётган даврда халқаро дипломатик муносабатлар етарли даражада такомиллашмаган, беқарор ва нозик бўлган бўлса-да, халқаро алоқалар тизими бир институт сифатида ривожланишда давом этган. Айнан халқаро муносабатлар тизимининг ривожланиб бориши «элчилик хизмати»ни ташкил этиш, бу соҳада мутахассислар тайёрлашга эътибор беришга ундаган. Масалан, Ғазнавийлар давлатида бу даврда амал қилган элчилик ишлари нозири мамлакатга келган элчиликни ҳукмдор томонидан қабул қилиш маросими, уларнинг яшаши ва бошқа фаолиятлари учун масъул ҳисобланган. Абул Фазл Байҳакий (тахм. 995-1077) ўзининг «Тарихи Масъудий» асарида Ғазнавийлар давлатига хижрий

421 йилда ташриф буюрган Аббосий халифа Ал-Қодир биллох (992-1031) элчисини кутиб олиш маросимини қуйидагича таърифлаган: «Ушбу ишлар хал қилиб бўлингач, элчи икки фарсанг масофага яқин келганлиги тўғрисида хабар берган. Шундан сўнг уни кутиб олиш учун амалдорлар пешвоз чиқдилар ва ўзлари билан бирга элликта гижинг отларни олиб бордилар. Юқори мартабали кишилардан иборат бутун қўшин катта карвони сипахсолар бошчилигида элчини кутиб олиш учун олдинга қараб юрди. Шунингдек, қозилар, уламолар, фақиҳлардан иборат иккинчи ва сарой ақобирлари – қалам соҳибларидан иборат учинчи гуруҳ ҳам элчига пешвоз чиқдилар. Улар халифанинг яқин қариндошларидан бўлмиш элчи Абу Муҳаммад Ҳошимийни ушбу йилнинг шаъбон ойи якунига ўн кун қолганда душанба куни энг олий усулда кутиб олдилар. Аёнлар ва ҳарбий қўмондонлар шаҳар дарвозаларига етганда элчи билан хайрлашиб, ўз уйларига тарқалдилар, мартабадорлар эса уни бозоргача олиб бордилар ва сайр қилдирдилар. Одамлар дирҳамлар, динорлар, қанд ва бошқа ширинликларни элчи устидан сочдилар. Масхарабозлар томошалар кўрсатдилар. Элчилик ишлари нозири элчини у учун ажратилган саройга жойлаштирди ва бу орада икки намоз вақти ўтди. Элчи саройга жойлашиб бўлганидан кейин элчилик ишлари нозири унга ҳар қандай меёрдан зиёда таом ва ноз-неъматлар келтирилишини буюрди»<sup>1</sup>. Бундай қабул қилиш жараёни ўша даврга хос бўлиб, Сомонийлар давлатида ҳам мавжуд бўлганлигини қуйидаги мисол орқали кўришимиз мумкин. Тарихчи, Ибн Зубайрининг маълумот беришича, 327/938-39 йилларда ас-Син ҳукмдори Сомоний Наср ибн Аҳмад (914-943) ҳузурига Хитойнинг тўрт нафар энг буюк олимларидан иборат элчиликни жўнатади, элчиликни 40 та отлик қузатиб боради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Абу-л-Фазл Байҳаки. История Масъуда (1030-1041) / Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К. Арендса. Издание 2е, дополненное. – М., 1969. – С.113.

<sup>2</sup> Камолиддин Ш. Саманиды. Из истории государственности IX – X вв. – LAP

Элчилик нозири лавозими Сомонийлар давлатида мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумотлар учрамаса-да, нуфузли элчиларни мамлакатдаги фаолиятини таъминлаш масъулияти давлатнинг анча обрўли кишиларига топширилган. Жумладан, Ибн Фазлоннинг Волга Булғориясига Ўрта Осиё орқали амалга оширилган машҳур элчилиги ҳисоботида ёзилишича «Халифа элчилик таркибига Ибн Фазлон билан бирга ўз хизматида бўлган Сусан ар-Рассий, Такин ат-Туркий, Борис Сақлабийларни ҳам киритган. Халифа томонидан жўнатилган элчилик бир неча кун юрганидан сўнг аввал Омуд чўлидан, кейин Пойканддан ўтиб, Бухорога етиб келади. Бу ерда уларни Сомонийлар ҳукмдорининг котиби ал-Жайҳоний кутиб олади ва сафар учун керакли нарсаларни тайёрлашда ёрдам бериш учун бир одамни масъул этиб тайинлайди. Айнан ал-Жайҳоний ушбу элчилик миссиясининг Наср ибн Аҳмад томонидан қабул қилишини ташкиллаштириб беради. Шунингдек, бу элчилик Бухоро ҳукмдорига бир вилоят ҳокимини алмаштирилганлиги ҳақидаги ёрликни ҳам тақдим қилади. Бухоро амири халифа элчиларидан «менинг ҳукмдорим жанобим мўминлар амири сиз уларни тарк этаётганингизда қандай ҳолатда эдилар» деб сўрайди. Элчилик вакилларида ижобий жавоб эшитгач, «ҳукмдоримни умрилари узок бўлсин» дея дуо қилади»<sup>1</sup>.

Элчиларни қабул қилиш жараёнида мамлакатларнинг сиёсий мавқеи, «дўстлиги» ва бошқа бир қатор ҳолатлар ҳисобга олинган ва улар элчиларга кўрсатилган муносабатларнинг дабдабалик даражасини белгилаб берган. Энг катта ва юксак дабдаба билан Аббосий халифалардан келган элчилар қабул қилинган. Масалан, бунга Ғазнавий султон Масъуд (1030-1041) давридаги 421 ҳижрий (1030) йилда ташриф буюрган халифа элчисини қабул қилиш маросими орқали кўриш мумкин: «Амир элчини

LAMBERT Academic Publishing, 2012. – С. 248.

<sup>1</sup> Путешествие Ибн Фадлана на Волгу / Пер. и коммен под редакцией И.Ю. Крачковского. – М.- Л., 1939. – С. 56.

олиб келишни ва унга ҳашаматли қабул маросими уюштиришни буюрди. Абу Саҳл Завзаний амирга янада аниқроқ бўлиш учун куйидагиларни таклиф этди. У ҳукмдорга тегишли айрим вазифаларни сарой аёнларининг бир қисмига амир машварати, ғуломлар, мартабадорлар ва шунга ўхшашларга буюришини ва ишларни бошқаришни сипоҳсоларга юклашини, ўзига эса раҳматли султон давридагидек ўз вазифаларини бажаришга амир рухсат беришини сўради. Амир уни маъқуллади ва сипоҳсолар Ғозийни чақириб келишларини буюрди. Амир дедики: «Мен халифанинг вакилини қабул қилишни буюрдим, у инъом этилган ёрликлар, совғалар, мукофот ва унвонларни олиб келган, бизнинг еримизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни бошқа давлатлар аҳолисига етказишга улар муҳим рол ўйнаган. Сен кўшинга шуни етказки, эрталаб яхши қуролланиб, чиройли либосда сафлансинлар ва ўз ишларини бажарсинлар. Сипоҳсолар «аник бажараман», деб жавоб берди ва қароргоҳни тарк этди. Буюриш керак бўлган ишларни у буюрди, амалга ошириш керак бўлган ишларни бажарди. Амир (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ғуломларга буйруқ берди ва ҳаммасини шоҳона адо этдилар»<sup>1</sup>.

Сомонийлар, Қорахонийлар ва Ғазнавий ҳукмдорлар хорижий мусулмон бўлмаган давлатлар билан дипломатик алоқаларини Бағдоднинг бевосита розилиги асосидагина олиб борган бўлсалар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида эса биз халифаларнинг таъсири пасайганлигини ва кўп ҳолларда ушбу икки сулоланинг айрим ҳукмдорлари Бағдодга босим ўткази олганликларига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Халифага ҳукмдорлар «мавлоно» ва «амиру-л-мўминийн» деб мурожаат қилганлар, уларни қаршисида ерни ўпиш талаб қилинган<sup>2</sup>.

Ғайридинлар билан элчилик муносабатларини йўлга қўйишда бошқа тадбирлар билан бир қаторда ислом динини тарғиб қилиш масаласи катта аҳамият касб этган. Жумладан, 327/938-939 йилларда ас-Син ҳукмдорининг элчилари Наср ибн Аҳмадга Чин

<sup>1</sup> Абу-л-Фазл Байхаки. История Масъуда... – С. 114.

<sup>2</sup> Камолитдин Ш. Саманиды... – С. 250-251.

хукмдори мактубини топширадилар ва бу мактубда у сомоний амирдан охирги 27 йил учун ўлпон тўлашни ва расман Хитой ҳокимиятини тан олишни талаб қилади. Наср ибн Аҳмад элчиларни қабул қилади ва уларга куйидаги мазмундаги мактубни топширади:

*«Эй ёш йигит мен сени ва сенга ўхшаганларни кўрқанимдан, қўшинимнинг кам ёки заифлигидан инкор этганим йўқ. Мен ўзимни тутиб турганлигим сабаби буюк ҳукмдор (яъни халифа) менга ҳаракат қилишга буйруқ бергани йўқ. Менинг динимда буйруқсиз бирор бир ҳаракат қилишга руҳсат берилмайди... Шундан сўнг Син ҳукмдори исломни қабул қилган»<sup>1</sup>.*

Шунингдек, Сомонийлар саройида яшаган Абу Дулаф ҳам X асрда Хитойга юборилган элчилик таркибида қатнашган ва унинг маълумотлари ҳам мавзуни очиб беришда муҳим манба ҳисобланади. Абу Дулаф Хитой элчиларини кузатиб қўйишда шахсан иштирок этган. Элчилар Шарқий Туркистон ҳудудидан ўтиши керак эди. Абу Дулаф Шарқий Туркистондан Ҳиндистон ва Сеистон орқали Бухорога қайтиб, хотиралари асосида ўз рисоласини ёзишга киришган. Элчилик туркий халқлар ва элатлар яшаган жойлардан ўтганлиги сабабли халқаро алоқаларга оид маълумотлар билан биргаликда, туркий қабила ва элатлар хўжалиги, анъана ва одатлари бўйича қимматли маълумотлар «Рисола» да келтирилган. Абу Дулаф Мисъар ибн Мухалхил ал-Йанбуй ал-Хазражий Қизил денгиз қирғоғидаги Йанбуй шахридан бўлиб, арабларнинг хазраж қабиласига мансуб бўлган. У тақдир тақозоси билан Бухорода Сомоний амир Наср II (914-943) саройида хизмат қилар эди. Абу Дулаф 942 йили Бухородан юртига қайтаётган Хитой элчиларини кузатиб борган. У Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Тибет, Хитой, Ҳиндистон орқали Сеистонга қайтган. Охир оқибат, у Эронда Бувайҳийлар хизматига кирган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Камолиддин III. Саманиды... – С. 248-249.

<sup>2</sup> Караев О.К. Арабские источники // Источниковедение Кыргызстана (с древне-

Абу Дулаф амир Наср ибн Аҳмад хузурига Сандабил (Кансу)нинг уйғур ҳукмдоридан икки сулола ўртасида куда-андачилик ришталарини боғлаш мақсадида элчилар келганлигини айтиб ўтади. Амир ўз кизини ғайридинга турмушга беришдан бош тортади, лекин ўғилларидан бирортасини чин маликаларининг бирига уйлантиришга рози бўлади. Нух ибн Наср Чин ҳукмдорининг қизига уйланади ва у Абдулмалик ибн Нухнинг онаси ҳисобланади<sup>1</sup>.

Хитой манбаларида да-ши, яъни араблардан ва 924 йилда Сомонийлардан элчилик келганлиги тўғрисида маълумот берилган<sup>2</sup>.

Куйидаги мисолда Ғазнавий султон Масъуд томонидан элчига кўрсатилган илтифотга гувоҳ бўлишимиз мумкин: «Элчилик хизмати нозири элчининг ёнига етиб келганида, элчини устига қора мато ёпилган гижинг отга ўтқиздилар, байроқларни эса бир отликка бердилар. Элчининг изидан халифа совғалари жойланган сандиқлар юкланган бир неча қатор хачирлар ва ўн отни етаклаб бордилар. Отларнинг иккитаси олтин эгар-жабдукли ва тилла такали. Қолган саккизтаси эса қимматбаҳо от ёпиглари ва чойшаблар билан ўралганди. Элчининг юрадиган йўли яхшилаб бўялган эди. Элчининг йўлига дирхам ва динарлар сочилган ва у отлиқ қўшин сафларига етиб келгунча юриб борди. Ноғоралар ва бурғулар садоси ҳамда халқ кичкириғи жаранглади. Элчи ва аёнларни қўшиннинг икки сафи орасидан олиб бордилар, сарханглар эса элчи токи тахтга қараб боргунча икки томондан тангалар сочиб турдилар. Амир тахтда савлат билан ўтирган ҳолда қабул маросимини очган эди. Амирнинг яқинлари ва мулозимларининг айримлари тик турган ҳолда, бошқалари ўтирган ҳолда унинг атрофида эдилар. Элчини отдан оқиста тушириб, амирнинг рўпарасига олиб

сти до конца XIX в.)... – С. 96.

<sup>1</sup> Камолиддин III. Саманиды... – С. 119.

<sup>2</sup> Уша асар. – С. 248.

келдилар. Элчи расм-русумга кўра олдинга чиқиб, амирнинг кўлини ўпди. Амир уни тахт қаршисига ўтказди. Ўтирганидан кейин элчи «амир ал-мўминин» номидан ҳукмдорни кутлади ва ушбу табрикка ўз тилакларини кўшиб изҳор этди. Амир Масъуд унга шоҳона жавоб берди. Кейин элчи ўрнидан турди ва тахтга халифанинг инъом ёрлиғини ҳамда мактубини кўйди. Амир уларни ўпиб, жойига кўйди. Сўнгра Абу Саҳл Завзанийга уларни кўлига олиб, ўқиб беришини буюрди. У амирни табрик-лашгача бўлган қисмини ўқиб бўлганидан кейин амир ўрнидан турди, тахт ўралган гиламни (тахтпўш) ўпиб кўйиб, яна жойига ўтирди. Абу Саҳл ёрлиқни ва мактубни ўқиб берганидан кейин, унинг қисқа таржимасини форс тилида айтиб берди. Кейин сандиклар очилиб, у ердан совғалар олинди. Совғалар асосан тайёр кийимлар ва матолардан иборат эди. Элчи ўрнидан турди, еттита дуваж олинди, ундан биттаси қора, қолганлари эса турли хил ноёб ва шоҳона бағдодий дабиқлар эди»<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилганидек, икки давлат ўртасидаги совға-салом алмашинуви элчилик хизматининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган. Давлатларнинг мавқеи ва элчилар олдига кўйилган аниқ миссияга боғлиқ тарзда совға-саломларнинг даражаси турлича бўлган. Яна юқоридаги вазиятни давоми сифатида шуни айтиш мумкинки: «Амир Масъуд халифа совғаси бўлмиш тўнни кийди ва икки рақъат намоз ўқиди<sup>2</sup>. Абу Саҳл Завзаний амирга бу ҳақда олдиндан огоҳлантириб кўйган эди, чунки отанинг меросхўри сифатида халифа жўнатган тўнни кийганда, у шундай қилиш лозим эди. Тож, маржон, салт от, шамшир, қиличбоғ ва у ердан олиб келиш урф бўлган нарсаларни келтиришди. Амирнинг ақрабо ва аёнлари тахт олдида ҳисобсиз тарзда тангаларни сочиб ташладилар. Элчини энг олий даражада кузатиб қолдилар. Султон ўрнидан турди, ҳаммом қилиб олиб, кийимларини алмаштириб олди. У йўқ-

<sup>1</sup> Абу-л-Фазл Байхаки. История Масъуда... – С. 115.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 115.

силларга икки юз минг дирҳамни садақа сифатида тарқатишга буйруқ берди. Кейин ҳамсухбатлар ва ҳаммаишатчилар келдилар, аввалроқ ҳам дабдабадор зиёфат тайёрлаб кўйилган эди. Элчини олиб келдилар ва султон дастурхонига ўтказдилар. Зиёфат сўнггида элчига қимматбаҳо тўн кийгиздилар ва уни катта иззат-эҳтиромлар билан уйига кузатиб кўйдилар. Шу куннинг ўзидаёқ аср намози вақтида элчилик хизмати нозири шаҳсан элчининг совғасини: икки юз минг дирҳам, олтин анжомли от, яхши сифатли эллик дона мато, бир неча халтачада алой (сабур), мушк ва камфара олиб келди. Султон жўнаб кетишга рухсат берди ва элчи шаъбон ойининг охириги куни ортга қараб йўлга чиқди»<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ғазнавийлар томонидан Қорахонийларга жўнатилган элчилик эса қандай совғалар олиб борганлигини қуйидаги мисол орқали билиб оламиз: «Уларнинг ичида чакмоқ тошлар ва маржон иплари билан безатилган иккита тилла қадах, зардўзи матолар, кўплаб бошқа турдаги румий, бағдодий, исфаҳоний, нишопурий матолар, турли туман газламалар, ҳинд дасторлари, мушк, алой (сабур), анбар, йакдона деб аталган иккита маржоншода ва бошқа совғалар бор бўлиб, хон, унинг ўғли Буғротегин, хотун ва келинларга, тоға ва амакиларга, ҳожибу аёнларга тақдим этиш учун мўлжалланган. Рўйхатда кўрсатилган барча нарсалар ғазнадан олиб чиқилган ва текшириб кўриш учун берилган ҳамда элчиларга қайта топширилган»<sup>2</sup>.

Элчилар билан бирга совғаларни олиб бориш учун баъзан алоҳида махсус ғазначи, унга бўйсунувчи ҳаммоллар ва бошқалар тайинланганлар ҳамда ушбу кишиларнинг вазифаси хазинадан олинган совғаларни элчилар билан бирга олиб боришдан иборат бўлган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Абу-л-Фазл Байхаки. История Масъуда... – С. 116.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 302.

<sup>3</sup> Абу-л-Фазл Байхаки. История Масъуда... – С. 302.

Элчи соғ-саломат етиб келганидан кейин, у хукмдорни олдиға кузатиб борилган. Хукмдор баъзи ҳолатларда хурматини намоён қилиш маъносида ўз қўлини ўпишга рухсат берган. Шундан сўнг элчи унга расмий ёзишмани ва совғаларни топширган. Совғалар хат жўнатувчининг мавқеига мос тарзда бўлиши керак бўлган, саҳийларча жуда қимматбаҳо совғаларни тақдим этиш ҳар доим ҳам хушланмаган<sup>1</sup>. Низомулмулк мажбурий совғалар жўнатмасликни маслаҳат берган, чунки унинг фикрича, бундай совғаларни жўнатиш заифлик белгиси сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган<sup>2</sup>.

Элчилик лавозимига кўпроқ қозилар, диний уламолар тайинланган. Муносабатлар ўта нозик бўлганда уларни тиклаш ёки қалгис масалаларни ҳал қилиш керак бўлганда машҳур олимлар, таниқли шайхлар ҳам элчи сифатида бошқа давлатларга жўнатишган. Хоразмшоҳ Ануштегинийларнинг халқаро муносабатларида шайх Сухровардийнинг Хоразмшоҳлар ва Бағдод ўртасидаги муносабатларни яхшилаш йулидаги дипломатик ҳаракатлари ҳақида анча гапириш мумкин. Бу ҳақда таниқли шарқшунос З.Буниятов бир қатор маълумотларни тақдим этган. Жумладан, у шайх Сухровардийнинг Хоразм ва Бағдод муносабатларидаги ўрнини аниқ кўрсатиб берган<sup>3</sup>.

Элчилик хизматининг таркибий қисмларидан бири сифатида элчиларнинг хукмдорларга олиб борган мактубларини кўрсатиш мумкин. Масалан, Ибн Фазлон иштирок этган элчиликда Волга Булғорияси подшосининг хати билан танишиш ва уни халифага ўқиб бериш учун халифа томонидан алоҳида вакил тайинланади. Нодир ал-Хурабий шу лавозимга тайинланади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Durand-Guedy D. Diplomatic practice in Saljuq Iran. A preliminary study based on nine letters about Saladin's campaign in Mesopotamia. *Oriente Moderno*, LXXXIX, 2008, 2, p. 271-296. – P. 287.

<sup>2</sup> Durand-Guedy D. Diplomatic practice in Saljuq Iran... – P. 287.

<sup>3</sup> Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов 1097-1231. – Матриэзов А.Р. М., 1986. – С. 84-86, 119.

<sup>4</sup> Путешествие Ибн Фадлана на Волгу / Пер. и коммен под редакцией И.Ю.

Хатни ўқиб берувчи вакиллар Ғазнавийлар саройида ҳам мавжуд бўлган ва бу ишни асосан элчилик хизмати нозир лавозимидаги шахс бажарган. Буни ҳижрий 423 йилда (1031/32) Бағдоддан келган элчини қабул қилиш маросимига оид маълумот орқали кўриш мумкин: «Аллоҳ ундан рози бўлсин, амир суффа олдида тахтда ўтирган эди. Халифанинг элчиси амир билан саломлашди, у қора рангдаги либос кийган эди. Унга муҳтарам зот хўжа Аҳмад ибн Ҳасан жавоб берди. Ундан бошқа ҳеч ким амирнинг ҳузурда ўтирмас эди, ҳамма тик ҳолда турар эди. Ҳожиб Абу Наср элчининг қўлидан ушлаб, ўтқизди. Амир сўради: «Сен халифани қандай ҳолатда тарк этдинг?». Элчи жавоб берди: «Аллоҳ таоло унинг зикрига шон-шарафлар бўлсин буюк султонни мусулмонларнинг хукмдори имом ал-Қодир биллоҳ вафоти билан боғлиқ қайғуда ўзи юпатсин. Аллоҳ ўзи унинг қиёматда ишини енгил қилсин. *\*Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожийун\** (Таржимаси: Биз ҳаммамизга Аллоҳга тегишлимиз ва албатта унга қайтгувчимиз). Бахтсизлик жуда улқандир, аммо хукмдорга ҳаёт бағишловчи Аллоҳнинг марҳамати ундан ҳам буюқдир. Аллоҳ раҳматли халифанинг жойини жаннатлардан қилиб, тинчлик дини хукмдорининг, мусулмонларнинг хукмдорини доимо ўзи сақласин!». Буюк хожа ҳам араб тилида шунга ўхшаш гўзал сўзлардан бир нечтасини айтиб, ўз нутқи давомида элчига мактубни тақдим этишни буюрди. Элчи ўрнидан турди ва тахт олдиға қора шойи матога ўралган мактубни олиб келиб, уни амирга берди, орқага чекиниб, яна ўзини ўтқизишган ерга бориб ўтирди. Амир Абу Насрни чақирди, у тахтга яқин келди, мактубни олиб, орқасига чекинди ва юзини тахтга қаратиб тўхтади. Кейин у хат ўрамини очиб, қаттиқ овоз билан мактубни ўқий бошлади. Тугатганидан сўнг, амир деди: «унинг таржимасини ўқиб бер, ҳаммага Крачковского. – М.-Л., 1939. – С. 55.



тушунарли бўлсин». Абу Наср уни форсчасига ўқиб берди. Уни эшитганлар бошқа ҳеч кимда бундай таржимонлик қобилияти йўқлигига тан берганлар. Элчини совға саломлар билан қўйиб юбориб, уйигача кузатиб қўйганлар. Амир мотам маросимига тайёргарлик кўришни бошлаб юборган»<sup>1</sup>.

Мактублар элчилик хизматида катта ўрин тутганлигини қуйидаги Ибн Фазлон элчилик миссиясига оид мисол орқали кўриш ҳам мумкин: «Элчилик шунингдек Хоразм ҳудудидан ўтганида уларни Хоразмшоҳ қабул қилади. Уларга бошпана бериб, уларнинг сафар мақсадлари билан обдон танишади. У бир қатор айёрликлар орқали ушбу элчилик фаолиятига бироз тўсқинлик қилишга уриниб кўради, аммо элчиликнинг халифа мактубини хоразмшоҳга кўрсатишлари уларни ўз сафарини давом эттиришга сабаб бўлади»<sup>2</sup>. Хоразмнинг яширинча Хазар давлати билан яқин муносабатлари мавжудлиги ҳақида фикрлар учраб туради<sup>3</sup>. Аммо ушбу муносабатларга оид қандайдир бир аниқ маълумотлар бугунги кунгача топилмаган.

Умуман, ушбу давр дипломатияси тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этувчи бугунги кунгача сақланиб қолган бир неча иншо ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар Салжуқийлар даври элчилик муносабатлари тўғрисида маълумот беради.

Салжуқийлар даврига тегишли манбалар ичида иншолар тўплами анча ўзига хос ҳисобланади. Котибларни турли намуналар билан таништиришга бағишланган ушбу хатлар расмий девонлар томонидан берилган ҳужжатлар матнини сақлаб қолганлар, кўпинча уларга фақатгина кичик номинал

<sup>1</sup> Абу-л-Фазл Байхаки. История Масъуда... – С. 382-383.

<sup>2</sup> Путешествие Ибн Фадлана на Волгу / Пер. и коммен под редакцией И.Ю. Крачковского. – М.- Л., 1939. – С. 57.

<sup>3</sup> Толстов С.П. Бируни и проблемы древней и раннесредневековой истории Хорезма // Первая Всесоюзная конференция Востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. – Ташкент: Изд-во АН Уз ССР, 1957. – С. 38-42; Ўша муаллиф. Новогодний праздник «Каландас» у хорезмийских христиан начала XI века // Советская этнография. – М., 1946. – № 2. – С. 87-104.

ўзгаришлар киритилган. Бу эса архивлар фаолият кўрсатмаган давр тарихини ўрганишда катта ёрдам беради<sup>1</sup>.

Одатда, иншо деб расмий ва хусусий ҳужжатларга айтилади ва улар оригинал нусхалардан кейинги ҳужжатлар учун намуна тарзида қўллаш учун ўзлаштирилади (кўчириб ёзилади). Компилятор, яъни кўчирувчилар зарур билганда оригинал матнни бироз ўзгартириб ёзишлари, исмларни қисқартиришлари ёки анонимлаштиришлари, ёзилган вақтини ва жойини тушириб қолдиришлари мумкин. Бирок кўп ҳолларда компиляторлар ҳужжатларнинг мазмунига нисбатан ҳеч қандай қизиқишга эга бўлмаганликлари сабабли, улар асосан ҳужжатларнинг шаклига асосий эътиборларини қаратганлар. Шу сабабли иншо ҳужжатларини ушбу давр тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим ҳужжат деб баҳолаш мумкин<sup>2</sup>.

Тадқиқотчи Д. Дюранд-Гуэди ушбу ҳужжатларда кўчманчилар раоя (райят), зердастон ва халқ тарзида ифодаланганлигини аниқлаган. Бундай аталишига минтакавий ҳолатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, унинг фикрича, кўчманчилар ёввойи, ишончсиз ва душман сифатида тасвирланган. Султон Санжарнинг (1118-1157) қарориди эса туркманлар камбағал ва зайф ҳолда тасвирланган. Туркман оқсуяқларига нисбатан эса машойих, аҳли-салоҳ, умаро, солорон ва муқаддам каби атамалар ишлатилган<sup>3</sup>.

Подшоҳлар кўпинча хатларни ўзлари ёзмаганлар, улар оғзаки котибларга айтиб турганлар улар эса, хатларни қоғозга туширганлар. Котиблар орасида «лисон ал-мулук (Подшолар тили)» деган шарафли унвон мавжуд бўлган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Durand-Guedy D. Diplomatic practice in Saljuq Iran... – P. 271.

<sup>2</sup> Durand-Guedy D. The Turkmen-Saljuq relationship in twelfth century Iran: new elements based on a contrastive analysis of three Insa (Insha) documents// Eurasina studies, IX/1-2 (2011): pp.11-66. – P. 15.

<sup>3</sup> Durand-Guedy D. The Turkmen-Saljuq relationship in twelfth century Iran... – P. 28-29.

<sup>4</sup> Durand-Guedy D. Diplomatic practice in Saljuq Iran... – P. 280-281.

Хат матнини тузиш асосан девон котибининг (асосий вазир) ваколатида бўлса-да, фавкуллода ҳолатларда ҳукмдор хат матнини тузишни бошқа расмийларга ҳам буюриши мумкин бўлган.

Мактублар муқаддима қисми (матлаъ) билан бошланиши шарт бўлган. Ушбу қисм Аллоҳга ҳамду-сано, олувчининг номи ва унвонлари ва унга яхши тилакларни ўз ичига олган. «Олдинги хатимда ҳам айтгандимки», деган ибора қўлланилган. Буни маълум бир маънода эҳтиёткорлик дейиш ҳам мумкин, чунки аввалги йўлдаги бирор ҳодисалар туфайли етиб бормаган бўлса, ўша хатдаги ҳолатларни ҳам яна бир бор эслаиб ўтиш деб баҳолаш мумкин<sup>1</sup>.

Элчи саволларга жавоб бера олиши, тафсилотларни батафсил тушунтира олиш қобилиятига эга бўлибгина қолмасдан, биринчи навбатда ҳукмдорни нима демокчилигини тўғри тушуниб, уни бошқа бир ҳукмдорга худди шундай шаклда етказа олиши ва юксак фазилатларга эга бўлиши талаб қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, элчилик хизматини йўлга қўйишда юқоридаги барча таркибий масалаларга катта эътибор билан қараш талаб қилинган. Шунингдек, элчининг ақл-заковат даражаси ва маънавий дунёсининг бойлиги ҳам муҳим ҳисобланган, чунки элчи дипломатик вазифадан ташқари разведка вазифасини ҳам бажариши шарт бўлган. Бошқа бир ҳукмдорнинг шахри ва ҳарбий қароргоҳи ташриф буюрган вақтда элчи унинг ҳарбий салоҳияти, мадакор кучлари ва унинг мулки иқтисодиёти ва шу қабилар тўғрисида ахборот тўплаш оладиган даражада бўлиши талаб қилинган.

**Резюме.** В статье на основе материалов письменных источников вкратце рассмотрены основные моменты организации посольств в IX – XII вв. в государствах Средней Азии, которые включали в себя процедуры приёма и отправки послов, а также

<sup>1</sup> Durand-Guedy D. Diplomatic practice in Saljuq Iran... – P. 287.

процессы выбора и подготовки подарков и писем, отправляемых с послами.

**Summary.** In the article on the base of materials of written sources briefly analyzed main aspects of the organization of embassy missions in the 9th -12th centuries in Central Asian states, such as procedures of official reception and sending of ambassadors, also processes of choice and preparation of gifts, which will be sent with ambassadors.

## ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИДА ЭЛЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАРОСИМИ

Ж.А.Авазова

Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) ўз қудратининг чўққисига чиққан даврида Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга бевосита таъсир этган кучли давлат сифатида қўшни мамлакатлар билан қизгин алоқалар олиб борган. Хоразмшоҳлар давлатининг ташқи алоқалари бевосита минтақа сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатган бўлиб, давлатлараро муносабатларни барқарорлаштиришда ҳамда мустақамлашда катта роль уйнаган. Шунингдек, давлатлар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишда ва энг муҳим вазифаларни маромига етаказиб бажаришда элчиларнинг ўрни катта бўлган. Мақолада Хоразмшоҳлар давлатининг ташқи алоқаларида қўшни давлат элчиларини қабул қилиш расмий маросимлари масаласи ёритиб берилди. Унда «қабул маросими» ўтказилган жой, тартиби ва тақдим этилган совғалар каби масалалар кўриб чиқилган.

Хоразм ҳукмдорлари хорижий элчиларни саройда, турли сафарлар чоғида эса, чодирда қабул қилган<sup>1</sup>. Вазият тақозоси билан Хоразмшоҳларнинг кўп вақтлари ҳарбий юришларда ўт-

<sup>1</sup> Ойдин Тонари. Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври. – Тошкент. 1999. 75-бет.

ган, дейиш мумкин. Шунинг учун баъзи вақтларда ҳукмдорлар элчиларни саройдан ташқарида, махсус чодирли қароргоҳларда қабул қилишига тўғри келган. Хусусан, ушбу ҳолатни Бағдод халифалиги элчиси Шайх Сухравардийнинг Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220) ҳузурига иккинчи бор қилган ташрифида (1217) кўришимиз мумкин.

Шайх Сухравардий ўзининг бу элчилиги ҳақида бундай ёзади: «... каминани (султон ҳузурига) таклиф этишди. Аввал каттакон шоҳона хайма (чодир) нинг даҳлизига кирдик, атлас-у парчалар билан безатилган бундай ҳашаматли чодирнинг дунёда ўхшаши йўқ эди. Бу даҳлизда мулуки (Ажам подшоҳлари) Ҳамадон, Исфаҳон, Рой ва бошқа вилоятларнинг маликлари (подшоҳлари) мартабаларига қараб, саф тортиб туришарди. Бу ердан бошқа бир шойи чодирга ўтдик, у ерда Хуросон, Марв, Нишопур, Балх ва бошқа (юртларнинг) маликлари саф тортиб туришарди<sup>1</sup>. Кейин жуда катта тилла ранг чодир хиргоҳга кирдик. Хиргоҳ<sup>2</sup> олдида жавоҳирлар қадалган сижоф парда тортилган эди. Хоразмшоҳ ҳали ёш соқолли<sup>3</sup> бўлиб, оддий тахт устида ўтирар эди. Султоннинг<sup>4</sup> эғнида беш дирҳамли бухорий

<sup>1</sup> Муҳаммад Хоразмшоҳ Қорахитойлар (1125-1210) давлати устидан эришган галабасидан сўнг, ўзини Марказий Осиё минтақасида ҳам сиёсий ҳам ҳарбий жиҳатдан энг кучли ҳукмдор деб ҳисоблай бошлади. Шу сабабли у сарой маросимига ўзгартириш киритиб «Зулқарнайн навбасини» яъни ҳукмдорни кириши шарафига мусякий мадҳия ижро этишни жорий қилди. Бу навбани ижро этишга Муҳаммад Хоразмшоҳга қарам бўлган мамлакатлар подшоҳлари ва маликларини ўзлари ёки уларнинг фарзандлари ёки булмаसा яқин қариндошларидан бўлган шахслар тайинланган. Қаранг: Шаҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолiddин Мангуберди ҳаёт. – Тошкент. 2006. 308-бет.

<sup>2</sup> Хиргоҳ- [خرگاه] хайма, чодир. <http://translate.academic.ru>

<sup>3</sup> Бу ерда Хоразмшоҳни ҳали ёш эканлиги таъкидлаб ўтилган бўлса керак.

<sup>4</sup> Султон – арабча сўз бўлиб, ҳукмдор, ҳоким деган маънони англатади. Х асрдан бошлаб ислом мамлакатларида ҳукмдор «султон» деб атала бошлаган. XI асрда Салжукийлардан бошлаб «султон» унвони мустақил сулола ҳукмдорларига берилган. Қаранг: Чориев З. Тарих атамаларининг Қискача изоҳли луғати. Қадимги ва ўрта асрлар. – Тошкент. 1999. 100-бет.

қабо (оддий чопон), бошида бир дирҳамли мўйна телпак бор эди»<sup>1</sup>.

Хоразм ҳукмдори Такаш (1172-1200) Ҳамадонда турган пайтида Бағдод халифасининг элчиси Мужриддин Муҳаммад ал-Бағдодий шарафига уюштирилган қабул маросими ушбу жараённинг кўплаб муҳим элементларини кўриб чиқиш имконини беради. Элчининг саройгача босиб ўтадиган йўлига бир неча қаватдан иборат атлас ва парча поёндозлар тўшалган ва кўп олтин тангалар сочилган. Элчини қутлаш учун ҳатто Хоразмшоҳ Такашнинг ўзи ҳам тахтдан тушиб келган. Элчи халифа номини тилга олганда хоразмшоҳ Такаш ўрнидан туриб, халифага ҳурмат ва эҳтиромини изҳор қилган<sup>2</sup>. Бу ҳолатда биз қабул қилиш жараёни билан бирга Хоразм ҳукмдори Такашнинг моҳир дипломат эканлигини кўришимиз мумкин. Чунки, бу вақтда Хоразмшоҳлар давлати билан Бағдод халифалиги ўртасидаги муносабатлар кескинлашган эди. Ҳар иккала томон ҳам ўзаро алоқаларни тиклашга ҳаракат қилаётган эди.

Хоразмшоҳларнинг сўнгги вакили Жалолiddин Мангуберди (1220-1231)нинг ҳукмронлиги даврида ҳам юқоридаги каби қабул жараёни амалга оширилган. Жумладан, Хоразм ҳукмдори Табризда аббосий халифанинг элчиси Ибн Аттофни қабул қилган. Элчи Жалолiddин Мангубердига янги халифа Зоҳир (1225-1226) тахтга чиққани ҳақида хабар берган. Халифалик элчисига султон Жалолiddин Мангуберди ҳузурида бир муддат қолиш ва олдинги элчи Розийни султон юборадиган хилъатлар билан қайтариб юбориш топширилган эди. Жалолiddин Хоразмшоҳ тухфа қилган хилъатларини бериб, Розийни ўз элчиси билан Бағдодга жўнатган. Султон Жалолiddин Мангуберди Охлат қамали вақтида халифанинг яна бир элчиси Садуddинни қабул қилган. Элчи Султондан хутбада

<sup>1</sup> Буниятов З.М. Государство Хорезмшахов Ануштагенидов (1097-1231). – М., 1986. – С.85.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 57.

халифанинг исми зикр этилишини талаб қилган ва агар бу талаб қондирилса, Султоннинг юқори мартабали аъёнлари халифа томонидан хилъат совғасини олишини айтган.

Шунингдек, Султон Оҳлат қамали вақтида келган халифанинг бошқа бир элчилари Фалакуддин ва Садуддинни ҳам қабул қилган ҳамда элчилар келтирган хилъатни кийган. Султон Жалолоддин элчилар учун «дахлиз» деб аталган чодир тиклатган. Элчиларнинг отга миниш ва тушиш вақтларида ноғора чалишни буюрган. Султон Жалолоддин саройнинг нуфузли хожибларидан Садуддинга маросим вақтларида элчиларга ҳамроҳлик қилишни топширган<sup>1</sup>. Бу даврдаги элчилик муносабатларида ҳам юқоридаги каби ҳар икки давлат алоқаларининг барқарорлаштириш масаласи қўйилган.

Хоразмшоҳлар хорижий ва вассал давлатларининг ҳукмдорлари ҳамда элчиларни аксарият ҳолларда тантанали маросимларда қабул қилган. Бу дабдабадан Хоразмшоҳларнинг қудратли ва кучли эканлигини бошқа давлатларга намоиш этиш мақсади кўзланган, албатта. Бу маросимларда барча тегишли расм-русумларга қатъий риоя этилган. Қабул маросимлари сиёсий ҳодисалар билан боғлиқ вазиятга қараб, қабул қилинаётган ҳукмдор ёки элчининг шахсига, у мансуб давлатнинг қудрат ва халқаро майдонда тутган ўрнига мувофиқ тарзда ташкил этилган.

Бу борада Мухаммад Хоразмшоҳ томонидан Бағдод халифалиги элчиси Шайх Сухравардийга уюштирган қабул маросими эътиборга лойиқдир. Хоразмшоҳлар сарой тарихчиси ан-Насавийнинг таъкидлашича, «... шайх ўз мавқеи ва мартабасининг улуғлиги туфайли девонда султон ҳузурига келган бошқа элчиларга нисбатан яхши эҳтиром ва фахр билан кутиб олиниши керак эди. Шунга қарамадан, Шайх сарой олдида кутиб қолган ва унга анчадан кейин киришга руҳсат берилган»<sup>2</sup>. Чунки, бу вақтга келиб, Хоразм ва Бағдод алоқа-

<sup>1</sup> Ойдин Тонари. 80-бет.

<sup>2</sup> Шаҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти... 31-бет.

лари зиддиятлашган эди. Қолаверса, Мухаммад Хоразмшоҳ Бағдодга юришга тайёргарлик кўраётган эди. Шу сабабдан элчига етарли даражада эътибор қилмаган эди.

Бундан ташқари дабдабали қабул жараёнига Рум (ҳозирги Туркия) нинг ҳукмдори Рукниддин Жаҳоншоҳ ибн Тўғрулшоҳ ибн Қилич Арслон II ни Жалолоддин Мангубердининг ҳузурига ташрифини кўриши мумкин. Бу маросим шундай тасвирланган.

«Жалолоддин Мангуберди вазири Шараф ул-мулк<sup>1</sup> девон мулозимлари билан бирга Рукниддин Жаҳоншоҳни бир кунлик йўлга чиқиб кутиб олишини буюрган. Вазир уни кутиб олган. Улар Ҳилот ва Маназжирд оралиғидаги Нозик кўли бўйидаги Манзилда учрашиб, бир кеча биргаликда дам олганлар. Ўша тунда улар Рукниддин билан чодирда шаробхўрлик қилганлар. Шунда Рукниддин вазир Шараф ул-мулкка қиймати ўн минг динордан кўпроқ турадиган совға берган. Хонлар уни Ҳилот яқинида ўз мавқеига қараб кутиб олганлар. Жалолоддин Мангуберди эса уни майдонда гулдор кимматбаҳо чодир остида кутарди. Жаҳоншоҳ майдонга шошилиб кириб келди ва ерни ўпди. Кейин бир неча кадам юрганди, уни ал-хожиб ал-хосс Бадриддин Дудоғ ибн Инонжхон қаршилади. У Султон Жалолоддин Мангуберди номидан Жаҳоншоҳга отга минишни буюрди. У отга минди ва Султон ҳузурига етгунча одатдаги расм-русумларига кўра таъзим қилиб келди. Жалолоддин Хоразмшоҳ уни бағрига босди, Жаҳоншоҳ эса унинг кўлини ўпди. Султон унга гулли кимматбаҳо чодир остидан жой кўрсатди. У Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердининг ўнг томонида тик турди. Шу пайтда гулли кимматбаҳо чодирнинг таянчлари дарз кетди. Чодир ёғочлари билан бирга кулаб тушди. Одамлар чодир йиқилишини уларнинг икковига ҳам тегишли ёмонлик аломатига йўйдилар. Шундан сўнг, Жаҳоншоҳ султон хизматида бир неча кун бўлди. Султон у билан дўстлашди. Ва яқинла-

<sup>1</sup> Шараф ул-мулк - Жалолоддин Мангуберди даврида вазир лавозимида фаолият олиб борган.

рига икки юзта фахрий кийимбош, ўн саккизта тўлла ястаглиғ от берди. Сўнг мамлакатига қайтишига рухсат берди. Ҳилот камали учун ишлатиладиган қуролларни юборишни буюрди. У «қора Буғро» деб номланган катта манжаникни, матарисларни, кийиладиган ҳимоя анжомларини ва қўплаб камон ўқларини юборган»<sup>1</sup>. Бу муносабатлар ўзаро иттифоқчилик бўлиб, Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий юришларида қўллаб-қувватловчи иттифоқчи ёрдам зарур эди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Хоразмшоҳлар замон зайлига қараб, ўзга давлат ҳукмдорларини ёки элчиларини қабул қилганлар. Бунга мисол сифатида Жалолиддин Мангубердини Охлат камали вакида Кўниё<sup>2</sup> ҳукмдори Алоуддин Қайкубод (1219-1237) нинг элчилари бўлган Шамсиддин олтин Аба ва Камолиддин Комёрларни қабул маросимини олишимиз мумкин. Жалолиддин Мангуберди элчиларни қабул қилишда вассалларга хос маросим ўтказиб, шу тариқа Алоуддин Қайкубодни ўзига тенг кўришни истамади. Олтин Аба ҳожиби хос билан бирга ҳукмдор ҳузурида пастда қолган. Чунки, Жалолиддин Мангуберди ва Кўниё султони Алоуддин Қайкубод ўртасидаги ўзаро муносабатлар яхши эмасди. Сабаби, Кўниё султони Жалолиддинни ўзи учун хавфли рақиб деб билиб, мамлакатини босиб олишдан хавфсирарди ва Жалолиддин Мангубердини эътиборини бошқа ишларга қаратишга, яъни мўғуллар билан битим тузишга ундарди. Бу ҳолат эса Жалолиддинга хуш келмасди.

Шу ўринда, Хоразмшоҳларга тобеъ бўлган ҳукмдорларни қабул қилиш жараёни умумий қоидалардан маълум даражада фарқ қилганлигини кўришимиз мумкин. Хоразмшоҳлар саройида тобеъ давлатлар ҳукмдорлари ўзига хос тарзда яъни остона (ер)ни ва қўлини ўпиш одати мавжуд бўлган. Бу одат Бағдод халифалиги

<sup>1</sup> Шахобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти... 366-бет.

<sup>2</sup> Кўниё - ҳозирги Туркия давлатининг жануби ғарбий қисмидаги шаҳар. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

саройида амал қилинган бўлиб, бунга мисол сифатида 1206 йилдаги Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг элчиси Низомиддин ибн Абдулкарим ас-Самъонийнинг Бағдодга ташрифи чоғидаги улуғ остонани ўпиши лозим бўлган ҳолатини кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Жалолиддин Мангуберди Муқонда<sup>2</sup> турган вақтида қипчоқ қабила бошлиқларидан Курқани қабул қилар экан, унга қўлини ўпишга ижозат берганлиги ҳам манбада келтирилган. Жалолиддин Курқага ва унинг аъёнларига хилъатлар кийдирган<sup>3</sup>.

Шунга ўхшаш яна бир маросимни оладиган бўлсак, Султон Жалолиддин Мангуберди Ҳиндистонда бўлган вақтларда Садусон<sup>4</sup> ҳокими Фахриддин Соларийни қабул қилган. Соларий бўйнида кафан, қўлида қилич билан келиб, итоатини билдирган<sup>5</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳукмдорнинг қўлини ўпишга ҳамма бирдек сазовор бўлмаган. Чунки, Жалолиддин Хоразмшоҳ Охлат камали вақтида қалъа ҳокими Иззиддин Ойбекнинг қайсарлигидан қаттиқ хафа бўлганлиги боис қабул чоғида унга қўлини ўптирмаган. Ойбек кўп ялиниб ёлворгандан кейин фақат оёғини ўпишга рухсат берган<sup>6</sup>. Ушбу даврда ерни ва қўлни ўпиш одати вассал давлатни ўз ҳукмдорини куч-қудратини тан олиш ва садоқатини изҳор қилишини билдирган.

Манбаларда аёл элчиларни қабул қилишга доир ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган. Жалолиддин Мангуберди Табризда бўлган пайтида Озарбайжоннинг собиқ отабеги Ўзбекнинг (1210/11-1225) хотини, яъни Тўғрул III ибн Арслонинг (1176-

<sup>1</sup> Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов Ануштангенидов (1097-1231)... – С. 83.

<sup>2</sup> Муқон - Озарбайжондаги вилоят. Қаранг: Шахобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти... 357-бет.

<sup>3</sup> Ойдин Тонари. 79-бет.

<sup>4</sup> Садусон - Михран дарёси бўйидаги, ҳозирги Сехван яқинидаги шаҳар. Қаранг: Шахобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти... 331-бет.

<sup>5</sup> Ойдин Тонари. 79-бет.

<sup>6</sup> Ўша асар. 79-бет.

1194) қизи ўз номидан унга аёл элчилар юбориб, турмуш куриш таклифини билдиради ва Жалолиддин бу таклифни қабул қилади<sup>1</sup>. Афсуски, бу қабул маросими қандай ўтгани тўғрисида маълумот йўқ.

Хоразмшоҳлар саройига ташриф буюрган элчилар совға тариқасида ўзлари билан бирга бир қатор қимматбаҳо, ноёб буюмларни олиб келишган. Масалан, Мухаммад Хоразмшоҳ Хоразмда бўлган вақтда Чингизхоннинг элчилари кутиб олинган. Элчилар Маҳмуд ал-Хоразмий, Али Ҳожи ал-Бухорий, Юсуф Канка ал-Ўтрорийдан иборат бўлган. Улар ўзлари билан туркийлар учун одатий бўлган совғаларни олиб келганлар. Совғалар орасида Хитой тоғларидан қазиб олинган туя ўрқачидек келадиган олтин бўлаги, қимматбаҳо металллар бўлаги, денгиз ҳайвонларининг қозик тишлари (нусуб ал-хутувв), қопларда мушқлар, нефрит тошлари, кийимлар, оқ туя жунидан тайёрланадиган тарху (енгил ипак) деб номланган кийим бўлган<sup>2</sup>.

Шунингдек, Жалолиддин Мангубердининг ҳукмронлиги даврида Бағдод халифаси унга юборган хилъат (иккита либос) қуйидагилардан иборат бўлган: биринчиси тўн, бир салла ва елка камари, қимматбаҳо тошлар билан безатилган бир ҳинд камари; иккинчиси бир тўн, бир салла, бир жуб қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган битта елка камари юзасига аждар тасвири туширилган динорлар билан безатилган «қорачури» деб номланган бир олтин қилич, отлар, қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган бир қалқон ва бошқа нарсалар бўлган (иловага қаранг).

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Хоразмшоҳлар саройида хорижий давлатлар билан дипломатик алоқаларни ўрна-

<sup>1</sup> Шаҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. – Тошкент. 2006. 145-бет; Ойдин Тонари. 81-бет.

<sup>2</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент. 1994. 126-бет; Шаҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти... 54-бет; Буниятов З.М. Государство... – С. 132; Ўзбек дипломатияси тарихидан... 56-бет.

тишга ва ривожлантиришга катта аҳамият берилган бўлиб, ушбу алоқаларда муҳим миссияни бажарадиган элчиларни кутиб олиш ва қабул қилиш маросимлари аниқ тартиб-интизом ва қоидалар билан белгилаб қўйилган. Баъзан эса бу қоидаларга ўзгартиришлар ҳам киритилган. Бироқ, тадқиқ этилган адабиётларда Хоразмшоҳлар саройининг диққатга сазовор бўлган маросимларига оид маълумотлар тўлиқ ёритилмаган. Шу сабабли ушбу мавзу устида атрофлича тадқиқ этиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

### Илова<sup>1</sup>

1. Иккита либос. Биринчиси тўн, бир салла ва елка камари, қимматбаҳо тошлар билан безатилган бир ҳинд камари. Иккинчиси бир тўн, бир салла, бир жуб қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган битта елка камари юзасига аждар тасвири туширилган динорлар билан безатилган «қорачури» деб номланган бир олтин қилич.

2. Иккита арғумоқ. Бу отларнинг эгар жабдуқлари олтин копламали бўлган. Отлар тақдим этилганида туёқларига ҳар бири юз динор қийматига эга бўлган олтин ҳалқалар илиғлиқ эди.

3. Юзаси қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатилган бир қалқон. Қалқоннинг устига қирқ дона ёқут ва лаъл ўртасида катта феруза тош бор эди.

4. Ўттизта от. Бу отларнинг устига зирҳли ёпинчиқлар ва Рум (Византия) жуллари ташланган эди. Матолари Бағдод атласи бўлган. Ҳар отнинг бўйнига ташланган ипак жиловларга олтмиш дона халифа динори осиглиғи эди. Бу отлар 20-30 нафар сайис етовида бўлган.

5. Олтин бўйинбоғли ўн дона ҳинд чўл мушуги.

6. Бошөпинчиғи ва нафис ишланган ўн дона лочин.

7. Ҳар бири ўнта қуйлаклик 150 тўп газлама.

8. Олтин чамбарли ўн дона амбардан ишланган тўп.

<sup>1</sup> Илова - манбадан олинган. Қаранг: Шаҳобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти. – Тошкент. 2006.

9. Икки ғулом томонидан кўтариб келтирилган 5-6 газ узунликдаги бир сарв ёғочи.

10. Хонларга ўн тўрт дона хилъат. Ҳар бирига олтин қопламали сувлик ва жиловли бўлган биттадан от. Бу отлар бу отларнинг устида Тифлис гурзилари бор эди.

11. Амирларга уч юз дона хилъат. Ҳар бир амирга битта тўн битта салла. Бундан ташқари девон аъзоларига йигирма дона хилъат.

**Резюме.** Государство Хорезмшахов (1097-1231) вело широкую дипломатическую деятельность с другими странами оказывая активное влияние на политические и социально-экономические процессы в центральноазиатском регионе в момент пика своего политического и социально-экономического развития. В статье освещены некоторые моменты приёма послов соседних стран в государстве хорезмшахов. В частности, в ней описаны место проведения «церемонии приёма послов», а также перечень отправленных и принятых подарков.

**Summary.** The state of Khwarizmshahs (1097-1231) led wide diplomatic activities with other countries exerting an active influence on the political and socio-economic processes in Central Asian region at the peak of own political and socio-economic development. The article is highlighted some moments of the reception of ambassadors of neighboring countries in the state of Khwarizmshahs. In particular, it described place of “the reception of ambassadors” as well as lists of sent and received gifts.

## ИПАК ВА МУЙНА: ҚОРАХОНИЙЛАР ДИПЛОМАТИЯСИДА СОВҒА-САЛОМЛАР

т.ф.н. Д.Ш.Дутураева

Мовароуннаҳр, Қошғар ва Етгисув ҳудудларида ҳукмронлик қилган Қорахонийлар сулоласи (840-1212) мусулмон манбаларида al-Khāqāniya<sup>1</sup> ва Āl-i Āfrasiyāb<sup>2</sup>, хитой манбаларида Heihan<sup>3</sup> and Dashi<sup>4</sup> тарзида тилга олинган.

Қорахонийлар давлатининг қулай географик жойлашуви Хитойнинг Ляо ва Сун сулоалари ҳамда ислом дунёсининг энг йирик сиёсий кучларидан бўлмиш Ғазнавийлар, Салжуқийлар ҳамда Хоразмшоҳлар билан дипломатик муносабатларни йўлга қўйишга имкон яратган. Мазкур мақолада Қорахонийлар давлатининг ислом дунёси билан бўлган алоқаларида дипломатик совға-саломларнинг ўрни тадқиқ этилган.

<sup>1</sup> al-Khāqāniya – الخاقانية (“Хокония”). Dīwān lughāt al-turk, Maḥmūd al-Kāshgharī / пер. З.-А. М. Ауезовой. – Алматы: Дайк-Пресс. 2005. – С. 908.

<sup>2</sup> Āl-i Āfrasiyāb – آل افراسياب (“Афросиёб хонадони”). Фирдавсий “Шохнома”сида Афросиёб Турон ҳукмдори сифатида тилга олинган. Туркий халқлар орасида у Тонга Алп Эр номи билан машҳур эди. Қаранг: Dīwān lughāt al-turk / пер. З. А. М. Ауезовой. – Алматы: Дайк-Пресс. 2005. – С. 851, 1014.

<sup>3</sup> Heihan 黑汗 (“Қорахон”), Қорахонийларга нисбатан Сун сулоласининг расмий тарихида ишлатилган ном. Jiang Qixiang 蔣其祥: “Heihan chao ming cheng kao 黑汗朝名称考 [Heihan сулоласи номининг тахлили]”, Xiyu yanjiu 西域研究 [Ғарбий ҳудуд тадқиқотлари] 1 (2001): – С. 51-56.

<sup>4</sup> Dashi 大食 Хитой манбаларида VIII-XIII асрларда аввал араблар ва Аббосийлар халифалигига нисбатан, кейинчалик эса барча ислом давлатларига, жумладан, Қорахонийларга нисбатан ҳам ишлатилган атама бўлиб, мазкур даврда туркий аҳоли томонидан арабларга ва кейинчалик ислом динини қабул қилган эронийзабон аҳолига нисбатан ишлатилган Таууī / T azik атамасидан келиб чиққан. Бу хақида батафсилроқ қаранг: Qian Boquan 钱伯泉. Dashi guo shi yanjiu - Kalahan wangchao qianqi shi tanwei 大食国史研究- 喀喇王朝前期史探微 [Даши давлати тарихига оид тадқиқот – Қорахонийлар сулоласи илк тарихининг тахлили],

Xiyu yanjiu 西域研究 [Ғарбий ҳудуд тадқиқотлари] 4 (2004): – С. 37-46.

Қорахонийлар нафақат қўшни давлатлар билан, балки ислом дунёсининг диний устуни бўлмиш Аббосийлар (750-1258) сулоласи билан ҳам расмий муносабатларни йўлга қўйган эди. Ибн ал-Фуватий (1244-1326) ўзининг биографик лўғатида бизнинг кунларгача етиб келмаган замонасининг манбаларига таянган ҳолда «Тафғач ал-Туркистоний»<sup>1</sup>, деб танилган Қорахонийлар ҳукмдори Иброҳим ибн Наср (1038-1068) халифа ал-Қойим (1031-1075) ҳузурига ҳар йили элчилар юборганини хабар қилади<sup>2</sup>. Баъзи ҳолларда Қорахонийлар сулоласининг номояндлари Бағдодга шахсан ўзлари ҳам ташриф буюришган<sup>3</sup>. Афсуски, Ибн ал-Фуватий мазкур расмий ташрифлар давомида тақдим этилган совға-саломлар ҳақида маълумот келтирмайди. Араблар одатда туркий ҳукмдорларга дипломатик совғалар сифатида тўн<sup>4</sup>, қимматбаҳо кийим-кечак ва матолар, мурч, тарик, нон, майиз ва ёнғок каби туркий дунёда ноёб ҳисобланган маҳсулотларни тақдим этганлар<sup>5</sup>. Қорахонийларнинг элчилари эса ўз ўрнида ислом дунёсида қадрланадиган буюмларни тақдим қилган бўлишлари

<sup>1</sup> Тафғач ёхуд Табғач туркий халқларда Хитойга нисбатан ишлатилган ном бўлиб, Тафғачхон, яъни “Хитой хони” Қорахонийлар давлати ҳукмдорларининг олий унвонларидан бири бўлган.

<sup>2</sup> Talkhīṣ majma' al-ādāb fi mu'jam al-alqāb. by Ibn al-Fuwaṭī / ed. by M. Jawād. Damascus. vol. 4. 1967. – P. 650-651.

<sup>3</sup> Масалан, 1044 йили Хужанд, Уструшона ва Фарғона ҳукмдори “Моварауннаҳр соҳиби ва амири” Айнулдавла Муҳаммад (1042-1052) халифа ал-Қойим ҳузурига шахсан ўзи ташриф буюрган. Қаранг: Ўша асар. – С. 1141.

<sup>4</sup> Араб тилида – خلع، “хил’ат”, яъни тўн кийдириш маросими VIII асрда Араб халифалигида вужудга келиб, бутун ислом дунёсида XIX асрга қадар институционал қўринишга эга бўлган. Мазкур маросим дипломатик муносабатларда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, совға-саломларнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Ушбу масала бўйича батфсилроқ қаранг: Gordon, Stewart: “Robes of Honour: a ‘Transactional’ Kingly Ceremony”, The Indian Economic and Social History Review 33, 3 (1996). – P. 225-242.

<sup>5</sup> Ҳаттоки, ушбу маҳсулотлар бўлмаса, араб элчиларининг туркий ҳудудларга қадам босиши тақиқланган эди. Қаранг: Risāla, by Ibn Fadlān / tr. by P. Lunde and C. Stone as Ibn Fadlan and the Land of Darkness: Arab Travellers in the Far North., Penguin Classics. 2012. – P. 14, 17, 19, 21.

керак. Совғаларнинг таҳминий таркибини Қорахонийлар бошқа ислом давлатларига тақдим этган буюмларни таҳлил қилган ҳолда тиклаб олиш мумкин. Авваламбор, Қорахонийлар дунёси қай турдаги маҳсулотларга эга бўлганлигини ва унинг халқаро савдо алоқаларида тутган ўрнини кўриб чиқиш даркор.

Қорахонийларнинг изчил йўлга қўйилган ташқи сиёсати иқтисодий ҳаётнинг ривожланишига ҳам олиб келди. Қорахонийлар давлати халқаро савдонинг марказига айланди. Ляо ва Сун давлатлари билан бўлган алоқалари орқали Хитой маҳсулотлари, Ғазнавийлар орқали Ҳиндистон маҳсулотлари, Салжуқийлар орқали Эрон ва Кичик Осиё маҳсулотлари, Хоразм орқали эса Славян ва Булғор дунёси маҳсулотлари Қорахонийлар ички бозорига тадрижий равишда кириб борди. Мазкур халқаро савдо тармоғи аслида бундан ҳам йирик ва мураккаб бўлган. Негаки, Волга бўйларида ташкил этилган Булғор давлатининг (X-XIII асрлар) савдо марказларини викинг кемалари ҳам зиёрат қилиб турган<sup>1</sup>. XI асрга келиб викинглар Скандинавиядан тортиб, Исландия, Гренландия ва ҳатто Америка қитъасигача бўлган ҳудудлардан турли ноёб ва қимматбаҳо буюмлар экспортини йўлга қўяди<sup>2</sup>. Булғор бозорларидан викинглар Исломи дунёсида ишлаб чиқарилган буюмларни Европа савдо марказларига олиб борган. Мазкур буюмлар орасида Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган ипак тури ҳам бўлган<sup>3</sup>. Булғорлар Хоразмга етказиб берган маҳсулотлар орасида викинг буюмлари ҳам ўрин олган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мазкур буюмлар аввал Қорахонийлар

<sup>1</sup> Ўша асар. – С. 45-47.

<sup>2</sup> Пимолий Америкада XI аср бошларига оид Скандинавиядан келиб жойлашган Викинглар яшаш жойларида олиб борилган археологик қазилмалар ҳақида батафсилроқ қаранг: Ingstad, Helge and Ingstad, Anne Stine: The Viking Discovery of America: The Excavation of a Norse Settlement in L'Anse Aux Meadows, Newfoundland. New York: Checkmark Bks. 2001.

<sup>3</sup> Скандинавияда Викинглар дафн қилинган қабрлардан топилган Марказий Осиё ипак намуналари ҳақида батафсилроқ қаранг: Vedeler, Marianne. Silk for the Vikings. Havertown: Oxbow Books. 2014.



худудига, сўнгра эса Хитойгача ҳам етиб борган бўлиши керак. Америкалик олима Валери Хансеннинг хабар беришича, Ляо хукмдорларининг қабрларида топилган буюмлар орасидаги қахрабо тошининг инфрақизил спектроскопия таҳлили мазкур тошларнинг келиб чиқиш худуди Болтиқ ёхуд Шимолий Европа эканлигини аниқлади<sup>1</sup>. XI асрда Салжуқийлар саройида хизмат қилган олим Марвазийнинг хабар беришича, қахрабо тоши Хитой маданиятида алоҳида ўринга эга бўлган. Негаки, хитойликлар мазкур тош иблисдан ҳимоя қилиш хусусиятига эга эканлигига ишонишган. Бироқ маҳаллий қахрабо тоши қорамтир тусга эга бўлганлиги учун улар славян ўлкасининг қахрабосини афзал кўришган<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, ёзма манбалар ҳам Европа ва Хитой ўртасидаги савдо алоқалари изчил йўлга қўйилганлигини баён қилмоқда. Хитойда славян қахрабоси, деб танилган Европа маҳсулоти Хитойга юқорида тилга олинган савдо тармоқлари орқали кириб борган. Буни бир қатор ёзма манбалар таҳлили ҳам кўрсатмоқда. Масалан, Сун сулоласи даврида яратилган «Қитон давлати битиклари» (Qidan guo zhi 契丹國志) нинг хабар беришича, Ляо давлатига Қорахонийлар (Dashi 大食) ҳамда бошқа турли кичик туркий давлатлар томонидан тақдим этилган дипломатик совға-саломлар орасида қахрабо тоши ҳам бўлган<sup>3</sup>. Қорахонийлар бу тошни Хоразм орқали қўлга киритган. X аср араб географи ва сайёҳи ал-Муқаддасийнинг хабар беришича, ислом дунёсига Хоразмдан булғорларнинг қуйидаги маҳсулотлари келтирилган:

*«Самур, олмахон, оқ сичқон, чўл тулкиси, сувсар,  
тулки, сув қундузининг териси, ранг-баранг қуён-*

<sup>1</sup> Hansen, Valerie. "International Gifting and the Khitan World, 907-1125", Journal of Song-Yuan Studies 43 (2013). – P. 298.

<sup>2</sup> Tabaqāt-i Nāsirī, by Minhāj al-Dīn Jūzjānī / tr. by H. G. Raverty. vol. 2. London. 1881-1899. – P. 16-17.

<sup>3</sup> Qidan guozhi 契丹國志 [Қитон давлати битиклари], Ye Longli 葉隆禮. Shanghai: Shaghai guji chubanshe. – Боб. 21. 1985. – С. 205.

*лар, эчки териси, мум, ўқ, ёғоч тўқмоқ, қалтоқ, балиқ елими, балиқ тишлари, қундуз суюқлиги<sup>1</sup>, қахрабо, хом тери, асал, фундуқ, лочин, қилич, қурол-яроқ, қайин, Славян қуллари (al-raqiq min al-Saqāliba), қўй ва қорамол»<sup>2</sup>.*

Кўриниб турибдики, қахрабо тоши Хоразмдан келтирилган буюмлар орасидан ўрин олган. Демак, Европа қахрабоси Болтиқ бўйларидан Хитой ўлкасигача бўлган савдо йўлини босиб ўтган. Қорахонийлар давлати худуди бу тармоқда асосий боғловчи қисмдан бири бўлган.

Хоразм маҳаллий маҳсулотлари орасида мазкур худуднинг мева-чевалари ажралиб турган. Жумладан, 1154-1155 йилларда Хоразмшоҳ Отсиз (1127-1156) ҳукмронлиги даврида Андалусиядан Хоразмга ташриф буюрган сайёҳ Абу Ҳамид ал-Ғарнатийнинг хабар беришича, у мазкур худудда татиб кўрган меваларни бошқа ҳеч қайси ўлкада учратмаган. Унинг фикрига кўра, Хоразм тарвузлари «шакар ва болдан ширинроқ», қизил ва оқ узумлари «хурмо каби йирик» бўлган<sup>3</sup>.

Қорахонийлар даврида Европа ва Хитой ўртасидаги савдо тармоқларининг мавжудлиги янгилик булмаган. Негаки, Марказий Осиё худуди бундан олдинги даврларда ҳам Скандинавия билан боғловчи савдо алоқаларининг фаол иштирокчиси бўлган. Жумладан, Шимолий Европада топилган ўрта аср дирхамларининг ярмидан кўпи Қорахонийларга қадар ҳукмронлик қилган Сомонийлар сулоласига тегишлидир<sup>4</sup>. Ну-

<sup>1</sup> Қундуз суюқлиги, яъни кастореум – қундуз безларидан олинадиган хушбуй модда.

<sup>2</sup> Kitāb aḥsān al-taqāsīm fī maʼrifat al-aqālīm, Muḥammad ibn Aḥmad al-Muqaddasī / ed. by M.J. de Goeje. Leiden: Brill, 1906. – P. 324-325.

<sup>3</sup> Al-Muʼrib an baʼd ʼajāʼib al-Maghrib, Abū Ḥamid al-Gharnāʼī / пер. О.Г. Большакова и А.Н. Монгайтa. – М., 1971. – С. 45.

<sup>4</sup> Сомонийлар ва Викинглaр ўртасидаги савдо алоқалари бўйича батафсилроқ қаранг: Mitchiner, M.: «Evidence for Viking-Islamic Trade Provided by Samanid Silver Coinage», East and West 37, 1/4 (1987). – С. 139-150; Michailidis, M.:

мизматик материаллардан ташқари, Сомоний дирҳамларининг Европа давлатларида кенг қўлланилганлигини тасдиқловчи ёзма манбалар ҳам мавжуд. Жумладан, арабча исми орқали танилган Испаниялик яхудий сайёх Ибраҳим ибн Ёқуб ал-Тартуший 965 йили Европа бўйлаб қилган саёҳати давомида 914-915 йилларда зарб қилинган Сомоний дирҳамларининг Германия худудида, айнан Рейн (Rīn) бўйидаги Майнц (Maghānja) шаҳрида савдо ишларида истеъмолда бўлганлигини баён қилган<sup>1</sup>. Мўйна маҳсулотлари ва қуллар Европадан ислом дунёсига дирҳамлар эвазига экспорт қилинган асосий маҳсулот ҳисобланган. Германиялик олим Юрген Паул фикрига кўра, мазкур шимол - жануб йўналишида фаолият кўрсатган ва «Мўйна йўли», деб ном олган савдо йўллари Шарқ - Ғарб йўналишида олиб борилган «Ипак йўли»га қараганда янада кенгроқ ва кўп тармоқли бўлган<sup>2</sup>. Қорахонийлар «Ипак йўли» ва «Мўйна йўли» кесишган нуқтасида жойлашган бўлиб, мазкур даврдаги кенг қўламли савдо алоқаларининг ажралмас қисми бўлган.

Қорахонийлар импортини асосан дунёнинг деярли ҳар бир чеккасида келган ноёб буюмлар ҳамда маҳаллий кўчманчи халқларнинг маҳсулотлари ташкил қилган. Қорахонийлар ислом давлатларига дипломатик совға-саломлар сифатида

«Samanid Silver and Trade along the Fur Route», *Mechanisms of Exchange: Transmission in Medieval Art and Architecture of the Mediterranean, ca 1000-1500*, ed. by H. E. Grossman, A. Walker. Leiden: Brill, 2013. – P. 17-40.

<sup>1</sup> Jacob, Georg: *Arabische Berichte von Gesandten an germanische Fürstenhöfe aus dem 9. Und 10. Jahrhundert.* – Berlin-Leipzig, 1927. – P. 31. Сомонийлар даврининг охирига келиб Европада дирҳамларнинг сони камайиб кетади. Бу асосан халқаро кумуш инкирози билан боғлиқ бўлган. Манбаларнинг хабар беришича, кумуш танқислигига барҳам бериш учун Хоразм ўзида бир дирҳамнинг қиймати 75 фоизгача камайтирилган. Кумушни давлат ташқарисига олиб чиқиш тақиқланган. Қаранг: *Kitāb aḥsān al-taqāsīm fī maʿrifat al-aqālīm*. Muḥammad ibn Ahmad al-Muqaddasī / tr. by B.A. Collins as *The Best Divisions for Knowledge of the region.* – Garnet Publishing Ltd. 1994. – P. 235.

<sup>2</sup> Paul, Jürgen: *Zentralasien.* Frankfurt am Main: S. Fischer. 2012. – P. 175.

қандай буюмларни қўллаган? Салжук султонларига жўнатилган совғалар кимматбаҳо кийим-кечаклар, от ва зираворлардан иборат бўлган<sup>1</sup>. Отлар Қорахонийларнинг маҳаллий маҳсулоти бўлиб, турли матодан ишланган буюмлар Хитойдан келтирилган бўлиши керак. Негаки, Қорахонийлар Хитойнинг нафис ипак ва бошқа турдаги матоларини ислом дунёсига етказиб берувчи асосий манба ҳисобланган. Турли хил зираворларга келсак, Қорахонийлар ислом динини қабул қилишга қадар бўлган даврлардаёқ мазкур маҳсулотларга катта қизиқиш билан қарашган. Жумладан, Уғулжок Қодирхон<sup>2</sup> илк бора кимхоб матоси, шакар ва турли ширинликлар билан Сомонийлар савдогарлари орқали яқиндан танишиш имкониятига эга бўлиб, мазкур маҳсулотларни жуда ёқтирган<sup>3</sup>. Кейинчалик ҳам Қорахонийлар Ляо ва Сун давлатлари билан бўлган алоқалари орқали Хитой ҳамда Ғазнавийлар орқали Ҳиндистон зираворларини қўлга киритиш имконига эга бўлган.

Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ўртасидаги алоқалар бошқа давлатлар билан бўлган муносабатларга қараганда ёзма манбаларда батафсилроқ акс этган. Ҳаттоки, дипломатик баённома, элчиларни қабул қилиш маросимлари ҳамда совға-саломлар алмашинув жараёни каби масалалар ҳам кенг ёритилган. Шу туфайли, Ғазнавийлар давлати билан бўлган совғалар алмашинувига батафсилроқ тўхтаб ўтилади.

Ғазнавийлар султони Маҳмуд (998-1030) давлатининг шимолий чегараларини мустаҳкамлаш ва никоҳ орқали сулҳ тузиш ниятида Қорахонийлар ҳукмдори Наср ибн Али (998-1015) ҳузурига 1001 йили элчиларни жўнатади. Султон Маҳмуд ҳузурига

<sup>1</sup> *Mir'āt al-zamān fī tā'rīḥ al-ā'yān*, by Sibṭ ibn al-Jawzī / ed. by Ali Servin. – Ankara. 1968. – P. 172.

<sup>2</sup> Уғулжок Қодирхон даврида Сомонийлар 893 йили Қорахонийлардан Таласни тортиб олишади.

<sup>3</sup> *Mulḥaqāt al-surāḥ, Jamāl al-Qārshi* / пер. III.X. Вохидова и Б.Б. Аминова. *История Казахстана в персидских источниках.* Том 1. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 102.

хизмат қилган Ғазнавийлар тарихчиси ал-Утбий Ғазнавийлар томонидан тақдим этилган совға-саломлар рўйхатини ўз аса-рида келтириб ўтган. Булар,

*«Ложувард ва ёқут тошли турли олтин буюм-лар; катта ва кичик дурли занжирлар; тўн; қаҳрабо; кофур ва ладандан тайёрланадиган турли Ҳиндистон атирларига тўла бўлган олтин ва кумуш идишлар; Дамашқ қиличлари; қимматбаҳо тошлар билан безатилган ҳарбий филлар; машҳур зотли отларнинг олтин югани билан»<sup>1</sup>.*

Мазкур рўйхатда келтирилган совғалар орасидаги отлар Ғазнавийларнинг маҳаллий маҳсулоти бўлиши керак. Хитой манбаларида Ғазнавийлар ҳудудида от ҳамда туялар бокилиши ҳақида хабар берилади<sup>2</sup>. Қимматбаҳо тошлар, дур, атир-упа ва филлар эса Ҳиндистондан келтирилган. Бироқ, уларнинг ҳам-маси ҳам Ҳиндистон маҳсулоти эмас. Масалан, кофур жану-бий-шарқий Осиёдан Ҳиндистон орқали Ғазнавийлар ҳудудига етиб келган. Кофурнинг асосий экспорт қилувчиси Арабистон ва Хитой ўртасидаги денгиз савдо йўллари марказида жойлаш-ган Саньфоци 三佛齊 (Шриваджая)<sup>3</sup> шаҳар-давлати бўлган<sup>4</sup>. Совғалар орасида тилга олинган ладан айниқса, Хитойда ниҳоятда қадрланадиган доривор ўсимликлар қаторига кирган. Ладан жанубий Арабистон маҳсулоти бўлиб, жанубий-шарқий

<sup>1</sup> Kitāb al-Yamīnī, by al-'Utbi / tr. by James Reynolds as The Kitabi-i-Yamini, Historical Memoirs of the Amir Sabaktagin and the Sultan Mahmud of Ghazna, Early Conquerors of Hindustan, and Founders of the Ghaznavide Dynasty. London. 1858. – P. 316.

<sup>2</sup> Zhu fan zhi 諸蕃志 [Records of foreign People], by Zhao Rugua 趙汝适 / tr. by F. Hirth and W.W. Rockhill as Chau Ju-kua: His Work On Chinese and Arab Trade in the 12th and 13th Centuries, Entitled Chu-fan-chi. St. Petersburg: Print. Off. of the Imperial Academy of Sciences. 1911. – P. 138.

<sup>3</sup> Саньфоци 三佛齊, яъни Шриваджая ҳозирги Индонезияда жойлашган Суматра оролидаги шаҳар давлат номидир.

<sup>4</sup> Ўша асар. – С. 60-62, 193-194.

Осиё бўйлаб денгиз йўли орқали Хитойга етказилган<sup>1</sup>. Бироқ кўриб турганимиздек, жанубий Арабистон маҳсулоти бўлмиш ладан Ғазнавийлар орқали Қорахонийлар ҳудудига етиб кел-ган. Улар эса ўз навбатида ушбу маҳсулотни Хитойгача етказиб берганлар.

Қорахонийлар Ғазнавийлар элчилигига жавобан турли совға-саломлар билан Султон Маҳмуд хузурига никоҳ ришта-ларини ўрнатиш учун Қорахоний маликаларидан бирини юбо-ришади. Тақдим этилган буюмлар қуйидагилардан иборат бўл-ган:

*«Туркистонда тенги йўқ дур; Туркистоннинг турли-туман қимматбаҳо буюмлари; олтин ва ку-муш; хушбўй мушк; зотли отлар; ой юзли қуллар; мулойим чўри қизлар; оқ лочинлар; товус патлари; оқ сичқон; тўқ сариқ тери; ажойиб Хитой чинни-лари; нафис матолар»<sup>2</sup>.*

Кўриб турганимиздек, Қорахонийлар маҳаллий маҳсу-лотлар қаторида ислом дунёсида ниҳоятда катта нуфузга эга бўлган Хитой чинниси ва матосини дипломатик совғалар қаторига қўшганлар. Албатта бу буюмлар халқаро савдога ҳам фаол жалб қилинган. Сун сулоласи даврида Хитой чин-нисинг сифати янада ошди. Ўрта асрларда машҳур бўлган оқ-кўк Хитой чинниси айнан Сун даврининг кашфиёти хи-

<sup>1</sup> Schottenhammer, A.: “Transfer of Xiangyao 香藥 from Iran and Arabia to China – A Reinvestigation of Entries in the Youyang zazu 酉陽雜俎 (863)”, Aspects of the Maritime Silk Road: From the Persian Gulf to the East China Sea, ed. by Ralph Kauz. Wiesbaden: Harrassowitz, 2010. – P. 130.

<sup>2</sup> Kitāb al-Yamīnī, by al-'Utbi / tr. by James Reynolds as The Kitabi-i-Yamini, Historical Memoirs of the Amir Sabaktagin and the Sultan Mahmud of Ghazna, Early Conquerors of Hindustan, and Founders of the Ghaznavide Dynasty. London, 1858. – P. 178. Мазкур никоҳ ал-Қарший томонидан ҳам тилга олинган. Қаранг: Mulhaqāt al-ṣurāh, Jamāl al-Qārshi / пер. Ш.Х. Вохидова и Б.Б. Аминова. История Казахстана в персидских источниках. Том. 1. Алматы: Дайк-Пресс, 2005 Mulhaqāt al-ṣurāh. – P. 105-107.

собланади<sup>1</sup>. Қорахонийлар орқали бу нафис чиннилар дунё бўйлаб тарқалган.

Қорахонийлар совғалари орасида Ислом маданиятида муқаддас ҳисобланганидан мушки анбарни ҳам кўришимиз мумкин. Мушки анбар жаннат ҳиди сифатида исломий шеърятда ҳам ўз аксини топган<sup>2</sup>. Қизиғи шундаки, мушк Арабистон ерларида ишлаб чиқарилмаган, мазкур маҳсулот Шарқий ва Марказий Осиё ҳудудларидан етказиб берилган. Географик ҳудудига қараб мушкнинг бир неча турлари бўлган, улар орасида Қитон (Qitāy) мушки энг юқори сифатли ҳисобланган<sup>3</sup>.

Куллар масаласига келсак, Қорахонийларга қадар Сомонийлар туркий халқлар билан бўлган урушлар давомида асирликка тушган аскарларни қул сифатида ислом давлатларига экспорт қилган<sup>4</sup>. Шу билан бирга, улар қулларни ўлпон ёхуд дипломатик совға-саломлар сифатида ҳам тақдим этишган. Араб манбаларида туркий ғулумлар, Бухоро чўри қизлари, Самарканд канизаклари дунё мўъжизаларидан бири сифатида таърифланади<sup>5</sup>. Қорахонийлар ҳам қуллардан дипломатик совға сифатида фойдаланганликларини кузатишимиз мумкин.

Қорахонийлар ва Ғазнавийлар дипломатик алоқалари тарихи нафақат ўзаро элчилар алмашинуви, балки икки

<sup>1</sup> Kessler, Adam T.: Song Blue and White Porcelain On the Silk Road. Leiden: Brill. 2012. – P. 1-9.

<sup>2</sup> Араб манбаларида келтирилган мушк ҳақидаги маълумотлар бўйича батафсилроқ қаранг: Akasoy, A., Yoeli-Tlalim, R.: «Along the Musk Routes: Exchanges Between Tibet and the Islamic World», Asian Medicine 3 (2007): – P. 217–240; King, A.: «The Importance of Imported Aromatics in Arabian Culture: Illustrations from Pre-Islamic and Early Islamic Poetry». Journal of Near Eastern Studies 67, 3 (2008). – P. 175-189.

<sup>3</sup> Kitāb al-saydana fī al-ṭibb, Muhammad b. Ahmad al-Bīrūnī / пер. У.И. Каримова. Ташкент: Фан, 1973. – С. 810.

<sup>4</sup> Golden, P.B. Central Asia in World History. Oxford University Press, 2011. – P. 64-66.

<sup>5</sup> Latā'if al-ma'ārif, by Tha'alibī / tr. by C.E. Bosworth as The Latā'if al-ma'ārif of Tha'alibi [The Book of Curios and Entertaining Information]. Edinburgh: Edinburgh University Press, 1968. – P. 145-146.

ҳукмдор ўртасидаги расмий учрашувлардан ҳам иборат. 1025 йили Самарқанд яқинида Ғазнавийлар султони Маҳмуд ва Қорахонийлар ҳукмдори Юсуф Қодирхон ўртасида айнан шундай учрашув бўлиб ўтади. Гардизийнинг хабар беришича, «бутун Туркистон ҳукмдори бўлмиш буюк хон» Юсуф Қодирхон Султон Маҳмудни шахсан қаршилаш учун Қошғардан етиб келади<sup>1</sup>. Элчилик расм-русумига кўра иккала тараф ўртасида совғалар алмашинуви маросими бўлиб ўтади. Ғазнавийлар Хуросон, Ҳиндистон, Ғарбий Осиё ва Транскавказиядан келтирилган қимматбаҳо буюмларни тақдим этади. Булар,

*«Олтин ва кумуш қадаҳлар; қимматбаҳо тошлар; Бағдоддан келтирилган ноёб буюмлар; нафис матолар; қиммати йўқ қурол-яроқлар; қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин жиловли отлар; қимматбаҳо тошлар билан безатилган олтин жиловли ўнта фил; олтин жиловли Бардадан<sup>2</sup> келтирилган туялар; олтин ва кумуш таёқлар, камар ва кўнғироқлардан иборат бўлган туялар учун замбил; нақшли қимҳоб ва тўқилган жундан иборат замбил; Арманистондан келтирилган қимматбаҳо гиламлар, always<sup>3</sup> ва ранг-баранг гиламчалар;*

<sup>1</sup> Zayn al-akhbār, by 'Abd al-Ḥayy ibn Zayn al-Gardīzī / ed. by M. Nazim. – London, 1928. – P. 82.

<sup>2</sup> Барда ҳозирги Озарбайжон ҳудудида жойлашган шаҳар. X асрга қадар Араб халифалигига тегишли Арран вилоятининг маркази. Бироқ мазкур шаҳар аҳолисининг аксарияти христианлар бўлган. Фақатгина XIV аср охирига келиб, бу ҳудуд Амир Темур (1370-1405) томонидан босиб олингач, маҳаллий аҳоли ўртасида ислом дини кенг тарқалади. Шу билан бирга туркийлашиш жараёни авж олади. Нагжида, ҳозирги Озарбайжон шаклланишига олиб келади. Le Strange, G.: The Lands of the Eastern Caliphate: Mesopotamia, Persia, and Central Asia From the Moslem Conquest to the Time of Timur. Cambridge University Press, 1905. – P. 176-179; Bosworth C.E.: «Bardha'a», Encyclopædia Iranica, vol. III, Fasc. 7, London, 1988, – P. 779-780; <http://www.iranicaonline.org/articles/bardaa-or-bardaa-arm> (06.04.2016).

<sup>3</sup> Мазкур буюмнинг маъноси маълум эмас.

нақшли матолар; Табаристондан келтирилган нақшли пушти рангли мато; Ҳиндистон қиличлари; *Qatari* алой ўсимлиги<sup>1</sup>; *Maqasiri* сандали<sup>2</sup>; кулранг қаҳрабо; ургочи эшаклар; Бербер қоплонининг териси; ов итлари; турналар овига ўргатилган лочин ва бургутлар; оҳу ва бошқа ҳайвонлар».<sup>3</sup>

Қорахонийлар тақдим этган совғалар эса Туркистон ва Хитойдан келтирилган:

«Зотли отлар олтин югани билан; туркий гуломлар (*ghulāmān-i Turk*) олтин камар ва ўқдонлари билан; лочин ва қарчизайлар; самур, олмахон, оқ сичқон ва тулки мўйнаси; чарм теридан тайёрланган қадаҳлар; *khutū*<sup>4</sup>, ноёб кийим-кечаклар ва Хитой кимҳоби; Хитой *dārkhāshāk*<sup>5</sup> ва шунга ўхшаш<sup>6</sup>;

Қорахонийлар маҳаллий маҳсулотлар қаторида Хитойнинг Сун ва Ляо ҳудудидан етказилган буюмларни ҳам тақдим қилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, нафис Хитой матола-

<sup>1</sup> 'ūd-i Qatāri – Ислом дунёсида кенг қўлланилган сабур доривор ўсимлиги. Араб тилидан бу ўсимлик номи “ой дарахти”, деб таржима қилинади. Бирок, аслида бу атама 'ūd-i Qimāri, яъни “Хмер дарахти”, деб ўқилиши даркор. Хмер империяси IX-XIII асрларда ҳозирги Камбоджа ҳудудида жойлашган давлат бўлиб, сабур доривор ўсимлиги асосан, шу ўлкадан келтирилган. Қаранг: Glasse, Cyril. *The New Encyclopedia of Islam*. Lanham, New York: Altamira Press, 2002. – P. 47.

<sup>2</sup> Maqāsiri sandal – тўх сариқ ёхуд жигар рангга бўялган оқ сандал ўсимлигидан олинган доривор. Қаранг: Karoly, L.: *A Turkic Medical Treatise From Islamic Central Asia: A Critical Edition of a Seventeenth-Century Chagatay Work By Subhān Qulī Khan*. Leiden: Brill, 2015. – P. 312.

<sup>3</sup> Zayn al-akhbār, by 'Abd al-Ḥayy ibn Zayn al-Gardīzī / ed. by M. Nazim. – London, 1928. – P. 83-84.

<sup>4</sup> Khutū – морж қозиктиши ёхуд яккашоҳ шоҳи, асосан пичоқ дастаси ёхуд камар беагида қўлланилган. Заҳарли моддалар мавжудлигини аниқлаш хусусияти туфайли ниҳоятда қадрланган.

<sup>5</sup> Фикримизча, мазкур сўз форсча *dārū* (дори) ва *khāshāk* (чўп, хашак) сўзларидан ташкил топган бўлиб, Хитой чойига нисбатан ишлатилган термин бўлиши мумкин.

<sup>6</sup> Zayn al-akhbār. – P. 84.

ри ҳамда ислом дунёсида алоҳида қимматга эга бўлган *khutū*. Мазкур буюмнинг номи қитон тилидан араб тилига ўзлашган сўз бўлиши керак. Муслмон манбаларида мазкур атама X аср бошларида Хитойда қитонларнинг Ляо давлати ташкил топганидан сўнг қўлланила бошланди. Бундан ташқари, мазкур буюмнинг келиб чиқиш ҳудуди сифатида Хитой (*al-Ṣīn*) ва туркий дунё кўрсатилган<sup>1</sup>. Гап шундаки, бир гуруҳ муслмон муаллифлари учун қитонлар Хитой маданияти билан узвий боғлиқ бўлса, бошқа гуруҳ муаллифлари қитонларни кўчманчи хаёт тарзи туфайли туркий халқлардан фарқлай олмаган ва уларни ҳам туркий, деб тилга олган<sup>2</sup>. Шу сабабли ҳам, манбаларда *khutū* келиб чиқиш ҳудуди Хитой ва туркий дунё, деб кўрсатилган. Бундан ташқари мазкур буюм ислом дунёсига Қорахонийлар орқали етказилганлиги сабабли баъзи муаллифлар унинг келиб чиқиш ҳудудини Қорахонийлар давлати билан ҳам боғлаган бўлиши мумкин.

Ғазнавийлар ва Қорахонийлар ўртасида ҳудудий муаммолар келиб чиқишига қарамай, иккала давлат дипломатик йўллар билан мавжуд қийинчиликларни бартараф қилишга интилан. Давлатлар ўртасидаги элчилар алмашинуви ва ҳаттоки, ҳукмдорларнинг шахсий расмий учрашувлари бунинг далилидир. Мазкур муносабатлар дипломатик қоидага кўра никоҳ ришталари билан мустаҳкамланиб борган. Совға-саломлар ҳам мазкур жараёнда қатта аҳамиятга эга бўлган.

Кўриб турганимиздек, дипломатик совға-саломлар ўрни ва уларнинг таркибини тадқиқ қилиш орқали яна бир қатор бошқа масалалар ўз ечимини топиши мумкин. Жумладан,

<sup>1</sup> Муслмон манбаларида *khutū* сўзининг келиб чиқиши бўйича батафсилроқ қаранг: King, A.: «Early Islamic sources on the Kitan Liao: The Role of Trade». *Journal of Song-Yuan Studies* 43 (2013). – P. 253-271.

<sup>2</sup> *Jahān nāmah*, Muḥammad ibn Najīb Bākran / ред. Ю.Е. Борщовского. Москва: Издательство восточной литературы, 1960. – P. 39; *Ṭabaqāt-i Nāsiri*, by Minhāj al-Dīn Juzjānī / tr. by H. G. Raverty. vol. 2. London. 1881-1899. – P. 900; *Al-Kāmil fī-ta'rikh*. 'Izz al-Dīn 'Alī Ibn al-Athīr / пер. П.Г. Булгакова. Ташкент. 2006. – С. 183-184.

X-XII асрлар оралиғида Марказий Осиё худудида қандай махсулотларга эҳтиёж бўлганлиги, улар қайси йўллар орқали ва қаердан етказилганлиги ҳамда халқаро савдо муносабатларнинг ҳолати ва Қорахонийларнинг қиёфаси каби масалалар шулар туркумидандир.

**Резюме.** Караханиды, которые являлись первой тюркской династией в истории Исламского мира, имели тесные дипломатические контакты с династиями Ляо и Сун в Китае, а также с рядом других государств Исламского мира, таких как Газневиды, Сельджуки и Хорезмшахи. В данной статье рассмотрен вопрос о роли дипломатических даров во взаимоотношениях Караханидов с Исламским миром.

**Summary.** The Qarakhanids are considered to be the first Turkic dynasty in the Islamic world. The Qarakhanids conducted diplomatic relations both with other Turco-Islamic states such as the Ghaznavids, the Saljuqs and the Khwarazmshahs and contemporary dynasties in China such as the Liao and the Song. This article discusses gift exchange between the Qarakhanids and other Islamic states.

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИДА ЭЛЧИ ШАХСИ ВА УНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ (XIV АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - XV АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)

т.ф.н. Н.Ў.Хидирова

Амир Темур ва темурийлар даврида дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилиши савдо-сотик, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик каби кўплаб соҳаларнинг ҳам ривожланишига тurtки берган. Айниқса, темурийлар сулоласи вакиллари илм-фаннинг ривожланишига ҳомийлик қилганлар ва натижада ўзига хос маданият яратилган. Бу маданият темурийлар даври «ренесанси» дея эътироф этилади.

Кўшни давлатлар билан ўрнатилган дипломатик муносабатларни кенгайтириш айна дамда мохир элчиларни тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратишни тақазо этарди. Шу ўринда ҳозирги кунгача Амир Темур ва темурийларнинг дипломатик тарихига бағишланган тадқиқотларда элчи шахси ва унга қўйилган талаблар алоҳида ўрганилмаганлигини ҳам қайд этиш лозим<sup>1</sup>. Ушбу мақолада айрим манбаларда келтирилган маълумотларга таяниб, элчи шахси, унга қўйилган талаблар, унинг дипломатик маҳорати каби масаларга тўхталиб ўтилади.

Манбаларда тадқиқ этилиши назарда тутилган масалалар алоҳида шаклда учрамайди. Улар манбалар орасида «сочилиб» ётибдики, бу албатта тадқиқот учун қийинчиликлар туғдиради. Шунингдек, бу масалалар ўзига хос ёндашувни ҳамда

<sup>1</sup> Амир Темур ва темурийларнинг дипломатик муносабатларига бағишланган тадқиқотлар ҳақида бошқа мақолаларимизда батафсил тўхталганмиз. Қаранг: Хидирова.Н. Амир Темур ва темурийларнинг ички дипломатик муносабатларида аҳд (битим) ва унинг аҳамияти // Темурийлар даври ёзма меросининг тарқалиши ва ўрганилиши. VIII Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент. 2016. 234-239-бетлар; Амир Темур ва темурийларнинг ички дипломатик муносабатларида аёлларнинг иштироки (XIV аср иккинчи ярми XV аср бошлари) // Хорижий шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2016. 146-153 бетлар.

манбаларда келтирилган маълумотларни бир-бирига қиёслаб ўрганишни ҳам талаб қилади. Шу боис мазкур мақолада масалалар икки қисмга ажратилган ҳолда кўриб чиқилди: биринчи қисмда элчи шахси ва унга қўйилган талаблар; иккинчи қисмда эса элчининг дипломатик маҳорати кўрсатиб берилди.

### *Элчи шахси ва унга қўйилган талаблар*

Элчилик мақоми қадимдан энг масъулиятли вазифалардан бири саналган. Шу боис бу вазифа кўпни кўрган, ақлли, фаросатли, доно кишилар зиммасига юклатилган. Шунингдек, маълум бир даврлар силсиласида элчи ва у эга бўлиши лозим бўлган хислатлар тизими ишлаб чиқилган<sup>1</sup>. Хусусан, элчи шахс сифатида қандай хислатларга эга бўлиши Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида имкон қадар батафсил тавсифланган<sup>2</sup>. Амир Темур ва темурийлар ҳам ўз навбатида албатта бундай маълумотлардан хабардор бўлган. Хусусан, Амир Темур ўзининг «Темур тузук»ларида давлатни бошқаришда ўн икки тоифага суянганлигини айтиб ўтади<sup>3</sup>. Ушбу тоифалар орасида элчи алоҳида зикр қилинмаган бўлсада, Амир Темур уларни кўпроқ биринчи ва иккинчи тоифага мансуб кишилар орасидан танлаганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, Амир Темур элчилари орасида «биринчи тоифага кирувчи – сайидлар, уламолар, шайхлар, фозиллар ҳамда, иккинчи тоифага мансуб – ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб

<sup>1</sup> Агзамова Г.А. Ўрта аср муаллифлари тавсифида элчи образи // Марказий Осиё тарихи замонавий медиевистика талқинида. – Тошкент. 2013. 163-173-бетлар.

<sup>2</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. – Тошкент. 1990. 48-65-бетлар.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари / форс тилидан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. – Тошкент. 1991. 64-67-бетлар. Кўпгина тадқиқотчилар томонидан «Темур тузуқлари»нинг муаллифи сифатида Амир Темурни ўзи эътироф этилади. Шу боис биз ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда асар муаллифи сифатида Амир Темурни кўрсатдик.

иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишилар...» ҳам бор эди<sup>1</sup>. Ана шундай кишилар қаторига мавлоно Жалолиддин Кешийни киритиш мумкин. Бу шахс 1371 йил Хоразмга элчи бўлиб боради<sup>2</sup>. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотига кўра, «Мавлоно Жалолиддин Кешийким, асру солиҳ ва обид киши эрди ва доим ҳазрат соҳибқироннинг мулозаматида эрди»<sup>3</sup>.

Элчидан имкон қадар барча билимлардан хабардор бўлиш, бир неча тилларда эркин сўзлаша олиш, ўзи элчи бўлиб кетаётган давлатнинг географик тузилиши, халқлари, урф-одати ва анъаналарини яхши билиши талаб этилган. Шу билан бирга элчи ҳукмдорнинг ички ва ташқи сиёсатидан нафақат бохабар бўлиши, балки уни нозиклик билан фаҳмлаши ва ўз ҳукмдорининг мақсадларини иккинчи ҳукмдорга етказа олиши керак эди. Бундай хислатлар соҳиби бўлиш учун эса махсус билим ва тажрибага эга бўлиш муҳим ўрин тутган. Бу билимлар бевоқиф ва билвосита Амир Темур ҳамда темурийлар томонидан ташкил этилган девонларда ишлаш, элчиларни қабул қилиш маросимлари, кенгашлар ва айрим ҳарбий юришларда иштирок этиш натижасида ҳосил қилинган.

Манбаларда келтирилган маълумотлар Амир Темурни нафақат ўз элчиларига балки, бошқа давлатлардан таъриф буюрган элчиларга нисбатан ҳам ўта талабчан бўлганлигини кўрсатади. Чунки элчи таъбир жоиз бўлса ҳукмдорнинг кўзгудаги акси ҳисобланган. Шу боис унинг гап-сўзи, ўзини туттиши, зукколигига қараб ўша давлатда яшовчи одамларга ва ҳукмдорига баҳо бериш мумкин бўлган. Хусусан, Амир Темурни элчи шахсига қўйган талаби Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги маълумотида

<sup>1</sup> Темур тузуқлари ... 64-65-бетлар.

<sup>2</sup> Амир Темур Хоразмга дастлаб Алфа Тавочи бошчилигида бир гуруҳ кишиларни элчи қилиб юборади. Лекин элчилар бирон келишувга эришмай Самарқандга қайтиб келади. Қаранг: Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков. – Тошкент. 1997. 72-бет.

<sup>3</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома .... 72-бет.

хам ўз аксини топган: «Миср Султонининг элчиси Байсақ (бу ҳақда) зикр қилиб (шундай) деди: Қачонки мен Темур хузурига кириб, унга мактубни топшириб, мактуб унга ўқилгач Темур менга деди: Ҳақни сўзла исминг нима? Байсақ деб жавоб бердим. Бу хунук сўз қандай маънони англатади? Сўради Темур. Э, мавлоно! Мен (буни) билмайман, дедим. Сен ҳали ўз исминг маъносини билмайсану, қандай қилиб мактуб келтиришга ярайсан? Агар подшоҳларнинг элчиларга озор етказмаслик одатлари бўлмаса эди – улар шу қондани азалдан ўрнатганлар ва шу йўлдан юрганлар, ... мен сенинг ҳақинга муносиб ишни қилардим ва ўзинг лойиқ бўлган аҳволга сени етказардим. Сенда ҳеч бир гуноҳ йўқ, балки гуноҳ сенга бу масъул ишни топширган киши устидадир, аммо унинг ҳам айби йўқ, чунки (унинг) илмининг бориб етган нуқтаси ва ақл фаҳмининг чегараси ана шу. Мисра: бирон ишга элчи юбормоқчи бўлсанг уни танла, чунки инсонлар фикрининг бор-йўғи элчиларидир»<sup>1</sup>.

Амир Темур вафотидан кейин уни ўзига хос дипломатик сифатини унинг фарзандлари давом эттирди ва улар ҳам элчи шахсига алоҳида эътибор билан ёндашди. Жумладан, Мирзо Улуғбек (1394-1449) ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида элчига қуйидагича таъриф беради: «Ўқ-элчи, камон-подшоҳдир. Йўлда элчи шоҳдан камтардир»<sup>2</sup>. Айнан Мирзо Улуғбекнинг ушбу фикрини темурийлар даври тарихчиларидан бири Абдураззоқ Самарқандий (1413-1482) ҳам тасдиқлайди. У Исфахонда<sup>3</sup> ҳукмронлик қилган темурий шахзодалардан бири мирзо Искандар (1384-1415) билан Шоҳруҳ Мирзо (1377-1447) ўртасида содир бўлган келишмовчиликлар ҳақида маълумот беради. Жумладан, мирзо Искандарни муросага келтириш учун Шоҳруҳ томонидан бир неча маротаба юборилган элчиларнинг

<sup>1</sup> Увагов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент. 1997. 42-43-бетлар.

<sup>2</sup> Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи / форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норқулов, Маҳмуд Ҳасанӣлар таржимаси. Кириш, изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. – Тошкент. 1994. 53-бет.

<sup>3</sup> Ҳозирги Эрон давлати ҳудудида жойлашган шаҳар.

ҳаракатлари бесамар кетганлигини ва охир оқибат икки ўртада уруш келиб чиққанлигини таъкидлайди. Ва ушбу ҳолатни чиройли бадий услубда ўқувчига қуйидаги тарзда етказиб беришга ҳаракат қилади: «Камон ўқи элчиси тадбир кўришдан тўхтаб қолиб иш найза тили ва қилич хабарчилигига тушди»<sup>1</sup>.

Шунингдек, «ўқ-ёйдан узр сўраш» ҳукмдордан паноҳ тилаш ёки уни марҳаматидан умидвор бўлиш рамзи сифатида ҳам фойдаланилган. Хусусан, 1409 йил бир гуруҳ сеистонлик эътиборли кишилар Шайх Зайнуддин ал-Ҳавофий бошчилигида Шоҳруҳ хузурига ташриф буюради<sup>2</sup>. Улар Шоҳруҳни олдига ўзлари билан бирга олиб келган ўқ-ёй ва кафанликни кўяди. Кафанликни ҳукмдор олдида бош эгиш, ўзининг ҳаётини уни кўлига топшириш маъноларида ҳам талқин қилиш мумкин.

Темурийлар томонидан танланган элчилар зиммасига биринчи навбатда «элчилик расм-русмлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини яхши билиш» масъулияти юклатилган. Бунинг замирида албатта элчи бирон хатога йўл қўймаслиги, одоб-ахлоқ қоидаларидан четга чиқмаслиги, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини муносиб тута олиши каби масалалар ётади. Айниқса, Шоҳруҳ ҳукмронлиги йилларида ана шундай юксак фазилаатларга эга бўлган Мингли Темур Найман, Саййид Аҳмад Алп Қаро, Шоди хожа, Гиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий каби шахслар ҳам давлат ишларида, ҳам элчилик вазифаларида юксак маҳорат билан фаолият юритганлар.

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Уринбоев. Иккинчи жилд, биринчи қисм. – Тошкент. 2008. 267-бет.

<sup>2</sup> Ушбу воқеалардан бир оз вақт олдин Шоҳруҳ сеистонликларнинг талаби билан Шайх Зайнуддин ал-Ҳавофийни элчи қилиб юборади. Уни вазифаси Сеистон ҳокимларига Шоҳруҳнинг талаб ва ваъдаларини етказиш ҳамда у ерда яшовчи аҳолига зиён етказмаслик кафиллигини олишдан иборат бўлган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Иккинчи жилд, биринчи қисм ... 141-142-бетлар.



### Элчининг дипломатик маҳорати

Юқорида кўриб чиқилганидек, темурийларнинг ўзига хос дипломатияси тарихига Амир Темур томонидан асос солинган эди. Аввало Амир Темурнинг ўзи ҳам моҳир дипломат бўлганлигини ҳамда ички ва ташқи дипломатик муносабатларга оид урф-одат ва анъаналарни яхши билганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, элчининг дипломатик маҳоратини кўрсатадиган жиҳатлардан бири-унинг сўзамоллиги (яъни сўзга чечанлиги) бўлган. Шу билан бирга ички ва ташқи дипломатик этикет қоидаларидан ташқарига чиқмаслик талаб этилган. Элчи томонидан айтилаётган сўз имкон қадар ўз суҳбатдошига ижобий таъсир қилиши, кўнглини юмшатиши ва энг муҳими уни ишонтира олиши керак бўлган. Ўрта асрларда сўзнинг таъсирини кучайтириш учун Куръон оятлари, ҳадислар, турли хил ибротомуз ҳикоялардан фойдаланилган. Айниқса, бундай ўзига хос «тадбир» кўпинча икки ёвлашган томонларни муросага келтириш вақтида қўл келган. Хусусан, Амир Темур сиёсатида «...ғанимни чучук сўз, ширин ҳикоят билан ўз томонига эгиш ва улар вужудидаги ёндирувчи [ғазаб] ўтини тўғри тадбир суви билан ўчириш» устивор бўлган<sup>1</sup>. Шу боис Амир Темур 1395 йил феврал ойида Оқ Ўрда<sup>2</sup> ҳукмдори Тўхтамишга қарши ҳал қилувчи жангидан олдин, уни олдига элчи жўнатади ва масалани тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Ушбу элчилик вазифаси Шамсуддин Олмалиқий (ёки Алмолиғий)<sup>3</sup> зиммасига юклатилади. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотиغا кўра у «доно ва иш билғучи, оқил, зийрак ва тўрани яхши билғучи, оғзи юмшоқ ва сўзи чучук» киши эди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Темур тузуклари ... 28-бет.

<sup>2</sup> Оқ Ўрда - Сирдарёнинг қуйи оқими. Янгикентдан Сабронгача бўлган ерлар, Сирдарё бўйларидаги даштдан бошлаб Улуғтоғ, Сенгирёғоч, Қоратол ва Тумангача бўлган худудлар кирган. Қаранг: Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент: 1996. 80-бет.

<sup>3</sup> Темур ва Улуғбек даври тарихи. 83-бет; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома ... .174-бет.

<sup>4</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома ... .174-бет.

Элчиларни кутиб олаётган ҳукмдордан ҳам ўзига хос дипломатик маҳорат талаб қилинган. Ушбу маҳорат нафақат элчи билан яхши муомала қилишда балки унга маълум бир рамзий маънога эга бўлган совғалар тақдим этишда ҳам намоён бўлган. Амир Темур ва темурийлар давлатида элчилар орқали ҳукмдорларга от, ов қушлари, нодир китоблар, зар чопонлар совға сифатида юборилган. Ушбу совғалар орасида олтин камар рамзий маънога эга бўлган ва у давлат ҳамда ҳукмдорнинг куч-қудратини ифода этган. Хусусан, Абдураззоқ Самарқандий мирзо Абдулатиф (1428-1450)ни мирзо Алоуддавла (1417-1460) қўлига асир тушган ҳолатини қуйидагича келтиради: «Мирзо Абдулатиф камари белидан бўшаган ва балою меҳнатга рўбарў бўлган ҳолда салтанат тахти олдига етиб келди»<sup>1</sup>.

Келган элчиларга олтин камар совға қилиш мураккаб вазиятлар тугунини ечишда ҳам воситачи бўлган. Худди шундай ҳолат Амир Темурни Ҳирот вилояти ҳукмдори Малик Ғиёсуддин (1370-1382)<sup>2</sup> билан олиб борган дипломатик муносабатларида кўзга ташланади. У 1381 йилда олдига сулҳ тузиш учун келган Малик Ғиёсиддиннинг ўғли Пир Муҳаммадга шохона халат (тўн) ва олтин камар совға қилади<sup>3</sup>. Шунингдек, Амир Темур айрим мураккаб вазиятларда амирларга ўз шахсий буюмлари (олтин камар, бош кийим каби)ни ҳам совға қилган ва у чексиз минатдорчилик рамзи сифатида қабул қилинган<sup>4</sup>.

Шубҳасиз бундай ўзига хос дипломатия қоидалари темурий шаҳзодаларга ҳам ўргатиб борилган ва бунда ҳам назарий, ҳам амалий усуллардан фойдаланилган. Хусусан, улар «Шохнома»,

<sup>1</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Иккинчи жилд, иккинчи ва учинчи қисмлар ... . 215-бет.

<sup>2</sup> Курдлар сулоласи вакили. Тўлик исми Ғиёсуддин Пир Али, айрим маълумотларга кўра, Ғиёсуддин Пир Али II. Қаранг: Бартольд В.В. Сочинения. Том VII. – М., 1971. – С. 76; Темур ва Улуғбек даври тарихи ... . 84-бет.

<sup>3</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома... . 91-бет.

<sup>4</sup> Темур тузуклари ... . 23-бет.

«Қобуснома», «Кутадғу билиг» «Дастурул мулк» каби асарларни мутоала қилганлар<sup>1</sup>. Жумладан, Пир Муҳаммад (1376-1407) Шоҳруҳга элчи жўнатиб қуйидаги мазмунда бир мактуб юборади:

*«Бу банда у даргоҳга қуллик қилишни дил саҳифасининг нақшию жон номасининг унвони деб биламан ва ҳаётимдан бир нафас бўлсада, боқий экан, фармонни бажаришдан бош тортмайман ва тобелик ҳам итоаткорликда жонбозлик кўрсатамен. Байт: Мен Рустам, Искандару яна ким бўлмасин ҳаммамиз шуҳратпараст бандалармиз («Шоҳнома»дан)»<sup>2</sup>.*

Амалиёт эса, асосан элчиларни кутиб олиш ёки элчилик миссияларида бевосита иштирок этиш жараёнида ўталган, дейиш мумкин. Бунга мисол тариқасида Ҳиротдаги Курдлар сулоласи намоёндалари билан музокаралар олиб бориш учун юборилган элчилар бошлиги қилиб Жаҳонгир мирзо (1356-1376) тайинланганлигини келтириш мумкин<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ва темурийлар томонидан мохир элчиларни тайёрлаш, танлаш ишига алоҳида эътибор билан ёндашилган. Бу эса, биринчи навбатда тинчликни ва ўзаро манфаатли алоқаларни таъминлашга хизмат қилган. Шунингдек, бу даврда дипломатик муносабатлар ва дипломатика, яъни девонда иш юритиш соҳаси юксак бир даражага кўтарилганлигини ҳам кўриш мумкин.

**Резюме.** Статья освещает некоторые детали института посольства в государствах Амира Темура и Темуридов. В нём на основе материалов письменных источников раскрыты вопро-

<sup>1</sup> Б.Манноновнинг фикрига кўра, Амир Темур «Кутадғу билиг» асари билан яхши танили бўлган. Қаранг: Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси // Шарқшунослик. № 7. – Тошкент. 1996. 30-бет.

<sup>2</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Иккинчи жилд, биринчи қисм. 59-60-бетлар.

<sup>3</sup> Маннонов Б.С. Амир Темур дипломатияси // Шарқшунослик. № 7. – Тошкент. 1996. 30-бет.

сы личности послов, требований, поставленных перед ними, а также их дипломатического мастерства.

**Summary.** The article is devoted to some details of the embassy institution at the Amir Temur and Temurid states. On the base of materials of written sources the author tried to enlighten some questions of the personality of ambassadors, demands for them, also their diplomatic skills.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА ТОМОША САНЪАТИ ВА УНИНГ ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ҳ.Ш.Тошкенбоев

Буюк саркарда, давлат арбоби, илм-фан, маданият ҳомийси Амир Темур ҳукмдорлик йилларида маданият, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва шеърят юксак чўққига кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, темурийлар даври ренессансига, яъни уйғониш даврига асос солинди.

Амир Темур ва темурийлар давлатида турли байрамлар, сайиллар, томошалар ўтказилганлиги ҳақида темурийлар даври ёзма манбаларида маълумотлар бор. Жумладан, бу борада Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ»<sup>1</sup>, Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ»<sup>2</sup>, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»<sup>3</sup>, Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаққир аҳбоб»<sup>4</sup> каби асарлари қимматлидир. Айниқ-

<sup>1</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Нашрга тайёрловчи А.Н.Болдирев. – М., 1961. 160-161-бетлар.

<sup>2</sup> Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ / П.Шамсиев таржимаси. – Тошкент. 1948. 57-бет.

<sup>3</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Таҳрир тайёрати А.Абдурашидов, Б.Алимов ва бош. – Тошкент. 2002.

<sup>4</sup> Ҳасанхўжа Нисорий. Музаққир аҳбоб / Форс тилидан И. Бекжонов таржимаси. – Тошкент. 1993.

са, анъанавий театр, рақс ва томошо санъати бўйича маълумотлар умумлашма фикрлар ва муъжаз тадқиқотлар Алишер Навоийнинг бутун ижодида ўз аксини тошган<sup>1</sup>.

Томоша санъати, турли кўнгилочар тадбирлар ва маросимлар «элчилик хизмати» масаласининг кўпгина қизиқарли томонларини, жумладан элчиларни кутиб олиш, уларга маданий-маънавий хизмат кўрсатиш ҳамда «норасмий музокара-лар» қисмининг муҳим жиҳатларини тадқиқ этишда катта аҳамиятга эгадир.

Зеро, Амир Темури Мовароуннаҳрда яшаб келган анъаналарни давом эттириб, ўзининг ҳар бир ҳарбий ғалабаси, дипломатик муваффақиятини байрам, тўй билан нишонлаган ҳамда ҳар бир азиз меҳмонни зиёфат ва базм билан сийлаган. Оилавий маросимларини ҳам созанда, хонанда ва ўйинчиларнинг катта-катта гуруҳларини жалб этган ҳолда ўтказган.<sup>2</sup>

Тадбирларда турли тоифа ижрочилари алоҳида-алоҳида ҳамда санъаткорларнинг аралаш гуруҳлари «тарабхона» ва «хосхона» шаклларида ўз маҳоратларини намойиш этишган. Шунингдек, театрлашган сайиллар ва намойишларда минглаб ҳар хил ижрочилар қатнашган ва ўзаро беллашганлар.

Манбалар орасида Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» рисоласи алоҳида қимматга эга. Чунки унда маърака ва аксар ижрочилик санъатлари, ўйин ва томошалар ҳақида қизиқарли маълумотлар, назарий хулосалар берилган.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар 15-томлик. 14-том. – Тошкент. 1967.

<sup>2</sup> Амир Темури жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир Х.Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бош. Тўлдирилган ва қайта ишданган иккинчи нашри. – Тошкент. 2001.

<sup>3</sup> Қодиров М. Темурийлар даври томоша санъатлари. – Тошкент. 2007. 7-бет.

Ибн Арабшоҳ<sup>1</sup>, Низомиддин Шомий<sup>2</sup>, Шарафиддин Али Яздий<sup>3</sup> ва бошқа муаррихлар ҳам шуни қайд этишади. Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Эрон, Хоразм, Ҳиндистон ва кўплаб бошқа юртлардан минглаб хунармандлар кўчириб келтирилган ва ҳаммаси иш билан таъминланган.

«Шоҳ, - деб ёзади Клавихо, - турли томондан Самарқандга келтирилган ҳар хил тоифадаги эркак ва аёлларнинг ҳаммаси, айтишларича, бир юз эллик мингдан ошиқ бўлган. Булар орасида турк, араб ва бошқа элатлар, арман христианлари, юнон католиклари, насронийлар, яқобитлар ва юзи билан ўтга топинувчи ўзига хос мазҳабга эга бўлган кишилар ҳам бор эди. Олиб келинган халойиқ хайратланарли даражада кўп эдики, шаҳарга, кўча ва майдонларга, қишлоқларга, ҳатто шаҳар ташқарисидagi дарахтлар остига, ғорларга ҳам одам сиғмай кетган эди. Амир Темури уларни бир-биридан ажратмасдан, қавми ва оиласи билан бирга жамоа-жамоа қилиб жойлаштирган, зарур шарт-шароит яратиб берган, чунки янги жойда ўз хунарларини йўлга қўйишлари, маҳорат ва билимларини намоён қилишлари учун улар ётсирамаслиги, маҳкам ўрнашиб олишлари керак эди»<sup>4</sup>.

Мана шундай манбаларда сочилган маълумотларни синчиклаб териб, бир-бирига солиштириб, Амир Темури ва темурийлар даври ўйинлари ва томошаларини яхлит тасаввур қилишга, уларнинг таркиби ва туркумлари доирасини аниқлашга ҳаракат қилинди. Бу масалалар бўйича илгари А.Г.Пугаченкова<sup>5</sup>, М.Ҳ.Қодировлар илмий изланишлар олиб борганлар.

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темури тарихи / Суз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. 1-китоб. – Тошкент. 1992. 308-310-бетлар.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент. 1996.

<sup>3</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома / Форс тилидан О.Бўриев таржимаси. – Тошкент. 1994.

<sup>4</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темури саройига саёҳат кундалиги / Рус тилидан О. Тоғаев таржимаси. – Тошкент. 2010. 199-бет.

<sup>5</sup> Пугаченкова А.Г., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии. Древность и средневековье. – М., 1962.

Театрлашган томоша санъатининг бир қанча кўринишлари мавжуд бўлиб, уларда оммавийлик хусусиятлари яққол намоён бўлади. Улардан майдон маъракалари, маросимлар, анъанавий театр, дорбозлик, кўғирчоқбозлик, рақс, халқ цирки ва кўшиқчиликнинг шеърий китоблари ҳамда қиссалари ва буларни намойиш қилиш учун асос бўлаган режиссураси ҳам бўлган албатта. Бунда халойиқ бир жойга тўпланиб, бу намойишларни мириқиб томоша қилишган.

Амир Темури даврида томоша санъатларининг бир қанча турлари шаклланиб борган. Сабаби Амир Темури ўзидан олдинги нишонланиб келаётган урф-одатларга, анъаналарга, халқ ўйинларига ва байрамларга жуда ижобий муносабатда бўлган ва уларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратган.

Хунари ва санъатни тўлалигича намойиш этишга хизмат қилувчи театрлашган намойишлар, ўйинлар ва томошалар Амир Темури ҳукмронлиги даврида кенг миқёсда бошланиб, қарийб бир ярим аср мобайнида давом этиб келган.

Шарафиддин Али Яздийнинг Конирилдаги тантаналар, намойишлар, байрамлар ҳақидаги таърифли таснифлари ҳам қизиқарлидир. У ҳар тоифа хунариандлар томонидан қурилган мезана, равоқ, кўшқлар, уларда кўрсатилган томошалар тўғрисида бошқаларга қараганда тўлароқ маълумот беради<sup>1</sup>.

Хос базмларда мақом қуйлари чалинган. Бу қуйларга раққос ва раққосалар хиром этган, масхара ва мукаллидлар қулдирган, байрамларда катта майдон ва маъракаларга яраша томошалар кўрсатилган. Майдон томошалари орасида от билан бажариладиган пойга, улоқ чопиш (кўпқари), отдан ағдариш, чавгон, қабоқ ўйин қабилар, ҳаққоний қуч синови ҳисобланмиш қураш (гуштириллик), қилич, найза, гурзи ва бошқа жанговар қурол ва аслаҳалар билан ўтадиган беллашувлар, шунингдек, қўчқор, хўроз уриштириш каби қадимий ўйин ва мусобақалар етакчилиқ қилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома ... 31-32-бетлар.

<sup>2</sup> Қодиров М. Темурийлар даври томоша санъати ... 23-бет.

Клавихонинг «Кундалиги»да тасвирланишича, элчилар иштирок этган Боғи Навдаги катта базмга жуда кўп киши йиғилган.

Жумладан, асарда «...овқатланиб бўлингач, подшоҳ амирларидан бири қўлида қумуш танга тўлдирилган қумуш коса ушлаган ҳолда ўртага чиқиб, тангаларни элчилар ва меҳмонлар устидан сочиб юборди. Танга сочувчи амир коса тагида қолган тангаларни қўлига олиб, элчиларнинг оёғи остига сочди. Сўнг подшоҳ элчиларга қимхоб тўн қийдиришни буюрди, элчилар бу ернинг удумига қўра, уч бор тиз чўкиб, подшоҳга таъзим қилдилар» каби маълумотлар келтирилган<sup>1</sup>.

Тўй ва байрамлар ҳашаматли саройларнинг кенг ички саҳналари ва айвонларида, малика ва шаҳзодаларнинг боғларида ҳам ўтказилган. Аммо, аксарият ҳолларда шаҳар майдонларида, регистонларда, табиат қўйнида, яйловларда, дарё ва анҳорларнинг соҳилларида, махсус сайилгоҳларда ўтказилган. Бунга сабаб шуки, тўй ва байрамларда сарой аъёнларигина эмас, балки оддий фуқаролар, минглаб аскарлар, уларнинг оилалари, шунингдек, хизматда бўлган қуролсозлар, эгар-жабдуқчилар, темирчилар, мисгар, савдогарлар ҳам қатнашганлар. Жанговар беллашувлар, майдон ўйинлари ва томошалари турли тоифа кишиларни, ижро ва томошабинларни бирлаштириб, ўзига хос тенглик ва хуррият оламини яратган.

Клавихонинг «Кундалиги»даги яна бир қизиқарли маълумотни олиб кўрайлик. Унда: «...шу қуни кўплаб ҳар хил ўйинлар кўрсатилди. Бундан ташқари, подшоҳ ихтиёридаги филлар яшил, қизил рангларда бўятилиб, уларнинг устига одам ўтирадиган қажавалар ўрнатилган. Томоша вақтида чалинган ноғораларнинг садоси томошалардан ҳосил бўлган хайқириклар билан қўшилиб, ажиб бир шовқин-сурон вужудга келган эди. Подшоҳ ўтирган катта Кўшқдаги бир талай машшоқлар қуй чалардилар»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Тоғаев О. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темури саройига сажат кундалиги // Санъат. № 8. 1990. 162-163 бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 166-бет.

Хулоса қилиб айтганда, илм-фан ва маданиятнинг бутун му- сулмон оламида янгидан ривожланиши бевосита Амир Темур номи билан узвий боғлиқ. Амир Темур Марказий Осиёда илмий ва адабий фаолият учун шарт-шароит яратганлиги боис кўплаб олиму фузалолар бу ерда эмин-эркин ва хотиржам яшаб, баракали ижод қилдилар. Улар яна бир қарра Амир Темур ва темур- рийлар даврида томоша санъатининг юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади. Клавихонинг «Кундалиги»даги маълумотларнинг тасдигини ҳозирги кунда ҳам бизда нишонланиб келаётган урф-одатлар мисолида кўришимиз мумкин. Бунга аскиячилик санъати, «Наврўз» умумхалқ байрамини нишонлаш каби анъаналар яққол мисол бўлади.

**Резюме.** В данной статье раскрыты вкратце интересные моменты проведения различных праздников, гуляний, зрелищ и развлекательных игр в процессе организации посольского дела по материалам источников Темуридского периода. В частности, прослежены основные моменты «неофициальных сторон» встречи послов, их культурно-духовное обслуживание и т.п.

**Summary.** The article briefly disclosed interesting moments of various holidays, festivals, shows and entertaining games in the organization of the embassy affairs on the base of materials of sources of the Temurid epoch. In particular, are enlightened “unofficial parties” of the meeting of ambassadors, cultural and spiritual services for them.

## ЭЛЧИ ЙИРОҚНИ ЯҚИН, ЯҚИННИ МЕҲРИБОН ҚИЛГУЧИДИР ...

т.ф.д., проф. Г.А.Агзамова

Қадимдан шаклланиб келган элчилик институти Ўрта Осиёда яшаган халқлар фаолияти, бу ерда ривожланган цивилизациялар ва давлатчилик ҳосиласидир. Дастлаб турли халқлар, сўнгра давлатлар миқёсида элчи шахсига эҳтиёж кучайиб борган. Айни вақтда қадимдан элчи ва унинг шахсига бўлган талаблар шаклланиб борган. Элчи ва у эга бўлиши лозим бўлган хислатлар тизими ишлаб чиқилган ва улар ўрта аср манбаларида ўз аксини топган. Бунинг мумтоз намунаси сифатида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида билдирилган фикрларни кўрсатиш мумкин. Унда элчи эга бўлган муҳим хислатлар сифатида билимдонлик, босиқлик, хотиржамлик, гапга чечанлик ва тадбиркорлик кўрсатилади<sup>1</sup>.

Турли давлатлар ўртасида муҳим масалаларни ҳал қилиш, зиддиятли ҳолатларни бартараф этишда элчилар муҳим рол ўйнаганлар. Ўз давлатининг вакили, расмий шахс сифатида у ўзининг бутун маҳоратини ишга солиб, давлатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйишда элчидан сўзамоллик талаб қилинган. Бу ўринда ўрта аср манбаларида у «сўз маъноларининг зукко билимдони бўлиши» кераклиги, хусусан, «у сўзнинг ичини ҳам, ташини ҳам англай олмоғи, яъни сўзнинг оддий ва кўчма, ошқор ва яширин маъноларидан хабардор бўлмоғи шарт. Токи бу хусусият бузилган ишларни созлаш учун қўл келсин», - деб қайд этилган эди<sup>2</sup>.

«Элчининг ақли кенг, қўли очик, тили ширин бўлиши лозим. Сўзга чечанлик – киришимлилиқ аломати. Сўзи гўзалнинг иши ҳам юришади. Хотира бақувватлилиги –

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент. 1990. 58-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 58-бет.

элчига зийнат. Элчи ширин сўз бўлмоғи шарт. Ширин сўзга ҳамма – катта ҳам, кичик ҳам эрийди. Элчининг иши сўз билан битади. Сўзи яхши бўлса, у тилагига етади... элчи йироқни яқин, яқинни меҳрибон қилгучидир», - деб ёзади Юсуф Хос Ҳожиб<sup>1</sup>.

Элчининг асосий қуроли сўз эканлиги кейинги асрлар тарихий манбаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, XVII асрнинг охирларида ёзилган «Дастур ал-мулук» асарида «... элчи ўткир, ялтироқ шамширға монанд тилдан чакқонлик ва моҳирлик билан фойдаланиши лозим. Аммо унинг очиқ юзлиги, гўзал муомаласи бирон-бир мурасага келиш ёки сулҳ тузиш пайтида мулойим, ёқимли нуткидан таралиб турган сўз жавҳарларидан билиниб турсин. Агар у ўз нутқининг аввалида дағал, кўрс, кескин сўзлар борлигини сезса, бундай сўзларни юмшоқлик қайчиси билан кесиб ташлаши зарур. Элчи нутқининг бошланишида дўқ-пўписа тарзидаги сўзларни айтган бўлса, гапнинг хотимасини яхши, ёқимли муносабатларни, меҳрибонликни англадиган сўзлар билан тугатиши керак», - деб қайд этилади<sup>2</sup>.

Шунингдек, «Элчи кўзи тўқ, кўнгли бой бўлиб, феълидаги айб-нуқсонларни аритмоғи керак», - деб таъкидланади. Бундан келиб чиқиб, кўп ҳолларда элчиликка маънавий камолотга эришган, турли илмларга эга кишиларни тайинлашга ҳаракат қилишган. Бунини Ўзбекистон халқларининг турли даврларида ҳукм сурган сулолалар, ҳукмдорлар томонидан бошқа давлатларга юборилган элчилар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Кўп ҳолларда Ўрта Осиёдан узоқ ва яқин мамлакатларга юборилган элчилик миссиясига раҳбарлик қилган шахслар билимдон шахслар, жумладан, мусулмон руҳонийларидан тайинланган.

Ўзбекистон давлатчилигининг ҳамма даврларида элчининг ҳамма илм соҳаларидан хабардор бўлиши, кенг қамровли би-

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутаду билиг. 60-бет.

<sup>2</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. Подшоҳларга қўлланма. – Тошкент. 1997. 80-бет.

лимлар эгаси бўлишига алоҳида эътибор берганлар. Бу хусусда «турли-туман фан асосларини ўргансин, айниқа, бадий сўз сирларини яхши ўзлаштирсин. Агар шеърятни яхши ҳис этса, тушунса, бунинг устига ўзи шеърлар ҳам ёзса, нур устига нур бўлади. Астрономия, ҳандаса, илдиз чиқариш, ер сатҳини ўлчаш, математика-геометрия илмларини элчи мукамал билмоғи лозим», - деб қайд этилади манбалардан бирида<sup>1</sup>.

Элчилар ҳар томонлама комил бўлиши лозим бўлган. Элчилар эга бўлган хислатлар жумласига уларнинг муайян жисмоний тайёргарлик даражасини ҳам киритиш мумкин. Хусусан, уларнинг дадил бўлиши, «чавғон ўйинига моҳир, ёй тортишга қодир, қушчилик, овчилик сирларидан хабардор бўлиш ҳам элчи фазилатларини оширади» ҳамда «шахмат ва нард ўйинлари – элчининг фазилатини оширади. У бу санъатларни шу даражада ўзлаштириши лозимки, токи ҳарифлари ундан устун бўлмасин», - деб қайд этилади манбаларда<sup>2</sup>.

Бу ўринда қайд қилиб ўтиш лозимки, Ўрта Осиё аҳолисининг кундалик турмушида қадимдан турли спорт ўйинлари муҳим ўрин тутган. Бу ўйинлар орқали аҳолининг турли қатламлари вакиллари, хусусан, турли амалдорлар, шу жумладан, элчилар ҳам тарбия топган. Бунини тасдиқловчи маълумотларни Ўрта Осиё тарихий воқелигининг турли даврларига оид манбаларда учратиш мумкин. Хусусан, сўнгги ўрта асрларга оид манбаларда Ўрта Осиё хонлиқларининг турли марказларида спорт ўйинлари кенг ривожланганлигини тасдиқловчи маълумотлар талайгина. Улардан бири XVI аср муаррихи қаламига мансуб бўлиб, у қўйидаги маълумотни келтиради. Унинг ёзишича, рўза тугаганлиги ва Рамазон ҳайитини Бухородаги Чаҳорбоғда нишонлаган Шайбонийхон қўшинларининг «ҳамма улугвор султонлари» қовоққа найза отиш мусобақасини хон ҳузурда ўтказган эдилар<sup>3</sup>. XVII аср муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорий

<sup>1</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Кутаду билиг. 59-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 59-бет.

<sup>3</sup> Фазлаллаҳ ибн Рузбехан Исфохани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского

ҳам спорт ўйинлари элементлари мавжуд бўлган томошалар ҳақида хабар беради. Муаррих Убайдуллахон Самарқандда бўлганида «турли довжорак одамлар ва мушт билан беллашувчи курашчилар иккита эгри-бугри ханжар билан ҳукмдор олдида ўзаро курашдилар», - деб қайд этади<sup>1</sup>. Спорт ўйинлари ўша давр мусаввирларининг ҳам назаридан четда қолмаган. Бу ўринда «Бобурнома»га ишланган миниатюраларнинг бирида чавғон ўйнаётган султонлар акс эттирилганлиги характерлидир.

Хонликларда юкори табақа вакиллари турли қушлар билан овда қатнашишни хуш кўрганлар. Бу ўринда Бухорода аввалига ҳукмдор ов қушлари ва ов отларига жавобгар қушбеги лавозимининг бўлганлигини эслаб ўтиш жоиздир. 1840 йил маълумотларига кўра, хиваликлар асосан «бургут, жайрон ва турли қушларни тутиш» билан ҳам бўш вақтларини мароқли ўтказишга ҳаракат қилганлар<sup>2</sup>.

Аҳоли ҳаётида шахмат ўйини ҳам катта ўрин тутган. XIX аср рус муаллифларининг куйидаги маълумоти бу ўринда диққатга сазовордир. Улар, хиваликларнинг шахмат ўйинида моҳир эканликлари ҳақида ёзар эканлар, бу ўйин хонликда «деярли биздагидек ўйналади», - деб қайд этган эдилар<sup>3</sup>.

Ўрта Осиёнинг йирик марказларида бундай спорт ўйинлари турли байрамлар мобайнида ҳам ўтказилган. Жумладан, XIX асрнинг 30-йилларида Тошкентда бўлган Хорунжий Потаниннинг кўрсатишича, бундай байрамларнинг бирида шаҳар атрофларидаги тепаликларда «чодирлар ўрнатилган бўлиб, у ерда кўшлаб томошабинлар бутун ҳафта давомида мусиқа, ўйин, кураш, чопиш ва туялар, эчкилар, қўйлар ва какликлар олишувини

гостя) / Пер. Р.П. Джалиловой; Под. ред. А.К. Арендса. – М., 1976. – С. 114.

<sup>1</sup> Мир Мухаммед Амин-и Бухари. Убайдулланаме / Перевод с тадж. с примеч. чл.-корр. АН УзССР профес. А.А. Семенова. – Ташкент. 1957. – С.56.

<sup>2</sup> Хива, или географическое и статистическое описание Хивинского ханства. – М., 1840. – С. 69.

<sup>3</sup> Ўша асар. – С. 69.

томоша этиб, хурсандчилик қилишган. Бу ҳайвонларнинг эгалари ғалаба учун совғалар билан тақдирланганлар, баъзан улар жуда катта совғалар олишган»<sup>1</sup>. Тошкент мисолида кузатилган бу ҳолат Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари мисолида ҳам тасдиқланади.

Келтирилган бу маълумотлар нафақат аҳоли кундалик турмушида, балки улар турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари - ҳукмдорлар, амалдорлар, ҳарбийлар, элчилар тайёрлашда ҳам спорт ўйинларининг муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади.

Элчи турли ҳунарлардан хабардор бўлиши ҳам лозим эди. «Ҳар бир ҳунардан хабардор бўлсин. Қайси одам ўз сўзларини сўзлай бошласа, ундан кўзда тутилган мақсадни аниқ англай оладиган бўлсин. Чунки кимнинг ҳунари бўлса, унинг оти элдан-элга ўтиб юради, ҳунарсиз киши от-шухратсиз қарийди», - деб қайд этади Юсуф Хос Ҳожиб<sup>2</sup>.

Элчи эга бўлиши лозим бўлган муҳим фазилатлардан бири ҳозиржавоблик эди.

Ўрта аср манбаларида, шунингдек, қандай тоифадаги кишиларни элчиликка тайинлаш ноҳайит эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, XVII аср муаллифи Хожа Самандар Термизий тўрт тоифа одамни элчи сифатида юбормаслик тажрибада исботланганлиги ҳақида ёзар экан, уларнинг асосий жиҳатларини кўрсатиб беради. Биринчи тоифа вакиллари «подшоҳдан жафо кўрган», иккинчиси «мол-мулки, ҳурмат-иззати подшоҳ ғзаби шамоли билан совурилган», учинчиси «ўз амалидан ҳайдалган», тўртинчиси эса «подшоҳнинг зарари ҳисобидан ўз манфаатини кўзлаган, яъни давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйган» кишиларни давлат элчиси қилиб юбориш ақлдан узок иш ҳисобланган<sup>3</sup>. Муаррихнинг қайд этишича, асрлар даво-

<sup>1</sup> Записки о Коканском ханстве хорунжего Потанина (1830 года)// Военный журн. № 4. 1831. – С.287.

<sup>2</sup> Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. 59-бет.

<sup>3</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. 80-бет

мида шаклланган тажрибадан шу нарса аён бўладики, «зебу зийна-тидан, обрў-эътиборидан жудо бўлган одамнинг қалбига алам-изти-роб тиканаги қадалган бўлади. Шу боис бундай киши душманнинг куч-қуввати ва шавқатини ўз давлатининг куч-қувватига нисбатан устун, ортиқ деб ҳисоблаб, шундай бир пайтда фурсат топиб, қал-бида яшириниб ётган адоватни юзага чиқариб, подшоҳига хиёнат қилиш йўлига кириб, унга қарши фитна уюштириши мумкин»<sup>1</sup>. Буни нафақат элчилар, балки турли амалдорлар, ўз мол-мулкидан айрилган шахслар ҳагги-ҳаракатида ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳо-латни тасдиқловчи маълумотлар ўрта асрлар манбаларида учраб туради.

Элчиларни тайёрлашда ишлаб чиқилган талаблардан бири – огоҳлик ва хушёрлик эди. Жумладан, XVII асрда қайд қилин-ганидек, элчи икки масалада ниҳоят хушёр бўлиши, яъни «ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатнинг ному-си, шон-шуҳратини, салтанатнинг улуғворлигини эҳтиёт қили-ши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатда унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлиб туриши лозим» эди<sup>2</sup>.

Бирор юртга жўнатилаётган элчига «подшоҳнинг тили» деб қаралган ва уни бирор жойга юборишда элчига ниҳоятда катта эътибор ва аҳамият бериш зарурлиги уқтирилган. Жумладан, сафар олдидан элчига сафарнинг моҳияти ва мазмуни, ундан кутилган натижалар кўп муболағали сўзлар билан тушунти-риш таъкидланган<sup>3</sup>.

Элчининг зиммасига, шунингдек, борган мамлақати ҳақи-да маълумотлар тўплаш вазифаси ҳам юклатилган. Бу ўринда Низомулмулкнинг қуйидаги сўзларини қайд этиб ўтиш жоиз-дир. Унинг ёзишича, «Подшоҳнинг элчи юборишдан мақсади хат ё мактуб юбориш эмас, балки унинг сафардан қўзда тутган

<sup>1</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулк. 80-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 81-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 81-бет.

қатор мақсади ва сир-асрорлари мавжуд. Подшоҳ тоғ йўлларининг аҳволи, дарёлар қандайлиги, лашкар йиға олиш даражаси, у ерда қанча ем-хашак бор, қайда ким ҳокиму ва малик, лашка-рининг сони қанча – шуларни билиш учун элчи юборади»<sup>1</sup>. Буни Ўрта Осиё хонликларига ташриф буюрган элчилар Ф.Беневени, Е.К.Мейендорф ва бошқаларнинг фаолияти тасдиқлайди.

Ўрта аср манбаларида қайд этилишича, элчи саройдаги қабул тартиби, қонун-қоидалари, чавғон ўйини ва ов тарти-би, қурол-аслаҳа миқдори, подшоҳнинг ташқи кўриниши, у золимми ёки одилми, мамлакат ободми, аҳолиси камбағал-ми, лашкари ундан хурсандми, вазирлари диёнатлими, каби саволларга ўзи билан бирга жавоб олиб келиши лозим эди<sup>2</sup>.

Элчилар нафақат мамлакатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш, балки мамлакат ичидаги сиёсий қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳам фаол иштирок этганлар. Масалан, Хожа Самандар Термизий Субҳонқули-хон томонидан Самарқандда Хожақулибий ўторчи бошчи-лигида кўтарилган исённи бостириш ва у билан ярашиш битимини тузиш учун икки марта элчи қилиб юборилган<sup>3</sup>.

Элчиларни кутиб олиш ва уларга иззат-икром кўрсатишга алоҳида эътибор билан қаралган. Бу борада асрлар давомида шаклланган анъаналар мавжуд эди. Низомулмулкнинг қуйида-ги сўзлари бу ерда жуда ўринлидир. Унинг ёзишича, «Ташқари-дан келган элчиларнинг саройга келиб-кетиши номаълум қоли-ши, уларнинг аҳволидан хабардор бўлмаслик ғафлат ва ишнинг тартибсизлигидан дарак беради. Чегарада турган амалдорлар мам-лакат ҳудудига кириб келаётган ҳар бир киши ҳақида суворий чопар орқали маълумот бериб туришлари шарт. Агар келаётган киши элчи бўлса, бирор обрўли кишини унга йўлдош қилиб, тегишли шаҳарга юборишсин. Бу ерда уни бошқа кишиларга топшириб, янги обод

<sup>1</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). – Тошкент. 2008. 95-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 95-бет.

<sup>3</sup> Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулк. 252-бет.



шаҳар ва ноҳияларни томоша килдириб, охири саройга олиб келсинлар. Амалдор ва мансабдор кишиларга фармон шудирки, элчилар қайси манзилга қўнсалар, меҳмондўстлик билан кузатиш керак.... Подшоҳлар ҳам бир-бирларини хурматини бажо келтириб, элчиларни эъзозлаганлар, шунда уларнинг кадрлари ва қимматлари ошган»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда қадимдан элчилик институти шаклланиб келган. Дастлаб турли халқлар, сўнгра давлатлар микёсида элчи шахсига эҳтиёж кучайиб борган. Айна вақтда қадимдан элчи ва унинг шахсига бўлган талаблар ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан такомиллашиб борган. Элчи ва у эга бўлиши лозим бўлган хислатлар тизими ишлаб чиқилган. Бу жараён сўнгги ўрта асрлар давомида ҳам Бухоро, Хива, Қўқон хонликларида давом этиб борган.

**Резюме.** Статья посвящена некоторым вопросам института посольства, формировавшегося на территории Узбекистана с древнейших времен и занимавшего важное место в системе узбекской государственности. В ней основное внимание уделено освещению качеств и обязанностей, которыми должны были обладать послы, являвшиеся основными фигурами в посольских взаимоотношениях среднеазиатских ханств.

**Summary.** The article is dedicated to some details of the embassy institution which was formed on the territory of Uzbekistan since Ancient times and occupied an important place in the system of its statehood. It analyzed the personal qualities and duties of ambassadors who were major figures in ambassadorial relations in Central Asian khanates.

<sup>1</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. 94-95-бетлар.

## ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРДА ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАРНИНГ ЎРНИ

т.ф.н. Ш.Ю.Зиёдов

Тарих фанларининг ҳар бири манбаларнинг барча турларидан у ёки бу даражада фойдаланади, аммо, ўзининг хусусиятига кўра, тарихий манбаларнинг муайян бир тури муҳим ҳисобланади. Кутубхоначилик иши тарихи учун ёзма манбалар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳужжатли ёзма манбалар жумласига давлат ва ҳукумат ҳужжатлари, фармойишлар, нодир китоблар ва кутубхоналар ҳақида уларни вужудга келтирган воқеа-ҳодисалар жараёнида акс эттирилган бошқа манбалар киради.

Тарихий манбалардан фойдаланиш: биринчидан, мазкур манбалар қаерда ва қандай кўринишда сақланиши ёки чоп этилганлигини аниқ билишни, иккинчидан, манбанинг асослигини кўрсатувчи далил-исботлар мавжудлигини талаб этади. Бунда манбанинг санаси, муаллифини, шунингдек мазкур ҳужжат йўланган ёки унда зикр этилган муассаса ёки шахсни аниқлашни; учинчидан, уни талқин қилиш, яъни тушунтириш, изоҳлаш, маълум воқеалар ёки ҳодисаларга боғлаш, унинг аҳамиятини (маъносини) очиқ бериши билан боғлиқ жиҳатлар акс этади.

Республикамиз қўлёзма фондларида ҳамда архивларда Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар давридаги дипломатия тарихига оид ҳужжатлар, манбалар талайгина бўлиб, уларда ижтимоий-сиёсий ҳаётни бевосита қайд этилиши, яъни ер эгаллиги, ижтимоий муносабатлар, давлат тузилиши ва шунга ўхшаш масалалар бўйича муҳим далилий маълумотларга бойлиги билан тарихий манбаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Улар асосан ҳужжатшунослар томонидан махсус ўрганилса-да, тарихий манба сифатида манбашуносликда илмий қиймати жуда катта.

Ўзбекистон тарихига оид ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар қўлёзмалар шаклида учрайди. Бу турдаги манбалар қатор йиллар давомида рус ва ўзбек шарқшунослари тарафидан ўрганилган. Булар қаторига О.Д.Чехович<sup>1</sup>, П.П.Иванов<sup>2</sup> ва бошқаларнинг асарларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Ўзбек олимларидан<sup>3</sup> Б.Аҳмедов, О.Жалилов, М.Каримова, Т.Файзиев ва Г.Остоновани тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Саййид Амир Ҳайдар Баҳодирхон мактублари ёки «Мажмуъайи мактуботи Саййид Амир Ҳайдар Баҳодирхон» номли тўпلامда Манғитлар сулоласи (1753-1920)нинг йирик намоёндаларидан бири Амир Ҳайдар (1800-1826)нинг ўзига яқин амирларидан Муҳаммад Иноққа (кейинча олий кушбеги) йўллаган турли масалаларга доир муборакномалари, иноятномалари ва бошқа 900 га яқин 1814-1824 йилларда ёзилган мактублари жамланган. Мазкур мактубот 464 варақдан иборат

<sup>1</sup> Йирик шарқшунос олима О.Д.Чехович (1912-1982- йй.) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондларида сақланаётган васиқа ва вақфномаларни қўп йиллар давомида кунг билан ўрганди ва улар ичида Хожа Убайдулла Аҳрорга тегишлилирини ажратиб олиб, матни, русча таржимаси ва махсус тадқиқот билан бирга қўшиб, 1974 йили «Самарқандские документы XV-XVI веков» номи билан нашр қилган.

<sup>2</sup> Жўйбор хожаларининг ҳужжатлари XVI асрга доир бўлиб, улар Бухоро хонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Йирик ер-сув ва мол-мулк эгаси бўлган хожа Муҳаммад Ислон ва хожа Саъднинг (у хожа Калон номи билан машхур бўлган) жамиятдаги мавқеига оид ҳуқуқий ҳужжатлардир. Тўпلامдаги ҳужжатлар форсий матни ва русча таржимаси П.П. Иванов (1893-1942 йй.)нинг тадқиқотлари билан 1938 ва 1954 йилларда икки жилд қилиб Санкт-Петербургда нашр қилинган.

<sup>3</sup> «Мажмуъайи васойиқ»нинг қўлёзмаси ҳозирда ШҚМ хазинасида 1386 тартиб рақами билан сақланмоқда. Ҳужжатларнинг бир қисми рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Абдурауф Фитрат ва В.С.Сергеевлар томонидан фақатгина 36 тасини танлаб олиниб рус тилига таржима қилинган ҳамда 1937 йили Тошкентда нашр этилган. Ҳужжатлардан 237 таси, яъни тахминан учдан бир қисми шарқшунос олим Б.Иброҳимов (1908-1978 йй.) тарафидан ўрганилиб, ўзбек тилига таржима қилинган. Бу иш 1982 йили Б.Аҳмедов, О.Жалилов, М.Каримова, Т.Файзиев ва Г.Остонова тарафидан нашрга тайёрланди ва чоп этилди.

бўлиб, Шарқ қўлёзмалари маркази қўлёзмалар фондида 2120/II тартиб рақами билан сақланмоқда. XIX асрнинг биринчи ярмида кўчирилиб, китоб ҳолига келтирилган. Мактубларда Бухоро амирининг маъмурий-хўжалик фаолияти, шунингдек унинг даврида амалда бўлган қонун-қоидалар, ер эгалигининг турлари, суюрғол, танҳо, мулки хуррий холис ҳамда солиқлар – хирож, закот, ушрлар ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин. Қуйида мисол тарикасида, ўша мактублардан баъзиларидан лавҳа келтирилади.

*«Хоқоннинг ҳурматиға сазовор бўлган, давлатнинг ишончли одами Муҳаммад Ҳакимбий меҳтар билсинларки, яқшанба куну сиҳат-саломат Қаршиға келиб қўндик. Инишоаллоҳ, (келаси) яқшанба куну Самарқандга жўнаймиз. Бизга лозим бўлган ва (жанобларига) тайин қилинган нарсаларни олиб, агар Қаршиға келолмайдиган бўлсалар, Ўрта чўл ва Ҳузур Буға орқали ҳузуримизга етиб келсинлар. Мадрасайи олийга вақф этилган «Хазонайи муфтадийн» отлиғ китобли меҳтардан талаб қилиб олсинлар ва толиби илмларнинг қўлиға топширсинлар.» Ҳижрий 1224 йил.*

Ислон динининг муқаддас китоби бўлмиш Куръон нозил бўлган VII асрдан бошлаб XXI асргача узлуксиз кўчирилиб келинмоқда<sup>1</sup>. Табиғки бир-неча асрлар давомида бу муқаддас китоб турли хаттотлар томонидан кўчирилиб келинган. Бу нусхаларнинг аксарияти маълум бир шахслар (хон, амалдор, кози, шайх) буюртмаси асосида кўчирилгандир. Китоб эгалари бу муқаддас китобларни ўз кутубхоналарида сақлаш (айримлари ўз нусхасини зодогонларга кўз-кўз қилишни яхши кўрар эдилар) ёки ҳадя

<sup>1</sup> Дастабкиси халифа Усмон даврида китоб шаклига келтириб кўчирилган бўлса, мана асрлар оша сақланаётган ушбу нусхадан 2005 йилда Ўзбекистонлик машхур хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан терига кучирганини айтиб ўтиш лозимдир.

учун ёки бўлмаса бирон-бир мадраса ёки ҳонақоҳга вақф қилиш учун буюртма берган. Табиийки ҳар бир буюртмачи китобни кимга тегишли эканлигини билдириш учун унга ўз муҳрини ёки номи-ни ёзиб қолдиришга ҳаракат қилган. Лекин бундай ҳолатни барча даврларда кўчирилган китобларда мавжуд деб бўлмайди. Чунки ислом динида муқаддас ҳисобланган Қуръонга ортиқча белги ёки ёзув ёзиш жоиз деб ҳисобланмаганлигидадир.

Муқаддас Қуръон нусхалари ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасидаги қарийб барча кутубхоналарда мавжуд бўлган. Қуръон карим нусхаларини тадқиқ этиш жараёнида қайси кутубхонага тегишли экани ёки қайси шахсга тегишли бўлганини аниқлаш имкони ҳам мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур мақолада амалдорларга ёки бўлмаса бирон-бир кутубхонага тегишли бўлган Қуръон нусхалари борасида сўз юритишни лозим топдик. Албатта тадқиқотни бундай чегаралаш ўқувчида савол туғдириши табиийдир. Нима учун айнан шу нусхалар? Чунки, уларга муҳр босилганлиги орқали улар кимга ва қайси кутубхонага тегишли эканлигини аниқлай оламиз. Бу нусхаларнинг аксарияти жуда чиройли ҳамда безакланган бўлиб, яхши ҳолатда сақланган. Лекин бундан бошқа Қуръон нусхалари кўчирилмаган деган хулоса чиқмайди ва жуда кўп нусхалар борки юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра уларга муҳр қўйилмаган. Шунингдек, шундай нусхалар ҳам борки булар шахсий ихтиёж учун кўчирилгандир (яъни ўқувчи ўзи ўқиши учун). Бундан ташқари қори Қуръонлари ҳам мавжуд бўлган. Бу алоҳида тадқиқотни талаб этганлиги боис кейинги ишларимизда батафсил маълумот бериб ўтилади.

Қўқон хони Саййид Муҳаммад Худоёрхон (1845-1875; сўнги ҳукмронлик йиллари 1281/1865-1292/1875) Қуръоннинг 3 нусхасини Аллоҳ йўлида вақф қилган (№ 722, 723, 724). Бу нусхалар жуда бой безатилганлиги, ҳамда ўзнинг катта ўлчамлари (415x312 мм) билан ажралиб туради. Нусхалардаги кўза шаклдаги хон муҳрида «*Вақф фи сабил Аллоҳ Саййид Муҳаммад Худо-*

*ёрхон*» сўзлар битилган (илова № 3; № 722 муҳр акслари: 1<sup>6</sup>, 2<sup>6</sup>, 4<sup>6</sup>... 17<sup>6</sup>, 25<sup>6</sup>...; № 723 муҳр акслари: 1<sup>6</sup>, 2<sup>6</sup>, 7<sup>6</sup>...; № 724 ... варақларда). Мазкур нусхаларнинг 2 таси машҳур ҳагтот – Муҳаммад Ниёз Хўқандий<sup>1</sup> томонидан 1286/1869-1879 йилда кўчирилган (в. 306<sup>а</sup>). Инвентар рақами 722 бўлган Қуръон нусхаси 1-қисм бўлиб, 1-6 сураларни тўлиқ ўз ичига олади<sup>2</sup>. №723 рақамли Қуръон нусхаси 2-қисм бўлиб, 7:1–18:74 сураларни ўз ичига олади.

Учинчи нусха инвентар рақами 724 бўлиб, аввалгилардан анча эскилиги билан фарқ қилади. Унинг кўчирилиш йили номаълум бўлиб, юқорида тилга олинган нусхаларга ўлчами ўхшасада, унинг безаклари ва ёзуви қадимийроқдир. Бизнинг фикримизча мазкур қўлёзма яъни Қуръоннинг учинчи қисмини ташкил этувчи бу нусха Худоёрхонга аждодларидан мерос бўлиб келган, лекин аввалги қисмлари сақланиб қолмаган. Шу сабабдан уни тўлдириш мақсадида Худоёрхон қўқонлик машҳур ҳагтот Муҳаммад Ниёз Хўқандийга буюртма берган. Умуман олганда, мазкур учта Қуръон нусхаси Худоёрхон кутубхонасига тегишли бўлиб, унинг ҳажмлари катталиги барча ҳукмдорлар саройларига тегишли Қуръон нусхаларига ҳосдир.

Сохта<sup>3</sup> муҳрлик Қуръон Муҳаммад ‘Умар ибн Норбўтахон (1225/1810-1238/1822) га тегишли бўлган (Илова № 4). Инвентар рақами 10844 бўлган қўлёзмадаги муҳирда «*Амир ал-мўминин Саййид Муҳаммад ‘Умар ибн Норбўтахон*» деган ёзувни ўқишимиз мумкин (в. 432<sup>а</sup>). Ушбу Қуръон китоби жуда яхши сақланган. Умумий ҳажми 592 варақ. Суралар номи тилла суви билан ишланган. Айрим варақларидаги матн рамкага олинган. Шарқ қоғозига насх хатида кўчирилган. Муқоваси бир томони ўзиники эмас. (Ўзбекистон Мусулмонлар Идораси Кутубхонасида (ЎМИК) 6А рақами билан сақланади).

<sup>1</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Тошкент. 1979. 137-бет.

<sup>2</sup> Одатда Қуръон бўлақларга бўлиниб кўйрилган, масалан жузларга, бу нусха ноананавий тарзда жузларга эмас балки ўзга хос тарзда уч қисмга бўлинган.

<sup>3</sup> Муҳр қўлёзма нусхага босилган эмас балки бошқа бир шарқ қоғозига босилган бўлиб, ундан қириқиб олинб кейин мазкур нусхага ёпштирилган.

Истанбул университети кутубхонасида А 6540-ашёвий ракам билан сақланаётган Куръони каримнинг иккинчи ва сўнгги саҳифаларига Қўқон хони Умархоннинг муҳри босилган. Муҳр бодомсимон шаклда бўлиб унга «Амиру-л-муслимин саййид Муҳаммад Умар бин Норбўтахон 1229» сўзлари ёзилган. Сўнгги саҳифадаги иккита муҳр Умархонга тегишли бўлса-да, уларнинг шаклида бироз фарқ бор. Истанбулдаги Мусҳаф жуда чиройли безаклар ва олтин суви билан безатилган. Бу эса мазкур нусханнинг совға сифатида тақдим этиш учун махсус тайёрланганлигини англатади. Ушбу Мусҳафни аниқлаб, уни тадқиқ этган тадқиқотчи Ш.Маҳмудов китобнинг Истанбулга бориб қолишининг асосий сабаби сифатида Қўқон ҳукмдори Умархоннинг Усманийлар империяси билан дипломатик алоқалар ўрнатиши билан боғлиқ деб кўрсатади<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий Осиё ҳукмдорлари, шайхлар, зодагонлар, қозилар, уламолар барчаси нафақат мадраса, карвон-сарой, йўл қуриш билан машғул бўлганлар, балки бу юмушдан ташқари яна бир савобли ишлари бор эди. Улардан бири қўлёзма китоблар қўчиртириб, янгиларини сотиб олганликлари билан белгиланади. Қўлёзма сотиб олган ва қўчиртирган ҳар бир шахс ўз кутубхонасида ёки бўлмаса маълум, бир мадрасага вақф қилиш орқали савобидан баҳраманд бўлишга интиланлар. Мазкур китоблар орасида ноёб асарлар ҳам мавжуд бўлган бўлиб, зиёли шахслар туфайлигина бизнинг давримизгача етиб келгандир. Қўлёзмаларнинг ажойиб нусхаларини бугунги кунга қадар яхши сақланиб келишида нафақат маҳаллий аҳоли вакилларини балки диёримизга келган элчиларнинг ҳам хизмати каттадир.

Шубҳасиз улар орасида Куръон нусхалари ҳам борлиги ўрганилаётган ушбу тадқиқот орқали ҳозирги кунда Куръон-шунослик, манбашунослик, кутубхоначилик, давлатчилик тарихи ва бошқа шунга яқин соҳаларда янги-янги маълумотлар-

<sup>1</sup> Маҳмудов Ш. Куръони карим – элларни боғлаб турувчи мустаҳкам қудратли восита // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 2. – Тошкент. 2010. 85-87-бетлар.

ни аниқлаб, янги илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Шунингдек янги номларни аниқлашда яъни персоналграфияга катта улуш қўшади деб ҳисоблаш мумкин.

Қўриб чиқилган нусхалар ичида кутубхонага вақф қилинган, мадрасага вақф қилинган, шахсий кутубхона учун қўчиртирилган, ўғирланган, бир нусхада икки муҳр ва аёллар томонидан вақф қилинган ҳолларининг гувоҳи бўлдик.

Уша давр тарихини ёртишда мазкур Куръон нусхаларидаги маълумотлар жуда қизиқдир. Бу умуман китобат санъати ва Марказий Осиё маданияти билан шуғулланувчилар учун муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

**Резюме.** В данной статье описаны рукописные книги, отправленные правителями центральноазиатских ханств в качестве ценных подарков в другие страны. Они занимали важное место в посольской миссии и многие из них хранятся в различных библиотеках мира.

**Summary.** The article is described manuscripts sent as valuable gifts to other countries by the rulers of Central Asian khanates. They occupied an important place in the ambassadorial mission and many of them are kept in various libraries of the world.

## XVI АСР БУХОРО ХОНЛИГИДА ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ЭЛЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

А.Х.Қандаҳаров

Маълумки, тасаввуф таълимоти маънавий меросимизнинг таркибий қисмларидан биридир. Бу таълимот бугунги кунда дунёвий жамият фуқароларини баркамол қилиб тарбиялашга, уларда одоб-ахлоқ, инсонийлик, ҳалоллик, поклик, камтаринлик, камсуқумлик, адолат, инсоф-диёнат каби маънавий фазилатларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Инсоннинг рухий-ахлоқий покланиши, илохий муҳаббат билан юксалиб бориши бу таълимотнинг асосий ғоясидир. Шу билан бирга тасаввуф айрим вакиллари қалтис сиёсий вазиятларда беҳуда урушларни олдини олишга ҳаракат қилган ва кўп ҳолларда буни уддасидан чиққан.

Марказий Осиёда Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлигидан сўнг Шайбонийлар сулоласи Абдуллахон II (1557-1598) марказлашган давлатни барпо қилишга ҳаракат қилди. Абдуллахон II ҳарбий-сиёсий ва дипломатик муваффақиятларига эса карманалик машҳур тасаввуф алломаси Қосим Шайх Азизон муносиб ҳисса қўшди.

Қосим Шайх Азизон ҳаёти давомида бошқа яссавия тариқати вакиллари билан фарқли ўлароқ жамият ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, Абдуллахон II нинг мамлакатни бирлаштириш ва марказлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлади. У тарқоқ бекларни марказий ҳокимиятга бўйсундиришда элчи сифатида фаол иштирок этди. Натижада Абдуллахон II таклифи билан Қосим Шайх бир неча вақт пойтахт Бухорода истиқомат қилган. Қосим Шайх номи Бухорода ҳам машҳур бўлиб, кейинги асрларда ҳам Бухоро шаҳрида унинг номида гузар, мазор ва масжид бўлганлиги манбаларда айтиб ўтилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий дав-

лат архивида сақланаётган XIX асрга тегишли вақф ҳужжатларида Бухорода Қосим Шайх масжиди ва унга тегишли бўлган бир қанча ер-мулкларни Ҳазратнинг Бухорода истиқомат қилаётган авлодларига меросий вақф қилиб берилиши ҳамда улардан келадиган даромадларни Бухоро амири Музаффархон (1860-1885) буйруғи билан берилган вақф ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>.

1569 йилда Туркистон ва Самарқанд ҳукмдорлари Бобо султон ҳамда Саййид султонлар Абдуллахон II билан сулҳ тузишда воситачи бўлишини сўраб Қосим Шайхга мурожаат қилади. Султонлар илтимосига биноан Қосим Шайх улар ҳузурига келади ва жуда катта иззат-икром билан кутиб олинади. Султонларнинг вакиллари Шайхга қуйидагиларни баён этадилар: «Бизнинг султонлар исённи бас қилдилар ва адолат йўлини тўтиб шундай демоқдалар: «Бизнинг бир ҳовуч калондимоғларимизнинг манманлиги туфайли шундай катта мамлакатнинг хонавайрон этилиши мусулмончиликдан йироқдир. Агар хон (яъни Абдуллахон) Бухорога қайтиб, ғалаён оловини ўчирса, маъқул бўларди»<sup>2</sup>. Шунингдек, улар Қосим Шайхдан унинг вазифасига кирувчи барча ишларни, яъни Абдуллахонга орифона маслаҳатлар бериб, уни исён йўлидан қайтаришни сўраб, илтимос қиладилар. Қосим Шайх Азизон фуқаро аҳволига ўта жиддий муносабатда бўлиб икки ўртада сулҳ йўлини тутади ва бир гуруҳ амирлар ҳамроҳлигида Бухорога, Абдуллахон II ҳузурига йўл олади. Хон Қосим Шайх даъватига эргашиб, унинг эзгу истагини бажаришга рози бўлди ва мактубда қайд этилган талабларни қабул этди. Шундан сўнг Абдуллахон энг яқин кишилари Хўжа Ҳасан Нақиб, амир Жоналибий ва бир гуруҳ амирларни Қосим Шайх бошчилигида мухолиф кучлар билан музокара олиб бориш учун жўнатади. Музокаралар натижасида икки томон ўртасида сулҳ битими имзоланади

<sup>1</sup> ЎзР МДА. И-323-фонд, 1-руйхат, 1200-йиғма жилд.

<sup>2</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси. – Тошкент. 1999. 222-бет.

ҳамда Самарқанд ва Туркистон султонлари ўз юртларига қайтиб кетади. Ушбу муваффақиятли келишувдан сўнг кейин Қосим Шайхнинг сиёсий мавқеи янада мустаҳкамланади.

Манбаларда қайд этилишича, Қосим Шайх саъй-ҳаракатлари билан бутун вилоят осойишта, фуқаро фаровон, мамлакат хавфсиз эди. У халқ манфаатлари ҳимоячиси сифатида солиқ йиғувчилар томонидан аҳолига оргиқча тазйиқ ўтказишларга ҳам қарши бўлган. Фуқарони адолатсизлик, зўравонлик, султонлар ўртасидаги ўзаро низоларнинг оғир оқибатларидан халос этиш учун бутун куч ғайратини сарфлайди.

1551 йилда Туркистон ва Тошкент ҳокими Наврўз Аҳмадхон қатта қўшин билан Миёнқол ва Офарикентни босиб олиш учун келаётганини эшитган ҳокимлар ҳар томонга тарқаб кетади. Ҳатто, Абдуллахон II нинг отаси Искандархон ҳам Андахуд ва Шибирғон томонга қочади. Бироқ, 17 ёшли Абдуллахон II Қосим Шайх ёрдамида Кармана қалъасини ҳимоя қилади. Наврўз Аҳмадхон Карманани 12 кун қамал қилади, бироқ уни ололмайди. Қалъа ичида Қосим Шайхнинг борлиги сабабли Абдуллахон II билан сулҳ тузишга мажбур бўлади ва орқасига қайтиб кетади натижада вайронагарчиликларнинг олди олинади. Бу воқеаларни Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон қуйидагича келтиради: «Абдуллоҳ султон ибн Искандар султон ёш жиҳатдан ҳаммадан кичик бўлишига қарамай, катталарнинг ишини қилиб, Кармина қалъасини мудофаа уруши учун беркитди ва қалъа деворини мустаҳкамлади. Муҳолифга қарши жангу жадалга отланиб, тарафлар ўртасидаги уруш ўн икки кун давом этгач, душманлар ишлар битмаслигини англашди. Одам юбориб валийлик паноҳи Дарвеш Шайх Алиободийни келтирдилар ва у орқали сулҳ битимини ўртага солдилар ҳамда Кармина қалъаси ичидаги ҳазрат Қосим Шайх Азизон хазирасига юзланиб, ўша ерда икки томондан аҳду паймон юзага чиқди ва муҳолифлар ўша ердан қўзғалгунча ҳар ким ўз юртига кетишди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. – Тошкент. 2009. 164-бет.

1551 йилдаги Кармана сулҳи Қосим Шайхнинг диний, сиёсий нуфузини янада оширди. Шу йили у Абдуллахон II нинг илтимосига кўра Кармана қўрғони мудофасини ташкил этиб, унга кўмаклашиш ҳамда муҳолиф билан Абдуллахон ўртасида сулҳ тузилиши учун шахсан ўзи ташаббус кўрсатди. Музокараларда бевосита иштирок этди.

Қосим Шайх умрининг иккинчи босқичини Карманада, хонақосида ўтказгани, бу ерда тариқат тарғиботи, муридлар тарбияси билан бир қаторда мамлакат ҳукмрон доираларининг ижтимоий-сиёсий ва дипломатик фаолиятида фаол аралашгани ҳам кўзга ташланади. Бир сўз билан айтганда, айнан ўша даврда замонасининг ягона руҳий раҳнамоси сифатида: биринчидан – яссавия тариқатининг мавқеини оширди; иккинчидан – Карманани тасаввуф марказига айлантирди; учинчидан – ҳукмдорлар ўртасида ўзаро сулҳ ва битимлар тузилишида элчилик вазифасини ҳам бажарди.

Қосим Шайх Азизоннинг ҳаёти ва фаолияти Шайх Худойдод Валидан кейин яссавия тариқатини кенг тарғиб қилган шахс сифатида тадқиқ этилди. У Бухоро хонлигида вужудга келган ички зиддиятлар кучайган бир даврда яшади ва мамлакат осойишталиги учун зарур бўлган муҳим элчилик ишларини амалга оширди. Қосим Шайх билан Абдуллахон II ўртасидаги яхши муносабатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда ўз аксини топди. Хусусан, Қосим Шайх Абдуллахон II ни ҳокимият тепасига келишини қўллаб-қувватлади. Абдуллахон II Қосим Шайхга бўлган ихлос-эътиқоди натижасида 1558 йил Карманада хонақоҳ барпо этди. Бу хонақоҳда масжид ва мадраса ҳам қурилиб, яссавия тариқатини янада ривожланиши учун шароит яратилди. Шайх Худойдод Вали, Қосим Шайх Азизон ва уларнинг издошлари Марказий Осиё, хусусан Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлди. Жумладан, шайбонийлар сулоласи вакилларида Муҳаммад Шайбонийхон (1500-1510), Абу Саъидхон (1531-1533), Убайдуллахон (1533-1539) ва Абдуллахон II (1583-1598)

хукмронлиги даврида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ушбу тарикат намояндаларининг бевосита ёки билвосита раҳнамолиги остида кечди. Диний уламоларнинг элчилик ва мурасозлик фаолияти туфайли кўп ҳолларда ҳукмдорлар ўртасида ўзаро келишув сулҳлари тузилган, натижада беҳуда урушлар ва ортикча кон тўкилишларининг олди олинган.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрлар давлатчилиги учун хос бўлган диний уламоларнинг сиёсий ҳаётга таъсири XVI асрда ҳам давом этди ва бу ҳолат, айниқса, Шайх Худойдод Вали, Қосим Шайх Азизон ва Жўйбор шайхлари фаолиятида яққол кўзга ташланди. Абдуллахон II (1557-1598) ҳукмдорлиги Моварауннаҳр ўлкасида сиёсий яхлитликни сақлаб қолишга охириги уриниш бўлди ва ана шундай сиёсий таҳликали даврда Карманада яшаб фаолият юритган аксарият шайхлар ўз қарашларида бир мақсадни, яъни юрт тинчлиги ва осойишталигини, халқнинг бахту-саодатини ва замона ҳукмдорларини инсоф ва адолатга чорлашни ифода қилди. Шайх Худойдоднинг Мирзо Бобур ва Шайбонийлар ўртасидаги сиёсий муносабатларга аралашуви ва бунда Убайдуллахонни қўллаб-қувватланиши эса уларнинг давлатчилигимиз тарихида тутган муҳим ўрнини англатади.

**Резюме.** В данной статье на основе материалов письменных источников анализируются некоторые аспекты дипломатической деятельности суфийских лидеров на примере знаменитого суфийского ученого из Карманы Касима Шейха Азизана, который занимал особое место в социально-политических и дипломатических процессах в регионе в XVI веке.

**Summary.** The article is analyzed some aspects of diplomatic activities of leaders of Sufi orders on example of the famous Sufi scholar Qasim Sheikh Azizan from Karmana who took an important place in the socio-political and diplomatic processes of the region at the 16th century.

## БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ БИЛАН ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ҲАЖ ЗИЁРАТИ

т.ф.н. Г.М.Таниева

XVI-XIX асрларда Ўрта Осиёдан бошланган асосий ҳаж йўллари Эрон, Россия, Ҳиндистон ва Усманийлар давлатлари ҳудудларидан ўтган. Шу боисдан Ўрта Осиё ҳаж зиёрати масаласи ана шу давлатларнинг дипломатик, элчилик муносабатлари тарихида ўз аксини топган. Хусусан, Бухоро амирлиги билан Усманийлар давлати ўртасидаги алоқаларга доир айрим тарихий ҳужжатлардаги маълумотлар бу фикримизни тасдиқлайди. Мақолада Туркия Республикасининг Истанбулдаги архив фондларидан ўрин олган баъзи ҳужжатлардаги маълумотлар таҳлил қилиниб, илмий хулосалар берилади.

XVI асрда Ўрта Осиё ҳаж йўли масаласига доир Россия, Усманийлар императорлари ва Ўрта Осиё ҳукмдорлари ўртасидаги элчилик муносабатлари 1554-1556 йилларда Россия томонидан босиб олинган Астрахан ва у орқали ўтган йўллар билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. 1568 йилда Хоразм шоҳи Ҳожи Муҳаммадхон (1558-1602) Султон Салим II (1566-1574) ҳузурига махсус элчи жўнатади. Бу элчи Хоразм хонининг султонга Россия босиб олгач, қатнаш қийинлашган Астрахандан ўтган ҳаж йўлини қайтадан очиш ва бу ҳудудни озод қилишни сўраб ёзган мактубини келтирган эди<sup>1</sup>. Шу мазмундаги хатлар Ўрта Осиёнинг бошқа ҳукмдорлари томонидан ҳам тез-тез жўнатилиб турилгани хусусида бошқа тадқиқотимизда батафсилроқ тўхталиб ўтганмиз<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Divan-i-Humayun Muhimme Desterleri Baevakalet Arcivi. Istanbul, VII. 985. No. 2, 723.

<sup>2</sup> Таниева Г.М. XVI асрда Россия-Туркия-Ўрта Осиё муносабатларида ҳаж йўли масаласи // O`zbekiston tarixi. №. 4. – Тошкент. 2015. 13-22-бетлар.

Султон Салим II ҳам Хоразмга ёзган жавоб мактубида Эрон орқали ҳаракатланган ва асирга тушган бир қанча зиёратчиларни озодликка чиқариш ва Астрахан йўлини қайта очиш масалаларида ёрдам беришга ваъда қилади<sup>1</sup>. Демак, Хоразм ва Ўрта Осиёнинг бошқа ҳукмдорларидан келган элчилар ўзига юкланган вазифани аъло даражада бажарган, деб хулоса чиқарса бўлади. Чунки султон фақат ваъда берибгина қолмасдан, бу масалада амалий ишга киришади. Яъни, 1569 йил ноябрида Султон Салим II бу ишга амалий жавоб сифатида подшо Иван IV га элчи орқали мактуб жўнатиб<sup>2</sup>, унда Рус подшосидан Астрахан йўлини ҳаж зиёратчилари ва савдогарлар учун очишни сўрайди. 1571 йил 14 мартда Иван IV Салим II га унинг талабларини бажаришга ваъда бериб ёзган мактубини элчи Андрей Кузминский орқали жўнатади. 1572 йил декабрда султон Салим II Астрахан йўлини очгани учун подшо Иван IV ҳузурига элчи жўнатиб, унга мактуб орқали миннатдорчилик билдиради<sup>3</sup>. Астрахан орқали ўтган ҳаж йўлининг очилиши бевосита ва билвосита Ўрта Осиёдан Усманийларга юборилган элчиларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси эди. Гарчи архив ҳужжатларида ўрта осийлик элчиларнинг дипломатик маҳорати ҳақида маълумотлар келтирилмасан-да, улар турк султонига ўз фикрларини аниқ баён қила билганлар ҳамда мақсадларини етказиб бера олганлар.

Туркия Республикасининг Истанбулдаги Бошбақанлик архивида сақланаётган ҳужжатлар кўпчилик элчиларнинг ҳаж зиёратига ҳам борганлигини кўрсатади. Улар Истанбулга элчи сифатида келган ва султоннинг махсус ёрдами ҳамда ҳурмат-эҳтиромидан фойдаланиб, Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилган. Ушбу маълумотлар кўриб чиқиладиган масалаларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Хусусан, архив фондининг хатлар бўлимида 20/928-рақами

<sup>1</sup> Muhimme Defterleri Baevekalet Arşivi. VII. 985. No. 2, 723.

<sup>2</sup> Посольская книга, № 2. – С. 56; Смирнов Н.А. Россия и Турция в XVI-XVII вв. 121-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 125-бет.

билан сақланадиган ҳужжат 1786 йилнинг 23 октябр санасига тегишли бўлиб, у турк султони Абдулҳамид I томонидан чиқарилган буйруқдир<sup>1</sup>. Унда асосий ҳаж қарвони билан Макка, Мадина каби муқаддас шаҳарларни зиёрат қилиб, Истанбул орқали қайтаётган бухоролик Муҳаммад Зокир исмли шахс тилга олинади. Ҳужжатнинг мазмунидан шуни англаш мумкинки, у Истанбулда ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиладиган расмий ҳаж қарвонига қўшилиб, Маккада ҳаж сафарини амалга оширган ва яна ўз ватанига Истанбул орқали қайтган. Юқорида тилга олинган ҳужжатнинг ёзилишидан асосий мақсад турк султони томонидан Муҳаммад Зокирнинг барча йўл харажатларини қоплаш учун маблағ ажратилиши ҳақида маълум қилишдан иборат бўлган.

Ушбу ҳужжатда Муҳаммад Зокирнинг расмий элчи эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Эҳтимол, унинг Истанбулга келишидан асосий мақсади Маккага ҳаж сафарини амалга оширишдан иборат бўлгандир. Лекин бу ҳужжатда унга Истанбулдан Бухорога қайтишда элчига қўйилган вазифа, яъни султоннинг Бухоро хони вазиридан келган хатга ёзилган жавоб мактубини олиб бориш вазифаси юклатилганлиги ҳақида маълумот бор. Шунингдек, ҳужжат мазмунидан маълум бўлишича, Бухоро хонининг вазири ёзган хатни ҳам Муҳаммад Зокирнинг ўзи олиб келган. Агар унинг Истанбулга ташрифининг асосий сабаби ҳаж зиёрати бўлган тақдирда ҳам унга Бухоро хони вазиридан турк султони ва аксинча султондан вазир номига ёзилган хатларни олиб бориш вазифаси топширилган бўлиши мумкин. Эҳтимол, бу шахс ё савдогар ёки ўз даврини кўзга кўринган кишиларидан бири бўлгандир. Келгусидаги изланишларимизда бу масалага аниқлик киритишга ҳаракат қилинади.

<sup>1</sup> Başbakanlık Osmanlı Arşivi. (Istanbul, Turkey). Xat. No. 20/928 / The History of Central Asia in Ottoman documents / International Institute for Central Asian Studies and Society of Turkish Archivists. – Samarkand. 2011. Volume.I. – P. 14.



Эҳтимол, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларининг Усманийлар империяси қўл остида эканлиги, Истанбулда ҳар йили тантанали тарзда расмий ҳаж карвони ташкил этилиши ва бу карвонга қўшилиб Маккагача сафар қилиш хавфсизлик нуқтаи-назаридан анча қулай эканлиги каби омиллар Истанбулга ташриф буюрган ўрта осийлик элчиларни бир йўла ҳаж маросимида катнашиш имкониятидан фойдананиб қолишга ундагандир. Чунки Туркия Республикасининг Бошбаканлик архивида сақланаётган кўпгина ҳужжатлардаги маълумотлардан Бухоро элчиларининг ҳаж зиёратини амалга оширгани ҳақида билиб олиш мумкин. Масалан, архивда 1811 йилнинг 25 январи санасига (ҳижрий 1225 йил 29 зулҳижжа) оид бир ҳужжат<sup>1</sup> - турк султонининг ҳаж сафаридан қайтган Бухоро элчиси Мирза ҳожи Собирга ва унинг молларини қайтаришга доир буйруғи сақланади. Бу ҳужжат ҳаждан қайтаётган Мирза ҳожи Собирга тегишли молларни ўзбошимчалик билан олиб қуйган Шом вилоятининг собиқ ҳокими Абдуллоҳ пошшанинг мол-мулкларини тўлов бадали сифатида сотиш ҳақида ёзилган. Мирза ҳожи Собир Макка зиёратини амалга оширишидан олдин Истанбулга Амир Ҳайдардан (1800-1826) мактуб олиб келган эди. Демак, Бухоро элчиси юқорида айтганимиздек, бир йўла Макка зиёратини ҳам амалга оширган.

Ушбу ҳужжат матнида султон томонидан Мирза ҳожи Собирга ҳаж сафари йўл харажатлари учун маблағ ажратилганлиги баён қилинган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Истанбулда бухоролик элчи ва ҳожилик мақомига эришган зиёратчига алоҳида ҳурмат кўрсатилган. Шунингдек, ҳужжатда ҳаждан қайтишда ундан олиб қўйилган моллар Абдуллоҳ пошшанинг мол-мулки ҳисобидан ундирилиб, эгасига қайтарилгани ҳам маълум қилинади.

Шу ўринда Туркия Республикаси Бошбаканлик архиви фондларида 1417/57968 рақами билан сақланаётган яна бир хатдаги

<sup>1</sup> Başbakanlık Osmanlı Arşivi. Xat. No. 175/7617.

маълумотлар ҳам эътиборга молик. Чунки у юқорида келтирилган ҳужжагда баён қилинган воқеаларга боғлиқ маълумотларни бизга тақдим этади. 1811 йил 7 июль санаси билан ёзилган бу ҳужжат Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдарнинг султонга йўллаган мактубидир. Қизикарли жиҳати шундаки, амир хатида аввалги ҳужжатда тилга олинган Бухоро элчиси Мирза ҳожи Собирнинг номи яна бир бор келтирилади. Унда ёзилишича, ҳаж сафарида элчига унинг биродари амир Назар ҳам ҳамроҳлик қилган. Лекин амир Назар ҳаждан қайтишда йўлда вафот этади. Йўлда эса аввалги ҳужжатда номи зикр этилган Шом вилояти ҳокими Абдуллоҳ пошша ва бошқа амалдорлар томонидан марҳумнинг олтин ва қимматбаҳо моллари олиб қўйилган. Амир Ҳайдарнинг ушбу хатида ана шу олиб қўйилган моллар миқдори кўрсатилган. Хатда марҳумнинг молларини қайтариб, Бухорога жўнатиб юбориш сўралган. Демак, ҳукмдорлар томонидан элчиларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам эътиборли муносабатда бўлинган.

Шунингдек, архив ҳужжатларидаги маълумотларга қараганда амир Ҳайдарнинг Истанбулга келган яна бошқа элчилари ҳам ҳаж маросимини адо этиш шарафига муяссар бўлган. Жумладан, 782/36608-А рақамли 1820 йилга доир бир ҳужжатда амир Ҳайдарнинг ана шундай элчиларидан бири ҳожи Муҳаммад Фозил номи тилга олинади. Бу хат элчи томонидан султонга ёзилган илтимосномадир. Унинг мазмунидан маълум бўлишича, элчи ҳожи Муҳаммад Фозил ҳаж сафаридан яна Истанбулга қайтган ва султондан ўз юртига қайтаётгани хусусида ҳукмдори – Бухоро амири номига мактуб ёзиб беришини сўраган. Демак, ҳаж зиёратини амалга оширган бундай элчилар жамиятда икки томонлама ҳурматли шахс сифатида яъни расмий элчи сифатида давлат бошлиқлари томонидан, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилган ҳожи сифатида эса барча мусулмонлар томонидан алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган.

Бундай ҳожиларнинг дунё кўрган, уста дипломат сифатида Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳукмдорлари эътиборига тушгани ва элчиликка тайин этилганлиги тарихий маълумотлардан барчага маълум. Масалан, ҳожи Муҳаммад Фозилнинг ўзи Истанбулга бир неча бор элчи сифатида ташриф буюрган. Бошбақанлик архиви фондларидаги айрим ҳужжатлардаги маълумотлар ҳожи Муҳаммад Фозилнинг 1824 йил августида, 1826 йилнинг августида 1827 йил июлида элчи сифатида бир неча бор турк султони қабулида бўлганини, Бухоро ҳукмдорининг хат ва совғаларини султонга топширганини, ўз навбатида султон унинг харажатлари учун пул маблағлари ажратганини тасдиқлайди. Архивда 781/36557, 781/36556 ҳамда 1418/57993 рақамлари остида сақланаётган бу ҳужжатлар ҳожи Муҳаммад Фозилнинг бир марта эмас, Истанбулга элчи бўлиб келган вақтларида бир неча бор Маккага ҳаж амалларини бажариш учун сафар қилганини тасдиқлайди. Демак, элчининг Истанбулга ташрифидан кўзлаган асосий мақсади дунёвий иш – икки давлат ўртасида элчилик вазифасини адо этишдан иборат бўлган десак, диний мажбурият – ҳаж зиёратини қайта-қайта амалга оширишни ўзи учун бажарган. Ҳар сафар у султон томонидан қабул қилинганлиги ва совға, пул маблағлари билан сийланганлигини кўпроқ унинг расмий элчи бўлганлиги ва бу вазифани аъло даражада бажаргани билан изоҳласа бўлади. Тўғри, кўпинча ҳукмдорлар, бой савдогарлар ҳажга йўл олган ёки ундан қайтаётган зиёратчилар учун эҳсон қилган. Яъни уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъий-назар, йўл харажатларига маблағ ажратиш, текин ётоқхоналар – ҳожихоналар, такялар билан таъминлаш орқали «савоб» олишга ҳаракат қилганлар. Лекин бу ўринда, юкорида айтиб ўтганимиздек, элчига кўрсатилган эҳтиром расмий элчига ва ҳожига нисбатан бўлган иккита муштарак муносабатга асосланган.

Шу йилга тегишли яна бир нечта ҳужжатда ҳаждан қайтган ана шу элчи ҳожи Муҳаммад Фозилнинг номи тилга

олинади<sup>1</sup>. Булар султоннинг унга 7500 куруш пул маблағи ажратиш ҳақида ёзилган буйруғи, йўл давомида унга барча шароит ярагилиб, ёрдам берилганлигини ва Техронда Эрон шоҳи қабулида бўлганини султонга маълум қилиб ёзган мактубларидир. Улардаги маълумотлар ҳам элчига юксак эҳтиром билдирилганидан ҳамда унинг моҳир элчи ва дипломат бўлганлигидан далолат беради. Демак, бу маълумотдан ҳар йили Ўрта Осиёдан Маккага ҳаж учун йўл олган зиёратчилар ёки ҳожилик даражасига эришган элчилар тажрибали дипломат сифатида нафақат мусулмон халқлари, балки бошқа турли халқлар ўртасидаги элчилик алоқаларининг ривожланишида ва дўстона муносабатларнинг тараққий этишида муҳим ўрин тутган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки Макка ва Мадинани зиёрат қилган ҳожиларнинг моҳир дипломатлик хизматида нафақат Ўрта Осиё, балки Россия, Эрон, Ҳинд, Хитой ҳукмдорлари ҳам усталик билан фойдаланганлиги тарихдан маълум.

**Резюме.** Основные дороги паломничества, начинавшиеся с Центральной Азии в XVI-XIX вв. проходили в основном с территории Ирана, России, Индии и Османской империи. В связи с этим вопрос паломничества в хадж нашёл свое отражение в истории дипломатических и посольских отношений центральноазиатских государств. В частности, содержания некоторых архивных документов, хранящихся в архивах Турецкой Республики в Стамбуле доказывают наше предположение. В данной статье представлен анализ некоторых данных из этих документов.

**Summary.** Main roads of the hajj pilgrimage, begun from Central Asia in the 16th – 19th centuries, passed mainly from territories of

<sup>1</sup> Başbakanlık Osmanlı Arşivi. Xat. No. 782/36608; No. 781/36575; No. 815/37271. – Samarkand. 2011. Volume I. – P. 75, 72, 77.

Iran, Russia, India, and the Ottoman Empire. In connection with this the question of the Hajj pilgrimage was reflected in the history of diplomatic relations and embassy missions of Central Asian states. In particular, contents of some archival documents stored in the archives of the Republic of Turkey in Istanbul prove our supposition. This article is presented an analysis of some data of these documents.

### **ХІХ АСРГА ОИД «ХОРАЗМ САФАРНОМАЛАРИ»НИНГ ХИВА ХОНЛИГИДАГИ «ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ» ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ**

**т.ф.н. Н.А.Аллаева**

ХІХ асрга оид «Сафарномалар»да, яъни Хива хонлигига ташриф буюрган хорижий шахслар, жумладан кўшни давлат элчиларининг сафар кундаликлари ҳамда расмий хисоботларида «элчилик қоидалари» ва «қабул маросими»га оид маълумотларнинг нисбатан батафсил берилиши бу даврга келиб халқаро майдонда Ўрта Осиё, хусусан, Хива хонлигига бўлган қизиқишнинг ортганлигини билдиради. Кузатилган ҳолатлар бу даврда дипломатик этикет қоидалари янада қатъийлашгани ва унинг ҳар бир деталига алоҳида эътибор қаратила бошлаганидан далолат беради. Хива хонларининг музокаралар олиб бориш тартиби ҳамда қабул жараёнида ўзларини тутишларидаги қатъият рус элчилари томонидан алоҳида қайд этиб ўтилган. Бу эса, Хива ҳукмдорлари томонидан ҳам дипломатия қоидаларига кўпроқ эътибор қаратила бошланганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, айрим рус элчилари қайд этиб ўтган хонлардаги мағрурликнинг замирида ўзига хос эҳтиёткорлик табиати ётганлигини ҳам унутмаслик лозим. ХІХ асрда Хива хонлигига ташриф буюрган Эрон элчилари Муҳаммад Али Гафур (1842) ва Ризоқули Ҳидоят (1851-1852) ҳамда рус элчилари Н.Муравьев (1819-1820), П.Никифоров (1841) ва Г.Данилев-

ский (1842)ларнинг элчиликлари ҳамда уларнинг ҳисоботлари, сафар эсдаликларидан иборат «Сафарнома»лари Хива хонлари саройидаги «қабул маросими» ҳамда «элчилик хизмати» масаласини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Хива хонлари саройида хорижий элчиларни қабул қилиш жараёни кўплаб умумий ва айни пайтда айрим хусусий жиҳатларга эга. Ушбу жараёнлар эса, Хивада бўлган элчиларнинг «Сафарнома» йўналишидаги кундалик ва ҳисоботларида батафсил тасвирланган. Албатта, бундай асарлардаги маълумотларни маҳаллий манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш тадқиқотнинг илмийлигини оширади. Шу жиҳатдан, маҳаллий манбалардан «Фирдавсул-иқбол» ва «Риёз уд-давла» асарларини ХІХ аср «Сафарнома»лари билан таққослаб ўрганиш мумкин. Лекин хонларнинг ҳукмронлик йилларини хронологик тарзда баён этувчи бундай ёзма асарларда «элчилик хизмати» масаласи, жумладан, элчиларни кутиб олиш, қабул маросими ҳамда музокара жараёнлари ниҳоятда қисқа ва умумий тарзда бериб кетилган.

Шу сабабли, қабул маросими ва у билан боғлиқ жараёнларни қадам-бақадам қозғога туширишга ҳаракат қилган хорижий муаллифларнинг «Сафарнома»лари алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, Н.Муравьев ҳамда Г.Данилевскийларнинг эсдаликлари нисбатан батафсил маълумот беради.

Хорижий элчиларнинг «Сафарнома» ёки «Ахборотнома» кўринишидаги эсдаликлари нафақат Хива хонлиги ташқи алоқаларини, балки давлатчилик тарихининг кўплаб масалаларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эгадир. Элчиларни қабул қилиш ва у билан боғлиқ «элчилик хизмати»нинг бир неча босқичларга бўлиб тадқиқ этилиши эса ташқи алоқаларга оид информацион характердаги маълумотларни чуқурроқ таҳлил қилиш, уларнинг сабаб ва омилларини очиб беришга хизмат қилади. Шунингдек, «Сафарнома» йўналишидаги манбалардаги маълумотлар дипломатик қоидаларнинг муҳим ва ўзига хос нозик томонлари ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади. Бу эса, бугунги кун халқаро му-

носабатларининг тарихий илдизлари хақида тегишли билимга эга бўлиш ҳамда амалий хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Мақолада икки нафар Эрон ва уч нафар рус элчилари ҳамда уларнинг сафар кундаликлари борасида сўз юритилади. Асосий эътибор элчилар шахси ва улар қолдирган «Сафарномалар»нинг умумий таснифига қаратилган.

*Мирзо Ризоқули Ҳидоят (лолабоши) ва унинг «Сафоратнома-йи Хоразм» (1851-1852 йй.) асари*

Асар форс тилида ёзилган бўлиб, Эрон, Франция ва бошқа давлатларда нашр қилинган<sup>1</sup>. «Сафоратнома-йи Хоразм» асари Тошкент давлат Шарқшунослик институти хузуридаги Шарқ кўлёмалари маркази фондида ягона нусхада сақланади<sup>2</sup>. 1938 йилда асардан олинган айрим парчалар рус тилида чоп этилган<sup>3</sup>. Асар 2009 йилда ўзбек тилида нашр этилди<sup>4</sup>.

Шарқ кўлёмалар каталоги (СВР)да «Сафоратнома»нинг қисқача тавсифи берилган<sup>5</sup>. Унда муаллифнинг таржимаи ҳоли, отаси ва ўзининг Эрон ҳукмрон доиралардаги хизмати, шахсий иқтидори ва илмий-ижодий фаолияти хақида маълумот берилган. Каталогда 1851-1852 йилларда Хива хони хузурига юборилган элчиликнинг асосий мақсади келтирилган бўлиб, асарнинг мазмуни хақида жуда қисқа маълумот берилган.

<sup>1</sup> Relation de l'ambassade an Kharezm (Khiva) de Riza Qonlykhan. Pullee, Traduit et annote par Ch. Schefer (Paris, 1876-79); Rizaqulixan. Sifarotnama-i Xarazm. – Tehran. 1876.

<sup>2</sup> Мирзо Ризоқули. Сафоратнома-йи Хоразм. – Тошкент давлат Шарқшунослик институти хузуридаги Шарқ кўлёмалари маркази. Инв. № 9129. 41-варак.

<sup>3</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении XVI – XIX вв. Иранские, бухарские, хивинские источники / Под ред. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича, П. Иванова. Т. 2. –М.-Л., 1938. – С. 353. (кейин. МИТТ).

<sup>4</sup> Ризоқулихон Ҳидоят. Сафоратномаи Хоразм / Хоразм сафари кундаликлари / Форс тилидан таржимон: И. Бекжонов. – Тошкент. 2009. 53-231-бетлар.

<sup>5</sup> Сафоратнома-йи Хоразм. (Книга Путешествия в Хорезм) // Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. – Ташкент. 1998. – С. 376.

1800 йилда Техронда таваллуд топган Ризоқулихон Ҳидоят бин Муҳаммад Ҳоди Табаристоний зиёли оиласида дунёга келган. Маълумотларга кўра, унинг отаси мамлакат ҳукмдорларига яқин аёнлардан бўлиб, дастлаб Оға Муҳаммад Қожор (1779-1797) ва бир неча муддат Фатҳалишоҳ (1797-1834) ҳукмронлиги йилларида хазиначи лавозимида хизмат қилган<sup>1</sup>. Отасидан эрта етим қолган бўлсада, етарли даражада таълим-тарбия олиб, ўз даврининг илғор кишиси бўлиб етишган Ризоқули тез орада шох саройига яқинлашган. Ўзининг иқтидори билан алоҳида ажралиб турган шоир сифатида у Фатҳалишоҳнинг эътиборини қозонган ва «Амир уш-шуаро» унвонини олган. Саройда юқори нуфузга эришган Ризоқулихон 1834 йилда шахзодалардан, аввал Феруз Мирзо, сўнг Фаридун Мирзолар хузурида маслаҳатчи вазифасини бажарган, 1847 йилда эса, Ферузқоҳ ноҳиясига ҳоким қилиб қўйилган. Шох хонадонининг алоҳида ишончига сазовор бўлган Ризоқулихон шахзодалар тарбияси билан шуғулланишга муносиб деб, тониланган шахс эди<sup>2</sup>. 1848 йилда Насриддиншоҳ тахтга ўтиргач, Ризоқулихон маълум муддат давлат ишларидан четлашиб, асосан ижод билан шуғулланган.

Катта тажрибага эга бўлган давлат арбоби сифатида у 1851 йилда Эрон ва Хива хонлиги ўртасидаги дипломатик музокараларни олиб бориш учун Хоразмга элчи қилиб юборилган.

Элчиликнинг сиёсий жиҳатларини тадқиқ қилган олим Б. Маннонов, элчиликнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олмасдан ортга қайтганлигини қайд этса-да, воқеалар тафсилоти ўз даврининг етук билимдон шахси сифатида Ризоқулихон музокараларни катта дипломатик маҳорат билан олиб борганлигини кузатиш мумкин.

<sup>1</sup> Ризоқули Ҳидоятнинг таржимаи ҳоли хақида батафсил маълумот берган Б. Маннонов унинг оиласи, ижтимоий ҳолати, таълими ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратган. Қаранг: Маннонов Б. Лолабошининг Хоразм сафари // Шарқшунослик. – 1997. – № 8. 87-88-бетлар.

<sup>2</sup> Ризоқулихон аввал валиаҳд Аббос Мирзога, сўнгра валиаҳд Музаффариддин Мирзога «Лолабоши», яъни оталиқ этиб тайинланган.

Ризоқули Ҳидоят шахсига тавсиф берган Ч.А.Стори, у билан шахсан учрашган Гобинонинг фикрини келтириб ўтади: «Базмларнинг бирида мен Ризоқулихонни, яъни шоҳ биродарининг тарбиячиси оталиғи, Бухорода-Хоразмда бўлган элчи, тарихнавис, тилшунос ва ажойиб шоирни учратдим. У мен дунё мамлакатларида учратган энг ақлли ва ёқимли одамлардан бири эди»<sup>1</sup>. Ризоқулихон йирик олим, шоир ва тарихнавис сифатида ўз даврида катта ҳурмат қозонган форс алломаларидан саналади. У 20 дан ортиқ тарихий асарлар муаллифи бўлиб, тарихнавис сифатида ҳам катта эътиборга лойиқдир.

Ризоқулихоннинг «Хоразм сафоратнома»си, жумладан ундаги кўшлаб Хива хонлиги тарихининг муҳим жиҳатларига доир маълумотлар бугунга қадар кенг муомалага тортилмаган. «Сафарнома» Хива хонлигининг Эрон давлати билан олиб борган дипломатик алоқалари тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади.

Хоразмга махсус топшириқ билан юборилган Ризоқулихонга дипломатик музокаралардан ташқари «қўрилган ва эшитилган» барча нарсаларни батафсил ёзиб бориш, жой номлари, йўллар, дарёлар ва булоқлар, қишлоқ ҳамда овуллар ҳақидаги маълумотларни тўплаш борасида алоҳида кўрсатма берилган эди. Шунинг учун ҳам «Сафарнома»да Эрондан Хоразмгача босиб ўтилган йўл ҳақида батафсил маълумотлар олиш мумкин<sup>2</sup>.

*Муҳаммад Алихон Ғафурнинг «Рузнома-йи сафар-и Хоразм» («Хоразм сафари кундалиги») асари (1842 й.)*

Форс тилидаги асар Қожор давлати ташқи ишлар вазирлигига ҳисобот тарзида ёзилган. Шикаста настаълиқда битилган ҳисоботнинг қўлёзмаси мазкур вазирлик архивида сақланган ва 1976 йилда муаллифи номаълум архив материали сифатида

<sup>1</sup> Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Ч. I-III. – М., 1972. – С. 972.

<sup>2</sup> Аллаева Н.А. XVI – XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар. Тарих фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент. 2007. 139-154-бетлар.

чоп этилган<sup>1</sup>. Фақат 1994 йилдагина асар муаллифи аниқланиб, Муҳаммадҳасан Қовусий Ироқий ва Муҳаммад Нодир Насирийи Муқаддам каби эронлик олимлар томонидан қўлёзманинг факсимил нухаси ҳамда сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар билан нашр қилинган<sup>2</sup>. Асарнинг ўзбек тилига таржимаси айнан Техрон нашри асосида 2005 йилда амалга оширилди<sup>3</sup>. «Хоразм сафари кундалиги» 2009 йилда И.Бекжонов томонидан нашр этилган китобга ҳам киритилиб, қайта чоп этилди<sup>4</sup>. Унинг кириш қисмида ўзига хос қисқача тарихшунослик ва манбашунослик таҳлили ҳам берилган. И.Бекжонов асарнинг ёзилиш услуби ва жанри ҳақида тўхталар экан, унинг тарихий, адабий асар ёки хотира, саёҳатнома жанрида ёзилмаганлиги, балки Қожор давлати ташқи ишлар вазирлигига ҳисобот тарзида тайёрланганлигини қайд этган. У ерда кўрсатилишича, асар хусусиятидан келиб чиқиб, элчи воқеалар санасини изчил баён этиш, ҳатто ўз номини кўрсатишни ҳам лозим топмаган. Ҳикояда асосий ўрин фақат музокара тафсилотларига ажратилган, мавзу доирасидан деярли четга чиқилмаган. Муаллиф томонидан келтирилган сўзбоши ва киришда «Сафарнома»нинг аҳамияти, муҳим жиҳатлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, муаллиф халқаро муносабатлар ҳолатига ҳам баҳо бериб ўтган. Хусусан, XIX асрда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларидан Эронга юборилган элчиликлар, жумладан, 1812 йилда Бухородан Амир Ҳайдарнинг Али Ризо исмли элчиси, 1832 йилда Қўқон элчиси ҳамда Хивадан Муҳаммадшоҳ Қожор ҳузурига юборилган Отаниёз маҳрам, Дурдибек каби элчилар санаб ўтилган.

<sup>1</sup> Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги. (Эрон элчисининг хотиралари. XIX аср) / Форсчадан ўзбек тилига таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Тошкент. 2005. 7-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммад Алихон Ғафур. Рузнома-йи Сафар-и Хоразм. – Техрон. 1373. – 106 с.

<sup>3</sup> Муҳаммад Алихон Ғафур. Хоразм сафари кундалиги. 49-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. 235-бет.

Муҳаммад Али Ғафурнинг «Хоразм сафари кундалиги» ҳам бугунги кунга қадар кенг илмий муомалага тортилмаган манбалардан ҳисобланади. Муаллиф томонидан келтирилган Хоразм шаҳарларидаги меъморчилик обидалари, хунармандчилик маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар айрим тадқиқотларга жалб этилган<sup>1</sup>.

«Сафарнома»да Муҳаммад Алихон Ғафурнинг Хива хони Оллоқулихон (1825-1842) билан олиб борган дипломатик музокараси батафсил акс этган. Шу жиҳатдан асар икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тадқиқ қилишда муҳим манба ҳисобланади.

### *Н. Муравьевнинг «Хива ва Туркменистонга саёҳати»*

Николай Муравьев (1794-1866) – маҳаллий ҳарбий мутахассис, 1812-1814 йиллари Россия империясининг Эрон ва Туркияга қарши олиб борган урушларида иштирок этган, 1816-1828 йиллари Кавказ армиясида хизмат қилган. 1819-1820 йиллари рус армиясининг Кавказдаги бош қўмондони генерал Ермоловнинг топшириғи билан Боку-Каспий денгизи-Челекан ороли-Қорақум орқали Хивага борган.

1819-1820 йилларда Хива хонлигига юборилган капитан Н.Муравьев экспедицияси адмирал Н.Мордвиновнинг Каспий денгизи шарқий соҳилларида Россия таъсирини кучайтириш борасидаги ғояси ҳамда «Кавказ проконсули» А.Ермоловнинг ташаббуси билан ташкил этилган эди. Экспедиция тафсилотлари ҳақида маълумот берувчи «Сафарнома» Хива хонлиги тарихига оид муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Китобнинг сўз бошисида ўз сафарининг мақсадини баён қилган Н.Муравьев унга майор Понамарев билан бирга Каспий денгизининг шарқий соҳилини тавсифлаш, Хива ҳукмдори билан алоқа ўрнатиб, у ўлкаларни тасвирлаш вазифаси юклатилганлигини ва ушбу «кун-

<sup>1</sup> Тураева С. История ремесла Хивинского ханства во второй половине XVIII – 70-х годах XIX в. Автореф... канд. истор. наук. – Тошкент. 2010. – С. 13.

далиқлар»ини яширинча ўзи учун ёзганлигини маълум қилган. Муаллиф шундай маълумот берган: «Ўз юртимга қайтгач, кўпчилик мен борган юртлар ҳақида ҳамда саёҳат чоғидаги саргузаштлар билан қизиқишди. Ёзувларим тартибга солинмаган бўлиб, улар яқинларим ва жуда чекланган доирадаги кишиларнинг ўқиши учун мўлжалланган эди. Лекин, жуда кўпчиликнинг талабига кўра ўз кўрган-билганларимни нашр қилдим, гумондор халқ орасида имкон қадар билиш мумкин бўлган нарсаларни баён қилдим».

«Сафарнома» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Чегарадош Туркменистонга саёҳат», «Хива хонлигига саёҳат», «Қайтиш йўли» деб номланган уч бобдан ташкил топган<sup>1</sup>. Ушбу «Сафарнома» Хива хонлигининг XIX аср биринчи ярмидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида, айниқса «дипломатик этикет» ёки «элчилик хизмати» масалалари борасида атрофлича маълумот берувчи манбадир.

Н.Муравьев Хивада ҳар қандай рус кишисини катта хавотир билан, яъни ҳалокат билан яқунланган А.Бекович-Черкасскийнинг Хивага юриши (1714-1717) учун ўч олинишидан қўрқиб қарши олинишини, ўзининг ҳам хоннинг ҳузурига катта қийинчиликлар билан кирганлигини маълум қилган<sup>2</sup>. У биринчи бўлиб учрашган киши хонликдаги мартабали кишиларнинг учинчиси бўлган Хожаш Маҳрам ҳақида ёзган. Унинг ҳузурига олиб бориш учун келган одамлардан бири Хожаш Маҳрамнинг отаси отчопар Оллоберди – асли форс қулларидан эди. Шу ўринда Н.Муравьев отчопар, юзбоши, маҳрам лавозимлари ҳақида тўхталиб ўтган. Н.Муравьев ўзининг биринчи бўлиб Хожаш Маҳрамнинг ҳузурига олиб кетилиши сабаблари-

<sup>1</sup> Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг. гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. – М., 1822. Ч. I. – С. 179; Ч. II. – С. 144.

<sup>2</sup> Записки Н. Муравьева // Русский архив. Кн. 3. – 1887. – С. 5-42.

ни баён қилар экан, бу мартабали шахсинг Астрахан билан олиб бориладиган савдода катта мавқега эга бўлганлиги учун хондан қабул масаласи ҳал бўлгунига қадар элчининг униқида меҳмон бўлишини сўраган. Н.Муравьев Хожаш Маҳрамнинг Элгелдидаги кўрғонини батафсил таърифлар экан, унинг девор билан ўралганлигини, бунинг сабаби эса, тез-тез бўлиб турадиган ўзаро урушлар, уруш бўлмаганда туркман қабила-ларининг ҳужумларидан сақланиш учун шундай истехкомлар қурилганлигини қайд этган. Н.Муравьев Хожаш Маҳрамнинг 10 яшар ўғли Абдусатторни (Абтессар) хон жуда ёқтириши ва у билан тез-тез шахмат ўйнаб туришини ёзган. Бу маълумотлар мазкур «Сафарнома»да хонликдаги вазият, саройдаги тартиб-қоидалар ва умуман осиеликларнинг ўзлари учун энг оддий ҳисобланган ҳолатлар ҳам эътибордан четдан қолмаганлиги, батафсил ёритилганлигидан далолат беради.

Н.Муравьевнинг ҳикояси орқали анъанавий қадриятлар ҳақида билиб олиш мумкин. Маълумки, тўққиз рақами Ўрта Осиеда хусусан, Хоразмда мукаммаллик ва ҳосият рамзи сифатида қадрланади. Масаланинг эътиборли томони шундаки, Хивага ташриф буюрган хорижий элчиларга ҳам бу нарса алоҳида уқтирилган. Хусусан, Н.Муравьев хон билан учрашишдан олдин унга топшириши керак бўлган совғалар қаторида ўн дона шиша идиш-стаканларни юзбошига кўрсатганда, у Хивада шишанинг ноёблиги ва улар хонга жуда ёқишини айтиб, лекин уларда тўққиз рақами бахтли ҳисобланганлиги учун ўн дона эмас, идишларнинг тўққизтасини ҳадя қилишни маслаҳат берган<sup>1</sup>.

Н.Муравьевнинг Хива хони ҳақида берган маълумотлари ҳам эътиборга лойиқдир. Рус элчисининг таърифлашича, ўз юртдошлари билан таққосланганда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) анча маърифатли инсон бўлиб, у она тилидан ташқари араб ва форс тилларида гапирган ҳамда шу

ёзувларда ўқиган ва ёзган, астрология ва табобат илмидан ҳам маълум даражада хабардор бўлган.

### Прокофий Никифоровнинг «Хивага элчилиги»

Капитан П.А.Никифоров 1839 йилдаги Хива юриши чоғида генерал Перовскийнинг шахсан ёнида бўлиб, унинг ўнг қўли ва штабнинг норасмий (*de facto*) бошлиғи ҳисобланарди. Генерал Перовскийнинг Никифоровда кадрлайдиган энг асосий нарса бу унинг қалами эди: у ёзувда шунчалик моҳир эдики, бу борада ундан бошқа ҳеч ким ёш ва бир мунча инжиқ бошликнинг кўнглига йўл топа олмасди. Хива юришининг зарурлиги масаласида бош штабнинг Петербург билан олиб борган барча ёзишмалари ҳам айнан Никифоровга тегишли эди. Юришдаги хизматлари учун унга 1840 йилда капитан унвони берилиб, тўртинчи даражали Владимир ордени банти ва қиличи билан тақдирланган. Никифоров билан бирга имкон бўлса яширин тарзда чизмалар қилиш учун икки нафар унтер-офицер унвонидаги топограф Петров ва Челпановлар, карвон боши ва 12 нафар Урал казаклари элчилик таркибида Хивага йўл олишган. Импровизациялаштирилган ушбу «миссия» Оренбургдан Хивага 1841 йил августида йўлга чиққан. Афсуски, унинг кейинги тақдири ва натижалар ҳақида деярли ҳеч қандай ёзма маълумот қолмаган. Масала шундаки, миссиясини тугаллаб, Оренбургга қайтган Никифоров ҳисобот ёзишга киришган вақтда, ҳарбий вазирнинг буйруғига кўра Петербургга чақирилган. Йўлда онаси яшаган қишлоққа кириб ўтмоқчи бўлган Никифоров шу ерда юрак ёрилишидан вафот этган. Тезликда унинг ҳужжатларини олиб келиш учун юборилган Г.Данилевский у ерда тушунарсиз белгилар билан ёзилган айрим қоғоз парчаларидан бошқа нарса топмаган эди. Чунки, у ёзувлари Хивада бирор кишининг қўлига тушиб қолишидан хавотир олиб, кундалик ҳам юритмаган эди. Миссиянинг натижасиз якунланганлиги ҳақида эса, топографовлар Петров ва Челпановларнинг берган кўрсатма-

<sup>1</sup> Путешествие в Туркмению и Хиву ... Ч. II. – С. 127.

лари орқали маълумот олинган эди. Уларнинг хабар беришича, мувафаккиятсизликнинг асосий сабаби, Никифоровнинг Хива хони вазирлари билан кўпол муомала қилганлиги, жумладан, биринчи мулоқотдаёқ «кийим танага ёпишганидек, сизлар Россияга ёпишиб олишингиз керак. Чунки, Россия шу қадар катта салтанатки, агар устингизга йикилса, менинг пойафзалим ердаги майда-чуйда ҳашаротларни янчганидек, сизларни янчиб ташлайди» деганга ўхшаш гапларни айтган. Албатта, бундай «сўзамоллик» Хива амалдорларига ёқмаган эди. Айниқса, яқиндагина Перовский юришининг мағлубиятига гувоҳ бўлган хиваликлар ҳамон бу сурурнинг таъсирида эди. Ушбу миссиянинг ягона натижаси Хивадан уларга қўшиб Ваисбой бошчилигидаги 16 кишидан иборат элчиликнинг юборилиши бўлган. Элчи Хива хони Россия билан расмий шартнома тузишга қарши эмас, деган фикрни билдиргач, Россия империяси ташқи ишлар вазирлигида Хивага махсус элчилик юборишга қарор қилинган. Элчиликка раҳбарлик қилиш ўша даврда катта нуфузга эга бўлган полковник Г.Данилевскийга топширилган эди. У Хива юриши чоғида Перовский кўшининг авангард қисмига командирлик қилган иродали ва жасоратли саркардалардан бири эди. Юришдаги хизматлари учун Г.Данилевский полковник унвони ва тўртинчи даражали Владимир ордени ва қилич билан тақдирланган эди.

### *Г. Данилевскийнинг «Хивага элчилиги»*

Россия ҳукуматининг махсус топшириғи билан 1842 йил Хивада бўлган подполковник Г.Данилевскийнинг Хива хонлиги тавсифига бағишланган «кундалиги» катта миқдордаги қимматли маълумотларни ўзида акс эттирган. Дипломатик агент сифатида хонликка юборилган Г.Данилевскийга Россия-Хива муносабатларидаги очиқ қолган масалаларга изоҳ бериш ва аниқлик киритиш вазифаси юклатилган эди. Унга натуралист-табиатшунос олим Ф.Базинер, чегара комиссиясининг амалдори шарқшунос В.

Григорьев, икки нафар топограф ва кузатувчи казаклар бўлими ҳамроҳлик қилган. Бир ярим ойлик йўлдан сўнг Хива чегараларига етиб келган миссия аъзолари фахрий амалдорлар ва Оллокулихоннинг қуролли қисми томонидан кутиб олинган. Улар хонлик пойтахтидан узоқ бўлмаган Тошовуз шаҳрига жойлаштирилган. Бу вақтда Хива хони Бухорога қарши ҳарбий юришда иштирок этаётган эди. 1842 йилнинг октябрида катта ютуқларга эриша олмаган Оллокулихон Хивага қайтган. Ниҳоят музокаралар бошланган. Лекин, тез орада касал бўлиб қолган Оллокулихоннинг вафот этиши билан бу музокаралар тўхтатилган. Россия-Хива ўртасидаги шартномага хоннинг ўғли Хива тахтига ўтирган Раҳимкулихон имзо қўйган.

Г.Данилевскийнинг таъкидлашича, унинг ёзувлари ўз кўзи билан кўрган ва сўраб суриштирилган, ишончлилигига шубҳа бўлмаган маълумотлар асосида киритилган. Унинг ўзи бу ҳақда: «Хива амалдорлари ва умуман аҳолисининг гумондор феъл-атвори, шунингдек биз ишлашга мажбур бўлган шароит бизни бир неча бор танг аҳволга солиб қўяр, ўлкани ўрганиш учун зарур бўлган энг қулай имкониятлардан маҳрум қилар эди. Хиванинг тавсифини батафсил ёритиш учун бизга вақт ва Ўрта Осиёга оид айрим қўлланмалар ёки улар бўлмаганда ас қотадиган қобилият етишмас эди» деб ёзган. 1843 йил бошида Россияга қайтган Г.Данилевский шу йилнинг ўзида тўплашга муваффақ бўлган маълумотларни нашр қилган<sup>1</sup>.

Н.Залесовнинг «Военный сборник»даги мақоласида келтирилишича, рус ҳукумати томонидан берилган кўрсатмага мувофиқ подполковник Г.Данилевский хонга таклиф қилган сиёсий масалаларнинг асосини хонни Хивада рус ҳукуматининг доимий агентини қабул қилишга кўндириш, ҳеч бўлмаган-

<sup>1</sup> Залесов Н. Посольство в Хиву подполковника Данилевского // Военный сборник. № 11. – СПб., 1861. – С. 1-34; Описание Хивинского ханства. Составлено в 1843 г. подполковником Генерального штаба Г.И. Данилевским // Записки ИРГО. Кн. V. – СПб., 1851. – С. 62-153.



да дастлабки вақтларда бу агентнинг Хивага савдо карвонлари билан келиб туришига рухсат бериши масаласи ташкил этган. Музокаралар ва унда Хива хони Оллоқулихоннинг ўзини тутиши ҳақида тўхталиб ўтган Г.Данилевский, унинг қоматини тутиши, овозининг оҳанги ва музокараларни совуққонлик билан олиб бориши алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини қайд этган. Афсуски, бу музокара рус элчисининг Оллоқулихон билан охирги учрашуви бўлиб, хон узоқ касалликдан сўнг 23 ноябрда вафот этган. 25 ноябрда хоннинг ўғли Рахимқулихон (1842-1845) тахтга ўтиргач, музокаралар 27 ноябргача давом этган. Узоқ давом этган музокараларнинг натижаси ўлароқ Хива хонлиги томонидан Россия давлати билан дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги 9 банддан иборат шартнома имзоланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хорижий элчиларнинг «Сафарнома»лари сўнгги ўрта асрларда минтақадаги сиёсий вазият, бир қанча давлатлар билан бирга Хоразм тарихининг муҳим йўналишларига доир қизиқарли маълумотларни ўзида жамлаган. Улар бугунги кунга қадар етарли даражада тадқиқ этилмаган, келтирилган кўплаб материаллар илмий муомалага тортилмаган. Шу жиҳатдан, уларнинг ўрганилиши ҳамда маҳаллий манбалар ва архив ҳужжатлари билан қиёсий таҳлил этилиши янги маълумотларни аниқлаш, илмий-назарий ҳулосалар чиқариш имконини беради.

**Резюме.** В произведениях «Сафар-нама», написанных в XIX веке, а также в дневниках и официальных отчетах иностранных агентов и послов зарубежных стран, посетивших Хивинское ханство большое внимание было уделено описанию «правил организации посольского дела» и «процедуры приёма послов», что свидетельствует о росте международного интереса к государствам Средней Азии, в частности к Хивинскому ханству. В данной статье, на основе материалов письменных источников

XIX века, освещены некоторые моменты процедуры «приёма послов» и «посольской службы» в Хивинском ханстве.

**Summary.** In “Travelers” (“Safar-nama”), diaries and official reports of foreign agents and ambassadors of other countries, visited the Khiva khanate in the 19th century, much attention was paid to the description of the “rules of the organization of embassy affairs” and “reception procedure of ambassadors”, which indicates as an increase of international interest to Central Asian countries, in particular to the Khivan khanate. This article based on the materials of written sources of the 19th century is described some details of “procedures of the reception of ambassadors” and “the embassy service” in the Khivan khanate.

## КЎҚОН ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИНИНГ ЎЗARO ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР (XIX АСР)

т.ф.н. Н.Т.Полвонов

Бугунги кунда ҳаётимиздаги янгилашишлар, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сиёсий ўзгаришлар, ички ва ташқи сиёсатдаги асосий тамойиллар ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга. Ташқи сиёсатдаги тинчликсеварлик, ўзаро манфаатдорлик, ҳамкорлик, яқин қўшни мамлакатлар билан биродарлик тамойиллари азал-азалдан Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларнинг асосий анъанаси бўлиб келган. Ўзбекистоннинг ажралмас қисми бўлган Хоразм қадимдан қўшни ўлкалар билан элчилик дипломатик алоқалари олиб борган ҳудудлардан саналади. Хусусан, Хива хонлиги даврида Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Россия билан савдо-сотик ва дипломатик алоқалари йўлга қўйилган эди. Уч хонлик тарихини ўрганиш ёки уларнинг шарқ ва ғарб мамлакатларидаги бошқа давлатлар билан ташқи сиёсий алоқларини ўрганиш баробарида айна хонликларнинг бир – бирлари билан элчилик муносабатлари масаласи назардан четда қолмоқда ёки бу масалага олимлар нисбатан камроқ аҳамият бермоқдалар. Ваҳоланки, уч хонликнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлари тарихи масаласини ўрганиш уларга хос хусусиятларни аниқлашга катта ёрдам берган бўларди.

Мазкур мақолада XIX асрда Хива хонлигидаги маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган тарихий манбаларда Қўқон ва Хива хонлиги сиёсий, аниқроғи, элчилик муносабатлари тарихи қандай акс этганлиги ва қайси масалаларга асосий эътибор қаратилганлиги ҳақида фикр юритилади. Бунинг учун XIX асрда Хивада яратилган тарихий манбалар, жумладан Мунис (1778-1829) ва Огаҳий (1809-1874)

томонидан яратилган «Фирдавс ул-иқбол»<sup>1</sup>, Огаҳийнинг Оллоқулихон ҳукмронлиги даври (1825-1843) тўғрисидаги «Риёз уд-давла», Раҳимқулихон салтанати воқеаларини ёритувчи (1843-1846) «Зубдату-т-таворих»<sup>2</sup>, Муҳаммад Аминхон (1846-1854), Саййид Абдуллахон (1854) ва Қутлуғмуродхон (1855) ҳукмронлиги йилларидаги мураккаб ва зиддиятли воқеа-ҳодисалар ҳақидаги «Жоме ул воқеаи султоний», Саййид Муҳаммадхон замонига (1856-1865) доир «Гулшани давлат», Раҳимхони Соний – Феруз (1865-1910) ҳукмронлигининг дастлабки ўн йили васф этилган «Шоҳиду-л-иқбол»<sup>3</sup> асарларидан фойдаланилди. Бу асарларда Хива хонлигининг Қўқон хонлиги билан алоқалари, Қўқондан келган элчилар ва уларга ҳамроҳ қилиб жўнатилган элчилар ҳақидаги маълумотларни кўриш мумкин. Улар муайян даврлардаги Хива хонлари ва улар орқали хонлик тарихини акс эттиришлари билан биз учун аҳамиятли. Мазкур асарлар Хива хонлигида яратилганлиги сабабли, турган гапки Қўқон ва Хива хонликлари ўртасидаги элчилик муносабатлар Хива хонлигида яшаган тарихчи (Огаҳий) нигоҳи орқали берилади.

Қўқон хонлигида маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган тарихий асарларда ҳам мазкур давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳақида қимматли маълумотларни кўриш мумкин. Ушбу асарлар жумласига Аваз Муҳаммад Атгорнинг «Тарихи жаҳоннамои», Мирзо Қаландар Мушрифнинг «Шоҳномаи нусратпаём», «Мунтахаб ут-таворих» асарларини мисол қилиш мумкин.

1 Shīr Munammad Mīrab Munis and Muhammad Riza Mīrab Agahī. Firdaws al-iqbal. History of Khwarazm. Y.Bregel (ed.). – Leiden-New York-Kobenhaven-Köln, 1988; Firdaws al-iqbal. History of Khwarazm by Shir Muhammad Mirab Munis and Muhammad Riza Mirab Agahī. Transl. from Chaghatay and Annotated by Y.Bregel. – Leiden-Boston-Köln, 1999. Мазкур асарнинг ўзбек тилидаги нашри: Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол (Бахту саодат жаннати). – Тошкент. 2010.

<sup>2</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих: тарихлар сараси. – Тошкент. 2009.

<sup>3</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н.Шодмонов. – Тошкент. 2009.

XIX асрда Хива хонлигининг Қўқон хонлиги билан дипломатик алоқалари Бухоро билан бўлганлиги каби сурункали тарзда олиб борилганлиги кузатилмас-да, иккала давлатда кескин зиддиятли муаммолар кўринмайди. Мазкур давлатлар ўртасида ўзаро дўстона ҳамкорлик муносабатлар ўрнатилган.

XIX аср бошида Қўқон хонлиги сулоласи Хива тахтида ўз ҳукмронлигини эндигина бошлаётган бир давр эди. 1810 йилда Қўқонда тахтга ўтирган Умархон (1810-1822) ҳукмронлиги даври хонликда катта ўзгаришлар қилишга эришди. Хонликдаги ривожланишлар унинг кучини оширди. Умархон Қўқон хонлигини Бухоро амирлигига қарамликдан қутқариб, алоҳида кучга эга давлат бўлиши учун ҳаракат қила бошлайди. Унинг уринишлари натижасида Бухоро хонлиги Қўқон хонлигига нисбатан рақобатчи, кейинчалик душманлик кайфиятида бўла бошлайди. Мана шундай шароитда Қўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги учинчи катта хонлик – Хива хонлиги билан яқинлашиш сиёсатини олиб боради. Бу ҳаракат ортида Қўқон хонлигининг мавқеини ошириш учун уриниш ётганди. Масалан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) салтанатининг ўнинчи йили (1816 йил) ҳақида сўз юритилганда «Фирдавс ул-иқбол» асарида қуйидагилар келтирилади: «Ва яна улким, ҳазрати подшоҳи мағфур раби ул-охир ойининг йигирма бешинчи<sup>1</sup> куним, панжшанба эрди, Хиванинг ориқин коздурмоқ учун рукуб қилиб, кеча Сайёд ҳаволига нузул қилди. Сешанба куни Берди иноқ Бухоро элчиси била келди. Якшанба куним, хони мағфур қазув бошида эрди, Қўқон ҳокими Умархондин Саййид Муҳаммад хожи элчи бўлуб келиб, мулозиматга етти»<sup>2</sup>. Демак, 1810 йил ўрталарига келиб, Қўқон ва Хива хонликлари ўртасидаги муносабатлар яхшиланиб борган.

<sup>1</sup> 1230 йил 25-рабиъ ул-охир / 1815 йил 6 апрель.

<sup>2</sup> Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол (Бахту саодат жаннати). 414-бет.

Қўқон хонлигида яратилган «Шоҳномаи нусратпаён» асарида 1821 йилнинг май ойида Қўқон ҳукмдори Умархон саройига Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I номидан расмий мактуб билан келган элчилик ва унинг натижалари хусусида сўз боради. Бу воқеа «Тарихи жаҳоннамои» асарида даврий жиҳатдан 1813-1814 йиллардаги воқеалар тавсифидан ўрин олган<sup>1</sup>. Бухоро ва Хива сарой тарихчилари асарларида бу элчилик ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган. Лекин айти шу элчиликдан сўнг Хива ва Қўқон хонлиги томонидан Бухоро амирлиги чегара ҳудудларида олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар ўша йилдаги асосий воқеа сифатида биринчи ўринга чиқарилган. Муҳаммад Раҳимхоннинг Қўқон хони Умархонга юборган мактубида шундай жумлалар бор эди: «Агар мен томонга марҳамат назарлари билан ишора қилиб, саркашлиги била маълум бўлган Бухоро подшоҳининг аҳволини хароб қилишга амр қилсалар, агар Парвардигор ўз лутфи карами билан мададкор бўлса аминманки, уларни таг-туғи билан юлиб ташлардим. Ассалом аттақсир»<sup>2</sup>. Элчилар келтирган мактуб ва Умархоннинг унга жавоби Хива ва Қўқон хонлиги ўртасида Бухоро амирлигига қарши ҳарбий иттифоқ тузганлигини англатарди. Чунки бу икки томон ўртасидаги элчилик борди-келдиси учта давлат ўртасида юз берган ҳарбий-сиёсий жараёнларга бевосита алоқадордир. XIX аср бошида тахт тепасига келган учта ҳукмдор – Амир Ҳайдар, Муҳаммад Раҳимхон ва Умархон ўртасидаги муносабатлар маҳаллий манбаларда турлича ёритилган. Масалан, Амир Ҳайдар Умархонга тахтга ўтириши муносабати билан табриклар ҳадялар жўнатиб, дўстлик таклиф қилгани ҳақидаги матн сақланиб қолган. Балки Амир Ҳайдар ва Умархон ўртасида давлатлараро муносабатлар расмий анъанасига амал

<sup>1</sup> Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги тарихнавислиги. – Тошкент. 2010. 211-бет.

<sup>2</sup> Отахонов Ф. Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида 1821 йилда тузилган ҳарбий иттифоқ ва унинг оқибатлари («Шоҳномаи нусратпаён» маълумотлари таҳлил)

// O'zbekiston tarixi. №.2-сон. 2012. 26-бет.

қилган ҳолда шундай хат жўнатгандир. Ўрта Осиё минтақасида асосий таъсирга эга ҳукмдор мавқеини эгаллаш борасида ҳам кураш кетган бўлиб, бу кураш Қўқон ва Хива хонликларининг ўзаро яқинлашишига туртки бўлган. Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг бошлариданоқ Усмонли турклар давлати билан алоқаларини яхшилаб, Қўқон ва Хива хонликларини турк султони билан яқинлашишига тўсқинлик қилиб туради. Умархон билан Муҳаммад Раҳимхон даврида Хива-Қўқон муносабатлари анча яхши бўлганлиги маълум. 1822 йил баҳорида турк султони Султон Маҳмудхон (1808-1839)нинг ҳузуридан қайтаётган Умархон элчиси Ҳожимирқурбон хожа Хоразм орқали ўз юртига қайтган<sup>1</sup>. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон унинг хавфсизлигини таъминлаш учун икки элчини ҳамроҳ қилиб юборган. Бундан олдинроқ ҳам, яъни 1819 йилдаги Умархоннинг Усмонийларга юборган Ҳожимирқурбон бошчилигидаги элчилари Хивада тўхтаб ўтган<sup>2</sup>. Муҳаммад Раҳимхон уларга элчилар қўшиб юборган эди. Муҳаммад Раҳимхоннинг Бухорога қарши курашиш учун Қўқон билан иттифоқ тузишини тушунса бўлади. Чунки, биринчидан, Муҳаммад Раҳимхонга Умархондан бошқа амалий ёрдам кўрсата оладиган иттифоқчи топиш қийин эди. Қолаверса, Дашти Қипчоқдаги қозоқ жузларининг чегараш ҳудудлари бўйсундирилгач, Қўқон хонлиги бевосита Хоразм ҳудуди билан чегарадош давлатга айланиб, келгусида тинч қўшничилик муносабатларини кафолатлаш масалалари кўндаланг бўлган эди. Умархон Муҳаммад Раҳимхоннинг таклифини қабул этиб, Хива элчиларига Абдуҳолик қаровулбегини ҳамроҳ қилиб совға-саломлар билан жўнатади. Бу ҳол Бухорога қарши расман Хива – Қўқон ҳарбий иттифоқининг тузилганидан дарак беради<sup>3</sup>. Кўп ўтмай иттифоқчилар амалий

<sup>1</sup> Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи Жаҳонномаи // Шарк юлдузи. 1991. 8-сон. 124-125-бетлар.

<sup>2</sup> Муҳаммад Ҳакимтўра. Мунтахаб ут таворих. – Тошкент. 2008. 175-176-бетлар.

<sup>3</sup> Отахонов Ф. Қўқон ва Хива хонликлари ўртасида 1821 йилда тузилган ҳарбий

ҳаракатларни ҳам бошлаб юборишган. Хусусан, ўша йили рамазон ойининг 27 кунида (1821 йил 28 июнь) Хива қўшини Бухоро туманларига етиб келганлиги ҳақидаги хабар Умархон саройига маълум қилинган эди. Бу вақтда Умархон ҳам урушга алоҳида тайёргарлик кўргани шубҳасиз. Чунки Рамазон ҳайити ўтиши билан у ҳам 12 минг аскар билан юришга отланди<sup>1</sup>. Умархонга йўлда Мадалихон, Тўрақўргон ҳокими амирзода Султон Маҳмудхон, Дашти Қипчоқдан Абдулла султон ва бир қанча амирзодалар ўз одамлари билан келиб қўшиладилар. Умархоннинг бундай катта қўшин билан чиқиши бу урушга катта эътибор берилганлигидан далолат беради. Умархон ўз иттифоқчиси Муҳаммад Раҳимхон ҳамда Бухоро амирига мухолиф бўлган ички кучлар билан ҳам алоқада бўлиб турган. Хива хони келишувга кўра, 1821 йил ўрталарида Амударё бўйидаги Чоржўй мавзеида Амир Ҳайдар юборган қўшинларни енгиб, Бухоро ҳудудларига киради. Тахминан август ойида у Қоракўл мавзеига етиб келади<sup>2</sup>. Амир Ҳайдар хоразмликлар билан овора бўлиб турган бир вақтда Самарқандда хитой-қипчоқлар кўзғолон кўтарадилар. Мирзо Олим Маҳдум ўзининг «Тарихи Туркистон» асарида Умархоннинг Бухорога юришини фақатгина хитой-қипчоқларнинг илтимосига биноян бўлганлигини таъкидлайди<sup>3</sup>. Бухоро ва Хива муаррихлари хитой-қипчоқлар, Шаҳрисабз, Ургут ҳокимларининг Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон ўртасидаги аҳдлашувларидан, ўзаро (эхтимол махфий) ёзишмаларидан хабарлари бўлмаган. Шу сабаблими, «Тарихи Амир Ҳайдар» асарида, Муҳаммад Раҳимхон I Қўқон хонига эмас, балки хитой-қипчоқ сардорларига ҳамкорликни таклиф қилиб мактублар юборганлиги қайд этилади. Самарқанд қамалида амир қийин аҳволда қолади.

иттифоқ ва унинг оқибатлари. 26-бет.

<sup>1</sup> Ўша асар. 30-бет.

<sup>2</sup> Мувис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. 453-бет.

<sup>3</sup> Мирзо Олим Маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент. 2008. 86-бет.

Шаҳар уламолари тинчлик сўраб Умархонга арзнома ёзадилар. Машхур «кўк тош» (санги кабуд)ни сулҳ эвазига берадилар. Умархон арзларни қабул қилиб Ўратепа орқали Қўқонга қайтиб кетади. Мирзо Қаландар Мушриф ўз асарида Хива кўшинининг Қорақўлгача келгани тўғрисида маълумот берилади холос. Муаллиф Муҳаммад Раҳимхоннинг кейинги фаолиятига катта эътибор бермаган. Лекин Умархон билан доимий алоқалар бўлиб турганлиги маълум.

Айниқса, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги орасидаги муносабатларнинг XIX аср 40 – йиллари бошларида ёмонлашуви Қўқон ва Хива хонликлари ўртасидаги муносабатларнинг янада яқинлашувига асос бўлган. Бухоро ҳукмдори Амир Насрулло (1826-1860) нинг Қўқонга ҳужуми ва Қўқон шаҳрини эгаллаган даврида Хива хони Оллоқулихон (1825-1842) нинг Бухорога ҳужумини айнан шу дўстона элчилик муносабатларининг меваси десак бўлади.

Бу борада қуйидаги маълумотлар келтирилган. Огаҳий «Риёз уд-давла» асарида Амир Насрулло Иброҳимни Қўқонга ноиб қилиб тайинлаб Бухорога қайтади. Манбада келтирилишича: «Хўқанд халқи бухорийларнинг тайзикага тоқат қила олмай бир ойдин сўнг иттифоқ била ҳужум қилиб борча мулозим ва лашқарияси билан тутиб қатлға еткурдилар. Хўқанд халқи Муҳаммад Алихон ақробосидин Шералихонниким хон кутардилар. Бу воқеани эшитиб амир Насрулло кўшини билан Хўқанд тарафига юз қўйди. Ҳазрати соҳибқирон (Оллоқулихон) Хўқанд улусининг имдоди ва ўз адоватининг изҳори учун Бухоро юриши иродасига қарши Бухоро томон ўз кўшини била шитоб кўргузубдурур»<sup>1</sup>. «Тарихи Туркистон» асарида таъкидлашича Оллоқулихон фурсатдан фойдаланиб қасос ниятида катта лашқар билан Омуя дарёсидан ўтиб Бухоро томон юзланади<sup>2</sup>. Оллоқулихоннинг бу юришига сабаб Амир Насрулло ўзининг

<sup>1</sup> Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. 158-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 207-бет.

Қўқонга биринчи юришидан кейин Марвга одамларини юбориб, соруқ ва солур туркман уруғларини Хивага қарши кутармоқчи бўлганлиги эди. Оллоқулихоннинг Бухорога юриши пайтида Қўқоннинг янги хони Шералихон ўз элчиси Қаробаш додхоҳни Хива хони ҳузурига юборади<sup>1</sup>. Бу пайтда Оллоқулихон Судук тўқайини қароргоҳ қилган эди. Элчиларга ҳурмат юзасидан уларни Хивага жўнатади ва 17 декабрда (зулқайда ойининг 14 да) Қўқон элчисига ўз элчиси Бобобекни қўшиб Қўқонга юборади.

«Зубдату-т-таворих» асарида келтирилишича: «... ул ҳазрат ҳамул кун ...Садвар отлиғ манзилға ворид бўлуб, муаскар қилди. Сешанба куни андин наҳзат қилиб, Судук тўғойиға тушти. Ҳамул кун Хўқанд вилоятининг хокими Шералихондин Қаробаш додхоҳ отлиғ бир муаззаз ва мўтабар кишиси элчи бўлиб келиб, анинг ихлосномасин остони олий мулозимларининг назари анвари мутолаасиға еткурди ва карами султоний анинг аҳволиға шомил бўлуб, осойиш таҳсили учун Хивақға йиборди»<sup>2</sup>. Айни асардан бошқа бир мисол: «Алар келмасдин бурунрок, зулқайда ойининг ўн тўртида чаҳоршанба куни ул ҳазрат Хўқанд элчиси Қаробаш додхоҳға Бобобекни элчилик йўсуни била қўшуб, муҳаббатнома била Хўқанд вилоятиға ирсол қилди»<sup>3</sup>. Яна шу тарихий асардан иккита мисол: «Алар келмасдин ўн кун бурун, мазкур ойнинг ўн олтисида Хўқанднинг сўнгги элчисига Яхшимуродбекни элчи қилиб қўшуб йиборди»<sup>4</sup>. «Рамазону-л-муборак ойининг олтисида, чаҳоршанба куни Хўқанд элчиси Қаробаш додхоҳға остони олийшон мулозимларидин Юсуфбекни элчи йўсушлиқ қўшуб, Хўқанд вилоятиға ирсол қилди»<sup>5</sup>. Элчилик фаолиятлари ҳақидаги маълумотлар,

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдат-т-таворих. 137-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 137-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 147-148-бетлар.

<sup>4</sup> Ўша асар. 148-149-бетлар.

<sup>5</sup> Ўша асар. 151-бет.

хонлар саройидаги ва қўшни давлатлар билан муносабатлардаги ўзгаришлар, янги бир иморат қурилганлиги, фарзанд туғилганлиги ҳақидаги каби янгиликларни икки давлат раҳбарлари бир-бирларига маълум қилиб туришган.

Бу йилларда Амир Насрулло томонидан ҳарбий соҳада бир мунча ўзгаришлар қилиниб мунтазам сарбозлар қўшини ва тўпчилар бўлинмаларини анча такомиллаштирган эди. Қўқон хони учун бундай душманга қарши туриш учун бирор иттифоқдош зарур эди. Шу сабабли ҳам Оллоқулихон ва Шералихон ўртасида бир неча бор элчилик алмашинувлари амалга оширилган эди. Хива хонлигида Раҳимқулихон салтанати (1843-1846) даврига келиб, Қўқон – Хива муносабатлари янада кучаяди. Хива хони Муҳаммад Аминхон (1846-1854) даврида ҳам Қўқон хонлиги билан элчилик алоқалари анча кенг тус олди. Хусусан, 1846 йил 9 май (жумадул-аввал ойининг 13 да) Муҳаммад Аминхон ўз мулозимларидан Абдулҳакимни Қўқонга ҳамжихатлик изҳори учун яъни мураккаб вазиятлар туғилганда бир-биридан ёрдамини аямаслик мазмунидаги элчиларни Қўқонга жўнатади. 1846 йил 5 ноябрда (зулқаъда ойининг 15 да) эса Қўқон хонидан Муҳаммадқаримбий исмли киши элчи бўлиб келади<sup>1</sup>. Хива хони унга ҳурмат кўрсатиб, Раҳматуллобой Қоракўзни ҳамроҳ қилиб Қўқон диёрига юборади<sup>2</sup>. Декабрь ойининг бошида Муҳаммад Аминхон яна Юсуфбек бошчилигида Қўқон хони ҳузурига элчи жўнатади. Қўқон хони ҳам элчига ҳурмат эътибор кўрсатиб унга Баҳодир додхоҳ бошчилигидаги элчиларни ҳамроҳ қилиб юборади<sup>3</sup>. Бу пайтда Муҳаммад Аминхон Қўнғиротдаги ўзбошимча беклар билан овора эди. Бу каби элчилик алмашинувлари «Жоме ул воқеати султоний» асарида қўллаб келтириб ўтилган. Хусу-

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Жоме ул-воқеати султоний. VI жилд. – Тошкент. 1980. 9-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 17-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 51-бет.

сан, (рабиул-аввал ойининг 13 да) Хива хони ўз бекларидан Отабекни муҳаббатнома билан элчи қилиб Қўқонга юборганлиги ҳамда 1267 (1851) йил Хива хони мулозимларидан Отанийезбекни Қўқондан келган Бекмуҳаммадбийга ҳамроҳ қилиб жўнатганлиги келтирилади манбада<sup>1</sup>. Жумаладан, асарнинг «Ҳазрати султон Гитистоннинг жулуси хумоюннинг олтинчи йилининг воқеоти» номли бобида шундай ёзилади: «Ул жумладин улким, Хўқанд вилояти волийсининг элчиси Бекмуҳаммадбийким остонбўслиғ шарафиға ихтисос топмиш эрди, андоғким юқорида мазкур бўлди, анга амри олий мужиби била сиперхмартаба ходимларидин Раҳматулло Қоракўзни элчилик тариқаси бирла масҳуб бўлиб, сана минг икки юз олтмиш еттида, муҳаррам ойининг авойилида мурожати рухсати берилди». Ўша йили зулқаъда ойининг 15 да (1851 йил 11 сентябрда) ҳам Эронга, ҳам Қўқонга элчи юборади<sup>2</sup>.

Огаҳий ўз асарида Қўқон хонлигида тож-у тахт учун бўлган мажоролар ва Худоёрхоннинг ўзга юртларда саргардон бўлиб юриши каби воқеалар ҳақида ҳам атрофлича маълумот беради: «Ул жумладин, Соҳибназарбийким, бурунроқ [Хива хони томонидан] Хўқанд элчилигига маъмур бўлиб Худоёрхоннинг олдига бормуш эрди, Худоёрхоннинг иниси Муҳаммадёр Хўқанд вилоятига хон бўлуб, онинг қўшғон элчиси Мирзо Абдулвахҳоб панжохбоши билан шу йили (жумодус-соний ойининг 4 да) келиб остон бўслиқ давлатига фойиз бўлди. Бу ижмол тафсили улким, Хўқанд вилоятининг волийси Худоёрхон неча муддатдин айш-у ишрағта берилиб ётур эрди.... Охир жамеи умаро ва раоё ниҳоятсиз танги малул бўлуб, иттифоқ била Муҳаммадёрхонни салтанат тахтига кўтариб эди. Худоёрхон азл этиб юртдан чиқориб юборилди. Ул Бухорога бориб амир Насруллонинг давлати соясин ўзига

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Жоме ул-воқеати султоний. VI жилд. – Тошкент. 1980. 61-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 63-бет.

паноҳ қилди»<sup>1</sup>. Асарнинг ўша жойида 1274 йил шаъбон ойининг 4 да (1858 йили 21 март) Хуқанддан келган элчи Мирзо Абдулвахҳоб панжохбошига қўшиб Хива хони мулозимларидан қорақалпоқларнинг ўн гўрт уругининг катталаридан бўлмиш Эрназарбий шоҳона туҳфалар билан Қўқон хони Муҳаммадёрхон хузурига юборилганлиги ҳамда ўз навбатида Қўқон хони Муҳаммадёр ҳам Тошмуҳаммадбийни Хивага жўнатганлиги маълум қилинади.

Огаҳий Қўқон хони Худоёрхоннинг путур етган мавқеъини тиклаб, Хива хони билан дўстона алоқаларни йўлга қўйганлигини қуйидагича келтириб ўтади: «Худоёрхон бахт-у иқбол бозусининг қуввати била сиёсат тиғин суруб, борча фасад ва инод аҳлиға камоянбоғли гўшмол бериб жазосиға еткурди ва мамлакатнинг ихтиёри зимомин иқтидори нақтига олиб, истиқбол тариқаси била ҳукмронлиғ маснадида ўлтурди. Бу беҳжатасар хабарнинг эъломи учун ўз давлатхоҳларидан бир мўтабар кишини элчи қилиб туҳфа ва ҳадялар билан ирсол қилди. Хамул элчи мазкур ойнинг 14 да сешанба куни дорилхилофан Хиваға ворид бўлуб, остонбўслик шарафиға етди»<sup>2</sup>. Чунончи, 1269 (1853) йил Қўқон хони Худоёрхон юборган элчиларга Хива хони амалдорларидан Отаниёзбек ва Шукрулло оқани қўшиб, Қўқонга юборади. Улар анча пайтгача Қўқонда ушланиб қоладилар. Бунга сабаб, Россияси империяси Оқмасжид қалъасини босиб олиш пайига тушганлиги эди. Яъни элчиларга хавфсизлик нуктаи назаридан кетишга рухсат берилмаётган эди. Худоёрхон Оқмасжид мудофааси учун қўшин юборади. Шундан кейингина Хива элчиларига Муҳаммадкарим баҳодирбошини қўшиб Хивага қайтишга рухсат беради. Бу элчиликка жавобан 1272 (1855) йил Хива хони Қўқонга Кубодхожани юборади<sup>3</sup>. Бу пайда хон сорик ва солур, така уруғларининг ўзбошимчалигини баргараф этиш билан машғул эди.

<sup>1</sup> Ўзбек дипломатияси тарихидан. – Тошкент. 2003. 339-340-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 80-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 338-бет.

Абдуллахон (1855-1856) даврида ҳам Қўқон хонлиги билан элчилик алоқалари давом этди. Хукмронлигининг дастлабки йилидан яъни, 1855 йилда Қўқондан Ўринхўжа Мирсаид бошчилигидаги элчилар Хивага ташриф буюришади. Хусусан, хон Қўнғирот бекзодаларидан Отаниёзбекни Хуқандга юборган эди. Ва у Қўлмуҳаммадбий исмли Қўқон элчиси билан қайтиб келган эди<sup>1</sup>.

Кейинги хон Саййид Муҳаммадхон (1856-1864) даврида ички зиддиятлар, бошбошдоқликлар тус олди. Аммо шундай бўлса-да, қўшни давлатлар билан элчилик алоқаларига салбий таъсир кўрсатмади. 1274 (1858) йил унинг хузурига Қўқон хони Худоёрхон ва Бухоро амири Насруллодан элчилар келди. Уларнинг ҳар бирига ҳурмат эҳтиром кўрсатилиб, ражаб ойининг 26 сида (12 март) Қўқон элчиси Муҳаммадраҳим эшикоғасига қўшиб қорақалпоқ бийларидан Соҳибназарбий Қўқонга жўнатилади. Ўша йили шаъбон ойининг 14 да (30 март) Бухоро элчиси Довудхўжа мирохурбошига қўшиб хўжаэлилик Мададуллохўжа бий Бухорога юборилади.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) даврида ҳам Қўқон хонлиги ўртасида элчилик алоқалари мавжуд эди. Бу муносабатлар Хива хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинишидан (1873 йил) аввалги даврга тўғри келиб, улар Огаҳийнинг «Шоҳиду-л-икбол» асарида акс этган.

Унда Хива хонлигидан Бухоро ва Қўқон хонликларига борган ҳамда мамлакатлардан Хивага келган элчиларнинг номлари, шунингдек, элчилик муносабатларига доир фактлар келтирилган. 1281 йил 2 жумадус-соний (1864 йил 3 октябрь) воқеалари ўрнида шундай маълумот мавжуд: «Хуқанд вилоятининг элчиси келиб, ўрус лашкари Туркистон қалъасин ғалаба била олған хабарин келтуруб кўмак тилади...»<sup>2</sup>. Шунингдек, Хоразмдан Қўқонга бор-

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли Огаҳий. VI жилд. 118-119-бетлар.

<sup>2</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-икбол (Иқбол шаходати) / Нашрга тайёрловчи Н.Шодмонов. – Тошкент. 2009. 47-бет.

ган Дуст Ниёз махрамнинг элчилик фаолияти ҳақида ҳам ёзилиб, бунда хон саройида ва қўшни давлатлар билан муносабатлардаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни икки давлат раҳбарлари бир – бирларига маълум қилиб туришган. Бундан кўриниб турибдики, Қўқон ва Хива хонликлари орасида дўстлик ва қўшничилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрда Хива ва Қўқон хонликлари орасида дипломатик алоқалар вужудга келади ҳамда мавжуд сиёсий вазиятларга мос равишда ривожланиб боради. Хивага Қўқон хонлиги томонидан элчиларнинг бир неча марта келганлиги баёни айти муносабатларда Қўқон хонлиги фаол бўлганлигини кўрсатади. Маҳаллий тарихчилар асарлари Хива ва Қўқон хонликлари ўртасидаги элчилик алоқаларини ўрганишда бирламчи ва ишонarli манба бўлса ҳам, бу маълумотларни архив ҳужжатлари ҳамда бошқа манбалардан излаб топиб, қиёсий таққослаб таҳлил қилиш масаланинг янги қирраларини очишга ёрдам беради.

**Резюме.** В этой статье на основе письменных источников освещены некоторые детали истории посольских отношений Хивинского ханства с Кокандским ханством в XIX веке.

**Summary.** In this article based on written sources enlightened some details of the history of embassy missions between the Khivan and the Kokand khanates in the 19th century.

## 1806 – 1842 ЙИЛЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ВА БУХОРО АМИРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ ВА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИ

Ж.А.Полвонов

Ж.Н.Полвонов

Глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучаяётган бугунги кунда Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсати, унинг жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, қўшни давлатлар билан кенг қўламадаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрганиш долзарб мавзу саналади. XIX – XX аср бошларида Хоразмда ёзилган тарихий асарларни тадқиқ этиш орқали Хива хонлигининг қўшни Бухоро амирлиги билан бўлган дипломатик муносабатлари тарихига доир қўлаб қизиқарли маълумотларни аниқлаш мумкин.

Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол», Огаҳийнинг «Риёз уд-давла», «Зубдату-т-таворих», «Жоме ул-воқеоти султоний», «Гулшани давлат», «Шоҳиду-л-иқбол» ва Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» каби тарихий асарларида XVII — XVIII аср дипломатик муносабатлар тарихига оид баъзи маълумотлар келтирилса-да, Хивада қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврдан бошлаб бўлган тарихий воқеалар, ўзгаришлар, сиёсий, иқтисод ва маданий ҳаёт батафсил баён этилади. Хивадаги Қўнғиротлар сулоласи вакиллариининг Бухоро хонлиги билан давом этиб келаётган дипломатик алоқаси Хива хони Элтузархон (1804-1806) нинг вафотидан сўнг маълум вақт узилиб қолган эди.

Элтузархоннинг ҳалокатидан сўнг тахтга ўтирган унинг укаси Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) даврида хонлик ҳудудида ички урушларга чек қўйилди. Марказлашган давлат аппарати мусаҳкамланди. Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлиги даврида хонлик ҳудуди кенгайди. 1825 йил Бухоро ҳукмдори



Амир Ҳайдарнинг ташаббуси билан Бухоро ва Хива хонлари ўртасида яраш битими имзоланди. Ушбу дипломатик муносабатлар 1811-1812 йили Амир Ҳайдар ўглининг тўйи муносабати билан Хоразмга Муҳаммад Раҳимхон I олдига Ўроқбой Жўра оқоси ва Аваз Муҳаммад ясавулбошини элчи қилиб юбориши билан тикланган эди<sup>1</sup>. Хоразмга элчилар келган вақтда Муҳаммад Раҳимхон I Орол устига юриш қилган бўлиб, у ерда эди. Қутлуқ Мурод иноқ, Ёр Муҳаммадбек орқали Бухоро амирининг номасини хонга етказди. Бу келган элчиларга Ҳасан Мурод оталиқ ва Қандум сардорни қўшиб Бухорога юборилади. Бухородан булар билан биргаликда Якуб Қўрчи беги ва Гул ясовул Хивага элчи бўлиб келдилар. Хивадан эса Берди иноқ элчи қилиб Бухорога юборилади. Хива элчиси Бухоро амири билан туркман такалар масаласи бўйича суҳбат қилади. Сўнгра у билан Хивага Мусохўжа Ўроқ ва Муҳаммад Жўра оқоси элчи бўлиб келдилар<sup>2</sup>.

Мунис, Огаҳий ва Баёний томонидан ёзиб қолдирилган далиллар, шубҳасиз, Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Лекин улар ўз асарларини ёзар эканлар, кўп масалалар ҳақида гапиришса-да, уларни тафсилоти билан ёритмайдилар. Яъни уларнинг асарларида: «1231 (1815-1816) йили Қандум сардорни Бухорога элчи қилиб юборди. Рамазон ойининг 10 да, шанба куни Бухоро элчиси Нурмуҳаммадбек Хивага келди» каби маълумотлар учрайди<sup>3</sup>. Муҳаммад Раҳимхон I даврида Хива хонлиги ҳудудларини Хуросон вилоятлари ҳисобига кенгайтириш ҳаракати бошланган эди. Айнан шу масалада Хива билан Бухоро ўртасида кураш бошланиб кетади. 1817 йилги Чоржуй қалъаси яқинидаги биринчи тўқнашувда Хива қўшинлари мағлубиятга учради. Шунга қарамасдан Муҳаммад

<sup>1</sup> Муниров Қ. Хоразмда тариханавислик. – Тошкент. 2002. 130-бет.

<sup>2</sup> Маҳмудов М, Шерипов. У. Хива хонлиги тарихи. – Урганч. 2013. 120-бет.

<sup>3</sup> Муниров Қ. Хоразмда тариханавислик. – Тошкент. 2002. 130-бет.

Раҳимхон I Бухоро ҳудудларига 1820, 1823, 1824 йилларда талончилик урушлари қилиб турди.

Оллоқулихон Хуросон вилоятларида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун улар устига беш маротаба юриш қилди. 1826 йилда Хива қўшинлари Шимолий Хуросондаги Оқдарбанд қалъасини забт этдилар. 1828-1829 йилларда бу ҳудуддаги Жалқон қалъаси эгалланди. Оллоқулихон замонида Бухоро ва Хива ўртасида Марв вилояти учун тўқнашувлар бўлиб турди. «Риёз уд-давла» асарида бу ҳақда қизиқарли маълумотлар берилган.

Хиванинг Оллоқулихон хонлиги даврида (1825-1842) Бухоро тахтида Амир Ҳайдар (1800-1826), Амир Ҳусайн (4 ой), Амир Умархон (9 ой) ва Амир Насруллолар (1827-1860) ўтирдилар. Амир Ҳусайн ва Амир Умархонлар қисқа вақт ҳукмронлик қилганлари сабабими, улар даврида Хоразм билан қандай алоқалар бўлганлиги хусусида «Риёз уд-давла»да ҳеч нарса дейилмайди. Амир Ҳайдар ва Амир Насруллолар тўғрисида қизиқарли маълумотлар кўп учрайди.

Асарда Хивадан Бухорога бориб қайтган элчилар тўғрисида шундай дейилади:

«Ҳамул кеча аълам-ул-уламо ҳазрати Эшонхожа муфти ва акбар-ул-кубаро Давлат Қароқўз маҳрам Хуросон тарафга ҳаракат бошланмасдан бурун жумадул-аввал ойининг ўнинчи куни Бухородан келган элчиларга қўшиб, ул вилоят ҳокими Баҳодирхонга (Насруллохонга) иноятнома билан юборилган эдилар. У ердан қайтиб хоннинг (Насруллонинг) дуо ва саломини етказдилар»<sup>1</sup>.

Огаҳийнинг ёзишича, Муҳаммад Раҳим I давридан бошлаб Марв вилоятининг ҳокими бўлиб келган Соатқули сардорни мулозимлари билан биргаликда беш-унта маҳаллий безорини бош қўшиб қатл этади ва муқаррар жазодан чўчиганлар Бухоро хонига совға-саломлар билан 30 кишидан иборат элчи юбориб, ўз ҳимоя-

<sup>1</sup> Муниров Қ. Хоразмда тариханавислик. 65-бет.

сига олишлигини илтимос қилишади. Насруллохон одамгарчилик юзасидан уларни яхши қабул қилади, алоҳида иззат икром кўрса-тади, лекин жавоб беришга шопилмайди. Шунда элчилар хавотир олиб, такроран мурожаат этишга мажбур бўладилар<sup>1</sup>.

Амир аркони давлатга элчилар аҳволи кайфиятини айтиб, мажлис қилиб сарой аъёнларидан маслаҳат сўрайди. Тўпланганларнинг ҳар бири ўз фикрини билдиради. Аммо ҳеч қайсисининг сўзи подшоҳга маъқул тушмайди. Шунда зийрак кушбеги шундай деб қатъий жавоб қилади: «Бевафолик соруқ жамоасининг туғма қонида бор ва беҳаёлик улар учун оддий одат. Бўлмасам, Хоразм подшоҳлигидан бениҳоя инъом, икром ва саховатлар кўриб, унинг подшоҳига мунча хиёнат ва кўрнамакликлар фош қилишармиди?! Ўтмишдан маълумки, улар ҳеч кимга вафо қилмаганлар ва қўлларидан номардлик жавобидан ўзга ҳеч иш келмаган. Ҳар ким соруқ халқи номидан келган бу худбин кимсаларнинг сўзларига эътибор бериб, уларга ёрдам берса, куч билан ўз бошига офат келтиради ва дўстларни душманга айлантиришга сабаб бўлади. Хоразм мамлакатининг ҳукмдори Оллоқулихон билан неча йиллардан бери ораларингизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик биноти мустаҳкамдур. Бу дўстлик кайфияти бахтидан барча халқ баҳраманд ва хотиржам бўлиб, ҳузур ҳаловатда ҳаёт кечирмоқдалар. Ташвиш ва хусумат пайдо қилмоқ, ақлдан бағоят узоқ ва узоқни кўрмоқликдан йироқдур...»<sup>2</sup>.

Бухоро амири Насруллога ушбу вазирнинг сўзи маъқул тушиб, элчиларга мулоимлик билан муомала қилиб, тўнлар кийдириб руҳсат беради, аммо кўмак ва назоратчи юборишликка бир оз фурсат сўрайди.

Муаллифнинг ёзишича, бу воқеадан ўттиз кун ўтгандан сўнг фитнага бош қўшган Марв калъасидаги оқсоқоллар янада ваҳимага тушиб, савдогарлар қиёфасида Бухоро хони Насруллохон

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. – Тошкент. 1978. 85-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 86-бет.

олдига бориб, кўмак сўрайдилар. Хон уларга қитчоқ Одина қорани қирқ беш отлик билан қўшиб, Марв вилоятига юборади. Бу воқеадан сўнг Абдурахмон халфа ва кози Муҳаммад Назар бошлиқ баъзи эл «Бухоро хони ҳукмига бўйсунмаймиз ва юборган кишисига ишонч ҳосил қилмаймиз», деб иттифоқ билан эл ва сарой аҳлларини Хива хонининг ҳукмида бўлган Сарахс юртига кўчирадилар. Қалъа аҳли баъзиларининг маслаҳати билан келишиб, Оллоқулихондан ёрдам сўраб: «Биз гумроҳларга бир ишончли ва ишбилармон кишини элчи қилиб юборсинлар» - деб Ўри Шайх исмлиқ кўлни кўрган кишини пойтахтга сафарбар қиладилар<sup>1</sup>.

Рамазон ойининг бешида, пайшанба куни Ўри Шайх Хивага етиб келиб, хос мулозимлар оркали келтирган хабарини хон ҳазратларига етказди. Оллоқулихон уларнинг илтимосларига биноан хонликнинг ишончли мулозимларидан Бекиш халфани Ўри Шайхга ҳамроҳ қилиб Марв ўлкаси сари ижозат бериб кўзатиб юборади<sup>2</sup>.

Бекиш халфа қўлига фармон тегиши билан пойтахтдан чиқиб, тезлик билан Ўри Шайхнинг ҳамроҳлигида Марв вилоятига, сориқлар суҳбатига етади. У мажлисда оташин сўзлаб, уларнинг бузғунчилик йўлида қилган ишлари йўлдан адашишдир, имон билан муҳаббат изҳорида қилган даъволари бошдан-оёқ нодурустдур, дейди. Халфанинг оташин нутқидан сўнг фитначилар орасида саросималик бошланади.

Огаҳий ҳикояни бундай давом эттиради: «Халфа насиҳат тариқасида тил найзаси билан уларнинг дилу жонига захми қори етказди. Улардан баъзи бахтиқора, сўзга чечанлари ўзларини намоийшқорона тутиб, халфага Одина қора бошлиқ бир неча бухороликни кўрсатиб, дедиларким: «Мана Бухородан келган пушти паноҳимиз. Энди ҳеч кимга эҳтиёж ва хавотир оладиганимиз йўқдур»<sup>3</sup> - дейишди.

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. 92-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 92-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар. 93-бет.

Халфа уларнинг сўзларидан не ҳол ва не ҳаёлда эканликларини билиб, девонавор ва ҳазил аралаш сўзларининг баробарида танбеҳ билан дашном берувчи сўзлар айтиб, қайтишга қарор қилди. Халфага хайрихоҳ бўлган баъзи оқибатли кадхудолар, уларни девоналикка нисбат бериб, узрлар айтдилар ва халфа кўнглига бир навъ таскин бериб, юрт тарафига узатдилар.

Халфа Марвдан чиқиб, тезлик билан пойтахтга қайтиб келиб, исён аҳлидан кўрган-эшитганларини давлатнинг тегишли арбобларига маълум қилди. Оллоқулихон билдики, подшоҳона мулозамат ва хушкўнгил меҳрибонлик бу бедавлатларга фойда қилмайди ва қурол кучидан ўзга чора бу иккиюзламачилар дардига фойда бермайди. Балоба гирифтор бўлган бу жамоага танбеҳ беришгина эмас, балки ҳукмронлик нуқтаи назаридан ҳам ўйлаб қарор қилди. Халқпарварлик ва мурувват юзасидан Марвда ўтирган така улусининг катталари, хоннинг жон фидо қилувчи, ихлос шиор мулозимларидан Чаҳарёр Қулибой, Бобобой ва Ўрозёгликларга Ашур исмлик така билан қуйидаги мазмунда ёрлик юборди:

*«Агар бу даргоҳ (хонлик) мулозимларига муҳаббат русумин фош қилсангиз, соруқлар била қўшничилик қондасин бузиб, ул бадбахтларга нисбатан ҳурматсизлик кўргазинг. Элу аҳилларингизни бир чеккага элтиб ўтиринг<sup>1</sup>. Улар билан бориш-келиш муносабатини тарк этинг, токим ул фасодчилар шумлигидан сиз халқнинг молингизга зарар ва жонингизга хатар етмасин».*

Бухоро ҳокимининг нолайиқ хулқидан Оллоқулихоннинг кўнглига ғубор тушиб, унинг кўнглини билиш учун қуйидаги мазмунда нома ёздирди:

*«Дўстликка вафо қилишлик фазилатли кишиларга ёт эмасдирким, бир тарафдан муҳаббат боғининг гулларига узлуксиз ва бетўхтов парваришлар*

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. 93-бет.

*бўлганда, иккинчи тарафдан ҳам шундай собит қадамлик муносабати бўлса самараси бундан ҳам аъло бўлар эди. Агар ким дўстликдан ор қилиб, душманликни устун қўйса бу ҳақ тақдиридур, албатта бу қанча вақт ва замон ўтса ҳам сирлигича қолиб кетмайди». Ва мактубни давлатнинг ишончли мулозимларидан, садоқатли Гадоийниёз маҳрамга топшириб: «Агар Бухоро хони қилган қилгиликларини давом эттираверса, айтгилким, Марвга илгор тариқасида юборган навкарларини қайтариб олсин. Бўлмаса уруш ва талаш қиламанки, кейин зоеъ йўқотган нарсалари учун гинахонлик ва йиғи-нола қилиб юрмасин», - деди<sup>1</sup>.*

Гадоийниёз маҳрам тегишли йўриқномалар олгандан сўнг тезлик билан Бухорога йўл олади. Насруллохоннинг хузурига бориб, тайинланган гапларни айтиб мактубни унга топширади. Нома мазмуни билан танишгач, (Насруллохон элчига) катта илтифотлар кўрсатиб, Гадоийниёз маҳрамни саройи олийга тушириб, унинг иззат ва эҳтиромига яраша хизмат кўрсатишларини тайинлаб махсус киши тайинлайди. Насруллохон сарой аёнлари билан мажлис қилиб бир нома ёздирди, мазмуни ҳар икки давлат дўстлигини мустаҳкамлаш ва қилган қилиқларининг кечирилишига умидворлиги ҳақида эди. Бу номани Гадоийниёз маҳрамга бериб, яна кўп эъзоз ва дилнавозликлар қилиб, узр тариқасида: «Марв вилоятига қўшин юбориши бир неча зарурий ишлар жиҳатидан бўлганлиги, гина ва ташвиш етказиш мақсадида эмас эди», - деб, бу сўзларининг нечоғлик ростлигини исботлаш учун эътиборли амирларидан Қандаҳор тўқсобани Гадоийниёз маҳрамга қўшиб, Хоразмга юборади. «Гадоийниёз маҳрам мазкур тўқсоба билан даргоҳи олампахоҳ (Оллоқулихон) зиёратига мушарраф бўлади. Бухоро подшоҳининг муҳаббат мазмуни билан юборган номасини топшириб, ул подшоҳдан эшитган сўзини ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Марв такасига ёрлик олиб кетган Ашур сардор ҳам бу

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. 94-бет.

аснода келиб ул халқнинг ёрлик мазмунини қабул этганларини билдиради»<sup>1</sup>.

Огаҳийнинг «Риёз уд-давла» асаридан маълум бўладики, икки хонлик орасида дипломатик алоқалар орқали дўстлик ришталари боғланади ва Марв вилояти Хива хонлиги тасарруфида қолади.

Огаҳийнинг ҳикоя қилишича, Оллоқулихон сафардалиги даврида Окработ деган жой-манзилга етиб келганда, у ерлик аҳоли хонга мурожаат қилиб, кўп меҳрибонликлар кўрадилар. Бу пайтда Бухоро хонлиги билан дўстона алоқалар яхши йўлга қўйилган бўлиб, у, яъни Бухоро томондан фақат яхшиликлар устига яхшиликлар бўлиб туради. Бухоро хонлиги худуди бўлмиш Қорақўл ва Элжикдан келган бир гуруҳ тожиклар кўплаб ҳайвон ва моллари билан Хива хонлиги худудидаги Учўчок деган, моллар учун серўт, яйлов атрофига кўчиб келиб ўзларини барча офатлардан холи, Хиванинг тенг ҳуқуқли фуқароси деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>. Шунингдек, Бухоро улусидан баъзи савдогарлар йўлни нотинч билиб карвонсаройдан чиқолмай қолган эдилар. Оллоқулихон ҳузурига ташриф буюрган бухоролик элчи Қандохор тўқсобага кўп эҳсонлар бериб яхши сўзлар билан юртига қайтишга рухсат беради. Уларга кўриқчилар қўшиб барчасини кема билан дарёдан ўтказиб, омон-эсон ўз юртларига кузатадилар<sup>3</sup>.

Тарихий ҳужжатларнинг шохидлик беришича, Оллоқулихон даврида қўшни Бухоро билан узоқ вақт яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилган бўлган. Лекин бу ҳол XIX асрнинг 40-йилларининг бошига келиб бузилиб, иккала хонлик орасида уруш бўлишигача етиб келади. Бунинг сабаблари тўғрисида Огаҳий «Риёз уд-давла» асарининг «Ҳазрати шаҳаншоҳ Қуфрон дастгоҳ била Бухоро ҳоқими

<sup>1</sup> Мухаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. 94-бет.

<sup>2</sup> Матнийёзов М. Хоразм тарихи. – Урганч. 2004. 108-бет.

<sup>3</sup> Мухаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. 99-бет.

Амир Насруллонинг орасига низо тушмогининг кайфияти ва мувофақат оҳанги тузулмогининг маърифати», - деб номланган бобида қуйидагича ҳикоя қилади: «Оллоқулихоннинг чексиз илоҳий мадади туфайли Оллоқулихоннинг шухрати йилдан йилга орта бориб атрофи жаҳонни тутди. Баъзи ичи қоралар, шу жумладан Бухоро амири Насрулло буни кўролмайдан фасод бўлдилар. Аслида узоқ йиллардан бери икки хонликнинг фуқаролари ҳамжихат бўлиб, тўкин-сочинликда хотиржам ва осудаҳол эдилар. Охир (Насруллохоннинг) бузқлик хулқи ва ёмонлик фикрлаши тақозаси билан рашку ҳасад ниши хотири бузқ ниятли баъзи феъллари ёмон ишни келтириб чиқардики, дўстлик ришталари узилиб ўртага низо солди<sup>1</sup>. Ул жумладан унинг қилган баъзи ишларини баён этмоқликни лозим кўринди. Чунки, бу асарни ўқиган дониш аҳли билсинларки, ҳақ қайси тарафдаю фасод қайси тарафда. Бири улким, қарраган шарот урус подшоҳига ўзининг дўстлик яккажиҳатлигини изҳор қилиб, (Оллоқулихон) ҳазрати соҳибқиронга нисбатан ғазаб ва адоватни тарғиб қилиб ишончли кишиларидан мактуб юборди. Шундан сўнг, Русияда юрган Хоразмия карвонларини рус халқи тутиб камадилар, ул ҳазрат (Оллоқулихон) камоли саботли ва улуғвор бўлганларидан (Насруллохоннинг) бу нуқсонини кўрмаганга олиб, гўё сезмагандай ён босди»<sup>2</sup>.

Худди шу воқеаларни С.Жуковский қуйидагича тасвирлайди: «Бухоро ва Хива ҳукуматлари ўзаро ихтилофда эканликлари ва ўша даврда деярлик уруш ҳолатигача келиб қолганликларини эътибордан четда қолдириб бўлмасди. Бу тўғрисида 1830 йили Оренбургга келган Бухоро вакили Болтақулибек хабар бераркан, Бухоро амири Насруллонинг хиваликларнинг беадабликларига биргаликда чек қўйишда Россия императоридан ёрдам сўраш тўғрисида махсус топшириғи борлигини билдирди. Россия билан муносабатлар

<sup>1</sup> Мухаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. 155-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 155-бет.

борган сари таранглашиб бораётганлиги сабабли у билан тўқнашишдан хавфсираган Хива хони аввалига бухороликлардан кўмак кидириб кўришга қарор қилди. Уларни Россияга қарши иттифоқ тузишга ундаб кўрди. Лекин Бухоро амири иттифоқ тузишга рад жавобини бериш билан кифояланмай, 1830 йилда Бухоро вакили сифатида Россияда бўлган Болтақулибек Раҳматбековни қайтадан элчиликка жўнатди. У 1838 йилнинг августида Орск истехкоми чегараларига етиб келди»<sup>1</sup>. Огаҳий шундай давом этади: «Яна бири улким, Техрон подшоҳи Муҳаммадшоҳга ҳам Оллоқулихон устидан шикоят қилиб, турли далилларни келтириб, адоватга тарғиб қилиб хат юборди. Хат билан юборилган элчини Муҳаммадшоҳга етмасдан бурун, ул ҳазрат мулозимлари Хуросон навоҳисида тутиб, хатни тегишли ерга етказдилар. Ул ҳазрат пок феъя ва оққўнгил табиятидан келиб чиқиб, хатнинг мазмунига яна аҳамият бермади, токи бундан ҳам зиёдрок фасодни у амалга оширмагунча».

Бухоро амири Кўқонга юришларидан кибрга берилиб, Марв вилоятидаги така, солур ва соруқ халкига қуйидаги мазмунда хат юборди:

*«Марв вилояти бизнинг қадимий юртимиз ва сиз халқ қадимдан самимий хизматкоримиз эдингизлар. Бу вақтгача замона тақозоси билан аҳволингиздан хабардор бўла олмадик. Алҳамдуллиллоҳ, энди қудрат ва қувватимиз аввалги ҳолдан бир неча даража зиёда бўлибди. Жаҳду иродамиз булким, ул мамлакатдан Хоразм улусининг дасти тасарруфин калта қилиб, сиз жамоанинг бошингизга илтифот ва марҳаматимиз соясини солиб, замона ҳодисаларидан хотиржам ва тинч-осуда қилгаймиз. Энди устингиздаги ҳокимлар Ниёзмухаммадбой ва Муҳаммад Аминбекларнинг бошларини кесиб, бизга етказ-*

<sup>1</sup> Жуковский С. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. Петроград. 1915. – С. 111.

*сангиз инояти подшоҳонамизга сазовор бўлгайсиз»<sup>1</sup>.*

Бу хат Муҳаммад Аминбек ҳоким бўлган Йўлўтан солурларининг орасига етиб боради. У бу сирдан хабар топиб кўнглига хавотир тушиб, Марвга Ниёзмухаммадбойнинг қошига қочиб бориб, бўлган воқеадан хабардор қилди. Ниёзмухаммадбой тафтиш қилиб, хатни солур улуси орасидан топиб олиб, Оллоқулихоннинг хузурига юборди. Хон хат мазмуни билан танишгач, дилида нафратланиш ҳиси уйғониб, адоват камарин ҳиммат белига боглаб, Бухорога юриш қилиш мақсадида, мамлакат бўйлаб хабарчилар юбориб лашкар тўплаб, сафар асбоб-яроғларини тартибга келтириб қўйди.

Маълум бўлишича, Амир Насрулло Кўқон хонлигини эгаллаб, ўз тарафидан ҳоким ва лашкар тайинлаб қайтгач, у ерда бухороликларнинг зулм ва зўравонликларига тоқат қила олмай бир ойдан сўнг халқ кўзғолон қилиб, ҳокимларини барча мулозим ва лашкарлари билан тутиб ўлдирдилар. Муҳаммадалихоннинг қариндошларидан Шералихон, замон тақозаси билан кирғиз жамоасининг орасига бориб неча йилдан бери бир чеккада ёлғизликда яшар эди, уни келтириб салтанат тахтига кўтариб, хон деб эълон қилиб, Бухоро волийси Амир Насруллога қарши кураш бошлайдилар.

Огаҳий шундай ёзади: «Бу воқеани эшитиб Амир Насрулло ғазаб билан Бухоро шаҳридан чиқиб, Хўқанд вилояти тарафига юз қўйди. Оллоқулихон эса Хўқанд халқига мадад бериш ва ўз адоватининг изхори учун Бухорога қарши юриш қилиш мақсадида тезлик билан бутун мамлакат бўйлаб киши юбориб қўшин тўплади»<sup>2</sup>.

Асардан маълум бўлишича, Хива билан Бухоро ўртасида ҳарбий тўқнашувлар содир бўлган. Бу жангларда шахсан Оллоқу-

<sup>1</sup> Муталов. О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тарих фан ном... дисс. – Тошкент. 2003. 112-бет.

<sup>2</sup> Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли Огаҳий. Риёз уд-давла. V жилд. 158-бет.

лихон қумондон сифатида иштирок этиб, стратегик жихатидан муҳим мавқеъга эга бўлган Чоржуй атрофидаги қатор қалъаларни забт этади. Чолтут, Тошоҳур, Элжик, Хожаканафаси, Усти, Хирож, Дехнав, Чекас, Ҳожа каби қалъаларнинг аҳолилари кемаларда Амударёнинг чап қирғоғига кўчириб ўтказилади. Ушбу ҳарбий сафар Оллоқулихон ҳаётидаги сўнгги юриши эди<sup>1</sup>.

Бухоро амири Насрулло ҳам Амударё қирғоғига етиб келади ва не кўз билан кўрдик, «Хоразм лашкари дастидан Бухоро музофатининг аксар ҳудудлар вайрон бўлди ва қолган элати хароб ва қириб ташланганди». Бухоро амири таслим бўлишга мажбур бўлади. Хоразмдан Шукруллоҳ оқо ва Ниёзқилич юзбоши элчи бўлиб боришади. Анча пайт Бухорода бўлиб, Яҳё ҳожа отлиғ бир элчи ҳамроҳлигида ўз юртига қайтадилар ва ушбу мазмундаги маъзиратнома (кечирим) ни топширадилар:

*«Барча зухурга етқурган афъоли ношойиста ва аъмоли нобоисталаримиздан (сабабсиз ишларимиздан) пушаймон бўлиб тавба қилдик. Тоғамиз улуглик қилиб, қилган гуноҳларимизни кечирсинлар. Икки юрт бир юртдур ва икки тарафнинг амният ва осудалиги доғи муваддат (дўстлик) сабаби ва яккажиҳатлик жиҳатидандур. Бас, дўстлик ва иттиҳодманлик билан бориши ва келиши қилмоқ иккимизга ҳам муносиб ва аълодурур»<sup>2</sup>.*

Элчиларни Оллоқулихон қабул қилди ва уларга Домла Муҳаммад Расулни элчи қилиб кўшиб юбораркан, агар Насруллахон қилган қилмишидан афсус ва пушаймон бўлиб, айтган сўзида собитқадам ва маҳкам турса, икки хонлик ўртасида дўстлик дипломатик алоқаларни тиклаш тўғрисидаги мактубига амал қилсин, деб<sup>3</sup>. Кўриб турганимиздек, бу даврдаги икка-

<sup>1</sup> Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. 113-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 113-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

ла давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар ва низолар чегара ҳамда ҳудудлар борасидаги қарама-қаршиликлар сабабли эди.

Хулоса қилиб айтганда Муҳаммад Раҳимхон I дастлабки даврларда Бухоро билан муносабатларни яхшилаган, лекин 1820 йилларда Бухородаги ички исёнлар сабаб Марв атрофларини ўзига бўйсундирган. Насрулло даврида унинг Бухоро билан муносабатлари дўстона давом этган. Айниқса, Оллоқулихон даврида тинч кўшничилик муносабатлари самимий тус олган. Аммо 1830 йиллардан кейин муносабатлар ёмонлашди. Шундай бўлса-да, умрининг охирида Оллоқулихон Хива билан Бухоро ўртасида тинчлик ўрнатилишига сабабчи бўлиб турди.

**Резюме.** В этой статье на основе письменных источников освещены посольские и дипломатические отношения Хивинского ханства с Бухарой в период правления Мухаммада Рахимхана I и Аллакулихана, занимавших особое место в создании и укреплении централизованного государства в период правления кунградской династии в Хорезме.

**Summary.** In this article, on the basis of written sources covered ambassadorial and diplomatic relations of the Khiva khanate with Bukhara during the reign of Muhammad Rahim-khan I and Allakuli-khan, both played an important role in building and strengthening the centralized state during the reign of the Kungrat dynasty in Khorezm.

## ХИВА ХОНЛИГИ ВА АФҒОНИСТОН ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

Л.Ш. Абдукаримов

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви И-125 фонд, 2-рўйхатда сақланаётган йиғма жилдлардаги ҳужжатлар бизга Афғонистон ва Хива хонлиги ўртасида бўлиб ўтган дўстона ёзишмалар ҳақида хабар беради. Ушбу ҳужжатлар тавсиф каталогига 260-йиғма жилд афғон амири Абдурахмонхоннинг Хива хонига дўстона хатлари деб тавсифланган. Ушбу йиғма жилд 3 саҳифадан иборат бўлиб, 1, 3 саҳифалар матннинг асл нусхаси, 2-саҳифа эса унинг таржимаси, деб ёзилган.<sup>1</sup> Тадқиқот давомида ушбу хатларнинг санаси ёзилмаганлиги маълум бўлди. Биз учун хатларнинг қайси ҳолатда ва қачон ёзилганлигини аниқлаш катта аҳамият касб этади. Буларни аниқлашда 1880-1901 йилларда Афғонистон амири бўлган Абдурахмонхоннинг ёзган кундалиги ёрдамчи манба бўлади. Ушбу кундаликнинг асли форсий тилда битилган бўлиб, унинг инглизча таржимаси 1900 йилда Лондонда чоп қилинган.<sup>2</sup> Ушбу асарнинг қўлёзмаси Қобулдан Англияга Мисс Лиллиас Хамилтон (Амир Абдурахмоннинг тиббий ишлар бўйича маслаҳатчиси) томонидан олиб келиниб, Султон Муҳаммадхон (инглизларнинг Афғонистондаги мусулмон вакили) тарафидан инглиз тилига таржима қилинган. Бу маълумотлар ушбу китобнинг «ноширнинг эслатмаси» қисмида айтиб ўтилган.

Абдурахмон (1844-1901) Дўстмуҳаммадхоннинг набираси бўлиб, тахт учун ўзаро низоларда мағлубиятга учрагач, Туркистонга қочган (1869). 1878-1880 йиллардаги инглиз-афғон уруши даврида ватанига қайтиб, Шимолий Афғонистонда ўз ҳокимиятини ўрнатган (1880). 1880 йилнинг 31 июлида Зам-

<sup>1</sup> Архив Хивинского ханства. – Ташкент. 1965. – С.27.

<sup>2</sup> Sultan Mahomed Khan. The life of Abdur Rahman. – London. 1900.

мада<sup>1</sup> Афғонистон амири деб тан олинган. Абдурахмон Афғонистоннинг ҳудудий яхлитлигини сақлашга интиланган, бироқ Англиянинг зўравонлиги остида «Дюранд чизиги»<sup>2</sup>ни Афғонистоннинг шарқий чегараси деб тан олишга мажбур бўлган (1893). Унга кўра, кўплаб афғон аҳоли яшайдиган ҳудудлар Англиянинг Ҳиндистондаги мулклари каторига киритилган. Абдурахмон ички низоларга барҳам бериб, мамлакат хўжалигини мустаҳкамлашга имкон яратган.

Ушбу кундаликдаги 1867-1870 йилларга доир маълумотларда Абдурахмонхоннинг Машҳадга бориб, у ернинг ҳокимидан Туркистонга кетмоқчи эканлиги ҳамда у ерга Тажан ва Урганч орқали кетмоқчилигини билдиради. У ўзига йўл кўрсатувчи беришларини ҳам илтимос қилади. Абдурахмонхон ўз кундалигида Машҳаддан Хивага келгунча йўлда туркман карвонини учратганини, унинг одамлари сувсизликдан кийналиб кудук излаб юришганини айтиб, улардан яқин орадаги кудукқа йўл кўрсатишни сўрашади. Туркманлар эса уларни форслар деб ўйлаб, бошқа йўлни кўрсатиб юборишади. Абдурахмонхоннинг кўпчилик одамлари йўлда қолиб кетиб, ўзи ва бир неча хизматкорлари билан бир кудукқа келиб тушишади. У ердан отларини суғоргач, ҳалиги туркманлар карвонини учратишади. Улар Абдурахмонхонни йўлдан адаштириб юборганликлари учун узр сўрашади. Чунки ўша пайтда форслар ва туркманлар ўртасида душманлик кайфияти бор эди.<sup>3</sup> Абдурахмонхон кейинги воқеаларни куйидагича баён қилади «ўша куни бизнинг овқат захирамиз тугаб, туркман карвонидан етти кунлик озиқ-овқат сотиб олдик.

<sup>1</sup> Кобулдан 16 мил шимолда жойлашган ҳудуд номи.

<sup>2</sup> Афғонистон ва Англия ўртасида тузилган сулҳга кўра, Англиянинг шарқдаги мулклари билан Афғонистон чегаралари ўртасидаги чизик. Ушбу ном чегара чизигини белгилаш масаласида иш олиб борган миссия раҳбари Сэр Мортимер Дюранд исми билан аталган эди.

<sup>3</sup> Sultan Mahomed Khan. The life of Abdur Rahman. – London. 1900. – P. 130-133.

Биз ўша ерда уч кун қолдик. Хива шаҳри эса бу ердан беш кунлик йўл. Биз Хива тарафга юриб кетдик, шаҳар атрофида тўхтаб озик-овқат сотиб олиш учун хизматкорларимни жўнатдим. Хива хони эса хизматкорларимдан ким учун хизмат қилишларини сўрабди. Улар буюк Дўст Муҳаммаднинг набираси ва Амир Афзулнинг ўғли сардор Абдурахмонхонга деб жавоб беришибди».<sup>1</sup>

Абдурахмонхон Хива атрофига етиб келгач, у билан Хива хони ўртасида ёзишма бўлади. Мазкур ёзишма кундаликда эслатилмаган. Муҳаммад Раҳимхонга йўллаган мактубида Абдурахмонхон Хива атрофига етиб келганлигини билдириб, йўл машаққатидан чарчаш ҳосил бўлганлиги сабабли бу кун ҳузурларига бормай туриб, эртага «дийдорларига мушарраф» бўлишлигини хабар берган.<sup>2</sup>

Кундаликда воқеалар давоми қуйидагича баён қилинади: «... Хива хони бизга вазирини жўнатиб, бизларнинг бундай ноқулай жойда тунашимизни нолойиқ кўрганлигини билдириб, бу ерда қолишимизга кўнмай бизни шаҳарга олиб кетишди. Шаҳарда бизни яхши уйларга жойлаштириб, икки кун зиёфат қилишиб бизни меҳмон қилишди. Икки кундан кейин Хива ва Урганч хони (яъни Хива хони) бизга вазирини жўнатиб, бизни кўргани келаётганини хабар беришди. Мен эса мусофир сифатида саройга ўзим борганим аълороқ эди. Шундай ҳам қилдим. У ерга етиб боргач, 60 та милтиқ ва милтиқ аравасини кўрдим. Ажабланарлиси шуки, милтиқ ушлаган одамларнинг барчаси қора танлилар эди. Мен ҳеч қачон бунча қора танлиларни бир жойда кўрмаганман. Мени келишимни кўриб улар салом сифатида 50 та ўқ отишди. Хон чиқдилар, мен ҳам отдан

<sup>1</sup> Sultan Mahomed Khan. The life of Abdur Rahman. – P. 134.

<sup>2</sup> Варақ орқасида 1x1,4 см.ли юмалоқ муҳрда Абдурахмон ёзуви мавжуд. (21,5x34,5 см ўлчамдаги қалин маҳаллий қоғозга настаълиқ хатида қора сиёҳ билан форсий тилда (тавсифда ушбу варақ хатларнинг таржимаси деб ёзиб қўйилган). Қаранг: ЎзР МДА Фонд И-125, рўйхат-2, йиғма жилд - 260, 2-варақ; Архив Хивинского ханства. – Ташкент. 1965. – С. 27.

тушиб ҳазрат билан қўл бериб кўришдим. Ичкарига Дурбар хонасига кирдик. Ўша пайтда мен туркий тилни билмасдим. Шу сабаб хон таржимон тайин этди. Биз икки соатча гаплашдик. Суҳбат чоғида у мени ўз оғасидай кўришини, унинг бобоси (кундаликда отаси дейилган) Муҳаммад Амин менинг отам Балхда ҳокимлик пайтида жуда қалин дўст бўлганликларини таъкидлаб, мени кўргани учун Аллоҳга ҳамдлар айтди. Хива хони менга ўз қўл остидаги етти шаҳардан иккитасини таклиф қилди, агар мен Балхга кетадиган бўлсам, 100 минг суворий ва пиёда бериб туришлигини, улар шаҳарни эгаллашда унга ёрдам беришларини ва шу йўсинда бизлар бир биримизга дўст ва қўшни бўлиб қолишимизни айтди. Мен бир неча кундан кейин жавоб беришимни айтдим. Суҳбатдан кейин мени кузатиб бораётган хизматчи «хон ўз қароргоҳини менга берганлигини» айтди. Бу жой шаҳар ташқарисида бўлиб, унда чиройли боғ ва бинолар бор эди. Ўша ердалигимда хоннинг хазинабони келиб хон менга 200 минг соверен (олдинлари Буюк Британияда ишлатилган олтин тангалар) пул беришлигини таъкидлаб айтди. Мен эса унга «Худо хонингизни ёрлақасин, мен унга қанчалар миннатдор ва қарздор эканлигимни сўз ила ифода қила олмайман. Менга 200 минг соверен не зарур? Менинг кунлик эҳтиёжим 30 қирон (форс тангалари)» дедим. Эртаси куни хазинабон менга 1000 олтин танга олиб келди. Хон ҳазратлари унга ҳар куни шу ишни такрорлашини топширган эканлар. Мен эса ҳар куни унга ўша жавобни айттардим, у эса шу пулларни менинг хазинабонимга топширар эди.

Беш кундан кейин Вазир келиб, хоннинг менга айтган таклифига жавобимни сўради. Мен эса хон ҳазратлари мени бир неча яқинлари билан Русияга элчи қилиб юборсалар ақлли иш бўлар эди, ўшанда руслар ва Хива ўртасида келишувга келардик, бўлмаса, шундай катта империя Урганч атрофига келиб, бу ерни вайрон қилади, деб жавоб қилдим. Хон жавобимни маслаҳатчилар билан кенгашибди. Лекин кўпчи-



лик одамлар русларнинг кимлигини англамагани учун «агар руслар Урганчга келадиган бўлишса, уларни ўлим кутади», дейишибди. Вазир баъзи амалдорлар менинг таклифимни маъқуллашганини ва одамларнинг жавоби эса юқоридагидай бўлганини айтди. Мен эса «агар одамлар уларнинг кимлигини билишмаса, бу ердан кетганим маъқул», деб жавоб бердим. Вазир эса менга хон ўз қизини никоҳлаб бермоқчилигини ва шу йўл билан одамлар менинг таклифимни қабул қилишини шипшитиб қўйди.

Мен эса агар шу ишни қилсам, одамлар мендан хон қизини рашк қилишларини ва ўша икки шаҳарни қабул қилсам, одамлар менга душман бўлиб қолишларини айтдим. Яна бу ерда қололмай Бухорога кетишим зарурлигини таъкидладим. Вазир менинг жавобимдан жаҳли чиқди. Кейин мен хон ҳазратларидан кетишимга рухсат сўраб беришини илтимос қилдим. Хон эса менга рухсат қилдилар ва икки кун сафар тадоригини кўриш учун кетмай туришимни илтимос қилдилар. Учинчи куни хон ҳазрат менга 150 та туя (озик-овқатлари, гиламлар ва чодирлари билан) бердилар. Хайрлашув чоғида хон ҳазрат менинг жўнаётганлигимдан қайғуда эканликларини билдирдилар<sup>1</sup>.

Шундан сўнг Абдурахмонхон Бухорога жўнаб кетади. У ўз кундалигида Хива хони унга юзбоши қўшиб жўнатганини келтирмаган. Бу маълумот эса Абдурахмон томонидан хон ҳузурига шундай ёзилган: «Кўкирли<sup>2</sup> номли жойга юзбоши ҳамроҳлигида саломат етиб бордик, ўша жойга Бухорога юборган одамимиз ҳам етиб келди. Шу билан Бухоро аҳволоти ҳам ўрганилди. Бухородан келган хатни ҳузурларига юбордик. Бу

<sup>1</sup> Sultan Mahomed Khan. The life of Abdur Rahman. – London. 1900. – P. 134-137.

<sup>2</sup> Кўкирли деган жой аслида Кугурдли (کوکردلی) бўлиб, манбада «Кугурдли мавзеиким, Бухоро йўлининг дарёдин ойрилтурғон (айриладиган) еридир», деб келтирилади. Қаранг: Муҳаммад Ризо Огаҳий. Зубдат ал-Таворих. – Самарқанд. 2016. 147-бет.

томондан ҳар тарафлама хотиржам бўлсинлар, деб арз қилинган»<sup>1</sup>.

Афтидан, Абдурахмон хоннинг орқасида навкарлари қолиб кетган бўлсалар керак. Шунга ўхшаш маълумот юқорида эслатиб ўтилди. Чунки бир неча киши Мозлонхон Афғон ва Шердеҳлихон Афғон деган кишилар билан ўз хонини излаб келгани ҳақида хат бор. Ушбу хатда муҳр, сана мавжуд эмас. Уни асли қуйидагича:

*«Ҳазрат халифа ар-Раҳмон зиллу Субҳоннинг хизматларига юз минг туман дуо ва олқиш адо-сидан сўнгра бу дуогўй Мозлонхон Афғоннинг ўзи била беиш киши ва Шердеҳлихон Афғон ўзи била тўрт киши. Бизлар Абдурахмон хоннинг навкарлари турурмиз. Бизлар мунда Абдурахмон хонни излаб келуб эрдик. Ул Бухорога кетган эркан. Эмди биз ҳазратимизнинг давлати қабулларига келдук. Ҳазратимиз бизларнинг хўр-у хўрак, обу шолимиздин ўзлари хабардорчилик кўрсалар. Бизлар аввал Худо, сониян (сўнгра) ҳазратимиз деб юрибмиз. Илоҳо Аллоҳ таоло ҳазратимизни умр давлатларини зиёд қилғой. Омийн ва роббал-ёо-лабийн, деб бу хат марқум бўлди»<sup>2</sup>.*

Ушбу тадқиқотда асосан 3 та ҳужжат муомалага тортилиб, уларни ўрганиш натижасида юқоридаги маълумотлар ҳам аниқланди. Лекин ушбу икки давлат алоқаларига оид бошқа ҳужжатлар ҳам бор бўлиб, уларда турли маълумотлар, жумладан Абдурахмоннинг Хивага жўнатган совға саломлари ва уларнинг рўйхати келтирилган. Келгусида ушбу ҳужжатларни

<sup>1</sup> Варақ орқасида 1x1,4 см.ли юмалоқ муҳрда Абдурахмон ёзуви мавжуд (форсий тилда ўлчами 17x42 см рус қоғозига 16 қатор қилиб қора сиёҳда битилган). Қаранг: ЎзР МДА Фонд И-125, рўйхат-2, йиғма жилд - 260, 1-варақ.

<sup>2</sup> 18x22,5 см. ўлчамли маҳаллий қоғозга настаълиқ хагида қора сиёҳ билан ёзилган. Аммо бу хат туркийда (ўзбек тили) битилган. Қаранг: ЎзР МДА. Фонд И-125, рўйхат-2, йиғма жилд-260, 3-варақ.

кўшимча манбалар асосида ўрганилса, Ўзбекистоннинг элчилик алоқалари тарихига доир янги ва муҳим маълумотлар аниқланиши шубҳасиз.

**Резюме.** Некоторые моменты дипломатических отношений между Хивинским ханством и Афганистаном отражены в документах, хранящихся в фондах ЦГА РУз. Но сведения только этих документов являются не достаточными в изучении деталей двухсторонних отношений этих государств. В статье использован дневник эмира Абдурахмана, правившего Афганистаном в 1880-1901 гг., который содержит новые интересные данные о взаимоотношениях двух государств и социально-экономической жизни ханства в 1867-70.

**Summary.** Some moments of diplomatic relations between the Khivan khanate and Afghanistan are reflected in the documents stored in the funds of Central State Archive of the Republic of Uzbekistan. But the details of only those documents are not sufficient to study the details of interrelations of these states. The paper used the diary of emir Abdurahman, who ruled by Afghanistan in 1880-1901, which contains new and interesting data on the relationship between the two states and the socio-economic life of the khanate in 1867-70.

## ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИДА ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАР

Н.Н.Гулбоев

Хоразмда давлатчилик шакллари қадимдан шаклланиб келган бўлиб, бунда ташқи сиёсат масалаларида элчиларнинг роли катта аҳамият касб этган. Сўнги ўрта асрларга келиб Ўрта Осиёдаги кучли давлатлардан бири бўлган Хива хонлигида ҳам элчиларни кутиб олишда ўзига хос тартиб ва тамойиллари мавжуд эди.

Хива хонлиги Бухоро, Қўқон, Россия, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Англия давлатлари билан элчилик алоқаларини амалга оширган.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг «Жомеъ ал-воқеот-и султоний» асарида Россияга Шукрулло оқо ва Қиличжонбойни, Қўқонга Раҳматуллобой Қоракўзни, Бухорога Раҳмонберди схундни мактуб ва бошқа совға-саломлар билан ушбу давлатлардан келган элчиларга қўшиб юборганлигини ёзади<sup>1</sup>. Хивага келган ушбу элчиларни махсус элчихоналарда кутиб олинган бўлиб, улар хон томонидан қабул қилинган. Айрим ҳолларда хон сафарда бўлган вақтлар ёки бошқа сабабларга кўра элчилар бир ойдан икки ойгача, ўзларига ажратилган махсус жойда хонни келишини кутганлар. Хивага келган элчилар ўзлари билан ўз давлати ҳукмдорининг номидан ёзилган мактуб ва совға-саломлар билан келган. Мактуб ва совға-саломлар хон қабулида қабул қилиб олинган ҳамда у ерда бўлган бошқа давлат амалдорлари кўз олдида кўрсатилган. Бу ўз навбатида хонга бўлган ҳурмат, эътибор бўлса, бошқа томондан ўз давлатининг куч-қудратини ҳам намоён этиш бўлган. Хусусан,

<sup>1</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami al-vaqiat-i sultani // Edited in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghi Tashev. – Samarkand-Tashkent: ICAS, 2012. – P. 70.

Бухоро амири Насрулло (1826-1860) томонидан юборилган элчи Субхонқули мирохур ўзи олиб келган тухфаларни хон мулозимлари олдида кўрсатиб ўтади<sup>1</sup>.

Хива Бухоро ва Қўқон хонликлари билан элчилик алоқаларини доимий равишда олиб борган. Элчиларни кутиб олиш вақтида одатда Шарқ анъаналарига риоя этган ҳолда амалга оширилган. Элчига бўлган эътибор ўз навбатида давлатлар ўртасида олиб борилаётган сиёсат билан бевосита боғлиқ бўлган. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам элчини хурмат эътибори жойига қўйиб келинган.

Хонлиқга ташриф буюрган элчилик олдида кўп ҳолларда иттифоқчилик, савдо-сотикни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш вазифа этиб қўйилган бўлсада, айрим ҳолларда элчилар бошқа мақсадни ҳам кўзлаб келганлар. Элчилик ишларига тажрибали, тилни биладиган, сўзга чечан кишилар тайинланган. Бу ҳолатда турли мансаб эгалари ҳам элчи бўлиши мумкин бўлган.

Элчи сифатида айрим ҳолларда ҳарбийлар ҳам тайинланган бўлиб, улар ўз ишларини яхши бажарганлар. Ҳарбийлар орасидан элчи тайинлашда нафақат ҳарбий нуктаи-назардан, балки уни билими, нутқи, гапга чечанлиги ҳисобга олинган ҳолда ёндашилган. Қолаверса, уларга борган ўлкалардан маълумот йиғиб келиш вазифалари ҳам юкланган. Ҳар бир давлатдан келган элчига авваламбор, давлатлар ўртасидаги муносабатлар эътиборга олинган, шу билан бир қаторда элчининг лавозими ва обрўйига қараб ҳам муомала қилишган.

Хива хони Раҳимқулихон (1842-1845) вафот этгач тахтга Муҳаммад Аминхон (1845-1854) ўтиради. Бухоро амири Насрулло (1825-1860) Муҳаммад Аминхонга олий ҳукмдор вафоти муносабати билан таъзия изҳор этиш ва янги хонни муборакбод этиш мақсадида 1846 йилда Хива хонлигига домла Эшмурод раис ва Оллоҳберди сўфиларни элчи қилиб

<sup>1</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami al-vaqiat-i sultani. – P. 70.

юборади. Улар ўз навбатида элчи тамойилларига риоя этган ҳолда кутиб олинади. Элчилар совға-саломлар ҳамда Бухоро амирининг мактубини Хива хонига топшириб ортга қайтиш вақтида, хон уларга ўз элчиси Бекиш халифани мактуб ва тухфалар билан қўшиб юборади<sup>1</sup>. Ўз навбатида Бекиш халифа хонлиқда ҳарбий вазифада ҳам ишлаган.

Бу ҳақида XIX муаррихи Муҳаммад Ризо Мироб Огаҳий ўзининг асарида шундай ёзади: «Бекиш халифаким инояти ҳоқонийдин тоза тарбият топиб алиэли [Туркман уруғларидан - Н.Г.] лашкариясининг саркардалиги мансабиға мансуб бўлмиш эрди»<sup>2</sup>. Элчиларнинг ҳарбийлардан тайинланиши фақат Хива хонлигида бўлиб қолмай Бухоро амирлигида ҳам бўлганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 1849 йил Хивага Бухородан Ибодулло қоровулбеги элчи бўлиб келганлиги манбаларда ёритилади<sup>3</sup>.

Бундан ташқари юзбоши лавозимида ишлаганлар ҳам элчи вазифасини бажарганлиги манбаларда қайд этилган. Огаҳийнинг ёзишича: «Муҳаммадамин юзбошини муҳаббатнома [мактуб, хат - Н.Г.] била сафорат учун қўшуб, Бухоро сувбиға ирсол эттилар»<sup>4</sup>.

Шунингдек, Хива хонлигининг узокдаги хорижий давлатлар билан ҳам алоқалари яхши бўлиб, бир-бирлари билан элчилик алоқари амалга оширилиб турган. Хусусан, Усманийлар давлатига Хива хони томонидан элчи юборилганлиги ҳақида манбада шундай ёзилади: «Яна улким, остон давлатошён мулозимларидан Қутбиддин хожа шайхулислом ва Шукрулло оқо рисолат тарикаси била Румға халифанинг олдида кетмиш эрдилар, ондоқким собиқан мазкур бўлди, йўл асносида Қутбиддинхожа вафот топиб, Шукрулло оқо халифанинг йиборган

<sup>1</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami al-vaqiat-i sultani. – P. 8.

<sup>2</sup> Ўша асар. – P. 94.

<sup>3</sup> Ўша асар. – P. 134.

<sup>4</sup> Ўша асар. – P. 177.

нома ва совготин ҳамул йил (1851 йил - Н.Г.) зулқаъда ойининг авостида мавқиф хилофатга еткурди»<sup>1</sup>.

Хива хонлиги Европа давлатлари билан ҳам алоқаларни йўлга қўйган. Бу борада Англия давлати билан элчилик алоқалари амалга оширилганлигини Муҳаммад Юсуф Баёний ўзининг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарида қайд этиб ўтади. Муаррихнинг ёзишича 1840 йил Ҳиндистондан Ҳайбат (Англиядан Хивага элчи булиб келган Жеймс Аббот қўлзмада «Ҳайбат» исми билан ёзилган - Н.Г.) исмли киши Англия ҳукумати томонидан элчи бўлиб келган ҳамда Хива хони Оллоқулихон (1825-1842) томонидан қабул этилган. Элчи томонидан олиб келинган мактубда Хива хонлиги 50 йил ичида Россия империяси томонидан эгалланиб олинислиги ва шу муносабат билан хонлик юртини инглиз юрти деб тан олса уларга кўп фойда бўлишлиги ёзилади<sup>2</sup>. Лекин Оллоқулихон бу мактуб мазмуни билан таниш бўлгач, элчига совға-саломлар бериб, рад жавобини бериб қайтариб юборади.

Хонликга юборилган элчиларга ўз навбатида ҳарбий мақсадлар ҳам юклатилган бўлиб, улар қандай ҳолатда бўлмасин хон билан ўзлари фойдасига музокаралар ўтказиш, шунингдек, борган жойидаги давлатлар тўғрисида кўпроқ маълумотларни билиб олиши керак бўлган.

Хонликда 1873 йилдан кейин Россия империяси протекторати ўрнатилгач ташқи сиёсат масалаларида бевосита чекловлар киритилади. Ташқи сиёсат масалалари Россия империяси томонидан амалга оширила бошланади.

Хива хонлигида протекторат ўрнатилгач хонлик элчилари одатда Санкт-Петербург ёки Тошкентга сафар уюштирганлар. Хусусан, 1900 йил Санкт-Петербургга Хива хони Муҳаммад

<sup>1</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami al-vaqiat-i sultani. – P. 145.

<sup>2</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлзмалари маркази. Қўлзма. Инв. № 9596. 303 б-варақ.

Раҳимхон II (1864-1910) нинг ўғли Саид Асфандиёр Тура (1910-1918) бошчилигида элчилар ташриф буюради. Унга ҳамроҳлик қилиб Ҳусаинбек, Муҳаммад Вафо, Ислон Ҳўжа ва Омонкелди сардорлар боради. Ушбу элчилар Санкт-Петербургда яхши кутиб олинади. Саид Асфандиёр Тура Император Александр Николай II (1894-1917) билан учрашиб, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) нинг мактубини ўқиб беради<sup>1</sup>. Унда императорга соғлик-саломатлик тилаб, дўстликлари доим давом этаверишлиги ёзилган бўлиб, элчилар сафари давомида кўп жойларни кўришади. Ушбу элчилик сафари чоғида Саид Асфандиёр Тура биринчи даражали Муқаддас Анна ордени билан мукофотланади. Бундан ташқари элчиларга Россия империяси ҳукумати томонидан бу ердаги мануфактуралар, театрлар ҳамда ҳарбий машғулотлар қандай тартибда ўтказилаётганлиги кўрсатилади. Бундан асосий мақсад Россия империяси томонидан ўзларининг ҳарбий ва бошқа соҳаларда анча илдамлаганлигини кўрсатиш бўлган. Ушбу элчилик сафарида кўпроқ Россия империяси томонидан ҳарбийлар иштирок этишади. Элчилар шу йилнинг ўзида Хивага қайтиб келади.

Шунингдек, Асфандиёр Тура бошчилигида 1901 йилда Тошкентга яна элчилар келади. Ушбу элчиларнинг мақсади Туркистон генерал-губернатори генерал-лейтенант Ивановнинг, ушбу мансабга янги тайинланганлиги муносабати билан Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) томонидан юборилган табрик хатини олиб келиб бериш ҳамда ўртадаги муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган<sup>2</sup>. Шу билан бир қаторда Саид Асфандиёр Туранини Хива хонлигига тахт ворислиги қилиб тайинлашда Россия империясининг

<sup>1</sup> Диваев А. Наследник Хана Хивинского Сеид Асфендиар Тюря. – СПб., 1900. – С. 1-2.

<sup>2</sup> ЎзР МДА (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви). Фонд И – 2, руйхат – 1, йиғма жилд – 107. 6, 41-варақ.

юқори мансаб эгалари орасида таништириш ҳамда улар орасида хурматга сазовор бўлишликни кўзлаган.

Бундан ташқари 1910 йил 24 июнда Хива бош вазири Ислом Хўжа бошчилигида элчилар Тошкентга, Туркистон генерал-губернаторлигига ташриф буюрадилар. Элчилар Тошкентга келишидан олдин телеграмма орқали огоҳлантирилади ва поездда махсус вагонда келади. Тошкент вокзалида уларни Туркистон ҳарбий округи бош штаб навбатчиси Михайлов, дипломатик амалдор Калмиков, шаҳар бошлиғи, комендант, полиция бошлиғи, генерал-губернаторлик отликлари ва хор музыка садолари остида кутиб олишади.

Уларни кутиб олишга вокзалга 1-чи Туркистон ўқчи бригадаси хор музыка жамоаси, округ ҳарбий комендатурасининг отликлари чиқади<sup>1</sup>. Ушбу кутиб олиш маросимига чиққанларнинг ҳаммаси ҳарбийлардан иборат бўлиб, улар кундалик ҳарбий формада бўлган.

Элчилар Тошкентдаги Гранд-Отел меҳмонхонасига жойлаштирилади. 28 июн куни Туркистон генерал-губернатори ўз уйида эрталаб элчиларни дастурхон атрофида қабул қилади. Унда 1-чи Туркистон армия корпуси командири, генерал-губернатор канцелярияси бошлиғи, ҳарбий округ штаби бошлиғи, дипломатик амалдор ва элчилар иштирок этишади. Қолган ҳарбийлар эса кундалик формада бўлган. Генераллар бошқалардан ажралиб туриш учун махсус лента таққан.

Россия империяси даврида элчиларни кутиб олиш ва уларга зиёфат беришда асосан, Европача одатлар устунлик қилгани кузатилади. Хусусан, Туркистон генерал-губернатори қабулини эртасига ҳарбий йиғилишда элчилар учун тушлик ташкил этилади. Ушбу тушлик вақтида биринчи қадаҳ сўзи генерал-губернатор ёрдамчиси Покотило томонидан тантанали равишда император шарафига, иккинчи сўзда Хива хони шарафига, учинчи сўз Ислом Хўжа томонидан Туркистон гене-

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И – 1, рўйхат – 3, йиғма жилд – 998. 37-варақ.

рал-губернатори шарафига, тўртинчи сўз генерал-губернаторлик томонидан тантанали равишда келган элчиларга соғлик тилаб айтилади<sup>1</sup>.

Ушбу элчиларни кутиб олиш учун ташкил этилган тушлик вақтида Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан 41 киши қатнашади<sup>2</sup>. Хива хонлиги томонидан бош вазир Ислом Хўжа бошчилигидаги элчиликга Хонқа беки Ҳожибой Омонбоев, Ислом Хўжанинг котиби Раҳимберган Раҳманберганов, крим-чиқимчи Солиҳбой Матвафоев, Амударё бўлимида таржимон Расулов ва элчиларга бошқа хизмат вазифаларини бажариш мақсадида келган етти киши иштирок этади. Уларнинг ҳаммаси юқори мансаб эгалари ҳисобланиб, элчиларнинг келиш-кетиш, ётиши, овқатланиш сарф-харажатлари генерал-губернаторлик ҳисобидан қопланган.

Бундан ташқари Хива хонлиги элчилари билан бирга келган ва хизмат кўрсатаётганларга 6 дона кумуш соат совға қилиб берилади<sup>3</sup>.

Ислом Хўжа бошчилигидаги элчиликнинг Туркистон генерал-губернаторлиги келишидан мақсад Хива хонлигида ислохотлар ўтказиш кераклиги, янги корхоналар қуриш ва савдо масалалари, шу билан бирга, Хива хонлиги тахтига ворис тайинлаш масаласида Саид Асфандиёр турани тахтга ўтқазилган империянинг юқори амалдори томонидан қўллаб-қувватлашга эришиш бўлган.

Хулоса қилганда, Хива хонлиги турли давлатлар билан элчилик муносабатларини олиб борган. Бу жараёнда ҳарбийлар ҳам фаол иштирок этган бўлиб, улар ўзларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажарганлар. Хонлик Россия протек-

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И – 1, рўйхат – 3, йиғма жилд – 998. 2, 2 об-варақ.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И – 1, рўйхат – 3, йиғма жилд – 998. 3, 3 об, 4-варақ (Ушбу ҳужжатда ҳарбийларнинг махсус рўйхати ҳам илова қилинган бўлиб, келгуси тадқиқот ишимизда улардан фойдаланилади).

<sup>3</sup> ЎзР МДА. Фонд И – 1, рўйхат – 3, йиғма жилд – 998. 59-варақ.

торати таркибига ўтгач ҳам ҳарбийларнинг мавқеи сақланиб қолган. Россия империяси томонидан элчиларни кутиб олиш ва кузатиш ишларида ҳарбийлар иштирок этиб келган. Хонликда протекторат ўрнатилгач элчилик урф-одат ва анъаларда анча ўзгаришлар кўзга ташланди. Чет давлатлари билан ташқи алоқаларни амалга ошириш бевосита Россия империяси томонидан амалга оширила бошланди.

**Резюме.** В поздние средние века Хивинское ханство установило посольские отношения со многими странами. В этом процессе приняли активное участие также военные, которые выполняли свои обязательства честно и с особым энтузиазмом. После установления российского протектората наблюдаются определенные изменения в организации посольского дела. В данной статье освещены посольские связи Хивинского ханства и участие в них военных до и после установления российского протектората над ханством в 1873 году.

**Summary.** In the late Middle Ages the Khiva khanate established ambassadorial relations with many countries. In this process, actively participated also military men and they met their engagements honestly and with great pleasure. After the establishment of the Russian protectorate there were some changes in the organization of embassy affairs. This article highlighted the embassy relations of the Khiva khanate and the participation of military men in them before and after the establishment of the Russian protectorate over the khanate in 1873.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ДИПЛОМАТИК ИНСТИТУТЛАР: АНЪАНА ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

т.ф.н. Ш.Ю.Махмудов

Қўқон хонлиги давлат сифатида вужудга келиши ва ривожланиши натижасида давлатчиликнинг турли унсурлари ҳам шаклланиб борди. Хусусан, давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш борасида дипломатик институтлар ҳам вужудга келди ва бунда асосий омил сифатида хонликнинг ташқи сиёсати билан боғлиқ масалалар сабаб бўлди. Хонликнинг ташқи алоқалар институтининг шаклланиб бориши дипломатия билан боғлиқ турли вазифаларни тартибга келтирди. Жумладан, хорижий элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ анъана ва маросимлар бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Турли давлатларда бу маросим ўзига хос тарзда ташкил этилиши, маълум бир қонун-қоидалар асосида олиб борилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, айрим ҳукмдорлар ёки вазирлар, донишманд кишилар томонидан бу борада махсус кўрсатмалардан иборат қўлланмалар, рисоалар ёзилганлиги бу масалага катта эътибор берилганлигидан далолат беради. Хусусан, Салжуқийлар давлатининг машҳур вазири Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асарида элчиларни кутиб олиш бўйича муҳим маслаҳатлар қайд этилади. Хусусан, Низомулмулк ўз асарида, «Ташқаридан келган элчиларни саройга келиб-кетишлари номаълум қолиши, уларнинг аҳволидан хабардор бўлмаслик ғафлат ва ишнинг тартибсизлигидан дарак беради», - деб ёзади<sup>1</sup>.

Марказий Осиё давлатларида ҳам дипломатик институтларнинг таркибида элчиларни кутиб олиш муҳим тадбир саналган. Буни Қўқон хонлигида хорижий элчиларни кутиб олиш маросими ҳам алоҳида давлат аҳамиятига молик тадбирлардан

<sup>1</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияк ул-мулк / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, А.Эркинов. – Тошкент. 1997. 100-бет.

бири бўлганлигини элчиларнинг сафарномалари<sup>1</sup> ҳамда маҳаллий манбаларда<sup>2</sup> қайд этилган маълумотлар орқали тадқиқ ва таҳлил этиш мумкин.

Даставвал, қайд этиш лозимки, Қўқон хонлигининг ташқи сиёсати ва дипломатик алоқалари бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда асосан хонликнинг хорижий давлатлар билан олиб борган алоқалари ва бу алоқаларни юзага келтирган омиллар хусусида сўз юритилади<sup>3</sup>. Жумладан, Қўқон хонлигининг Хитой<sup>4</sup>, Россия им-

<sup>1</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии / Текст подготовил В.А. Ромодин. – М., 1968.

<sup>2</sup> Саййид Муҳаммад Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузурдаги Шарқ қўлэмалари маркази. Инв. № 594; The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. – London. 2003; Махмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳузурдаги Шарқ қўлэмалари маркази. Литографик нашр. Инв. № 304; Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Нашрга тайёрловчилар Т. Алимардонов, Н. Абдулҳаким. – Қарши. 1992.

<sup>3</sup> Кутликов М. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством // Китай и соседи. – М., 1982; Newby Laura. The empire and the Khanate: a political history of Qing relations with Khoqand c. 1760-1860. – Leiden: E.J. Brill, 2005; Гаффоров Ф. Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. Тарих фанлари номзоди ... дис. – Тошкент. 1970; Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII-первой половине XIX века. – Тошкент. 2005. – С. 333; Saray Mehmet. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabotlar (1775-1875). – Istanbul, 1990; Saray M., The Russian, British, Chinese and Ottoman Rivalry in Turkestan. – Ankara. 2003; Komatsu Hisao. Khoqand and Istanbul: An Ottoman document relating to the earliest contacts between the khan and sultan // Asiatische Studien Etudes Asiatiques LX.4. 2006. – S. 963-986.; Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в середине XIX – начале XX вв. Автореферат кандидата исторических наук. – М., 2007.; Erdogru Akif. The Khoqandi Envoys in Ottoman Istanbul // Central Asian Journal 52/1. 2008.; Macit Abdulkadir. Başbakanlık Osmanlı Arşiv Belgeleri Işığında XIX. Yüzyıl Osmanlı-Hokand Hanlığı Münasebetleri: Yüksek Lisans tezi. – İstanbul. Marmara Üniversitesi, İlahiyat fakultesi. 2008.

<sup>4</sup> Saguchi Toru. The Estrem trade of the Khoqand khanate. – Tokyo. 1965.; Кутликов М.

перияси<sup>1</sup> ва Усманийлар давлати<sup>2</sup> билан дипломатик алоқалари тадқиқ этилган бўлсада бошқа мамлакатлар, жумладан Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон каби давлатлар билан олиб борган халқаро муносабатлари деярли эътибордан четда қолган. Шунингдек, хонликнинг дипломатик институтларининг иш тартиби, фаолияти ҳамда ўзига хос хусусиятлари масалалари ҳам ўрганилмаган.

Қўқон хонлиги халқаро муносабатларга киришган давлатлар билан элчилар алмашинуви, элчиларни кузатиш ва кутиб

Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством // Китай и соседи. – М., 1982; Newby Laura. The empire and the Khanate: a political history of Qing relations with Khoqand c. 1760-1860. – Leiden: E.J. Brill, 2005; Пань Чжипин. Чжунъя Хаоханьго юй Циндай Синьцзян (Кокандское ханство в Центральной Азии и Синьцзян периода Цин). – Урумчи. 1991; Kim Hodong. Holy war in China. The Muslim rebellion and state in Chinese Central Asia, 1864-1877. – Stanford: California, 2004; Кулдашев Ш. Политические, экономические и культурные связи между Кокандским ханством и Восточным Туркестаном (XVIII – сер.XIX вв.). Автореферат кандидата исторических наук. – Тошкент 2009.

<sup>1</sup> Хасанов А. Взаимоотношение киргизов с Кокандским ханством и Россией в 50 - 70 годах XIX в.: Дис... доктор истор. наук. – М., 1961; Гаффоров Ф. Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар: Тарих фанлари номзоди ... дис. – Тошкент. 1970; Гуломов Х. Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII-первой половине XIX века. – Тошкент. 2005. – С. 333.; Ишқувватов В. XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон Россия дипломатик муносабатлари: Тарих фанлари номзоди... дисс. – Тошкент. 2003.

<sup>2</sup> Saray Mehmet. Rus isgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabotlar (1775-1875). – Istanbul. 1990; Saray M., The Russian, British, Chinese and Ottoman Rivalry in Turkestan. – Ankara. 2003; Komatsu Hisao. Khoqand and Istanbul: An Ottoman document relating to the earliest contacts between the khan and sultan // Asiatische Studien Etudes Asiatiques LX.4. 2006. S. 963-986.; Болтабоев Ҳ. Амир Умархоннинг мактуби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 24 октябр 1997 й. №43; Andican Ahat. Osmanlidan Gunumuze Turkiye ve Orta Asya. – Ankara. 2005; Васильев А.Д. Взаимоотношения Османской империи и государств Центральной Азии в середине XIX – начале XX вв. Автореферат кандидата исторических наук. – М., 2007; Erdogru Akif. The Khoqandi Envoys in Ottoman Istanbul // Central Asian Journal 52/1. 2008. – P. 5.; Macit Abdulkadir. Başbakanlık Osmanlı Arşiv Belgeleri Işığında XIX. Yüzyıl Osmanlı - Hokand Hanlığı Münasebetleri: Yüksek Lisans tezi. – İstanbul. 2008.

олиш билан боғлиқ ишларни махсус тадбирлар орқали амалга ошириб борган. Хорижий мамлакатларга элчиларни кузатиш ҳамма даврларда ҳам очиқ ойдин овоза қилиниб махсус йиғин ёки маросим билан кузатилмаган. Айниқса, XIX асрнинг ўрталарига келиб Россия империясининг Қўқон хонлигига таҳди-дининг кучайиши нағижасида хорижий давлатларга элчиларни юбориш яширин тарзда амалга ошириб борилган. Буни мамла-кат хавфсизлиги учун қўлланилган тадбир сифатида баҳолаш мумкин.

Қўқон хонлигидаги элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ тадбирларни икки гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга муво-фикдир. Биринчиси Қўқон хонлигига келган хорижий элчилар-ни кутиб олиш, иккинчиси эса хорижий мамлакатларга юбо-рилган элчиларни қайтиб келганини кутиб олиш маросими. Шунингдек, элчиларни кутиб олиш маросимини ҳам шартли равишда учта қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм элчини қа-бул қилиш маросими, иккинчи қисм ҳадялар тақдими, учин-чи қисм эса зиёфат дастурхони.

### *Хорижий элчиларни кутиб олиш*

Қўқон хонлигида хорижий элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ махсус қоидалар мавжуд бўлганлигига оид маълумот 1813 йилда хонликка Россия империясидан келган элчи Фи-липп Назаровнинг<sup>1</sup> эсдаликларида<sup>2</sup> қайд этилади.

<sup>1</sup> Филипп Назаровнинг ҳаёти тўғрисида батафсил маълумотлар етарли эмас. «Русском биографическом словаре»да туғилган ва вафот этган йили тўғрисида аниқ маълумот кўрсатилмасдан фақатгина XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида яшаган деб қайд этилади.

<sup>2</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии / Текст подготовил В.А.Ромодин. – М., 1968. Ушбу асарнинг қўлёмаси Санкт-Петербургдаги Россия Миллий кутубхонаси (Собиқ М.Е.Сальтыко-ва-Щедрина номли кутубхона)да «Қўқон ҳақидаги эсдаликлар» сарлавҳа-си остида сақланади. Мазкур асардан айрим парчалар дастлаб 1821 йилда «Вестник Европы» журналида нашр қилинган. Асар В.А.Ромодин томони-дан нашрга тайёрланган ва 1968 йилда нашр қилинган.

Шуниси эътиборлики, бу даврга келиб Қўқон хонлиги пой-тахтида хорижий элчилар учун махсус қароргоҳ барпо қи-линган<sup>1</sup>. Элчилар учун қурилган қароргоҳ шаҳарнинг четида бўлиб атрофи боғлар билан ўралган. Шунингдек, бу ерда қа-роргоҳдан бошқа турар жой бўлмаган<sup>2</sup>. Бу эса, ушбу иншоатни айнан элчиларнинг хавфсизлиги учун мўлжалланган махсус меҳмонхона деб айтишга асос бўлади. Ф.Назаровнинг қайд этишича қароргоҳ хавфсизлиги учун 15 та қоровул ва битта қа-ровулбоши маъсул этиб тайинланган. Россия империясининг Қўқон хонлигига юборган дастлабки элчиси Филипп Назаров хонлик пойтахтига келгандан сўнг махсус элчилар қароргоҳи-га жойлаштирилган. Элчилар учун махсус қароргоҳни ташкил этилиши бошқа Ўрта Осиё хонликларида кузатилмайди. Акса-рият давлатларда элчилар ҳукмдорнинг саройига жойлашти-рилган ёки уларга бирор мансабдор, обрўли шахснинг уйдан жой ажратилган. «Усмонли архиви» ҳужжатларида Қўқон хон-лигидан Истанбулга дипломатик миссия билан борган элчи-лар мансабдор шахсларнинг уйларида туриши ва уларнинг яшашлари учун ҳукумат томонидан махсус маблағлар ажра-тилганлиги қайд этилади<sup>3</sup>. Қўқон хонлигида хорижий элчилар учун эса махсус турар жой қурилиши XIX аср бошларида фаол ташқисиёсат олиб бораётган Қўқон ҳукмдорларининг дипло-матик алоқаларни ҳар томонлама олиб бориш учун муайян шарт-шароитлар яратганини кўрсатади.

Филипп Назаров Умархон (1810-1822) ҳузурига киргунга қа-дар унинг олдида Қўқон хонлигидаги ташқи ишларга маъсул вазир келиб учрашган ва айрим масалаларга аниқлик кири-тишга ҳаракат қилган. Муаллиф вазирни айнан ташқи ишлар-га маъсул шахс деб эътироф этмасада, бошқа давлатлардан

<sup>1</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – С. 38.

<sup>2</sup> Уша асар. – С. 38.

<sup>3</sup> Туркия Республикаси Бош вазирлиги давлат архивлари бош мудирлигининг Усмонли архиви, (Başbakanlık Osmanlı arşivi).



келадиган ёки хорижий давлатларга юбориладиган элчиларни ҳамда ташқи ишлар масаласини хонликда *шиговул* мансабидаги шахс бажарган ва албатта бу мансаб эгаси Қўқон хонлигидаги вазирлардан бири саналган. Фикримизча *шиговул* мансабидаги вазир Филипп Назаров билан мулоқотда бўлган ва шунинг учун муаллиф уни вазир деб қайд этган. Шунингдек, элчи Қўқоннинг бош вазири билан учрашганлигини ҳам қайд этиб ўтади<sup>1</sup>.

Қўқон хонлигига келётган хорижий элчиларни кутиб олиш учун юқори мавқега эга бўлган мансабдорни масъул этиб тайинлашга алоҳида эътибор қаратилган. Албатта бу Қўқон хонлигига хос хусусият деб ҳисобланмаслик керак. Чунки бу Шарқ давлатчилигига хос анъаналардан бўлиб, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сида бу ҳақда алоҳида кўрсатмалар берилганлигини кўрамиз: «...Агарда келётган киши элчи бўлса, бирор обрўли кишини унга йўлдош қилиб, маълум шаҳарга юборишсин»<sup>2</sup>. Шунингдек, асарда « У ерда уни бошқа кишиларга топшириб, янги обод шаҳар ва ноҳияларни томоша қилдириб, охири саройга олиб келсинлар», деган тавсиялар ҳам мавжуд. Албатта, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари кўпгина ҳукмдорларга ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилганлигини улар бошқарган давлат бошқарувидаги тартиб ва тизим орқали англаш мумкин.

Филипп Назаровнинг эсдаликларидан шунини англаш мумкинки, у Қўқон хонлиги *шиговули* томонидан Россия империясидан келган асосий элчи деб эътироф этилмаган. *Шиговул* ҳамда Филипп Назаров ўртасидаги савол-жавоблар бунга аниқлик

<sup>1</sup> Филипп Назаровнинг ёзишича, бу даврда хонликда бош вазир лавозимида Мирза Малла деган шахс бўлган. Лекин маҳаллий манбаларда бу даврда Қўқон хонлигида юқори мавқега эга мансабдорларни ичида бундай номдаги мансабдорни учратмадик. Балки муаллиф бош вазирни исмини нотўғри қўллаган бўлиши ҳам мумкин. Филипп Назаров таърифлаган бош вазирнинг ҳаракатлари кўпроқ парвоначи мансабидаги шахснинг фаолиятига тўғри келади.

<sup>2</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома. 100-бет.

киритади. Яъни *шиговул* Филипп Назаровга «... икки асосий элчилар қани», деб савол берган. Ундан сўралган икки элчи 1811 йилда Қўқондан Россия империясига юборилган дипломатик миссия ва савдо қарвонига раҳбар бўлиб борган маъсуллар эди. Ушбу элчиликнинг тақдири жуда аянчли яқун топган бўлиб иккала элчи ҳам Қўқонга қайтмаган. Дипломатик тартиб қоидаларга кўра Филипп Назаров бу машъум воқеага изох бериш мақсадида Россия империяси томонидан юборилган эди.

Филипп Назаров Қўқон хонлигидаги давлатчиликнинг муҳим компонентларидан бири бўлган дипломатик институтнинг элчиларни кутиб олиш маросимини баён этар экан, унинг ёзишича: «*ҳукмдорнинг юқори кенгашини ташкил этувчи бир қатор вазирлар ва давлат амалдорлари тахти-равон ёнига солинган гиламлар устида даражаларига кўра ўтирар эдилар*», дейди ва расмий қабул маросимидаги вазиятни ёритади<sup>1</sup>. Филипп Назаров икки ёнида вазирлар ҳамроҳлигида саломхонага<sup>2</sup> яқинлашган, учинчи вазир эса саломхона эшигини очиб берган<sup>3</sup>. Ичкарияга киргандан сўнг Филипп Назаров Умархоннинг рўпарасига бориб чўккалаб ўтирган ҳамда Россия императори томонидан юборилган мактуб ва унинг таржима нусхасини боши узра узатган. Умархон эса мактубни олиб икки қўли кўксида таъзим қилган ҳолатда турган вазирга берган. Сўнгра Умархон элчидан императорнинг ҳол-аҳволини ҳамда қандай оғзаки фармойишларга эғалигини сўраган. Шундан сўнг элчи Филипп Назаров орқароққа ўтиб ўтирган. Элчининг ёзишича, унинг орқасида Хитой, Хива, Бухоро ҳамда Шаҳрисабздан келган элчилар ўтирган<sup>4</sup>. Филипп Назаровнинг

<sup>1</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии / Текст подготовил В.А. Ромодин. – М., 1968. – С. 41.

<sup>2</sup> Саломхона – ҳукмдор қароргоҳида алоҳида вазирларни ва бошқа олий мартабали меҳмонларни қабул қилиш жойи.

<sup>3</sup> Ўша асар. 41-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. – С. 41.

мазкур маълумоти Қўқон хонлигида элчиларни қабул қилиш маросими махсус тадбир сифатида ўтказилганлигини кўрсатади. Маросимга барча юқори мартабали давлат амалдорлари ҳамда хорижий мамлакатларнинг элчилари таклиф қилинган.

Қўқон хонлиги тарихнавислари томонидан ёзилган асарларда ҳам элчиларни кутиб олиш маросимига доир маълумотларни учратиш мумкин. Муҳаммад Ҳакимхон туранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарида Истанбулдан келган элчини кутиб олиш маросими баён қилинади. Қўқон хони Саййид Муҳаммад Умархон томонидан 1820 йилда Усманийлар давлати ҳукмдори Султон Маҳмуд II (1808-1839) ҳузурига Саййид хожи Мирқурбон элчи қилиб юборилади. Шу йилнинг ўзида Қўқон элчисига қўшилиб Султон Маҳмуд II нинг элчиси Қўқон хони ҳузурига келади. Бу даврда Қўқон хони Умархон Наманган вилоятида сафарда бўлганлиги сабабли элчиларни Тўрақўрғонда кутиб олади<sup>1</sup>. Саййид Мирқурбонни Истанбуллик элчи билан бирга қайтиб келганлиги тўғрисидаги хабардан сўнг Муҳаммад Тунқотар исмли мансабдор шахс элчиларни кутиб олиш учун юборилади. Қўқон элчиси Саййид Мирқурбон билан бирга Истанбулдан турк султонининг элчиси келганлиги боис ҳам алоҳида эътибор билан махсус кутиб олиш учун давлат амалдори жалб этилган. Бу ўринда Россия империясининг элчиси Филипп Назаров қайдэтганидек, *шиговул* мансабидаги кишининг кутиб олмаганини кўриш мумкин. Бу даврда Умархоннинг маҳаллий ҳудудларга сафарга чиққанини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Яъни, Умархон сафарга чиққанда албатта барча юқори мартабали мансабдорларни бирга олиб кетмаганлигини ҳам назарда тутиш керак. Шу боис Умархон Усманийлар давлатидан келаётган элчини кутиб олиш учун шиговул лавозимидаги мансабдорнинг ўрнига Муҳаммад Юсуф Тунқотарни чиқаргани эҳтимолдан ҳоли эмас.

<sup>1</sup> Саййид Муҳаммад Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузурига Шарқ қўлёмалари маркази. Қўлёмма, инв. №594. 302 а - варақ.

Қўқон хонлигидан Россия империясига айрим дипломатик миссия билан борган элчиларни ҳам алоҳида ҳурмат эҳтиром билан кутиб олинганлигига доир маълумотлар манбаларда қайд этилади. Хусусан, Муҳаммад Юнусжон шиговулнинг маълумотларига кўра нақшбандийа-муҷдадийа пешволаридан бири Муҳаммад Халил Соҳибзода Россия императори Николай I (1825-1855) томонидан яхши кутиб олинади ва у императорнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлади. Асарда қайд этилишича, Эрон, Хива ва бошқа давлатлардан келган элчиларга нисабатан Муҳаммад Халил Соҳибзодага юксак эҳтиром кўрсатилган<sup>1</sup>. Муҳаммад Халил Соҳибзодага бундай ҳурмат кўрсатилишининг асосий сабабларидан бири сифатида Россия империяси ҳудудида яшайдиган мусулмонлар орасида ҳам унинг мурид ва мухлисларининг қўплиги билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, Муҳаммад Халил Соҳибзода Петербургда жойлашган бир қатор давлат муассасалари жумладан, технология институти, зарбхона, кутубхона, ботаника боғи, чинни ва ойна заводи, Осие музейи каби жойлар билан таништирилади. Қўқон хонлигининг Россия империяси билан олиб борган дипломатик алоқалари тарихида ҳеч қайси элчига бу қадар эътибор қаратилмаганлигини ҳам алоҳида қайд қилиш лозим.

### *Ҳадялар топшириш маросими*

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўрта Осие ҳукмдорлар бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатишда қадимдан шаклланган анъаналарга риоя қилганлар. Ана шундай анъаналар қаторига элчилар орқали совғалар, ҳадялар юборишни кириштиш мумкин. Ўзга юртларга юборилган дипломатик миссиялар вакиллари ўзлари билан бирга турли хил қимматбаҳо буюмлар, ноёб хунармандчилик маҳсулотлари, отлар, ов қушлари, қўлём-

<sup>1</sup> Муҳаммад Юнусжон шиговул. Тарихи Алиқули амирлашкар. Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузурига Шарқ қўлёмалари маркази. Қўлёмма, инв. № 12136. 16 б- варақ.

ма асарлари ва ҳ.к. дан иборат совғаларини олиб борганлар. Айниқса, жуда чиройли ва юқори санъат даражасида тайёрланган Куръони Каримнинг қўлёзма нусхалари бебаҳо ҳадя саналган. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳукмдорларига ҳадя юборишда ўзининг маданиятидан келиб чиқиб ҳадялар тайёрлатган ва бу ҳадялар деярли ўхшашли йўқ, ягона бўлишлигига эътибор қаратишган. Бу ўринда маҳаллий тарихнавислардан Мулла Олим Махдум Хожи ўзининг «Тарихи Туркистон» асарида Муҳаммад Алихоннинг «...қўп қийматбаҳо асбобу-ажнос, ҳадя илан Истамбулга, халифага элчи қилиб юборубдур»,<sup>1</sup> - деб қайд этган маълумотлари дипломатик муносабатларда ҳадяларга алоҳида эътибор берилганлигини кўрсатади. Шунингдек, Мулла Олим Махдум турк султониинг ҳам Муҳаммад Алихонга юборган ҳадяларини тилга олади<sup>2</sup>.

Қўқон хонлигининг давлат архивидаги ҳужжатлари тўлалигича сақланиб қолмаганлиги боис элчилар орқали Қўқон хонларига юборилган совғаларни аниқлаш имкони йўқ. Лекин, Қўқон хонлари томонидан Усманийлар империяси, Россия империяси, Ҳиндистонга юборилган дипломатик миссияларга доир ҳужжатларда ҳадялар рўйхати ҳам алоҳида қайд этилганлигини учратиш мумкин. Бошқа мамлакатлардан Қўқонга келган элчиларнинг ўзлари билан олиб келган ҳадяларини фақатгина маҳаллий тарихнависларнинг асарларида қайд этилганини кўрамай.

Қўқон хонлигидан Усмонли давлатига бир неча бор турли мақсадларда дипломатик миссиялар юборилган бўлсада икки давлат ҳукмдорларининг бир бирларига юборган ҳадяларига оид ҳужжатлар фақатгина учтани ташкил этади. Шундан бир ҳужжат Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1841) томонидан юборилган ҳадялар бўлса<sup>3</sup>, иккита ҳужжатда Усмонли султони

<sup>1</sup> Мулла Олим Махдум Хожи. Тарихи Туркистон. 47-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 47-бет.

<sup>3</sup> Қўқон хонлигидан Турк султонига юборилган ҳадялар рўйхати қайд этилган

томонидан Қўқон хонига юборилган ҳадялар акс этган<sup>1</sup>.

Мазкур ҳадяларни тақдим қилиш ҳам элчиларни қабул маросимининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бошқа давлатларнинг ҳукмдорлари томонидан юборилган ҳадялар Қўқон одатига кўра мансабдорлар ва бошқа мамлакатларнинг элчилари олдида ҳукмдорга топширилган.

Ҳадяларни тақдим этиш алоҳида маросим сифатида эътибор билан ўтказилганлигини маҳаллий манбаларда қайд этилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарида 1820 йилда Истамбулдан келган элчи ўзи билан бирга олиб келган турк султони Махмуд II нинг ҳадяларини тақдимоти баён қилинади. Юқорида айтилганидек, истанбуллик элчи Умархон Наманган вилоятида сафарда бўлганлиги боис Тўрақўрғонда кутиб олинади. Истанбулдан келган элчини кутиб олиш маросимининг энг эътиборли жиҳати сифатида фақатгина ҳадялар тақдимоти маросими Муҳаммад Ҳакимхон тўра томонидан баён қилинади<sup>2</sup>. Элчиларни кутиб олишга доир бўлган бошқа анъаналарни Муҳаммад Ҳакимхон тўра ўз асарида қайд этмайди. Албатта маҳаллий тарихчилар ўз асарларини шарқ тарихнавислигига хос анъаналарда ёзганлиги сабабли ҳам воқеликнинг барча деталлари эътиборга олинмаган.

Элчиларни қабул қилиш маросимининг асосий қисми бўлган ҳадялар тақдимотида Усманийлар давлати ҳукмдори Султон Махмуд II томонидан Умархонга юборилган бир шамшир, иккита тўппонча, иккита соат, иккита дурбин ва «Хонлар хони» ёрлиғи топширилган.

---

ҳужжат Усмонли архивининг Ҳатти Хумоюн (НАТ) фондида 657/ 32100 D рақами билан сақланади. Мазкур ҳужжат 1254/1838 йилда Муҳаммад Алихон томонидан юборилган иккинчи элчилик бўлиб, бу дипломатик миссияга Хожи Муҳаммад Зоҳид хужа бошчилик қилиб борган.

<sup>1</sup> BOA, Hatt-ı Humayun Daftari, nr., 781/36550.

<sup>2</sup> BOA, Hatt-ı Humayun Daftari, nr., 781/36550.

1838 йилда Мухаммад Зоҳидхўжа бошчилигидаги элчилик Истанбулдан турк султонининг ҳадялари билан қайтиб келганда бўлиб ўтган элчиларни қабул қилиш маросими маҳаллий тарихнависларнинг асарларида алоҳида эътиборлилиги билан қаламга олинадики, бу Мухаммад Алихон ҳукмдорлиги даврида энг нуфузли дипломатик миссия бўлганлигини англатади. Мулла Олим Маҳдумнинг «Тарихи Туркистон» ҳамда Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг «Хуллас ат-таворих» асарларида турк султонидан Мухаммад Алихонга махсус подшоҳона либос юборилгани ва уни мажлисда хонга кийдирилгани қайд этилади. Хагто Мухаммад Алихон турк султонининг ҳадясидан хурсанд бўлиши натижасида ўз қўл остидаги мансабдорларга ҳам ҳадялар улашади. Албатта бу маросимнинг овозаси бежиз тарқалмаган. Бир қарашда ушбу ҳолат элчиларни қабул маросимидаги ҳадялар тақдими бўлиб кўриниши мумкин. Лекин турк султони томонидан Мухаммад Алихон учун махсус шоҳона либос юборилганлигини Қўқон манбаларида алоҳида таъкидланиши, бу даврда мусулмон дунёсида кучли давлат ҳисобланган Усмонлилар империяси томонидан Қўқон хонлигига кўрсатилган катта эътиборнинг намунаси сифатида қаралган. Чунки Ўрта Осиё хонликлари учун ҳам Усмонли давлати халифалик маркази сифатида эътироф этилган эди. Халифа томонидан махсус либос ҳадя қилиниши эса бу ҳукмдор бевосита халифанинг алоҳида эътиборидаги шахс эканлигини тасдиқлаган.

Умуман олганда, давлатлар ўртасидаги элчилик алмашилиш тажрибасида турли ҳукмдорларнинг бир-бирларига совға-саломлар юбориш анъанаси муҳим аҳамиятга эга бўлган.

### *Зиёфат бериш*

Элчиларни кутиб олиш маросимининг якуний қисмида зиёфат бериш анъанаси мавжуд эди. Албатта мазкур анъана деярли барча мамлакатларда амалга оширилган тадбир деб айтиш мумкин. Чунки элчи олий мартабада меҳмон санал-

ган ва ҳар бир давлат ўз меҳмоннавозлигини кўрсатиш учун ҳам бу маросимга алоҳида эътибор қаратган. Низомулмулк ўзининг «Сийёсатнома»сида: «...элчилар қайси манзилга кўнсалар, меҳмондўстлик билан узатиш керак», деб мансабдор ва вазирларга тавсия беради.

Қўқон хонлигидаги мазкур маросим ҳақида Филипп Назаровнинг эсдаликларида муҳим маълумотлар сақланиб қолган. Унга кўра, қабул маросимидан сўнг алоҳида зиёфат дастурхони ёзилган. Зиёфат дастурхонида миллий таом сифатида ош тортилган. Филипп Назаровнинг ёзишича, ошнинг устида от гуштидан тайёрланган қазӣ ҳам қўйилган бўлиб, у диний эътиқодига кўра от гушти истеъмол қилмаслигини алоҳида қайд этган.

### *Элчиларнинг сарф-харажати учун маблағ ажратилиши*

Хорижий мамлакатлардан келган элчиларнинг сарф-харажатлари мезбон мамлакат хазинасидан қопланганлигини архив ҳужжатлари, элчиларнинг эсдалик ва сафарномалари орқали билиб олиш мумкин. Қўқон хонлигида ҳам ушбу масала билан боғлиқ махсус тартиб қоидалар мавжуд бўлган. Лекин, улар тўғрисида фақатгина Филипп Назаровнинг эсдаликларидагина маълумотлар учрайди. Россия империясидан элчи бўлиб келган Филипп Назаров бошчилигидаги элчилик миссиясига Қўқон хони томонидан кундалик озиқ овқат маҳсулотлари ҳамда от ва туялар учун ем-хашак ажратилган. Бу бевосита *шиговул* томонидан назорат қилинган. Филипп Назаров бошчилигидаги элчилик жами 30 кишидан иборат бўлиб, улар учун ажратилган бир кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари қуйдагиларни ташкил қилган: 1 та қўй, 50 та ҳар бири 1-фунт<sup>1</sup> оғирлигидаги нон, чорак фунтдан гуруч, ярим фунтдан чой ҳамда бир донадан қовун<sup>2</sup>. *Шиговул* берган маълумотларга кўра, бир кунлик сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилинган ва

<sup>1</sup> 1 фунт- 453 грамга тўғри келади.

<sup>2</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. — С.39.

шундан сўнг ҳукмдор қарор қабул қилган ва ажратилган маҳсулотлар кунда етказиб бериб турилган. От ва туялар учун ҳам ажратилган ем-хашақларнинг миқдори аниқ белгилаб берилган бўлиб, ҳар бир от ҳамда туя учун кундалик 2 боғламдан беда, 10 фунтдан буғдой ажратилган<sup>1</sup>. Мазкур маълумотлардан кўринадики, хорижий элчиларнинг сарф-харажатлари Қўқон хонлиги давлат хазинасидан қопланган.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон хонлигида элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ анъаналар маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган ва улар дипломатик алоқалар натижасида янада такомиллашиб борган. Шунингдек, маълумотлар таҳлили Қўқон хонлигида дипломатик институтлар ўзига хос тартиб ва қоидалар асосида ҳам фаолият юритганлигини кўрсатади.

**Резюме.** Традиции, связанные со встречей и приёмом послов в Кокандском ханстве были организованы на основе определенных правил и они усовершенствовались в результате развития дипломатических связей. В статье изучены некоторые детали рабочего порядка, деятельности и специфики дипломатических институтов ханства.

**Summary.** Traditions associated with the meeting and reception of ambassadors in the Kokand khanate were organized on the basis of certain rules, and they have improved as a result of diplomatic relations. The article is analyzed some details of the work order, activities and specificities of diplomatic institutions of the khanate.

<sup>1</sup> Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – С.39.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ВА ЦИН ИМПЕРИЯСИ МУНОСАБАТЛАРИДА ЭЛЧИЛИК ХИЗМАТИ

т.ф.н. Ш.Т.Қўлдошев

Ўзбек давлатчилиги ва дипломатияси тарихида ўз ўрнига эга бўлган Қўқон хонлигининг (1709-1876) ташқи сиёсатида, айниқса, Хитойнинг манжурлар ҳукумати (1644-1911) билан бўлган алоқаларида элчилик хизматининг тутган ўрни муҳим аҳамият эга ҳисобланган. Қўқон хонлигидан Хитойга юборилган элчиликларнинг сони тахминан 20 дан ортиқ бўлиб, бу элчиликлар асосан империя пойтахти Пекин шаҳрига, яъни манжурлар императори саройига ёки Шарқий Туркистондаги манжур ҳукмрон доиралари ҳузурига юборилган. Сўнгги ўрта асрларга хос бўлган дипломатик алоқалар: элчилар айрибошлаш ва мактублар орқали амалга оширилган ҳамда дипломатларининг таркибий қисми савдогарлардан иборат бўлиб, дипломатик почта эса савдо қарвонлари орқали кўзланган манзилга етказиб берилган. Шу билан бирга, Хитойга юборилган элчилар нафақат, элчилик хизмати билан балки савдо ишлари билан ҳам машғул бўлган. Уларнинг фаолиятини хитой тилидаги адабиётлар асосида тадқиқ қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қўқон хонлигида элчиларни тайёрлашга нисбатан тайинлаш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки юбориладиган элчи маҳоратли ва маълум бир тажрибага эга бўлиши талаб қилинган. Қўқон хонлиги қўлёзма асарларида элчилар ҳақида сўз юритилганда, «сўзга чечан», «тадбиркор», «элчил» иборалари кўп қўлланилган<sup>1</sup>. Хитойга юбориладиган элчилар орасида касб жиҳатдан кўпроқ савдогарларнинг кўп эканлиги, юқорида келтирилган ибораларга мос келади. Аммо савдогарларнинг кўпчилиги давлат манфаатидан кўра, ўз манфаатини кўзлаб

<sup>1</sup> Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахаб ут-таворих // Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги тарихи ( хонлик тарихи – манбаларда). – Тошкент. 2014. 496-бет.

ҳаракат қилиши, ҳар бир ишдан фойда кўришни кўзлаган ҳолда фаолият олиб боришини ҳисобга олган Қўқон ҳукмдорлари давлат лавозимидаги кишиларни ҳам Хитойга элчи қилиб юборганлар. Жумладан, Муҳаммад Шариф шарбатдор, Зухур девонбеги, Аълам почча ва бошқаларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Шу билан бирга, элчининг юз тузилиши, ўзини тутиши, кийинишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Хитойга юбориладиган элчилар баланд бўйли, дароз бўлиши лозим бўлган. Чунки, Хитой халқлари паст бўйли бўлганлиги боис, элчилар улар олдида ўзларининг баланд қомати билан ажралиб туриши муҳим ҳисобланган. Бу эса Қўқон давлатининг обрўйини элчининг ташки кўриниши каби салобатли қилиб кўрсатган.

Хусусан, Қўқон хони Эрдона даврида Хитойга юборилган элчи ҳақида қизиқ бир маълумот келтирилади. 1759 йилда Эрдона Хитойга юбориладиган элчини танлаш учун мамлакатни турли бурчакларига одам юбориб, энг дароз одамни топиб келишларини буюради. Маълум вақт ўтгандан кейин хонликнинг энг баланд бўйдор кишиси унинг ҳузурига олиб келинади. Эрдона бу кишини Хитойнинг манжурлар саройига элчи қилиб юборади. Икки ойдан сўнг Эрдонанинг дароз элчиси Пекинга етиб келади. Империя аҳолиси асосий қисмининг бўйи унинг белидан келарди. Император уни ўз ҳузурига чақиртиради ва унга қаердан келганлигини сўрайди. Қўқон элчиси ўзининг мамлақати Қўқон хонлиги ва унинг ҳукмдори Эрдона эканлигини айтиб, унга Эрдонанинг мактубини беради. Император: «сенинг бўйинг шунчалик баландки, сенинг юзингга бироз қараб турган кишини бўйни оғриб қолади», дейди. Қўқон элчиси: «биз оилада еттита фарзандмиз. Мен кенжасиман, мендан катта акаларимнинг бўйи мендан баланд. Бизнинг мамлакат одамлари бақувват ҳамда дароз ҳисобланади», деб жавоб беради. Император ва унинг саройи аёнларини хайрон қолдирган бу элчи туфайли манжурлар саройида Қўқон

давлати ва унинг аҳолиси хусусида маълум бир фикрга эга бўлмасаларда, аммо дароз элчи уларда таассурот қолдирган. 1759 йилдаги элчилик хизмати туфайли икки давлат ўртасида илик муносабатлар ўрнатилади ва манжур қўшини Қўқон давлати ҳудудига бостириб киришдан ўзини тияди.

Қўқон хонлигининг манжурлар ҳукумати билан олиб борган сиёсий-дипломатик ва элчилик муносабатларини уч босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич, 1760–1770 йиллар оралиғидаги давр бўлиб, бу даврда Қўқон ҳукумати Пекин ва Шарқий Туркистонга деярли ҳар йили элчи юборган. Аммо манжурлар ҳукумати Қўқонни расмий жиҳатдан вассал давлат ҳисоблаб, унга ён бермаган. Эрдона даврида Қўқондан Тўхтамуҳаммад, Боймуҳаммад ва бошқалар Хитойга элчи бўлиб борганлар. Эрдона ўзининг ҳукмронлиги даврида Пекинга жами саккиз мартадан ортик элчи юборган. Иккинчи элчилиги 1760 йилнинг сентябрида Пекинда бўлиб, улар Эрдонанинг императорга совғаси сифатида чопқир от олиб борганлар<sup>1</sup>.

Қўқон элчилари Қошғарда қабул қилиниб, элчи шахсини аниқлаб унга таржимон ва ҳарбий кўриқчилар, отлар, аравалар, йўлдаги таъминот учун эса озиқ-овқат ва маълум миқдорда пул берилган. Қошғардан Ёркендгача келган элчилар Тарим водийси орқали Қумулга етиб олган, Қумулда ҳам улар яхши кутиб олинган ва от-улов, озиқ-овқат билан таъминланиб Пекинга император ҳузурига юборилган. Хитой амалдори На Янченнинг маълумот беришича, Қўқон элчилари гуруҳи ҳар уч ва беш йилда бир марта келиши керак эди<sup>2</sup>. Аммо улар йилда икки-уч марта, тўхтовсиз, тинимсиз, танаффуссиз келган. Қумул расмий доиралари қозоқ элчиларини ҳам шу тарзда қабул

<sup>1</sup> Пан Чжипин. Қўқон давлати ва Ғарбий юрт сиёсати. – Пекин. 2006. 026-027-бетлар.

<sup>2</sup> Хафизова К. Китайская дипломатия в Центральной Азии (XIV-XIX в.). – Алма-Ата: 1995. – С. 117.

қилиб, Пекинга жўнатган. Пекинда Қўқон билан манжурлар ҳукумати ўртасида расмий учрашув ва элчи шарафига зиёфат уюштирилган. Бу ҳақида В.С. Кузнецов хитой ҳужжатларидан биридаги ушбу сатрларни келтиради: «Император Цяньлун зиёфат вақтида «андижонлик» элчига (Тўхта Муҳаммад - муаллиф) ўз ёнидан жой бериб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Эрдонанинг соғлиғи ва Қўқон ҳақида бир неча саволлар берди»<sup>1</sup>. Аммо Эрдона элчилар орқали Хитой императоридан ҳеч қандай ёрдам сўрамаган. Бу ҳақда императорнинг 1760 йилнинг 18 мартида Эрдонага ёзган мактубида «сенинг элчиларинг биздан ҳеч нима сўрамади. Биз уларнинг мақсадини билмадик», – деб таъкидланган эди<sup>2</sup>. Аслида бу элчиликнинг асосий мақсади, ўзаро дўстлик муносабатини ўрнатиш бўлган. Бироқ, Цяньлун Эрдонага ўз вассали каби муносабатда бўлган. Буни мактубдаги «Сен ўз қўл остидагиларингга ва қўшнилариингга яхши муносабатда бўлгин. Ҳар қандай ишингни Қошғар ва Ёркенддаги бизнинг ноибларимиз билан маслаҳатлашгин», – деб ёзилган қайд ҳам тасдиқлайди<sup>3</sup>. Хитой тарихчилари, жумладан, Пан Чжипан ҳам Эрдона ва Хитой императорининг мактубларини нотўғри таҳлил этиб, Қўқон Хитойнинг вассали бўлган ва Эрдона Хитой императорига хизмат қилган, деб ҳисоблайди<sup>4</sup>. Аммо Қўқон муаррихи Муҳаммад Ҳакимхонтўра, Эрдонани кучли дипломат бўлганлигини ва ўз давлатини мустақил бошқарганлигини қайд этган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Пан Чжипан. Қўқон давлати ва Фарбий юрт сиёсати. – Пекин. 2006. 26-бет (хитой тилида)

<sup>2</sup> Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первая половина XIX в.). – Новосибирск. 1983. – С. 51-52.

<sup>3</sup> Пан Чжипан. Қўқон давлати ва Фарбий юрт сиёсати. 27-бет.

<sup>4</sup> Пань Чжипин. Чжунъя Хаоханьго юй Циндай Синьцзян (Жокандское ханство в Центральной Азии и Синьцзян период Цин). – Урумчи. 1991. – С. 45-53.

<sup>5</sup> Муҳаммад Ҳакимхонтўра. Мунтахаб ут-таворих. – Тошкент давлат шарқшунослик институти хузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази, Қўлёзма, инв. №594. 28-варақ.

Иккинчи босқич 1770-1832 йиллар оралиғи бўлиб, бу даврда Қўқондан Пекинга уч-тўрт йилда бир марта элчи борган. Қўқон хукмдори Норбўтабий 1770 йилда Боймат исмли элчини Пекинга юборган. Норбўта Шарқий Туркистонда Қўқон савдоси ва қўқонлик савдогарларнинг ўлка бозорларидаги фаолиятини эркинлаштириш учун 1782-1783 йилда Абдулқосим бошчилигидаги элчилар гуруҳини Пекинга жўнатган<sup>1</sup>. Ўзаро музокаралардан сўнг манжурлар томонидан қўлга олинган қўқонлик савдогар Абдулла Ёркенд қамоқхонасидан озод этилган<sup>2</sup>. Норбўта томонидан 1792-1793 йиллари Мирза Маим Раим (Муҳаммад Раҳим) ва Силибу (Шариф) 1796-1797 йиллари юборилган Бобожон ва Салибулар элчилиги ҳам Шарқий Туркистондаги қўқонлик савдогарларни назорат қиладиган ва Қўқоннинг расмий вакили-худойдо мансаби жорий этиш масаласини ҳал этган<sup>3</sup>. Бу мансаб эгаси нафақат Қўқон савдогарлари фаолияти ва уларнинг ҳақ-хуқуқларини, балки Шарқий Туркистонда муомалада бўлган Қўқон танга-пулларини ҳам назорат қилган.

Қўқон хукмдори Муҳаммад Алихон (1822-1842) даврида Қўқон-Хитой ўртасида шартнома имзоланган. Бу шартноманинг аниқ санасини тарихчилар турлича белгилаганлар. XIX аср муаррихлари Ч.Валиханов, К.Риттер, А.Н.Куропаткин, И.Халфинлар бу шартнома санасини 1831 йил қилиб белгилаган<sup>4</sup>. Юқоридаги муаррихларнинг асарларидан фойдаланган

<sup>1</sup> Пан Чжипин. Қўқон давлати ва Фарбий юрт сиёсати. 28-бет.

<sup>2</sup> Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первая половина XIX в.). – Новосибирск. 1983. – С. 53.

<sup>3</sup> Пан Чжипин. Қўқон давлати ва Фарбий юрт сиёсати. 28-бет.; Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии. – С. 59.

<sup>4</sup> Валиханов Ч.Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов Китайской провинции Нан-Лу (Малой Бухарин) в 1858–1859 годах / Собр. соч. в 5 томах. Т. 3. – Алма-Ата. 1985. – С. 62; Землеведение. К. Риттера. География стран Азии, находящихся в непосредственных с Россией Восточный или Китайский Туркестан. В.В. Григорев. – СПб. 1869. – С. 457; Куропаткин А. Н. Кашгария. (историко-географические очерк страны). – СПб.: Русское географическое общество, 1879. – С. 119; Халфин И.А. Политика России в Средней Азии. – М., 1960. – С. 30.

Б.Аҳмедов ва Ҳ.Бобобековлар ҳам ўз асарларида шу санани қайд этган<sup>1</sup>. Аммо хитой ҳужжатларида, шартнома 1832 йилнинг 13 январида тузилганлиги аниқ қилиб берилган<sup>2</sup>. Қўқон хони Муҳаммад Алихон номидан шартномага унинг элчиси Аълам почча имзо чеккан ва Қуръони каримни ушлаб қасам ичган<sup>3</sup>. Қўқон муаррихи Тожирнинг «Ғаройиби сипоҳ» асарида келтирилган Аълам<sup>4</sup> поччанинг Хитойнинг манжурлар империясига қилган сафари хусусида қисқача маълумот берилган. Ч.Валихановнинг фикрига кўра, ушбу шартнома 1831 йил баҳорида имзоланган бўлиб, Хитойга келган элчи Аълам поччани Алим пошша деб қайд қилган. 1832 йилда Аълам поччанинг ўзи Қошғарга оқсоқол этиб тайинланган. Тадқиқотчи Л.Ньбай эса хитой манбаларида 1834 йилда Қўқондан «Олимбой» исмли элчи келганига урғу беради<sup>5</sup>.

Аълам поччанинг Пекинда император Цяньлун ҳузурига бориши ва Қўқон ҳукмдори Муҳаммад Алихон ёзган мактубни топшириши ҳақида «Ғаройиби сипоҳ» асарида қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Аълам почча ҳоқонлик даргоҳига кириб таъзим бажо келтирди. Хоқон кўрдик, ажиб бир баланд бўйлик, улкан жуссалик, олижаноб ва донишманд киши турибди. Элчига жой кўрсатдилар. Аълам почча ўтириб, фалаккрифъатлик хоннинг мактубини хоқоннинг кўлига топширди.

<sup>1</sup> Аҳмедов А. Марказий Осиё тарихий манбаларининг ўрта асрларда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрганишдаги ўрни // Тарихдан сабоқлар. – Тошкент. 1994. 273-бет.

<sup>2</sup> Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства в Синьцзяне. – М., 1973. – С. 136-137.

<sup>3</sup> Ўша асар. – С. 136-137.

<sup>4</sup> Аълам – билагон, диний-ҳуқуқий масалалар юзасидан фикр берувчи диний амалдор. Одатда, муфтийлар тузган фатво ёки ривоятга аълам муҳр босгач, у кучга кирган ва қозилар ўша ҳужжат асосида ҳукм чиқарган.

<sup>5</sup> Батафсил қаранг: Валиханов Ч.Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов Китайской провинции Нан-Лу (малой Бухарин) в 1858-1859 годах / Собр.соч. Т.3. – Алматы. 1985. – С.147.

Хоқон тилмочни чақириб мактубни ўқиш учун берди. Тилмоч мактубни муҳрини олиб, бошидан охиригача ўқиди. Мактуб шундай ёзилган эди:

*«Менинг яъни Муҳаммадалихон гардунмадор қошидан сен Чиннинг Бодой<sup>1</sup> хоқони ҳузурига. Бил ва огоҳ бўлгинким, менинг насабим танма-тан Чингизхонга бориб етади. Пуштма-пушт хон ва хонзода бўлиб келганман. Худога шукурким, аждодларимдан мусулмонман ва ҳозирда бу мамлакат менга падаримдан мерос қолган. Эндиликда давлат ногорасини менинг адолат томимда чалмоқдалар. Ибрат кўзини очиб, менинг нималар қилганимни кўр. То Қошғар мулкигача бордим. Иккинчи бор хизматкорим Ҳаққули мингбошига амр қилдим, бориб сизларнинг кулингизни кўкка совуриб келди. Бу тарафда то Истравшан, Ём ва Зомин ҳамда Аччи суви-гача иотат камарини менинг эгарим узангисига боғладилар. Худо ҳоҳласа жаҳонни Яратувчидан умидим тез кунларда Румдан то Хитой мулкигача фармонбардор қилса.*

*Эй Чин хоқони, уч ишдан бирини танлашинг лозим. Бири Божинга<sup>2</sup> олиб кетган ўша хожаларни бу тарафга юборишинг керакким, улар пайгамбар авлодларидир. Яна бири шуки, сенинг ҳукминг остидаги Етти шаҳардаги мусулмонлар ҳукумати менга бер. Токи, биз ўзимиз ҳоқим тайинлаб, шариати шарифга мувофиқ бошқарамиз.*

*Яна бири (17а) шуки, ҳар йили бизга Божиндан ўн минг ёмбу миқдориди бож берасан. Шу уччаласидан бири ихтиёринг. Илло, шулардан бирини*

<sup>1</sup> Бодой – Хитой хоқонларининг ўша даврларда мусулмон аҳолиси орасидаги умумий номи.

<sup>2</sup> Пекин шаҳри.



танламасанг тайёр бул, қўшин тузиб бориб, ул вилоятларни то Қумбул теҗрасигача кулини кўкка совурмасам Умархоннинг ўгли эмасман. Элчининг оғзидан баён қилинган ҳар бир сўз тўғридир»<sup>1</sup>.

Аммо, 1832 йилда Хитойнинг манжур императорига юборилган мактублардан бири Хитойнинг Ижтимоий фанлар архивида сақланади. Ушбу мактуб Шарқий Туркистондаги хитой амбонлари ва ҳарбий кўмондонларига битилган<sup>2</sup>. Унда шундай деб ёзилган:

*«Жунганг Жабжунг амбонларига, Сўз шулким илгари Мирза Исмат ёниб келиб, Ҳокимбек юборган Эшон хожиси била етиб келиб Бизнинг Худо ва расулимиз буюрмаган сўзни деди, Бул сабабдан элчинларни ёндириб Эшон хожисани мунда тўхтатиб қолдуқ. Бизнинг муддаомиз шулким илгари фарланган (кўзгалган) Қошғарнинг ёрлиги Қўқоннинг сабабдин фарланган деб, бўхтон қилгудек ҳоли буларни тилаймиз гуноҳидан ўтиб ёндурсалар мусулмонларнинг хония бўлган ук ҳоли аъйни (?) ёндуриб юборсалар қоравулнинг тасдиғидан кирган халқ одамларининг фуқаролигини элчилар билан келган карвонларнинг божини берсангиз андин сўнг Эшон хожисанинг айтгани менинг бирла Аҳмадбой Дукар бойларни қўшинг. Бу тўрт қисми ишни қабул тутса тамғалиқ юрти хат олиб келсун мусулмонларнинг рофаҳати бўладур деди. Бул сабабдин Аҳмадбой бирла Дукарбойни Эшон хожисига қўшиб, бул муддаоларни қабул қилинг деб тилаб юбордик»<sup>3</sup>.*

<sup>1</sup> Тождир. Фаройиб сипоҳ // Таржимон ва шарҳлар муаллифи Ўқтам Султонов. Хрестоматия. 3-том. – Тошкент. 2014. 456-бет.

<sup>2</sup> Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства в Синьцзяне. – М., 1973. – С. 136-137.

<sup>3</sup> ХХР. Пекин Ижтимоий фанлар архиви, № 200. 169-бет.

Албатта, 1832 йил 13 январдаги Қўқон – Хитой ўртасидаги шартномани имзоланишида Аълам почча, Аҳмадбой, Дукарбой каби элчиларнинг хизмати катта бўлган. Уларнинг дипломатик салоҳияти, сўзга чечанлиги, муомала маданияти туфайли икки мамлакат ўртасида тинчлик ўрнатилди.

Учинчи босқич, 1832-1859 йиллар оралиғи бўлиб, бу даврда икки давлатдаги оғир сиёсий вазиятлар туфайли элчилар тартибсиз равишда жўнатилган. Оқибатда Шарқий Туркистонни бошқаришда икки давлат ўртасида тортишувли ҳолат юзага келган. Шарқий Туркистон хожаларининг «Етти хўжалар» (1845-1847) кўзғолонидан сўнг манжурлар ҳукумати яна Қўқонга ён беришга мажбур бўлган. Чунки Қўқон элчиси Пекинга бориб, бу кўзғолонда хоннинг айби йўқлигини императорга исботлагач, у Қўқоннинг аввалги имтиёзлари ўз кучида қолганлигини эълон қилган<sup>1</sup>. Ушбу жараёни кузатган инглиз саёҳатчиси Г.Беллью эса «бу ҳолат Пекин билан Қўқон алоқаларининг бузилишига олиб келмаган, аксинча, Пекин олдида Қўқоннинг обрўйини оширган», деб ёзган<sup>2</sup>.

Валихонтўра кўзғолони бостирилгандан сўнг, Шарқий Туркистон ноибининг 1857 йил 14 декабрдаги буйруғи билан қўқонлик савдогарлар ўлкада яна таъқибга олинган. Аммо 1858 йилнинг баҳорида тахтга ўтирган Маллахон (1858-1862) манжурлар ҳукуматига элчи юбориб, Шарқий Туркистонни хонликнинг бир қисми сифатида ўлкадаги сиёсий жараёнларига аралаша бошлаган. Жумладан, элчилик Валихонтўра кўзғолонини бостириш давомида Ёркенд ҳокими Афридун аскарлари томонидан мусулмонларни ўлдирганликда айбланиб, уни манжурлар ҳукуматидан ўз айбига кўра жазоланишини талаб қилган. Шарқий Туркистон ноиб бу талабни инобатга олиб Афридунни айбдор деб топиб, уни ҳокимлигидан олиб

<sup>1</sup> Наливкин В. Краткая история Кокандская ханства. – Казан. 1886. – С. 168.

<sup>2</sup> Беллью Г.В. Дунгане 1845 по 1865 г. Из истории Кашгара // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. XII. 1884. – С. 225.

ташлаган. Аммо унга оғир жазо қўлламасдан, уни император Хўтонга ҳоким этиб тайинлаган. Унинг ўрнига собик Хўтон ҳокими Рустамбекни Ёркенд ҳокими этиб тайинлаган<sup>1</sup>. Бу эса Валихонтўра қўзғолонини бостиришда ўлдирилган аҳоли қариндошларининг норозилигига олиб келган. Бу масала бўйича Қўқондан кетма-кет элчилар келаверган. Ўзаро баҳсли музокаралар вақтида Қўқон элчиси Абдуфаттоҳ<sup>2</sup> маҳдум бошчилигидаги 27 кишидан иборат элчилар гуруҳи<sup>3</sup> Ёркенднинг янги ҳокими Рустамбек буйруғи билан қатл этилган<sup>4</sup>. Бунга жавобан Маллахон Валихонтўра бошчилигида бир неча минг Қўқон аскарини Қошғарга юборган. Валихонтўра қўшинлари Қошғар ва унинг атрофидаги кишлокларни эгаллаган<sup>5</sup>.

1862 йил Манжурлар ҳукуматига қарши тайпинлар ҳамда Шаньси ва Ганьсу Хитой вилоятидаги дунганлар, шунингдек, 1864 йилдаги Шаркий Туркистонда бошланган миллий-озодлик қўзғолонлари натижасида Қўқон хонлиги билан манжурлар ҳукумати ўртасидаги сиёсий-дипломатик алоқалар тўхтаган.

Хуллас, Қўқон хонлиги ва Хитойнинг манжурлар империяси ўртасидаги алоқаларида ўз ўрнига эга бўлган элчиликлар икки давлатнинг хавфсизлиги, тинчлиги, сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалишига сабабчи бўлган. Ушбу элчилар фаолиятини ўрганишда хитой, манжур, форс-тожик ва туркий тиллардаги манба ва тарихий адабиётлардаги маълумотлар

<sup>1</sup> Белъю Г.В. Дунгане 1845 по 1865 г. Из истории Кашгара // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. XII. 1884. – С. 258.

<sup>2</sup> Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первая половина XIX в.). – Новосибирск. 1983. – С. 105.

<sup>3</sup> Вохидов Ш.Х. XIX–XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фан. докт. ... дисс. – Тошкент. 1998. 19-бет.

<sup>4</sup> Туркистон ўлкасини забт этилиши тарихига оид материаллар тўплами. – ЎзР МДА Фонд И-715, рўйхат - 1, йиғма жилд - 25, 475-варак.

<sup>5</sup> Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первая половина XIX в.). – Новосибирск. 1983. – С. 105.

қийёсий таҳлил қилинмоғи лозим. Шундагина элчиларнинг шахси, касб-кори, маҳорати, амалга оширган ишлари хусусида аниқ ва батафсил маълумотларга эга бўлиш мумкин.

**Резюме.** В данной статье освещены место и деятельность посольской службы во взаимоотношениях Кокандского ханства и Маньчжурской империи Китая. В ней представлены сведения о личности и деятельности кокандских послов в Китае, о церемониях встречи послов в Китае и роли послов в улучшении двусторонних отношений.

**Summary.** The article is highlighted the place and the activity of ambassadorial service in interrelations between the Kokand khanate and the Manchurian Empire of China. It provides information about personalities and works of Kokand ambassadors in China, the ceremony of the meeting of ambassadors in China and roles of ambassadors in improving interrelations.

### ВЗАИМООТНОШЕНИЯ МЕЖДУ БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ И КОКАНДСКИМ ХАНСТВОМ В 1830-1842 ГГ. (ПО ДАННЫМ РОССИЙСКИХ АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКОВ)

к.и.н. А.М.Маликов

В первой половине XIX века в Среднеазиатском междуречье сосуществовали три государства: Бухарский эмират, Кокандское ханство, Хивинское ханство, отношения между которыми характеризовались борьбой за доминирование в регионе, сопровождаемое военными конфликтами.

В состав Бухарского эмирата, помимо долины Зеравшана и Кашкадарьи, входила также вся восточная область современной Туркмении, значительная часть Афганского Туркестана,

а также ряд районов нынешнего Таджикистана, в том числе Гиссар, временами также Ходжент, Ура-тюбе, Пенджикент и некоторые горные владения в верховьях Зеравшана.

Несмотря на довольно обширную территорию и ее центральное положение по отношению к другим среднеазиатским ханствам, Бухара в первые десятилетия XIX в. не представляла собою значительной политической силы. Некоторые из областей, входивших в состав Бухарского ханства, были полунезависимыми, весьма слабо связанными с центром в экономическом и политическом отношении. Конкурентом Бухары в борьбе за Мерв выступило Хивинское ханство. За территорию, расположенную между Бухарой и Кокандом, с центрами в Джизаке и Ура-тюбе, происходила постоянная борьба. Города Джизак и Ура-тюбе часто переходили из рук в руки, фактически оставаясь независимыми. Главенствующую роль в этом районе играла знать узбекских племен кырк и юз. Наиболее беспокойным соседом Бухарского ханства был Шахрисябз, правители которого не только защищали свою независимость, но и нередко выступали активно против бухарских эмиров, пытаясь овладеть пограничными бухарскими крепостями. Также они оказывали поддержку всем оппозиционно настроенным элементам Бухарского ханства, давая им приют на своей территории<sup>1</sup>.

Целью нашего исследования стали некоторые аспекты взаимоотношений между Бухарским эмиратом и Кокандским ханством с 1830-х годов и до похода бухарцев в Коканд в 1842 году.<sup>2</sup> Бухарско-кокандские отношения были предметом исследования ряда исследователей: В.Наливкина, Р.Н.Набиева, Т.Бейсембиева, А.Мухтарова, Б.М.Бабаджанова, Ш.Вахидова

<sup>1</sup> Иванов П.П., Очерки по истории Средней Азии (XVI-середина XIX в.). – М., 1958. – С. 119.

<sup>2</sup> Автор выражает свою искреннюю благодарность фонду Герда Хенкель за финансовую поддержку исследования истории внутренней политики бухарских эмиров.

и др. В данной статье для освещения вопроса впервые привлечены неопубликованные до сих пор архивные материалы из фондов Российского государственного исторического архива, в частности записи миссии К.Бутенева, побывавшей в Бухаре в начале 1840-х годов<sup>1</sup>. Ввиду ограниченности объема статьи использовались только опубликованные британские и иранские источники. Комплексный анализ событий в сравнении с данными бухарских летописей и кокандских хроник требует более объемного исследования.

Летом 1841 года в Бухару прибыла российская миссия во главе с К.Бутеневым, которая была направлена с целью переговоров по поводу снижения пошлин с российских купцов, освобождения русских пленных, и подписания договора о дружбе. Переговоры закончились неудачей и 8 апреля 1842 года миссия отправилась в обратный путь<sup>2</sup>. В период пребывания члены миссии собирали данные по политической истории эмирата, его взаимоотношений с соседними ханствами. Анализируя записи членов российской миссии можно сказать, что они проливают свет на некоторые детали бухарско-кокандских отношений со слов бухарцев и собственных наблюдений. Ценность выводов российских авторов заключается в том, что они описывали текущие события. Собранные сведения получили общее название «Причина и описание войн Бухарии с Кокандским ханством в 1840 и 1841 гг.». Имя кокандского правителя Мадали-хана в записях излагается полностью - Мухаммад Али-хан.

Восточный сосед Бухарского эмирата - Кокандское ханство представляло собой государственное образование во главе с ханом из узбекского рода мингов. В период правления Алим-хана (1790-1809), Умар-хана (1809-1822) и Мухаммад Али-хана (1822-1842)

<sup>1</sup> Российский государственный исторический архив (РГИА). Фонд № 44, опись 2, дело, № 704.

<sup>2</sup> Гуломов Хондамирмирза, Дипломатические отношения государств Средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. Ташкент: 2005. – С. 209-211.

происходит укрепление центральной власти и территориальное расширение государства. В период правления эмира Насруллы (1827-1860), отношения с Кокандским ханством складывались неоднозначно. Бухарские историки признавали, что отношения между Кокандом и Бухарой стали ожесточенными именно в период правления эмира Насруллы и Мухаммад Али-хана<sup>1</sup>.

Кризис в бухарско-кокандских отношениях начался с самого начала правления эмира Насруллы, так как Мухаммад-Али-хан принял и дал несколько селений в кормление сопернику Насруллы, претенденту на бухарский престол Умар-хану, который бежал из Бухары в Коканд<sup>2</sup>. Вначале эмир Насрулла придерживался относительно мирной политики по отношению к Коканду, ведя борьбу только за приграничные территории.

Известно, что при правлении эмира Хайдара от него отложились некоторые восточные владения: Ура-тюбе вместе с Замином и Йамом. Полунезависимым владением считалось Ура-тюбе, где с 1816 по 1828 годы правил Мухаммад Рахимбек диванбеги (1783-1831) из узбекского рода юз, придерживавшийся пробухарской ориентации. Тем не менее, у него возникли разногласия с эмиром Насруллой по поводу владения Джизаком в 1828 году, который был отдан эмиром Хайдаром Мухаммад Рахимбеку диванбеги, а Насрулла хотел его подчинить непосредственно Бухаре<sup>3</sup>. По одной из версий узбекские племена кырков и юзов не захотели признать Насруллу своим правителем<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Айни С., История мангытских эмиров. Перевод с таджикского А. Старостина // Айни Садриддин, Собрание сочинений. Том шестой. М., 1975. – С. 268.

<sup>2</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. – С. 171.

<sup>3</sup> Мухтаров А., Политическая история Ура-тюбинского владения в первой половине XIX века // Известия отделения общественных наук АН Таджикской ССР, № 15. 1957. – С. 108.

<sup>4</sup> Мухаммад Хакимхон Тура. Мунтахаб ат-таворих: Хуканд ва Бухоро тарихи,

В 1828-1829 гг. Насрулла совершил поход на Джизак, подчинив юзов и кырков, эмиры юзов бежали в Шахрисябз, хокимом Джизака был назначен Хаким дадха баурдак мангыт<sup>1</sup>. Позже он захватил Ура-тюбе, но наместником был назначен не Мухаммад Рахимбек, а другое лицо. В 1830-1831 году кокандский хан Мухаммад Али-хан вновь захватил Ура-тюбе<sup>2</sup>. Мухаммад Рахимбек попытался вернуть Ура-тюбе под свою власть, но был убит кокандским наместником Ура-тюбе Шахи парваначи<sup>3</sup>.

В 1831 году между Мухаммад Али-ханом и эмиром Насруллой был заключен мир, Ура-тюбе оказалось в составе Кокандского ханства, а мирный договор действовал до 1840 года<sup>4</sup>.

По данным российских источников, влиятельный бухарский сановник Хаким кушбеги из рода мангытов старался не допустить войны между государствами. Пик власти Хакима кушбеги приходится на первое десятилетие правления эмира Насруллы, которого он поддержал в борьбе за престол. Его тесть и один из племянников были в аппарате управления Самаркандом, в один из братьев был комендантом Джизака<sup>5</sup>. По данным А.Бернса, братья Хакима кушбеги управляли двумя провинциями государства, а 13 сыновей заведовали разными

---

саёҳат ва хотиралар / Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар ва курсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент. 2010. 82-бет.

<sup>1</sup> Вороновский Д.Г. «Гульшен-аль-мульк» Мухаммад Якуба Бухари: Диссертация на соискание степени кандидата исторических наук. – Ташкент. 1947. – С. 220.

<sup>2</sup> Мухтаров А., Политическая история Ура-тюбинского владения в первой половине XIX века // Известия отделения общественных наук АН Таджикской ССР, № 15. 1957. – С. 108.

<sup>3</sup> Мухторов А., Гузары Ура-тюбе. – Ташкент. 1995. – С. 78.

<sup>4</sup> Мухтаров А., Политическая история Ура-тюбинского владения в первой половине XIX века // Известия отделения общественных наук АН Таджикской ССР, № 15. 1957. – С. 109.

<sup>5</sup> Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Петербург. – М., 1975. – С. 132.

округами<sup>1</sup>. Он использовал свое влияние на эмира, чтобы отдалить от него узбекских военных постоянно подстрекавших его к войне. 10 марта 1830 года из Коканда приехал посол, который от имени хана просил возвратить крепости, захваченные у кокандцев ранее. Кушбеги удалось предотвратить войну, и кокандский посол 15 апреля получил аудиенцию у эмира и долгожданный ответ о возвращении крепостей. Посол уехал в сопровождении бухарского посланника, Исхак Якуб Ходжа Накшбенди, потомка св. Бахауддина. Мухаммад Алихан засвидетельствовал святому лицу свое почтение, так как боялся гнева своих подданных.<sup>2</sup> Тем временем, продолжалось территориальное расширение Кокандского ханства, в состав которого в 1833-1834 гг. вошли Куляб, Каратегин, Бадахшан и др.<sup>3</sup>. Несомненно, что эти действия вызвали сильное беспокойство у эмира Насруллы, мечтавшем о доминировании Бухары во всем регионе. На изменение внешней политики Бухары повлияли и внутренние события. Интриги некоторых придворных и несогласие Хакима кушбеги с некоторыми поступками эмира Насруллы привели к тому, что в 1837 году он был сослан в Карши, затем в Нурагу, а потом вызван в Бухару и отправлен в тюрьму. А в 1840 году он был казнен по приказу эмира<sup>4</sup>. Таким образом, погиб влиятельный сторонник мирной политики во взаимоотношениях с Кокандом.

<sup>1</sup> Бернс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом по предписанию высшего правительства Индии в 1831, 1832, 1833 гг. лейтенантом А. Борнсом. ч.3. кн.1-2. кн.2. – М., 1849. – С. 474.

<sup>2</sup> Записки о Бухарском ханстве (отчеты П.И. Демезона и И.В.Виткевича) – М., 1983.

<sup>3</sup> Бабаджанов Б.М., Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. – С. 172.

<sup>4</sup> О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. Записки Мирзы Шемса Бухар // Изданный в тексте, с переводом и примечаниями В.В.Григорьевым. – Казань. 1861. – С. 78.

В конце 1830-х годов произошло относительно быстрое усиление военной мощи Бухары, что было связано с военными реформами в эмирате. Их инициатором стал Абдусаматхан (1784-1845/1847), родом из Тебриза. В 1837-1845 годах он пользовался большим влиянием в политической жизни Бухарского эмирата. Он изучал военное дело в Керманшахе у генерала Курта. За какой-то проступок он был приговорен к наказанию Мухаммад Али мирзой, но смог бежать в Пешавар<sup>1</sup>. В 1834 году он покинул Иран и оказался при дворе афганского эмира Дост Мухаммад-хана.<sup>2</sup> Потом он бежал от Дост Мухаммад-хана и прибыл в Бухару. По другим сведениям, он прибыл из Кабула в 1835 году и с рекомендации Хакима кушбеги попал во дворец Насруллы<sup>3</sup>. Абдусаматхан был первым организатором полка регулярного корпуса солдат - *сарбазов* и отряда артиллеристов – *тунчи* в Бухаре<sup>4</sup>. Для покрытия расходов сарбазов эмир Насрулла отдал Абдусаматхану в суюргал все доходы с области Каракуль<sup>5</sup>.

В конце 1838 года в Коканде был задержан бухарский посол. Причины конфликта в источниках указываются разные и они противоречивы<sup>6</sup>. В этом году кокандское войско было послано на владения эмира – Пшагар, где была заложена крепость и

<sup>1</sup> Wolff J. Narrative of a mission to Bokhara, in the years 1843-1845 to ascertain the fate of colonel Stoddart and captain Conolly. New York: Harper @ brothers. 1845. – P. 198-200.

<sup>2</sup> Бухоро сафарномаси (амир Насрулло ва Мухаммадшоҳ Қожор ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир. 1844 йил.) // Форсчадан ўзбек тилига ўгирувчи хамда кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. Масъул мухаррир Ҳ. Бобобеков. – Тошкент. 2007. 37-бет.

<sup>3</sup> Wolff J. Narrative of a mission to Bokhara, in the years 1843-1845 ... – P. 191.

<sup>4</sup> Троицкая А.О. Военное дело в Бухаре в первой половине XIX века. // Труды Академии наук Таджикской ССР. Т.17. Душанбе. 1953. – С. 211.

<sup>5</sup> Бухоро сафарномаси (амир Насрулло ва Мухаммадшоҳ Қожор ўртасидаги дипломатик муносабатларга доир. 1844 йил.). 64-бет.

<sup>6</sup> Бабаджанов Б.М., Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. – С. 175-176.

оставлен отряд во главе с Гадай-бай дадхакхом курама. По мнению российских авторов, основание крепости стало причиной конфликта. В 1839 году эмир Насрулла взял и разрушил крепость Пшагар. В 1839 году происходило стояние бухарских и кокандских войск в районе Йама и Заамина. По просьбе Мухаммад Али-хана был заключен мир с Бухарой<sup>1</sup>.

Согласно российским источникам, брат кокандского хана Султан Махмуд-хан был женат на дочери шахрисябзского бека, в свою очередь Насрулла и его сын были женаты на родных сестрах жены Султан Махмуд-хана. Поэтому когда возникли противоречия с братом, Султан Махмуд-хан ушел в Бухару, где был хорошо принят Насруллой и в 1840 году назначен правителем Урмитана близ кокандской границы. Это вызвало недовольство Мухаммад Али-хана, часть подданных которого перебежала к брату. В ответ комендантом Йома на границе с Бухарой был назначен дядя Насруллы, изгнанный когда-то из Бухары<sup>2</sup>.

Более года - с 1840 до 1841 года продолжались военные действия между военачальниками эмира и кокандского хана<sup>3</sup>.

По подстрекательству Абдусаматхана бухарцы отбили Джизак, а затем захватили и Ура-тюбе. Неподготовленные к новой военной тактике, кокандцы запросили мира и Мухаммад Али-хан для прекращения военных действий передал эмиру товаров на сумму 50-60 тысяч золотых. Однако через 2-3 месяца Мухаммад Алихан вновь захватил Ура-тюбе и Джизак. В ответном походе в 1840 году бухарцы захватили эти города, включая и Ходжент<sup>4</sup>, через который пролегали торговые пути. Ходжент

<sup>1</sup> Мухтаров А., Политическая история Ура-тюбинского владения в первой половине XIX века. – С. 109.

<sup>2</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л. 196-а-б.

<sup>3</sup> Мухтаров А., Политическая история Ура-тюбинского владения в первой половине XIX века. – С. 110.

<sup>4</sup> Бухоро сафарномаси (амир Насрулло ва Мухаммадшоҳ Қожор Уртасидаги ди-

был отдан брату Мухаммад Али-хана Султан Махмуд-хану<sup>1</sup>. По свидетельству российских источников, в этом походе проявили себя сарбазы и новая артиллерия эмира. В сентябре 1841 года эмир Насрулла выступил из Бухары, на помощь ему в Джизак, прибыли ополчения из Гиссара. 21 сентября 1841 года войска эмира подступили в Йому. Сарбазов насчитывалось 1 тысячу человек, 11 пушек и 2 мортиры. Четырехдневный артиллерийский штурм, разрушил город. Дядя Насруллы пришел к нему с повинной, но был казнен<sup>2</sup>.

Правителем Йома был назначен Султан Махмуд-хан (Султан Мухаммад-хан), Заамин был захвачен после трехдневного обстрела. Ура-тюбе сдался без боя. Около Ура-тюбе 15 тысячное кокандское войско разбило узбекскую кавалерию Бухары, но пушечные выстрелы бухарской артиллерии заставили их бежать.<sup>3</sup> Эмир Насрулла овладел Ура-тюбе 13 октября 1841 года<sup>4</sup>.

По мнению российских источников, эмир Насрулла хотел прежде всего завладеть Ташкентом, для того чтобы построить таможенный пост и контролировать сбор закята со всех российских товаров, идущих в Среднюю Азию, однако Абдусамат отвлек его на Коканд<sup>5</sup>. Эмир продолжал поход и захватил Ходжент, который подчинился без боя<sup>6</sup>.

В Ходженте к Насрулле прибыл сын Мухаммад Али-хана Мухаммад Амин и сын его дастарханчи, которые просили пощады. В ответ Насрулла отправил своего посланника заместителя муносабатларга доир. 1844 йил.). 83-84-бетлар.

<sup>1</sup> Бейсембиев Т.К. «Тарихи Шахрухи» как исторический источник. – Алма-Ата. 1987. – С. 108-109.

<sup>2</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л. 197-197 а-б, 198.

<sup>3</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л. 198-а-б.

<sup>4</sup> Мухтаров А. Политическая история Ура-тюбинского владения в первой половине XIX века. – С. 111.

<sup>5</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л. 199-а-б.

<sup>6</sup> Мухтаров А., Политическая история Ура-тюбинского владения в первой половине XIX века. – С. 111.

ника Джизака ишикагабаши Астанакула с требованием, чтобы сам кокандский хан лично явился к Насрулле, но Мухаммад Али-хан не принял это приглашение<sup>1</sup>.

В переговорах с бухарцами участвовали представители кокандского духовенства, которые призывали к миру. По итогам переговоров Ходжент достался Султан Махмуд-хану, а Ташкент и Курама отошли к Бухаре<sup>2</sup>. Правитель Ташкента Лашкар хорошо принял посланников Насруллы: Мир Хусейна и Келдияра и признал себя слугой эмира. Он отправил эмиру в подарок 21 аргамака, 9 шелковых попон, 12 соколов, украшения сбруи из золота и серебра<sup>3</sup>. По мнению российских авторов с этого времени эмир Насрулла принял титул «*туркестанского падишаха*»<sup>4</sup>. Этот факт является дополнительным свидетельством стремления эмира Насруллы к гегемонии во всем Среднеазиатском междуречье.

По данным российских источников, Насрулла захватил Канибадам, Махрам и Бешарык и хотел уже закончить войну, но Абдусамат уговаривал его продолжить военные действия. Под воздействием недовольных продолжительной войной узбекских военных эмир Насрулла заключил мир в Бешарыке. 26 октября 1841 года эмир вернулся в Бухару. 50-ти дневный поход был самым продолжительным из всех его предыдущих походов. В результате войны к Бухаре отошли Ура-тюбе, Заамин, Йом, Сайбат. Ходжент отдан Султан Махмуд-хану и был подчинен Бухаре.<sup>5</sup> Районы Ура-тюбе, Ёма и Зомина эмир отдал Бердиеру-туксабо, присвоив ему чин *ишик-ого-боши*<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л.200,200-а-б.

<sup>2</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. – С. 177.

<sup>3</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л.204.

<sup>4</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л.204-а-б.

<sup>5</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л.200,200-а-б.

<sup>6</sup> Мухтаров А. История Ура-тюбе (конец XV - начало XX века). Москва. 1998. – С. 96.

Султан Кенесары<sup>1</sup> написал Насрулле письмо с призывом продолжать войну против кокандцев, обещая атаковать их с севера<sup>2</sup>. Но эмир оставался верным договору с кокандским ханом.

Однако, позже мать Мухаммад Али-хана Надира (1792-1842гг.) добилась его примирения с братом – Султан Махмуд-ханом, которому подчинились Ходжент и Ташкент, выйдя, таким образом, из-под бухарской власти<sup>3</sup>. Мухаммад Али-хан уговорил Султан Махмуд-хана стать правителем Ташкента вместо Лашкара и отпасть от Насруллы. Лашкар был закован в цепи и отправлен в Коканд. Как пишут российские авторы, эмир Насрулла был в ярости от такого поворота событий<sup>4</sup>.

Это вызвало новый поход Насруллы на Коканд, на помощь которому пришли ополчения из Чарджуя, Балха и др.<sup>5</sup> 2 апреля 1842 года эмир Насрулла начал новый поход против Коканда. По данным российских источников, в поход было взято семь пушек, Коканд был взят, Мухаммад-Али-хан был казнен.<sup>6</sup> Также были казнены Султан Махмуд-хан, Надира бегим и некоторые другие члены династии мингов. По мнению Т.Бейсембиева, Коканд был взят при поддержке сторонников Бухары последователей некоего Ходжи Каландара шейха Самарканди, находившихся в тот момент в Коканде.<sup>7</sup> Бухарским наместником в Коканде был назначен мангыт Ибрагим парваначи. Полагают, что главным итогом нашествия бухарцев стало разрушение госу-

<sup>1</sup> Кенесары Касымов (1802-1847) казахский хан, внук Абылай-хана.

<sup>2</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л.202.

<sup>3</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. – С. 177-179.

<sup>4</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л.205.

<sup>5</sup> Бабаджанов Б.М., Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. – С. 179.

<sup>6</sup> РГИА. Фонд № 44, опись 2, дело №704, л.205-а-б.

<sup>7</sup> Beisembiev Timur, Annotated indices to the Kokand chronicles, Research institute for languages and cultures of Asia and Africa // ILSAA. 2008. – P. 155.

дарственной машины Кокандского ханства.<sup>1</sup> В состав Бухарского эмирата был включен Ура-тюбе, который подчинялся эмиру до 1848 года. Ошибки в управлении, чрезмерный сбор налогов со стороны наместника Ибрагима парваначи привели к падению власти бухарцев в Коканде летом 1842 года.

Осенью 1842 года и в мае-июне 1844 года эмир Насрулла совершил безуспешные походы на Кокандское ханство. Немалую роль в безуспешности действий бухарского эмира было отсутствие гибкой политики, слабость экономических ресурсов, наличие очага сепаратизма в эмирате в лице Шахрисабза, военная угроза со стороны Хивинского ханства, и довольно сплоченное сопротивление кокандцев бухарскому владычеству. Немаловажно, что кокандских ханов активно поддерживало духовенство Ферганы – ходжи и ишаны.<sup>2</sup> Неоднократные походы Насрулла, определенный успех вследствие военной реформы, ослабили Кокандское ханство, изменили расстановку внутривосточных сил, но не привели его к подчинению.

Таким образом, сведения российских авторов проливают свет на некоторые детали бухарско-кокандских отношений, выявляют факторы, влиявшие на политику правителей Бухары и Коканды в процессе бухарско-кокандского конфликта во второй четверти XIX века.

**Резюме.** Мақола Бухоро ва Қўқон хонлиги ўртасидаги 1830-1842-йиллардаги ўзаро муносабатлар тарихи ёритилган. Мақола муаллифи Россия Давлат тарихий архивида сақланаётган нашр бўлмаган ҳужжатлардан фойдаланган. Хусусан, бу ҳужжатларда Бухоро-Қўқон муносабатларига оид қимматли маълумотлар учрайди.

<sup>1</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио-Ташкент. 2010. – С. 183.

<sup>2</sup> Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (феодалное хозяйство Худояр хана). – Ташкент. 1973. – С. 30-31, 40.

**Summary.** The article is devoted to relations between Bukharan Emirate and Khokand khanate in 1830-1842. The author of the article used the unpublished archival sources stored at the Russian State historical archive which give us valuable information on some details of Bukharan-Khokand relations.

## ТОШКЕНТНИНГ РОССИЯ БИЛАН САВДО ВА ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

М.Б.Шамсиев

Тошкент ва Россия савдо-элчилик алоқалари тарихи жуда қадимий тарихий илдизга эга бўлиб, унинг асосий босқичи XVI асрнинг 60-йилларига бориб тақалади. Бу даврда Тошкентдан рус давлатига элчилар юборилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб<sup>1</sup>, улар асосан рус ҳукуматидан Россиянинг Астрахан, Қозон ва бошқа ҳудудларида эркин савдо қилишлари учун рухсат сўраб мурожаат қилишганлар<sup>2</sup>. Айни вақтда улар «бухороликлар» номи остида савдо ва элчилик алоқаларини олиб борган. Мустақил Тошкент номи истида илк элчилик алоқалари XVIII асрнинг 30-йилларидан бошланган бўлиб, дастлаб тошкентлик савдогар Нурмухаммад элчи сифатида Россиянинг Уфа шаҳрига борган. У биринчилардан бўлиб Тошкент ҳақидаги маълумотларни рус ҳукумати вакилларига тақдим қилган<sup>3</sup>. Унга Турсунбой Наврузбоқиев ҳамроҳ бўлиб борган. Уларнинг асосий мақсади бу вақтда Тошкентни иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб турган Кичик Жуз қабиласини Россия тобелигига ўтганлигини аниқлашдан иборат бўлган. Бу иккала элчи рус ҳукумати томонидан яхши кутиб олинган.

<sup>1</sup> Ziyoyev N. O'zbekiston va Sibir (XVI – XIX asrlar). Asarlar to'plami I jild. – Тошкент. 125-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 126-бет.

<sup>3</sup> Оренбург вилоят давлат архиви. Фонд - 1, руйхат - 1, 1-бет.



Шундан сўнг Россиянинг Тошкентга нисбатан савдо-элчилик алоқаларининг янги даври бошланди, дейишимиз мумкин. Хусусан, бир неча асрлар давомида ривожланиб келган Тошкент ва Россия савдо алоқалари XVIII аср охири - XIX аср бошларига келиб ўзининг юксак чўққисига чиққан. Бундай иқтисодий ривожланишдан ҳар иккала томон ҳам бевосита манфаатдор бўлиб, ўз сиёсий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кўзлаган мақсадларига эга бўлганлар. Бу мақсадларга етказувчи алоқаларнинг ривожланиш даври XVIII асрнинг охирларида ташкил топган мустақил Тошкент шаҳар давлати даврига тўғри келади. Бу даврда Тошкент ҳукмдори Юнусхўжа томонидан чорҳоқимлик даври тугатилиб, мамлакатни ягона бошқарув аппаратига хос услубда яъни, Ўрта Осиё хонликларида мавжуд анъаналарига мос равишда бошқарган. Дипломатик алоқалар ҳам минтақанинг кучли давлатлар билан тузишга ҳаракат қилинган. Бунда хусусий йирик савдогарлардан фойдаланган. Иқтисодий вазиятдан келиб чиққан Тошкент ҳокими Юнусхўжа мамлакатни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа хонликларидан кам эмаслигини билган. Жуғрофий жойлашиши жиҳатидан ҳам Тошкентнинг хонликлардан бир қадар устунлигини англаб, Россия билан олиб бориладиган савдо-иқтисодий алоқалари, Тошкентни иқтисодий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашни тушуниб етган.

Натижада, бу давлатлар ўртасидаги элчилик алоқалари ва шу асосидаги иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш мақсадида, 1793 йилда тошкентлик элчилар Россия (Омск) га келадилар. Элчилар иқтисодий алоқалар соҳасида маълум бир келишувга эришгач, Юнусхўжанинг тоғ ишлари бўйича муҳандисларни сўраб айтган илтимосини ҳам етказадилар<sup>1</sup>. Чунки айти бу вақтда Юнусхўжа Тошкентни мустақил бошқариш билан бирга иқтисодий муаммоларни ҳам ўзи ҳал қилган. Бу Россия империяси учун ҳам айти муддао бўлган.

<sup>1</sup> Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Ташкент, 1965. – С. 67.

Айти даврда олтин заҳирасини кенгайтириш мақсадида изланишлар олиб бораётган Россия империяси Пётр I давридан бери жуда кизиқётганди, энди Ўрта Осиёнинг олтин конларини текшириб кўришга ва унга етиш имконияти вужудга келган эди<sup>1</sup>. Шу каби омишлар асосида элчилик алоқалари ривожланиши билан бирга, Россиянинг Тошкентга нисбатан кизиқиши янада ортиб борган. Ўз навбатида хонлик ҳақида аниқ ва мукамал маълумотлар тўплашга катта эътибор билан киришилган. Тошкент ҳақида аниқроқ маълумотлар тўплаш Тошкентдан Усть-Каменогорск, Семипалатинск ва Петропавловска келадиган савдо йўлларининг харитасини чизиш ҳамда бу йўллар ўтадиган ҳудудларда жойлашган овулларни бир-биридан қанчалик масофада жойлашганлигини аниқлаш, Россия империясининг биринчи галдаги вазифаларидан бири ҳисобланган.

1794 йили ноябрь ойида Сибирь йўналиши бошлиғи генерал Г.Г.Штрэндман ўзига юкланган вазифани адо этиб, тошкентлик элчилар Муҳаммадхўжа, Азизхўжа ва шунингдек, Сибирда савдо ишлари билан шуғулланаётган бошқа савдогарлардан Тошкент ҳақида тўпланган дастлабки маълумотларини Пермь ва Тобольск генерал-губернатори А.А.Волковга юборган<sup>2</sup>. Элчи Муҳаммадхўжа Раҳим ўғли Тошкентнинг ҳаёти ва сиёсий-тузуми ҳақида берган батафсил маълумотлари Г.Г.Штрэндман ахборотининг асосини ташкил этган. Шунингдек, унда Ўрта Осиё-Россия савдосининг муаммолари ҳақида ҳам сўз юритилган<sup>3</sup>.

Ўрта осиелик савдогарлар сингари тошкентлик савдогарларни қийнаб келаётган энг катта муаммолардан бири, қозок даштларидаги қароқчилик эди. Тошкент - Россия савдо йўлла-

<sup>1</sup> Григорьев В. Русская политика в отношении к Средней Азии. Сборник Государственных Знаний. Т. 1-2. – Санкт-Петербург. 1874. – С. 244.

<sup>2</sup> Хожиев Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. – Тошкент. 1973. 21-бет.

<sup>3</sup> Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Ташкент. 1965. – С. 38.

ри қозоқ даштларидан ўтганлиги сабабли, бу йўллардаги хавфсизликни таъминлаш, Россия давлатининг иктисодий манфаатлари учун жуда аҳамиятли бўлиб, ташқи бозорда Россиянинг таъсир доирасини кенгайтирган. Ўрта Осиё хонликлари билан кенг савдо олиб бориш орқали уларнинг ички бозорига бемалол кириб бориш ва қолаверса, Ҳиндистон билан узвий алоқаларни ўрнатишда ушбу муаммоларни ҳал этиш вазифаси турган<sup>1</sup>.

Россия давлати савдогарлардан Тошкент ҳақида олаётган маълумотларининг асосли эканлигини текшириш учун 1796 йили А.Безносиков, Д.Телятников ва Я.Биковлардан иборат элчилар Тошкентга юборилган. Бу элчилар Тошкент ҳукмдори Юнусхўжа томонидан катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинган. Элчилар рус ҳукумати томонидан мамлакат ҳукмдори Юнусхўжага бериб юборилган совға-саломларни мамнуният билан топшириб, ҳукуматининг Тошкент ҳукмдорига хайрихоҳ эканлигини ва келажакда савдо иктисодий алоқалар жадал ривожланишига ишонч билдирганликларини таъкидлаб ўтишган. Тошкент сафаридан қайтгандан сўнг, Д.Телятников тўплаган маълумотларини ахборот шаклида ҳукуматнинг юқори табақаларига юборган<sup>2</sup>. Бу ахборотдан шундай фикр келиб чиқадики, Д.Телятников Тошкентда дастлаб ўз эътиборини ҳарбий соҳага, ундан сўнг ички сиёсат ва савдо-сотикқа қаратган. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Д.Телятников ўз олдида кўйилган вазифани тўлиқ адо этган. Демак, Россия империяси энг аввало иктисодий ва сиёсий қизиқишидан олдин ҳарбий куч-қудратига ҳам диққатини қаратган. Бундай топшириқлар фақат бу элчилик ташрифида эмас, балки кейинги сафарларнинг ҳам асосини ташкил этган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Григорьев В. Русская политика в отношении к Средней Азии. – С. 247.

<sup>2</sup> Хаджиев Э. Важный источник по истории Ташкента. Журнал. Общественный Науки Узбекистана. 1961. № 5.

<sup>3</sup> Гулямов Х. Из истории дипломатического отношения России с Бухарским ханством XVIII века. – Ташкент. 1992. – С. 18.

Элчилик алоқаларининг ривожланиши натижасида Тошкент ҳокими Юнусхўжа ўз мақсадларини Россия империяси ҳукуматига очиқ ва кескин равишда баён этишга ҳаракат қилган. Энг аввало Тошкент шаҳар-давлатини, ҳарбий жихатдан мустақкамлашга катта эътибор берган Юнусхўжа, 1797 йили Муллажон Охун Махсум ва Ашурали Баҳодур бошчилигида ўз элчиларини Россия давлатига юборган<sup>1</sup>. Элчиларни Россия ҳукумати яхши кутиб олиб, улар ҳатто император ҳузурида ҳам бўлганлар. Элчилар олдида кўйилган вазифалар иктисодий-сиёсий асосга эга бўлиб, улар савдо алоқаларини янада кенгайтириш, қозоқ даштларидаги қароқчиликка барҳам бериш ва савдо карвонларини химоя қилиш чораларини кўришини, Тошкентга тоғ инженерларини юбориш, шу билан бирга, мабодо Тошкентга Хитой давлати ҳужум қилгудек бўлса, ҳарбий ёрдам беришга доир таклифни ҳам ҳал қилишдан иборат эди<sup>2</sup>. Ўз навбатида рус ҳукумати юқорида қайд этилган таклиф-истакларни кўриб чиқиб, иктисодий таклифларга рози бўлган. Рус маъмурияти ҳарбий соҳадаги илтимос ўта нозик масала эканлигини сезиб, хонликлардаги воқеаларга катта қизиқиши бўлишига қарамай, дастлабки ҳарбий ҳаракатлардаги инқирозни унутмаган эди<sup>3</sup>. Бу масалага ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиб, Хитой томонидан Тошкентга ҳеч қандай хавф бўлишига ишонмасликларини билдиришган<sup>4</sup>.

Фикримизча, айни даврда Бухоро билан мустақкам алоқада бўлган Россия империяси Юнусхўжа сўраган ҳарбий ёрдам кўшини хонликларга Бухорога ёки Қўқонга қарши ишлатилиши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини сезиб, бу илтимосни очиқ қолдирган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казан. 1886. – С. 78.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 78.

<sup>3</sup> Гулямов Х. Из истории дипломатического отношения России с Бухарским ханством XVIII века. – Ташкент. 1992. – С. 21.

<sup>4</sup> Хожиев Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. – Тошкент. 1973. 26-бет.

<sup>5</sup> Гулямов Х. Из истории дипломатического отношения России с Бухарским

Юнусхўжанинг бу таклифи Россия учун ташқи бозорда Тошкентни иқтисодий жиҳатдан сиёсий қарамликка олиб келган илк кадам эди<sup>1</sup>. Шу сабабга кўра, Россия империясининг Тошкентга бўлган эътибори янада ортиб, хонликнинг аҳамияти юқори доираларда ҳар томонлама кенг муҳокама қилина бошланган.

1797 йил 22 сентябрда Сибирь қўшинлари қўмондони генерал лейтенант Г.Г.Штрадман император Павел I га ёзган маълумотида, шундай дейилган: «..Иртиш линиясидан Тошкентга борадиган савдо йўли, Оренбург линиясидаги йўлга нисбатан анча яқиндир. Тошкент билан савдони ривожлантириш, келгусида у билан қўшни бўлган Қўқон, Хўжанд ва Бухоро билангина эмас, балки бошқа ўлкалар, ҳатто Тибет билан ҳам савдони кенгайтиришга олиб келиши шубҳасиз. Бундан ташқари Тошкент орқали Хитой маҳсулотларини ҳам олиш мумкин»<sup>2</sup>.

Бу иқтисодий ва сиёсий алоқалар Россия давлатининг келажакдаги иқтисодий, сиёсий манфаатларига хизмат қилар эди. Натижада, Россия империяси тошкентлик савдогарларга Россиянинг чегара шаҳарларида эркин савдо қилишларига имконият яратиб берган. Ўз навбатида рус савдогарларига ҳам хавфсизлиги таъминланган ҳолда, Тошкентда эркин савдо қилишларига имконият яратилиши шарти қўйилган<sup>3</sup>.

Бу шартларни қўйишда Россия империяси икки мақсадни кўзлаган бўлиб, биринчидан, иқтисодий сиёсатнинг дастлабки босқичи бўлса; иккинчидан, Тошкент ва унга қўшни бўлган хонликлар ҳақидаги маълумотларни олишда савдогарлар ва улар қиёфасидаги давлат хизматчиларидан фойдаланишга катта имконият яратиб берилган. Давлат хизматчиларини Тош-

ханством XVIII века. – Ташкент. 1992. – С. 21.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России. Собрание сочинения. – Ташкент. IX. – С. 393.

<sup>2</sup> Халфин Н. Россия и ханства Средней Азии. –М., 1974. – С. 49.

<sup>3</sup> Хожиев Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. –Тошкент. 1973. 26-27-бетлар.

кентга юборишда Россия империяси худди шундай вазиятдан фойдаланган. Бунга жавобан Россия давлати Т.Бурнашев ва М.Паспиловларни Тошкентга жўнатган<sup>1</sup>. Уларнинг вазифаси Тошкентнинг иқтисодий имкониятлари ва қўшни хонликлар билан муносабати ҳамда Хитой ва Ҳиндистон каби жаҳон бозорларига эга ўлкалар билан алоқалари хусусида маълумотлар тўплашлари зарур бўлган. Бу элчилар 1800 йилнинг 1 майида битта қирғиз йўлбошчиси ва 25 та қуролланган казак аскарлари билан йўлга чиқишган. Шу йилнинг 28 июнь кuni Тошкент шаҳрига етиб келишган. Тошкент ҳукмдори Юнусхўжа томонидан иккита мансабдор шахсга уларни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олиш вазифаси топширилган. Шаҳарга киравериш ҳудудининг икки томонида аскарлар саф тортиб юқори кайфиятда рус элчилари кутиб олинган. Улар шаҳардаги йирик савдогар (мансабдор)нинг уй-ҳовлисига жойлаштирилиб, шарқона меҳмоннавозлик кўрсатилган. Сўнгра ҳукмдор саройида элчиларни қабул қилиш маросими ўтказилган. Элчилар томонидан рус ҳукумати томонидан бериб юборилган қимматбаҳо совғалар топширилган. Шундан сўнг шарқ халқлари элчи кутиб олиш анъаналарига мувофиқ элчиларга замонавий тошкентликларга хос икки сидра қимматбаҳо уст-бош совға қилинган. Унинг бир нечта сабаби бўлса керак, биринчиси элчиларни хавфсизлик нуқтаи назаридан шундай кийинтиришган, иккинчиси миллий урф-одатимизга кўра, биринчи келган меҳмонга сарпо сифатида беришган. Бу иккала элчи Тошкент ҳукмдорининг илтимосларини бажариб, сўнгра ўз юртларига катта эҳтиром билан кузатиб қўйилган. Кетиш йўналишини тошкентлик савдогарлар амалга оширган.

Улар маъмурият кутган маълумотларни тўла-тўқис ёзиб олиб келишган. Бу маълумотлар олдингиларни тўлдирган ҳолда, Тошкентга борадиган йўллар шароитини, шаҳар-

<sup>1</sup> Луин Б.В. История Узбекистана в источниках (известия путешественников, географов и ученых XVI- первой половины XIX в.). – Ташкент. – С. 145-156.

нинг ички вазиятини, ҳарбий ҳолатини, савдо-сотиғини, табиий бойликларининг қай даражада эканлигини билишга имкон берган<sup>1</sup>.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тошкент ҳукуматининг Россия давлати билан олиб борган элчилик алоқалари кейинги даврга келиб сиёсий тус олган. Чунки минтақада иқтисодий ва сиёсий нуқтаи-назардан қулай ҳудудда жойлашганлиги ҳамда Тошкентнинг Осиё бозорига олиб чиқиш учун муҳим стратегик марказ вазифасини бажара олишини кўзлаб, Россия империяси барча имкониятларини ишга солган. Икки мамлакат ҳукмдорлари томонидан ташкиллаштирилган бу элчилик алоқалари мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сиёсий алоқаларда улар ўзаро хайрихоҳ бўлганликларини кўрсатади.

**Резюме.** Посольские связи Ташкента с Российской империей начинаются с 60-х годов XVI века. Ташкенто-российские торговые отношения, продолжавшиеся в течении нескольких веков вышли в свой пик развития в конце XVIII – начале XIX вв. В данной статье описаны события конца XVIII века, в котором независимое ташкентское владение вело торговые и дипломатические отношения с Россией.

**Summary.** Ambassadorial relations of Tashkent with the Russian Empire begun since the 60-s of the 16th century. Tashkent-Russian trade relations lasted for several centuries came to its peak of development in the late of 18th – the beginning of the 19th centuries. This article describes events of the end of the 18th century, in which the Independent Tashkent led trade and diplomatic relations with Russia.

<sup>1</sup> Ханыков Я. Поездка Поспелова и Бурнашева в Ташкент в 1800 г. Вестник Императорского Русского Географического Общества. 1851. часть 1.

## БУХОРО АМИРЛИГИ ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРОДАГИ РУС СИЁСИЙ АГАНТЛИГИ ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)

О.А.Кличев

Маълумки, XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудлари Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги эса чор Россияси протекторати остига олинди.

Бу даврда чор ҳукумати Осиё минтақасидаги давлатлар билан муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида ўзининг элчихона, дипломатик миссия ва консулликларини ташкил этди. Жумладан, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан сўнг ўлкада ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар билан шугулланувчи ўзига хос муассасалар шакллантирилди. Хусусан, 1873 йилда Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида имзоланган икки томонлама шартнома Бухорода рус сиёсий агантлигини ташкил этиш учун қонуний асос бўлди<sup>1</sup>.

XIX аср охири XX аср бошларида Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасида олиб борилган муносабатлар масаласи айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб илмий муомалага киритилган<sup>2</sup>. Шундай бўлсада, ҳозирги кунгача Бухоро амирлигида фаолият юритган сиёсий агентликни ташкил этиш, агентларни тайинлаш, уларнинг бажарган вазифалари, тартиб-қоидалари атрофлича таҳлил этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар таҳлили амирликда сиёсий агентлик ташкил этилгунга қадар бўлган даврда, Бухоро амирлиги ва Россия империяси

<sup>1</sup> ЎЗР МДА. Фонд И-3, рўйхат - 2, йиғма жилд - 1, 2-варак.

<sup>2</sup> Тухтаметов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX - начале XX в. – Ташкент. 1966. – С. 178.; Его же: Тухтаметов Т.Г. Бухарский эмират в начале XX в. – Душанбе. 1977. – С. 208.; Холикова Р.Э. Россия-Бухоро: тарих чоррахасида. – Тошкент. 2005. 240-бет.

Ўртасидаги турли хилдаги масалалар амирлик кушбегиси ҳамда Туркистон генерал-губернаторлиги хузуридаги дипломатик бўлим амалдори ўртасида олиб борилганлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

1885 йилнинг 12 ноябрида Россия Давлат Кенгаши «Бухородаги Россия императорининг сиёсий агентлиги»ни ташкил этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади. Ушбу қарорга мувофиқ Сиёсий агентлик 1886 йил 1 январдан 1917 йил 17 мартагача фаолият юритди. Рус ҳукуматининг ташқи сиёсатида асосий ўрин тутган бошқа дипломатик муассасалар ичида фақат Бухоро амирлигидаги сиёсий агентлик нисбатан катта ваколат ва юқори мақомга эга эди<sup>2</sup>.

Сиёсий агентлик асосан рус ҳукумати қонун қоидалари ва манфаатларига риоя қилган ҳолда иш юритди. Унинг асосий вазифаларидан бири амирликнинг ташқи ва ички ҳаётида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш бўлган.

Сиёсий агентлик иш юритиш услубига кўра ўзига хос мураккаб тузилишга эга бўлган. Агентлик раҳбари Бухоро амирлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан тўғридан-тўғри кушбегига мурожаат қилган. Бу мурожаатлар икки томонлама дипломатик ёзишмалар шаклида олиб борилган. Ёзишмаларда акс этган масалалар ва уларнинг ечимига оид қайдлар Бухоро амирлигининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид муҳим маълумотлар беради.

Ушбу ҳужжатлар орасида сиёсий агентликни ташкил этиш масаласи юзасидан Туркистон генерал-губернатори ва Ташқи ишлар вазири ўртасида олиб борилган ёзишмалар мавжуд. Хусусан, Россия Ташқи ишлар вазинининг 1884 йил 18 июнда Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбах номига юборган

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 603, 15-варақ.

<sup>2</sup> Ушбу даврда Россия империяси Ташқи ишлар вазирилиги тизимига қирувчи идоралар орасида фақат Бухоро амирлигида сиёсий агентлик мақомидаги вакиллик муассасаси фаолият юритган.

хатида Бухоро амирлигида Россия империясининг вакили лавозими жорий этилганлиги ва бу Туркистон генерал-губернаторлиги дипломатик бўлим амалдори Н.В.Чариков (1886-1890) томонидан хабар қилинганлигини билиб олиш мумкин<sup>1</sup>. Хатда келтирилишича, амирликда сиёсий агентликни ташкил этиш таклифи Бухоро амирига ҳам маълум қилиниши сўралган. Шунингдек, ташкил этилиши режалаштирилган сиёсий агентликка раҳбар этиб Н.В.Чариковни тайинлаш мақсадга мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидланган.

Ўз навбатида Н.О.Розенбах ҳам Бухоро амирлигида Рус сиёсий агентлиги ва сиёсий агент лавозимини ташкил этиш масаласига ижобий баҳо берган. У сиёсий агент лавозимини ташкил этилиши амир маъмуриятининг бевосита генерал-губернатор девонхонаси билан олиб борадиган ёзишмаларининг камайишига ва дипломатик вакиллар алмашувининг қисқаришига, амирликда рус аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш, савдо муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини қайд этган<sup>2</sup>.

Мазкур ташкилотда сиёсий агент сифатида Н.В.Чариков, П.М.Лессар (1890-1895), В.И.Игнатъев (1895-1902), Я.Я.Лютш (1902-1910), А.С.Сомов (1911-1913), Л.К.Беляев (1914-1916), А.Я.Миллер (1916-1917)лар фаолият юритди.

Юқорида келтирилганидек, Н.В.Чариков Бухоро амирлигидаги биринчи рус сиёсий агенти вазифасини бажарган. Шу боис, у сиёсий агентликни ташкил этиш ишида алоҳида жонбозлик кўрсатган шахслардан биридир. Н.В.Чариков агентлик ташкил этилгунга қадар генерал-губернаторликдаги дипломатик амалдор сифатида кушбеги билан расмий муносабатлар ўрнатган ва дипломатик ёзишмалар олиб борган. Жумладан, 1884 йилда Туркистон генерал-губернаторининг амирлик кушбегисига қилган расмий мурожаатида Туркистон генерал-губернаторлигида

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд 603, 1-4-варақлар.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 603, 9-13-варақлар.

дипломатик бўлим амалдори лавозимига тайинлаш ва унинг фаолият доирасидаги вазифалар кўрсатилган эди. Кушбеги ҳам ўз навбатида амирлик ҳукумати Россия империяси билан олиб борилдиган муносабатларда мазкур амалдор билан дипломатик алоқалар олиб бориши мумкинлигини таъкидлаган<sup>1</sup>. Бу ҳолат Бухоро амирлигида сиёсий агентлик ташкил этилгунга қадар амирлик ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлиги ҳамда чор Россия билан олиб борилган ҳукуматлараро алоқаларни генерал-губернаторликдаги дипломатик амалдор воситасида амалга оширганлигини тасдиқлайди.

Ушбу турдаги ҳукуматлараро муносабатлар асосан расмий ёзишмалар шаклида олиб борилган эди. Жумладан, Н.В.Чариков 1884 йил 9 августда дипломатик амалдор сифатида кушбегига №324 рақамли хат билан мурожаат қилади. Хатда кўрсатилишича, у Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мазкур амалдор вазифасига тайинланганлиги ва бундан кейинги муддат давомида икки мамлакат ўртасида олиб бориладиган муносабатлар муҳимлигини ҳам таъкидлаб ўтган<sup>2</sup>. Кушбеги 1884 йил 26 августда Н.В.Чариков номига йўллаган илк жавоб мактубида икки мамлакат ўртасида олиб бориладиган алоқаларда ёрдам беришини билдиради<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, Бухоро амири Музаффар ҳам 1884 йил 30 августда Н.В.Чариковга хат билан мурожаат қилади. Амир Н.В.Чариковнинг лавозимга тайинланганлигидан хабардор эканлигини билдириб, унга махсус совгалар ҳам юборади<sup>4</sup>.

Н.В.Чариков ўз дипломатик ваколатидан файдаланган ҳолда, 1884 йил сентябрь ойида таржимон Губерский, котиб Диваев билан бирга сиёсий агентликни ташкил этиш масаласи юзасидан амир қабулида бўлади. Учрашувда қурилиши режалаштирилган

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 603, 16-варақ.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 603, 18,19-варақлар.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 603, 21-варақ.

<sup>4</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 603, 22-23- варақлар.

Бухородаги рус сиёсий агентлиги биноти учун жой ажратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди<sup>1</sup>. Бу масала икки мамлакат вакиллари имзолаган шартномага асосланиб ижобий ҳал этилиши керак эди. Шу боис 1886 йил 1 январда Бухоро амирлигида рус сиёсий агентлиги ўз фаолиятини бошлади.

Бухородаги рус сиёсий агенти ва агентлик ходимлари Ташқи ишлар вазирлиги фармойишига биноан тайинланган ва уларнинг фаолияти рус ҳукумати қонун-қоидаларига асосланиб ташкил этилган<sup>2</sup>. Бухородаги рус сиёсий агентлиги зиммасига турли хил ижтимоий-иқтисодий, сиёсий масалалар юклатилган. Уларни қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

*Дипломатик муносабатлар йўналишида:* 1. Консуллик хизмати доирасида фуқароларга паспортлар тақдим этиш ва чет эл фуқароларига ҳомийлик қилиш; 2. Дипломатик қисм фаолияти доирасида Бухоро амирлиги ва Афғонистондаги воқеалар хусусида маълумот йиғиш; 3. Бухоро амирлигида Россия императорининг вакили сифатида Бухоро амири билан учрашиш ва кузатув ишларини олиб бориш, амир томонидан мансабдор шахсларга юбориладиган телеграммаларни тузиш; 4. Амир томонидан тақдирланадиганларнинг рўйхатини тузиш ҳамда орден ва гувоҳномаларни тайёрлаш; 5. Рус маъмурларининг тақдимотига асосан Бухоро амири орденларига муносиб номзодларни кўрсатиш; 6. Россия империяси ва чет эллик фуқароларни амир билан учрашишини ташкил этишга кўмаклашиш; 7. Турли шахс, жамият ва муассасаларнинг Бухоро ҳукумати билан муносабатлар олиб боришини ташкил этиш.

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 603, 34,40- варақлар.

<sup>2</sup> Циркуляр по ведомству Министерства иностранных делъ – Чор ҳукуматининг Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги ходимларга йўналтирилган махсус фармойиш тури. Унда чет элдаги миссия, консуллик ва элчихона ходимларини тайинлаш, бошқа жойга ўтказиш, маълум муддатга хизмат сафари белгилаш, меҳнат таътилига юбориш, ўз аризаси ёки оилавий аҳволдан келиб чиқиб, ишдан бўшатиш каби алоҳида-алоҳида кўрсатмалар белгиланган. ЎзР МДА. Фонд И-3, рўйхат - 2, йиғма жилд - 272, 2-4-варақлар.

*Суд-ҳуқуқ тизими йўналишида:* 1. Жиноий ишлар бўйича чекланмаган ва аппеляциясиз суд фаолияти; 2. Фуқаролик ишлари бўйича суд (бу фаолият ичига рус суд қарорларининг ижросини тامينлаш, суд чакирув қоғози юбориш, маҳбуслар билан боғлиқ фаолият, суриштирув); 3. Нотариал қисм фаолияти.

*Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йўналишида:* 1. Бухоро амирлигидаги рус манзилгоҳларини бошқариш; 2. Янги Бухородаги рус манзилгоҳида бошқарув ва у ерда жойлашган полиция, камоқхона ва хўжалик фаолияти устидан назоратни таъминлаш; 3. Эски Бухорода жойлашган рус-тузем шифохонаси, аёллар амбулаторияси, рус-тузем билим-юртларини бевосита тўғридан тўғри бошқариш; 4. Бухорода нашр этилаётган газета, шу билан бирга, театр сахналарида намойиш этиладиган пьесаларнинг цензурасини амалга ошириш; 5. Бухородаги рус сиёсий агентлиги кассаси таркибида сақланаётган агентлик маблағларининг ҳисоб китобини бошқариш; 6. Эски Бухорода фаолият олиб борган олти банкларнинг фаолиятини назорат қилиш; 7. Чор ҳукумати талабига асосан Бухоро амирлиги томонидан амалга ошириладиган тадбирлар учун ажратиладиган маблағларнинг ҳисоб-китобини амалга ошириш; 8. Рус савдогарларининг тадбиркорлик фаолиятига ҳомийлик қилиш ва бу масала юзасидан савдо ва ишлаб чиқариш вазирлиги билан муносабатларга киришиш; 9. Ҳарбий вазирликнинг Бухоро амирлиги ҳудудида қўшинларни кўчириш билан боғлиқ кўрсатмаларнинг ижросини назорат қилиш.

Сиёсий агентларни тайинлаш масаласига Ташқи ишлар вазирлиги алоҳида эътибор билан ёндашган. Архив ҳужжатларининг таҳлили ҳар бир сиёсий агент ўз лавозимига тайинлаганлигидан бошлаб то лавозимидан озод қилингунга қадар ўзига хос дипломатик қоидаларга риоя қилганлигини кўрсатади<sup>1</sup>. Хусусан, сиёсий агент ўз вазифасини бажаришга киришидан олдин ўлкадаги бир гуруҳ чор ва маҳаллий амалдорлар билан

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-2, рўйхат - 2, йиғма жилд - 515, 11-12-варақлар.

учрашиши, улардан ҳудуддаги аҳвол хусусида маълумот ҳамда кўрсатмалар олиши керак эди.

Ташқи ишлар вазири Н.К.Гирсинг 1890 йил 4 майда Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вреский номига юборган хатида Бухородаги рус сиёсий агенти лавозимига П.М.Лессар тайинлаганлигини ва генерал-губернатор ундан ўз кўмагини аямаслигини сўраган. П.М.Лессарнинг сиёсий агент сифатида фаолият олиб бориши ҳақида Бухоро амири номига йўллаган хатда ҳам маълум қилинган<sup>1</sup>.

Сиёсий агентларни алмаштириш ёки ишдан бўшатиш тартиби ҳам фақат Ташқи ишлар вазирлигининг кўрсатмасига асосан амалга оширилган. Янги тайинланган сиёсий агентга Ташқи ишлар вазири иккита хат тақдим этган. Бу хатлар расмий ва дипломатик қонун-қоидаларга асосланиб ёзилган бўлиб, уларнинг бири Туркистон генерал-губернатори, иккинчиси эса Бухоро амири номига йўлланган<sup>2</sup>.

Амирга юборилган хат расмий тарзда ёзилган. Ташқи ишлар вазирининг генерал-губернатор номига йўллаган хатида эса асосий масалалар кўтарилган. Унда тайинланган сиёсий агентни ҳудуддаги вазият ва ўлкада олиб борилаётган сиёсат тўғрисида хабардор этиш кераклиги баён қилинган. Бу ҳолни биз 1895 йил июн ойида Ташқи ишлар вазирлиги кўрсатмасига биноан сиёсий агент П.М.Лессарнинг Лондондаги Россия империяси элчи-хонасига ўтказилганлиги муносабаги билан, унинг ўрнига Осие департаменти иш юритувчиси олтинчи даражали коллеж котиби В.И.Игнатъевнинг Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агенти лавозимига тайинланиш тадбирида кўришимиз мумкин<sup>3</sup>.

В.И.Игнатъев бошқа сиёсий агентлар каби дастлаб, Бухорога келган ва сиёсий агентлик вазифасини қабул қилган, сўнгра Карманада Бухоро амири қабулида бўлган. Мазкур учрашувда сиёсий

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 725, 1-2 варақлар.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 807, 11-варақ.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. Фонд И-1, рўйхат - 34, йиғма жилд - 807, 1-варақ.

агент Ташқи ишлар вазирлиги томонидан генерал-губернатор номига йўлланган хатнинг иловаси сифатида Бухоро амири номига юборилган мактубнинг асл нусхасини тақдим этган.

Сиёсий агент Л.К.Беляев эса ўз лавозимига киришишидан олдин Бухорода амирлик маъмурияти вакиллари билан ташқари Эски ва Янги Бухорода жойлашган рус ҳукумати муассасалари ва уларнинг раҳбарлари билан ҳам учрашган. Бухородаги сўнгги сиёсий агент А.Миллер ҳам мазкур дипломатик тартибга риоя қилган. У Янги Бухоро (Когон) бекатида амир амалдори Отахўжа тўқсоба билан учрашади. Шундан сўнг Карманда амир қабулида бўлади<sup>1</sup>. Бу ҳол ўз навбатида янги тайинланган элчи ёки консулларнинг маҳаллий ва рус ҳукумати вакиллари билан танишув удуми бўлиб, бу сиёсий агент учун келгусида ўз фаолиятини амалга оширишда кўмак берган.

Л.К.Беляев Бухородаги рус сиёсий агенти лавозимидан олдин Россия империясининг Солоникдаги бош консули сифатида фаолият олиб борган<sup>2</sup>. Сиёсий агентлик тарихида Л.К.Беляевнинг фаолияти алоҳида аҳамият касб этган. Бу Л.К.Беляевнинг Туркистон генерал-губернатори девонхонаси билан олиб борилган ёзишмаларида ўз аксини топган.

Унинг қўшбеги билан илк ёзишмалари 1914 йил 24 февралдан бошланган<sup>3</sup>. У амирлик қўшбегиси номига йўллаган хатида 15 февраль куни Бухорога келганлигини ва сиёсий агентлик вакили Гирсдан 22 февраль куни сиёсий агентлик раҳбарлигини қабул қилганлигини қайд этади.

Сиёсий агент тайинланиш даврида сиёсий агентлиги бошқарувчиси Туркистон генерал-губернаторлиги дипломатик амалдорига янги тайинланган агентнинг ўз вазифасига киришишидан сўнг қандай тадбирларни амалга ошириши

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-3, рўйхат - 2, йигма жилд - 434, 2-5-варақ.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И-2, рўйхат - 2, йигма жилд - 515,7-варақ.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. Фонд И-126, рўйхат - 2, йигма жилд - 196, 2-варақ.

кераклиги тўғрисидаги режасини юборган<sup>1</sup>. Сиёсий агент лавозимга киришишидан олдин агентликда ўзига хос шифрли рўйхат (опись), яъни сиёсий агентлик кассаси, сиёсий агентликдаги давлат мулки, меҳмонхона, кириш хонаси, ошхона, драгоман хонаси<sup>2</sup>, девонхона, овқатланиш хонаси деб номланган рўйхат (опись)лар тузилган. Бу опислар янги тайинланган сиёсий агент ва агентлик бошқарувчиси билан биргаликда агентларнинг алмашувлари вақтида расмийлаштирилган.

Янги сиёсий агент нафақат агентлик фаолиятининг тегишли жабҳаларига оид рўйхатларни, балки расмий хужжат ва буюм рўйхатларини ўз ичига олган икки томонлама далолатнома (акт)ни тузган. Далолатнома: 1. Агентлик кассаси ва банклардаги ҳисоб рақамларида сақланилаётган маблағ миқдори; 2. Консуллик йиғимларини тўлашга мўлжалланган маркалар сони; 3. Депозит маблағ кўлами; 4. Шифрлар, муҳрлар, реестр ва Бухородаги рус сиёсий агентлиги архиви; 5. Сиёсий агентликдаги давлат мулки рўйхатлари каби беш бандли маълумотлардан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Рус ҳукуматининг дипломатик вакиллик муассасалари ўзаро маълумот алмашиниб турганлиги каби Бухородаги рус сиёсий агентлари ҳам лавозимга тайинланганларидан сўнг бу хусусида Россия империяси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига кирувчи муассаса вакилларида расмий хат шаклида маълум қилишган. 1911 йилда сиёсий агент А.С.Сомов<sup>3</sup>,

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-3, рўйхат - 2, йигма жилд - 498, 20-29-варақ.

<sup>2</sup> Драгоман – франсузча «dragoman», урта аср латин «dragumanus», арабча «tardshuman» – шарқ мамлакатларида ташкил этилган элчихона ва миссияларда фаолият олиб борган таржимон // Словарь иностранных слов. М.:Русский язык, 1979. – С.178.

<sup>3</sup> 1911 йил 17 ноябрда А.С.Сомов номига Ю.П.Бахметов ўзининг Россиянинг АҚШдаги элчиси вазифасига, 1912 йил 5 январда эса А.А.Савинский Швециядаги Россия вакили лавозимига тайинланганлигини билдириб мурожаат қилганлар. Шу билан бирга, Берлин ва Банкокдаги чор ҳукумати вакиллари А.С.Сомовнинг лавозимга тайинланганлиги хусусида муносабатларини бил-



1914 йил феврал ойида сиёсий агент вазифасига киришган Л.К.Беляевлар ҳам ўзларининг мазкур лавозимга тайинланганини Россиянинг турли мамлакатларида фаолият юритаётган консулларга билдирган<sup>1</sup>. Консул ва элчилар эса ўзларининг А.С.Сомов ва Л.К.Беляев номларига йўллаган жавоб мактубларида уларнинг сиёсий агент лавозимига тайинланганлигидан хурсандликларини ва дипломатик муносабатларни олиб боришда ўз ёрдамларини аямасликларини таъкидлаганлар.

Ташки ишлар вазирлиги ўз тизимига кирган дипломатик миссия ва консуллик ходимлари иш жойларини заруриятдан келиб чиқиб вақт-вақти билан алмаштириб турган. Бу ҳолат асосан мазкур вазирликнинг тегишли кўрсатма ва йўриқномалари асосида амалга оширилган. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, бу каби ҳолатлар Бухородаги рус сиёсий агентлар фаолиятида амалга оширилган тақдирда агентлик бошқарувчиси томонидан албатта амирлик маъмуриятига билдирган.

Жумладан, Я.Я.Люшт 1910 йил 17 июлда Бухоро амирлиги қўшбегиси номига йўллаган хатида Ташки ишлар вазирлигининг кўрсатмасига асосан хизмат сафарига кетиши сабабли сиёсий агентлик бошқарув ишини И.И.Решетовга топширишини маълум қилган<sup>2</sup>. Қўшбеги ҳам ўз навбатида амирлик ва сиёсий агентлик ўртасида кўтариладиган масалалар юзасидан энди маълум давр

диришган. Қаранг: ЎзР МДА. Фонд И-3, рўйхат - 2, йиғма жилд - 213, 17-35 арақлар.

<sup>1</sup> 1914 йил 24 мартдан 18 апрел санасигача Россия империясининг Вена, Мехико, Рим, Стокгольм, Гамбург, Мадрид, Дрезден, Брюссель, Карлсруе, Дармштат, София, Берлин, Штутгарт, Париж, Белград, Лондон, Берн, Токио, Лиссабон, Копенгаген шаҳарларидан ҳамда Швейцария ва Эрон давлатларидаги миссияси вакиллари ҳамда Вашингтондаги элчихона консуллари ва элчилари А.К.Беляев номига жавоб хатлари билан мурожаат қилганлар. Бу ўз навбатида Россия империясининг турли мамлакатлардаги вакиллариининг ўзаро алоқалари йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Қаранг: ЎзР МДА. И-2-фонд, 2-рўйхат, 542-иш, 1-26-арақ.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И-3, рўйхат - 2, йиғма жилд - 142, 212-арақ.

мобайнида кимга мурожаат қилиш кераклигини ҳақидаги маълумотга эга бўлганлиги учун ўз миннатдорчилиги билдирган.

Сиёсий агентлик хужжаглариининг гувоҳлик беришича, Бухородаги рус сиёсий агентлиги бошқарувчиси маълум муддатда тайинланган сиёсий агент хусусида тегишли тарзда рус манзилгоҳларидаги рус элита қатлами вакиллари, Эски ва Янги Бухородаги Давлат банки бошқарувчиси, Карки, Чоржўй, Термиз харбий бошликларига ҳам билдирганлигини қайд этиш мумкин<sup>1</sup>.

Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агенти маълум бир сабаб ёки алоҳида юклатилган вазифани бажариш миссиясига юборилганда, Туркистон генерал-губернаторлиги сиёсий агент ўрнига ўзининг амалдорларидан бирини қисқа муддатда сиёсий агентликка юбориб турган. Жумладан, Я.Я.Люштнинг Туркистон генерал-губернатори номига 1905 йил 30 мартда йўллаган телеграммасида бу ҳолат кузатилганлигини кўрамиз. Генерал-губернатор Я.Я.Люштнинг ўрнига Туркистон генерал-губернатор девонхонаси амалдори С.С.Пославский тайинлаганлигини билдирган<sup>2</sup>.

Бу каби масаланиннг ўз ечимини топишида асосан уч томонлама, яъни Бухородаги рус сиёсий агентлиги, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ва Ташки ишлар вазирлиги ўртасида олиб борилган ёзишмалар муҳим аҳамият касб этган.

Туркистон генерал-губернатори С.С.Пославский ўрнига дипломатик амалдорнинг вазифасини бажариш учун А.Д.Калмиковни тайинлаганини қайд этиш лозим<sup>3</sup>. Сиёсий агент ўрнига Туркистон генерал-губернатор хузуридаги дипломатик амалдорнинг тайинланиши бу лавозим Ўрта Осиёдаги рус ҳукумати бошқарувида юқори мартабали лавозим эканлигини англатади.

Бундай ҳолат ЎзР МДА фондларининг И-2 Туркистон генерал-губернаторлиги хузуридаги дипломатик амалдор фонди

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-3, рўйхат - 2, йиғма жилд - 272, 9-12-арақлар.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И-2, рўйхат -2, йиғма жилд - 256, 1-арақ.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. Фонд И-2, рўйхат -2, йиғма жилд - 256, 16-арақ.

йиғма жилдларида ҳам ўз ифодасини топганлигида кўринади<sup>1</sup>. Бу хужжатларнинг йиғма жилди дипломатик амалдор котибиётида «Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агентлиги амалдори», деб номланган. Шу билан бирга, йиғма жилд таҳлили шуни кўрсатадики, унда Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агенти ва амирлик маъмурияти ўртасидаги муносабатларга доир маълумотлар ҳам ўрин эгаллаган. Бу ҳол Туркистон генерал-губернаторлиги ҳузуридаги дипломатик амалдор сиёсий агентликнинг амирлик билан бўлган муносабатини кузатиб борганлигидан ҳам далолат беради.

Бухоро амирлигидаги рус сиёсий агентлиги ўз фаолиятини Россия муваққат ҳукуматининг 1917 йил 17 март қарорига кўра расман яқунлади. Аммо бу ташкилот кейинчалик Бухородаги Россия резидентлиги мақомида ўз фаолиятини давом эттирган<sup>2</sup>. Сўнги сиёсий агент А.Миллер амирлик кушбегиси номига йўллаган хатида икки мамлакат ўртасида олиб бориладиган муносабатлар Бухородаги Россия резидентлиги орқали амалга оширилиши кераклиги хусусида тўхталиб ўтади. Бу ҳам икки мамлакат дипломатик муносабатларида амалга ошириши зарур бўлган қоидалардан бири эди.

Юқорида қайд этилган маълумотлар, XIX аср охири XX аср бошларида рус ҳукуматининг Ўрта Осиёда амалга оширган мустамлакачилик сиёсатининг «дастаклари» - уларнинг жойлардаги вакиллик муассасалари бўлганлигини кўрсатади. Туркистон генерал-губернатори ва унга бўйсунган вилоятлар губернаторлари, Хива хонлиги ҳудудида ташкил этилган Амударё бўлими ва Бухородаги рус сиёсий агентлиги рус ҳукуматининг минтақамиздаги сиёсати таянчлари эди. Бу каби муассасалар ичида сиёсий агентлик фаолияти бевосита Бухоро амирлиги ҳудудида амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Икки мамлакат дипломатик алоқаларининг воситаси сифатида

<sup>1</sup> ЎзР МДА. Фонд И-2, рўйхат -2, йиғма жилд - 542.

<sup>2</sup> ЎзР МДА. Фонд И-3, рўйхат -2, йиғма жилд - 528, 3-4-варақлар.

сиёсий агентликнинг амирлик ҳукумати вакиллари, хусусан Кушбеги девонхонаси билан олиб борган ёзишмалари мазкур даврда нафақат Бухоро амирлиги тарихини ўганишда, балки рус ҳукуматининг Ташқи ишлар вазирлиги тизимида муҳим бўгин вазифасини бажарган агентлик тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба вазифасини бажаради.

**Резюме.** В статье исследован комплекс практических попыток и правовые основы образования Российского политического агентства в Бухаре, и его первоначальная деятельность в сфере дипломатических отношений двух государств.

**Summary.** In the article is analyzed a complex practical attempts and legal bases of the formation of the Russian political agency in Bukhara, and its initial activity in diplomatic relations between two states.

## МИРЗА САЛИМБЕКНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Д.М.Жамолова

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган Мирза Салимбек - давлат ва жамоат арбоби, таржимон, тарихчи, шоир ва мохир дипломат эди.

Мирза Салимбек Мирза Раҳим ўғли 1848/1850 йилда Бухоро шахрининг Жўйбор мавзеидаги Чақар гузарида амалдор оиласида туғилган<sup>1</sup>. Бухоро мадрасларида таҳсил олган. Форс ва араб тилларидан ташқари рус тилини ҳам яхши билган. Бухоро амирлари амир Музаффархон (1819-1885), амир Абдулаҳадхон (1859-1910) ва амир Олимхонлар (1881-1944) даврида турли хил лавозимларда ишлаган.

<sup>1</sup> Бухорий А.Р. Раҳимов К. Мирзо Салимбек қолдирган мерос // Мозийдан садо, 2006. № 1. 43-бет.

Хусусан, Мирза Салимбек 1871 йилдан бошлаб, Нарпай ва Зиёвуддин<sup>1</sup> вилояти ҳокими Остонакулбий ҳузурда мирзолик лавозимида ишлай бошлайди. 1873 йилда амир Музаффархон (1860-1885) уни Хитой чойи билан савдо қилувчи савдогар ниқоби остида Тошкентга юборади. Мирза Салимбекнинг вазифаси рус амалдорлари фаолиятини кузатиш, Бухоро билан боғлиқ режаларидан воқиф бўлишдан иборат эди<sup>2</sup>.

У 1882 йил Тошкентдан чақиртириб олинади ва маълум вақт амирнинг шахсий хизматида бўлади, шундан сўнг Тошкентга генерал-губернатор Н.О.Розенбах (1884-1889) ҳузурига Бухоро амирлигининг расмий вакили қилиб жўнатилади. 1885 йил Тошкентдан қайтгач, Мирза Салимбек Хутфор ва Самжон<sup>3</sup> туманларида амлоқдор лавозимида ишлаган ва мирохур даражасини олган.

1885 йилда амир Абдулахадхон тахтга ўтиргач, давлат тараққиёти ва аҳоли тинчлигини ўйлаб, Россияга элчилар юборади. Элчилик таркибида Остонакулбий бошчилигида Мирза Жалил девонбеги, Мирза Худоятилло мирохур, Ражаб Али ва Мирза Шарафлар ҳам бор эди<sup>4</sup>. Мирза Салимбек ҳам элчилик таркибига киритилади ва унга сафар давомидаги барча воқеаларни ёзиб олиш топширилади. Петербургга етиб борган элчилар «Гранд Отель» меҳмонхонасига жойлаштирилади. Икки кундан кейин подшо саройига амирнинг мактуби ва совғаларни олиб борадилар. Рус подшоси томонидан илик кутиб олинган элчилар унга мактуб ва қимматбаҳо совғаларни топширадилар. Подшо ва унинг тахт вориси совғаларни бир соат давомида томоша қилиб, амирга ўзларининг

<sup>1</sup> Ҳозирги кунда Нарпай тумани ва Зиёвуддин шаҳарчаси Самарқанд вилояти таркибига киради.

<sup>2</sup> Қосимов Ф., Йўлдошев Н. Мирза Салимбек // «Бухоро ҳақиқати», 1996 йил 13 апрель.

<sup>3</sup> Ҳозирги кунда Хутфор - Бухоро вилояти Пешку тумани худудига ва Самжон - Бухоро вилояти Ромитан тумани худудига гўғри келади.

<sup>4</sup> Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата) / Перевод с персидского Н.К.Норкулов. – Тошкент. 2009. – С. 83.

чуқур миннатдорчиликларини изҳор қиладилар. Сўнгра, подшо элчилик таркибидаги ҳар бир кишини Станислав ордени<sup>1</sup> билан тақдирлаб, бриллиант узуклар, тилло соатлар ва ёқасига зар қадалган чакмонларни топширади.

Петербургга элчилик сафари 62 кун давом этади. Бу даврда улар курол-яроғ ишлаб чиқариладиган завод, тилла ва кумуш тангалар, қоғоз пуллар зарб қилинадиган зарбхона, тўқимачилик фабрикалари, тилла буюмлар дўкони ва соат тузатиш устаноналарини кўрадилар<sup>2</sup>.

Мирза Салимбекнинг мохир дипломат бўлиб етишишида сиёсий билимдонлиги, саройнинг юқори лавозимларида фаолият юритгани ва чегара вилоятлар (Бойсун, Шеробод)да ҳокимлик қилгани муҳим ўрин тутди. У давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ҳамда алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган.

Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига эътибор қаратадиган бўлсак, давлатни мустаҳкам идора этишининг энг асосий йўли бу – Бухоро амирлиги билан қўшни давлатлар ўртасида ўзаро сиёсий, маданий, савдо-сотик алоқалари кўпайтириш ҳамда ўзаро дипломатик муносабатларни янада тиклаш зарур эканлиги деб билади<sup>3</sup>.

1889 йили Мирза Салимбек Бухоро амирлигининг юқори лавозимларидан бири миршаблар бошлиғи лавозимига тайинланади ва 1893 йилгача шу лавозимда хизмат қилади. 1893 йилдан бошлаб Мирза Салимбек амирликнинг турли бекликларида ҳоким лавозимида фаолият кўрсата бошлайди. Амир Абдулахад-

<sup>1</sup> Қироллик ва императорлик белгиси I-даражали Станислав ордени – 1765 йилда польшалик Станислав Понятовский томонидан давлат ва жамият олдидаги хизматлари учун тақдирлаш мақсадида ташкил этилган. 1831 йилдан Николай I томонидан Россиянинг орденига айлантирилган.

<sup>2</sup> Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). – С. 84.

<sup>3</sup> Шодиев Ж. Бухоро амирлигида давлатчилик масалалари (1753-1920) // Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. – Тошкент. 2005. 27-бет.

хон Мирза Салимбекнинг уддабуронлиги ва ташаббускорлигини ҳисобга олиб, дастлаб, Яккабоғ (1893-1898), сўнгра, Нурота (1898-1902)га ҳоким қилиб юборади. Мирза Салимбек бу ҳудудлардаги аҳволни тубдан ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солади. 1902 йилдан бошлаб, амирликнинг чегара вилоятлари Бойсун (1902-1905) ва Шеробод (1905-1909)да ҳокимлик қилиб, халқнинг турмуш даражасини яхшилашга ҳаракат қилади, Афғонистон билан чегара муносабатларини тартибга солади. 1910-1913 йилларда эса Бухоро амирлигининг стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган вилояти Шаҳрисабзда ҳокимлик қилади. 1917-1920 йилларда девонбеги ва бош закотчи лавозимида фаолият кўрсатади. 1920 йилдан эътиборан амирликнинг сиёсий аҳамиятга эга бўлган вилояти Чоржўйга ҳоким қилиб юборилади<sup>1</sup>.

Мирза Салимбек 1920 йил 29 августда Чоржўй вилояти ҳокими лавозимида турган пайтида 56 та турли амалдорлар билан биргаликда большевиклар томонидан камокқа олинади ва фақат орадан бир йил ўтгач, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукуматининг қарорига кўра, озод қилинади. Мирза Салимбек БХСРнинг қадимий обидалар, маданият ва табиати муҳофаза қилиш қўмитасига ишга қабул қилиниб, Бухоро арки тарихини ўрганишда фаол иштирок этади. Кейинчалик «Авқоф» бўлимида, яъни вақф мулкларидан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи идорада ишлайди. Мирза Салимбек 1930 йилнинг мартида 79/80 ёшида вафот этади.

Мирза Салимбекнинг моҳир дипломат сифатидаги фаолияти 1918 йил 25 мартда «Қизилтепа сулҳ шартномаси» тузилишида яққол кўзга ташланади. У дастлаб, Бухорога большевиклар комиссари Ф.Колесовнинг ҳарбий юришлари вақтида Бухоро қўшинига қўмондонлик қилади ва кейинчалик Ф.Колесов билан музокаралар олиб бориш учун тайинланган амирликнинг вакиллар ҳайъатига раҳбарлик қилади. Мирза Салимбек боль-

<sup>1</sup> Ражабов Қ, Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент. 2016. 334-бет.

шевиклар билан Қизилтепа темир йўл станциясида тузилган Қизилтепа битимини Бухоро амири номидан имзолайди<sup>1</sup>.

Икки томондан ўзаро сулҳ тузиш учун вакиллар ажратилди. Совет Россияси томонидан: отряд комиссари В.Я.Шмидт, ҳарбий командирлар: Г.А.Колузаев, Степанов, В.М.Копилов. Туркистон ўлкаси темир йўллар комиссари А.Ф.Солькин, Янги Бухоро шаҳри бошлиғи А.Я.Гальперин, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг махсус вакиллари П.П.Введенский ва Х.К.Мирбадалов; Бухоро амирлиги томонидан: бош закотчи Мирза Салим Парвоначи, Абдурауф (Бий Хўжа) Карвонбоши Азизов, Мир Мирохўр каби махсус вакиллар сулҳ музокараларида қатнашган. Совет Россияси томонидан вакилларга В.Шмидт, Бухоро ҳайъатига Мирза Салимбек бошчилик қилган<sup>2</sup>. Музокаралар жараёнига В.Шмидт раислик, А.Солькин котиблик, П.Введенский таржимонлик қилган эди<sup>3</sup>. Музокаралар давомида 9 банддан иборат Қизилтепа битими имзоланади.

Битимнинг биринчи бандига кўра, «биргаликда кўрилган чора-тадбирлар асосида Бухоро фуқароларини қуролсизлантириш керак» эди. Мирза Салимбек бу бандга қуйидаги сўзлар қўшилишини таклиф қилган: «Узоқ даштларда чорва молларини кўриқлаш учун қурол-яроғни қолдириш лозим, фақат бу қурол-яроғни тенг ярмига қискартириш ва ўқ отар милтиқларни сочма ўқ отадиган милтиқлар билан алмаштириш керак».

Иккинчи банд дастлаб қуйидагича бўлган: «Мунтазам армияни сўнгги воқеалар содир бўлган пайтдаги миқдорда қолдириш керак. Ҳар қандай жанговар ўт очувчи қурол-яроғлар сотувини таъқиқлаш лозим». Бу банд қуйидаги қўшимча билан қабул қилинган: «Бухоро армияси миқдори 12 ҳарбий қўмондон бошчили-

<sup>1</sup> Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). – С. 192-205.

<sup>2</sup> Ўша асар. – С. 169-206.

<sup>3</sup> Советский Туркестан. № 12. 28 июня 1918 г.

гидаги 12000 сарбоздан ошмаслиги керак. Барча эски мис тўплар Бухоро ҳукуматида қолдирилади. Барча янги тўплар ва пулемётлар, агар улар мавжуд бўлса, Россияга топширилади».

Учинчи банд қуйидаги шаклда ҳеч қандай ўзгаришсиз қабул қилинган: «Бухоро хонлигида яшириниб юрган рус армиясининг барча офицерлари ва рус аксилинкалобчилари топширилиши керак».

Тўртинчи банд битимнинг энг асосий ва катта банди бўлиб, у дастлаб қуйидагича бўлган: «Бухоро ҳукумати зиммасига темир йўлни тиклаш, ҳарбий ҳаракатлар натижасида вайрон бўлган барча давлат корхоналарига келтирилган ҳамма зарарни тўлаш, махсус сайланган комиссия томонидан Бухоро фронтида ҳалок бўлган ва ярадор қилинган солдатлар оиласи ҳамда ўлдирилган тинч аҳолига товон тўлаш кераклиги юклатилди. Бухоро ҳукумати зиммасига Халқ Комиссарлар Совети ихтиёрига 100 вагон буғдой жўнатиш юклатилади». Мирза Салим Парвоначи бошчилигидаги Бухоро ҳайъати бу бандга кескин эътироз билдиргач, у қуйидаги таҳрирда қабул қилинган: «Ўлдирилган тинч аҳоли ҳамда ҳалок бўлган ва ярадор қилинганлар оиласига товон тўлашни ҳар икки томон ҳам ўз зиммасига олади. Бухоро ҳукумати Халқ Комиссарлари Совети ихтиёрига турли пайтларда 100 вагон буғдой жўнатишни таъминлайди ва биринчи ўринда Тошкентга 20 вагон ғалла юборади».

Кейинги бешта банд ҳеч бир ўзгаришсиз қуйидагича шаклда қабул қилинган: «5-банд. Темир йўл, телеграфнинг дахлсизлиги ва темир йўлда хизмат қилувчилар ҳаётини сақлаш. Музокара юритаётган икки ҳукумат томонидан Бухоро хонлиги ҳудудидан ўтувчи темир йўл дахлсизлигини таъминлаш керак».

6-банд. Бухоро ва Ўрта Осиё темир йўлида қўшин олиб ўтилишига ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмаслик лозим.

7-банд. Ҳарбий асирларни ҳеч қандай тўловларсиз ўзаро алмаштириш даркор.

8-банд. Бухоро ҳукумати томонидан Бухоро ҳукумати ҳузураридаги Совет комиссарини сўзсиз тан олиши лозим.

9-банд. Бухоро ҳукумати зиммасига 4-бандда кўрсатилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида келтирилган зарарни қоплаш учун тўланадиган товон пулини хонликнинг камбағал аҳолиси устига юкламаслик кераклиги таъкидланади»<sup>1</sup>.

Ушбу битим остига юқорида номлари кўрсатилган барча шахслар имзо қўйганлар. Шундай қилиб, 9 банддан иборат Қизилтепа битими шартига кўра, озодлиги ва мустақиллигини химоя қилган Бухоро амирлиги ўз ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатлар учун жавобгар деб ҳисобланади ва товон тўлаши лозимлиги белгиланади. Амир ўз сарбозлари миқдорини 12000 кишидан оширмаслик мажбуриятини олади. Шу билан бирга қизил аскарлар ҳам амирлик ҳудудидан чақириб олинади<sup>2</sup>.

Мирза Салимбек битимнинг 1, 2 ва 4-бандларига ўзгартиришлар киритиб, мамлакат манфаатига зид бўлган шартларни рад этишга ҳаракат қилган. У ўзининг «Тарихи Салимий» асарида совет ҳокимияти ва большевиклар сиёсати ўзининг дастлабки кунларидан бошлаб оддий халққа қарши қаратилган шовинистик сиёсат эканлигини ҳамда Бухоро давлатига нисбатан душманона кайфият ва босқинчилик сиёсатини мисоллар ёрдамида кўрсатиб беради<sup>3</sup>.

Мирза Салимбек узоқ йиллар давомида амир саройида турли юқори лавозимларида фаолият юритган. Ўз фаолияти даврида мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъ-

<sup>1</sup> Мирза Салимбек. Тарихи Салимий... – С. 198-205; Протокол соглашения, заключенного между русскими и бухарскими Уполномоченными в КЫЗЫЛ-ТЕПЕ 25 марта 1918 года // Бюллетень САГУ. Выпуск 16. – Тошкент. 1927. – С. 96-98.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент. 2000. 116-117-бетлар; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я. Раджапова. – Тошкент. 2000. – С. 294-295.

<sup>3</sup> Мирза Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). – С. 330.

минлашда фаол иштирок этган. Шунинг билан бирга Мирза Салимбек ўзига юклатилган элчилик вазифасини ҳам юксак маҳорат, сиёсий ва дипломатик билимдонлик билан бажарган. Амирликнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳарбий ҳаётида муҳим ўрин тутган Мирза Салимбек моҳир дипломат сифатида ҳам алоҳида хизмат кўрсатган.

**Резюме.** В статье изучено дипломатическое мастерство Мирзо Салимбека (1848/1850-1930), защитившего интересы Бухарского эмирата в подготовке «Кызылтепинского договора» и подписанного после вооруженного противостояния Амира Алим-хана (1881-1944) с Ф. Колесовым (1891-1940).

**Summary.** The article is enlightened diplomatic skills of Mirzo Salimbek (1848 / 1850-1930), defended interests of the Bukharan emirate in the preparation of “Kyzyltepa peace treaty” signed after the armed confrontation of Amir Alim-khan (1881-1944) with F. Kolesov (1891-1940).

### *Муаллифлар ҳақида маълумот*

Абдукаримов Лочинбек Шихназарович – ЎзР ФА Минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходими: lochinbek@gmail.com

Авазова Жамила Аҳатовна – Республика Таълим маркази бош методисти: avazovajamila@mail.ru

Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., профессор – ЎзМУ ҳузуридаги Тарих институти етакчи илмий ходими: gulaziz@mail.ru

Аллаева Нигора Ашуровна, т.ф.н. – ЎзМУ ҳузуридаги Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси: allnig\_9@mail.ru

Гулбоев Низомиддин Нормаматович – ЎзМУ ҳузуридаги Тарих институти кичик илмий ходими: nizomiddin.uzb@gmail.com

Джуманиязова Феруза Джуманазаровна – Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалари маркази кичик илмий ходими: feruza84@yandex.ru

Дутураева Дилноза Шуқуриллаевна, т.ф.н. – ЎзМУ ҳузуридаги Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси: duturaeva@gmail.com

Жамолова Дилноза Муйдиновна – ЎзМУ ҳузуридаги Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси: dilnoza.jamolova@mail.ru

Зиёдов Шовосил Юнусович, т.ф.н. – Имом Бухорий халқаро маркази директори: shovosil@mail.ru

Ибрагимова Нозима Камилжановна – «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юрти мудираси в.в.б.: nozii\_83@ Rambler.ru

Кличев Ойбек Абдурасулович – Бухоро давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси: klichev\_oybek@mail.ru

Маликов Азим Маннонович, т.ф.н. – ЎзМУ ҳузуридаги Тарих институти катта илмий ходими: kungrat2002@yahoo.com; azim\_malikov@yahoo.com

Мамадалиев Ҳусниддин Муйдинович, т.ф.н. – ЎзМУ ҳузуридаги Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси: khusniddinm@gmail.com

Матниязов Анвар Рустамович – ЎзР ФА Минтакавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходими: anvar\_1977@rambler.ru

Махмудов Шерзодхон Юнусович, т.ф.н. – Фарғона Политехника институти, «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти: sh\_mahmudov@mail.ru; mahmudovsh@gmail.com

Муҳамедов Неъматулло Асатуллаевич, т.ф.н. – Тошкент давлат Шарқшунослик институти хузуридаги Шарқ қўлёмалари маркази директори: nematulloh@mail.ru

Отахўжаев Азимхўжа Музаффарович, т.ф.д. – ЎзМУ хузуридаги Тарих институти етакчи илмий ходими: otaxujayev.a@gmail.com

Полвонов Жалолиддин Неъматжонович – Тошкент давлат Ислон университети тарих кафедраси кабинет мудир: polvonov-1965@yandex.ru

Полвонов Журабек Абдурахмонович – Ўзбекистон Жисмоний тарбия институти, «Ўзбекистон тарихи ва демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси: polvonov-1965@yandex.ru

Полвонов Неъматжон Тураевич, т.ф.н. – Ўзбекистон Миллий университети, «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти:

polvonov-1965@yandex.ru; polvonovnemat@gmail.com

Таниева Гулдона Мамановна, т.ф.н. – Тошкент Темир йўл муҳандислар институти ўқитувчиси: guldonal970@mail.ru

Тошкенбоев Хусниддин Шералиевич – Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходими: temurid@temurid.uz

Хатамова Мунира Маткаюмовна – ЎзМУ хузуридаги Тарих институти кичик илмий ходим: khataмова.2014@yandex.ru

Хидирова Наргиза Ўриновна, т.ф.н. – ЎзМУ хузуридаги Тарих институти катта илмий ходими: nargiza\_hidirova@mail.ru

Шамсиев Мухтор Баҳодирович – ЎзМУ хузуридаги Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси: shamsiev.m@mail.ru

Қандахаров Анвар Ҳасанович – Навоий давлат Педагогика институти катта илмий ходим-изланувчиси: anvar0303\_82@mail.ru

Қўлдошев Шерали Темиралиевич, т.ф.н. – Тошкент давлат

Шарқшунослик институти хузуридаги Шарқ қўлёмалари маркази катта илмий ходими: shsh7783@mail.ru

Ғойибов Бобур Собирович, т.ф.н. – Самарқанд давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси: boburgoyibov@mail.ru

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3-4
Қадимги Хоразмда элчилик хизмати тарихига доир айрим мулоҳазалар. <i>А.Р.Матниёзов</i> .....	5-12
Антик ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши. <i>А.М.Отахўжаев</i> .....	12-29
Сўғдада элчилик муносабатларининг баъзи хусусиятларига доир. <i>Б.С.Фойибов</i> .....	29-42
Турк хоқонлиги ва Хитойнинг Суй сулоласи муносабатлари. <i>М.М.Хатамова</i> .....	42-56
Илк ўрта асрларда Тўхористон ябғулиги ва Хитой ўртасидаги элчилик алоқалари. <i>Ф.Дж.Джуманиязова</i> .....	56-68
Абу Бакр Муҳаммад ал-Қаффош аш-Шошийнинг дипломатик муносабатлардаги иштирокига доир айрим мулоҳазалар. <i>Н.А.Муҳамедов</i> .....	69-76
Ибн Фазлон бошчилигидаги араб элчилигининг Мовароуннахрга сафари. <i>Н.К.Ибрагимова</i> .....	76-83
IX – XII асрларда элчилик хизматини ташкил этишга доир айрим маълумотлар. <i>Ҳ.М.Мамадалиев</i> .....	84-97
Хоразмшоҳлар давлатида элчиларни қабул қилиш маросими. <i>Ж.А.Авазова</i> .....	97-106
Ипак ва мўйна: Қорахонийлар дипломатиясида совға-саломлар. <i>Д.Ш.Дутураева</i> .....	107-120
Амир Темур ва темурийлар давлатида элчи шахси ва унинг дипломатик маҳорати (XIV аср иккинчи ярми - XV аср биринчи ярми). <i>Н.Ў.Хидирова</i> .....	121-129
Темурийлар даври ёзма манбаларида томоша санъати ва унинг элчилик муносабатларида тутган ўрни. <i>Ҳ.Ш.Тошкенбоев</i> .....	129-134
Элчи йироқни яқин, яқинни меҳрибон қилгучидир. <i>Г.А.Агзамова</i> .....	135-142
Дипломатик муносабатларда қўлёзма манбаларнинг ўрни.	

<i>Ш.Ю.Зиёдов</i> .....	143-149
XVI аср Бухоро хонлигида тасаввуф алломаларининг элчилик фаолияти. <i>А.Ҳ.Қандаҳаров</i> .....	150-154
Бухоро амирлигининг Усманийлар империяси билан элчилик муносабатларида ҳаж зиёрати. <i>Г.М.Таниева</i> .....	155-162
XIX асрга оид «Хоразм сафарномалари»нинг Хива хонлигидаги «элчилик хизмати» тарихини ўрганишдаги ўрни. <i>Н.А.Аллаева</i> .....	162-175
Кўкон ва Хива хонликларининг ўзаро элчилик алоқалари тарихига доир (XIX аср). <i>Н.Т.Полвонов</i> .....	176-188
1806-1842 йилларда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги сиёсий ва дипломатик алоқалар тарихи. <i>Ж.А.Полвонов, Ж.Н.Полвонов</i> .....	189-201
Хива хонлиги ва Афғонистон элчилик алоқалари тарихидан. <i>Л.Ш.Абдукаримов</i> .....	202-208
XIX аср охири - XX аср бошларида Хива хонлигида элчилик муносабатлари ва ҳарбийлар. <i>Н.Н.Гулбоев</i> .....	209-216
Кўкон хонлигида дипломатик институтлар: анъана ва ўзига хослик. <i>Ш.Ю.Маҳмудов</i> .....	217-230
Кўкон хонлиги ва Цин империяси муносабатларида элчилик хизмати. <i>Ш.Т.Қўлдошев</i> .....	231-241
Взаимоотношения между Бухарским эмиратом и Кокандским ханством в 1830-1842 гг. (По данным российских архивных источников). <i>А.М.Маликов</i> .....	241-253
Тошкентнинг Россия билан савдо ва элчилик алоқалари тарихидан. <i>М.Б.Шамсиев</i> .....	253-260
Бухоро амирлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихидан (Бухородаги рус сиёсий агантлиги фаолияти мисолида). <i>О.А.Кличев</i> .....	261-273
Мирза Салимбекнинг дипломатик маҳорати. <i>Д.М.Жамолова</i> .....	273-280



**ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЧИЛИК  
ХИЗМАТИ ТАРИХИДАН:  
ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ**

*Республика илмий-амалий конференция  
материаллари тўплами*

**Мухаррир:  
Азиз ҚАЮМОВ**

**Техник муҳаррир:  
Иззатилла ХАЙРУЛЛАЕВ**

**Дизайнер ва саҳифаловчи:  
Абдуқодир ЮЛДАШЕВ**

Нашриёт лицензияси АІ 182. 08.12.2010 йил.  
Босишга 30.11.2016 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x84 <sup>1/16</sup>. Ҳажми 18 босма табоқ.  
Адади 80 нусха. Буюртма № 49.

«Adabiyot uchqunlari»  
Тошкент шаҳар, Ўкчи кўчаси 109-уй.

МЧЖ «Adad plus»да чоп этилди.  
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 28 уй.